ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**5 810300 - “СЕРВИС” таълим йўналиши тингловчилари учун**

# “ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ СЕРВИС”
**фанидан**

# ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ – 2009**

**«МАЪҚУЛЛАНГАН»**
**«Халқаро туризм» факультети**
**илмий кенгашида мущокама**
**=илинган ва маъ=улланган**
**Кегаш раиси________ доц. Эштаев А. А.**
**«___»___________2009й.**

**«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»**
**«Туризм сервиси» кафедраси**
**мажлисида мущокама =илинган ва тавсия этилган**
**Кафедра мудири ________доц.Хамидов.О.Х. (мажлиснинг**
**____ сонли баённомаси,**
**«___»___________2009 й.**

**Тақризчилар:**

**И.ф.н. кат. ўқит. Хамидов О.Х.**

**«Папилон» тур. фирмаси директори И. Юсупов**

**Тузувчилар:**
**Абидова Д. И.**

# КИРИШ

Бугунги бозор муносабатлари шароитида туризм соҳаси иқтисодиётнинг энг динамик соҳаларидан биридир. Шунинг учун ҳам, туризм йўналишида малака ошираётган тингловчилар ижтимоий-маданий сервис масалаларини ўрганиш ва билиш зарур.

Туризмда мотивациянинг энг кучли таъсирларидан бири бу туристнинг дунёнинг турли бурчакларини кўришга бўлган табиий интилишидир.

“Сервис” сохаси йўналишидаги таълим олаётган талабалар учун «Ижтимоий-маданий сервис» фанидан маъузалар ўқитишдан мақсад республикамизда дам олиш индустриясида туристларга хизмат кўрсатиш усуллари билан таништириш Туризм ўзининг маданияти билан таништиришнинг энг қулай кўринишидир. Туризмнинг гуманитар мазмуни шахсни ривожланишига бўлган имкониятини, унинг ижодий потенциалини, билимлар даражасини кенгайтиришга қаратилган. Инсоннинг билимга бўлган интилиши унинг ажралмас фазилатидир. Дам олиш билан бирга бошқа халқ ҳаётини, тарихини ва маданиятини ўрганишда туризмнинг имконияти каттадир. Дунёни ўз кўзи билан кўриш, эшитиш, сезиш-туризмнинг муҳим типланиш функцияларидан бири ва у ўзида катта гуманитар имкониятини (потенциалини) акс этиради. Бошқа мамлакат маданияти ва урф-одатлари билан танишиш инсоният руҳий дунёсини бойитади.

Бу жараёнларнинг кўпи ижтимоий-маданият сервиси (хизмати) курси маданий дастурларни ва хордиқ чиқаришни, хуллас биз сайр томоша индустрияси деб номланадиган тушунча билан боғлиқ бўлган саволларни кўриб чиқади.

Фаннинг ўқитиш вазифалари: талабаларга Ўзбекистон туризмида содир бўлаётган жараёнлар билан таништириш ва сервис хизматини йўлга

қўйиш ҳамда шу орқали бу соҳанинг самарадорлигини ошириш йўлларини ўргатишдан иборат.

"Ижтимоий-маданий сервиси" фани "Сервисда дизайн ва реклама", "Жойлаштирув индустриясида сервис", "Транспорт сервисини ташкил қилиш" "Ресторан сервисини ташкил қилиш" фанлари билан бирга ўрганилади.

"Ижтимоий-маданий сервис" фанини ўқитишда, тингловчилар томонидан фанни тўлиқ ўзлаштиришни таъминлаш мақсадида мавзуларда кўрилаётган масалаларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда илғор педагогик технологияларнинг ақлий ҳужум “кичик гуруҳлар”, “Бумеранг” ва “Кластер” усулларидан фойдаланилади.

Бу усулларнинг натижавийлик даражасини ошириш учун ҳар бир мавзуни ёритишда компьютер, слайдлар, эшитиш (аудио) ва кўриш воситалари, мультимедиа воситалари ҳамда Интернет саҳифалари ва хизматларидан фойдаланиш тавсия этилади.

1- Мавзу. ХИЗМАТ КУРСАТИШ АНИМАЦИЯСИГА ТАЪРИФ.

Режа:

1. Туристларга хизмат кўрсатида-анимация асосий йўналишлардан бири сифатида.
2. Хорижий тур операторларнинг вакиллари.
3. Костюмлаштирилган турлар ва шахар марказидаги анимация.

Хизмат курсатиш менежментидаги асосий йуналишлардан бири анимация хисобланади, яни туристларнинг дам олиш ва хордик чикариш дастурларини жонлантириш хисобланади. Туризмдаги бу куриниш интерер ва сервис жихатидан бир-бирига тенг курортлар ракобати уртасида вужудга келди. «Хизмат курсатиш анимацияси» деган формула ишлаб чикилди.

Анимация-бу буш вактни утказиш учун мулжалланган махсус дастурларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш фаолиятидир.

Бу тадбирлар туристлар томонидан актив иштирок этишни кузда тутилади, уларни экспозицияларда (кургазмаларда) «жоналантирилган» тарихий персонажлар кутиб оладилар еки кечкурун мехмонхонада туристларнинг бевосита актив иштирокида шоулар утказилади.

Анимацион дастурлар уз ичига спорт уйинлари ва мусобакаларини, ракс кечаларини, турли маданий-манавий машгулотлар ва х.з. ни киритади.

Туристик индустриядаги анимациянинг йуналишларидан бири-бу шоу музейлардир, яни кургазмада тарихий даврни тирик экспонатлар катнашадилар. Мисол килиб АКШнинг Плимут шахридаги зерикарли ва кам ташриф этиладиган биринчи инглиз пилигримлари музеи анимация туфайли бугунги кунда энг машхур миллий шоуларидан бирига айланди.

Швеция пойтахти Стокголмда очик осмон остидаги «Скансен», музеи хам бутун дунега машхурдир. Бу швед фолклор кишлоги булиб, у ерга Швециянинг барча минтакаларидан кадимги шахар ва кишлок уйлари

келтирилиб, кишлок кучаларида кизикарли сувенирлар ва халк хунармандчилиги намуналари, кишлок ахолисини эса кадимги швед кийимларида учратиш мумкин.

Дунега машхур парклар: «Диснейленд» (АКШ, Франция ва х.з.), «Порт Авентура» (Испания), Легопарклар (Дания) ва х.з. ларнинг фаолияти анимацияга асосланган.

Европадаги кунгил очар парклар 60-йилнинг охирида пайдо булган. Бирок асосий туристик бумни улар охириги йиллардагина хис эта бошлашди. Хар йили энг йирик хордик чикариш марказларини 10 млн. гача мехмонлар ташриф буюрадилар. Хозир уларни тематик парклар хам деб аташмокда. Амалда фаолиятини юргазаетган парклар кенгайиб бормокдалар ва янги парклар курилиши хам авж олмокда. Факатгина 1995-2001 йй. Европада «Port Aventura», «Legoland», «Warner Brothers”, «Euroland” каби куплаб комплекслар курилди.

Юкоридаги кунгил очар масканларига булган турлар оилавий дам олиш тарафдорлари, келин-куевлар ва кичик ешлар групплари уртасида купрок кизикиш уйготмокда. Шуниси диккатга сазоворки паркларнинг купчилик ташрифчиларини болалар эмас балки катта ешдаги одамлар ташкил этади. Куплаб давлатларда паркларнинг асосий мижозлари хорижий туристлардан иборатдир.

Кизикарли атракционлар билан бирга тематик паркларнинг асосий жозибадорлиги уларнинг атрофидаги содир булаетган вокеалардадир.

Мисол тарикасида Америкадаги Уолт Дисней паркини куриб чикамиз. Хозирги кунда Уолт Дисней империяси 3та тизимни уз ичига олади: “WALT DISNEY WORLD” (Флорида штати), “DISNEYLAND”(Калифорния штати), “EURODISNEYLAND”(Франция).

«Дисней Олами» парклари хакикий америкача фаоилят доираси куламидаги барпо этилган дам олиш ва сайр-томоша килиш индустриясидир. Унинг жозибадорлиги нафакат туристларни хам жалб

этган холда уюштирилган сайр-томоша, овкатланиш, таълим бериш ва узига хос хает тарзидаги муракаб инфратузилмасидадир. Балки бутун дунедан келган туристларнинг эрталабки ва кечки нонуштада ва бошка тадбирларда хам Уолт Дисней кахрамонлари билан биргалиги кечаю-кундуз афсонавий вактга тушиб колгандай хиссиётдадир хам. Мисол учун "MAGIC EYE" театрида утказиладиган супершоуда полнинг филм сюжетига караб харакатга келиши каби театрал эффектлар билан бирга стереокинонинг охириги технологиялари келган одамларни экранда булиб утаетган вокеаларнинг хакикийлиги хиссиетини кучайтиради.

"WALT DISNEY WORLD" (WDW)-Флорида штатидаги Орландо шахрида жойлашган энг машхур американлик тематик паркдир. Унинг атрофини кейинчалик вужудга келган бир катор парклар тизилмаси ураб туради.

Асосий парклардан бири WDW, „MAGIC KINGDOMS" (Мужизали Подшолик) да, 40 тадан зиед аттракционлар жойлашган. Бу ерда сиз АКШ нинг бош кучасида сайр килишингиз, «Саргузаштлар мамлакатига» ва «Фантазиялар мамлакатига» сайр килишингиз мумкин.

„MGM" паркида «Келажак мамлакатига» ва «Кичиктирилган дуне» га (бу ерда куплаб мамлакатлар жуда кичик холатда акс этирилган)ташриф этишингиз мумкин.

«MGM STUDIOUS» паркида хозирги кунга кадар бадиий филмлар суратга туширилмокда. Бу паркга келаганда сиз съемка туширилаетган сахнага ташриф этиб «юлдузли урушлар» да иштирок этишингиз, Олловуддин хакидаги эртакдаги жин билан ва куплаб кахрамонлар билан мулокотда булишингиз мумкин. Сансет булваридаги «Дахшат минорасида» такдирингизни синаб куришингиз еки «Юлдузлар театрида» Гузал ва Махлукни учратишингиз мумкин.

«ANIMAL KINGDOM» (Хайвонлар дунеси) паркида хашоротлар хаети тугрисида махсус кинозалда стереоскопик триллер намойиш

этилади. Уткир хиссиетни бошдан кечирмокчи булганларга Юра эрасининг паркида динозаврларни томоша этиш таклиф этилади.

Яна бир кунгил очар тадбирлардан бири бу WDW- аквапарклари, улар учтадир. Бу ерда батискафда сув остига тушиш, кораллларнинг антика турлари билан танишиш, хакикий цунамини бошдан кечириш мумкин.

«Дисней олами» тизимида яна иккита парк билан танишиш мумкин. Булар «Gatorland» ва «Pleasure Island» лардир. Биринчисида улкан тошбакалар устида саехат килиш ва тимсохларнинг улим жангини куриш мукин. Иккинчисида у факат кечкурун ишлайди (соат 9 дан эрталабгача) ва факат балогот ешига етганлар 21 ешдан кейин, бу ерда мижозлар учун 7 та кечки мусикий клублар ва ресторанлар мавжуд. Бу ерда Марк Твен давридаги  гилдиракли кемада саехат килиш имкони бор. Ташрифчилар хар кеча янги йилни кутиб оладилар.

Америкадаги кинопарклар хам шу каби йуналишда фаолият курсатадилар. Улар каторига «UNIVERSAL» (тула номи UNIVERSAL STUDIOS HOLLYWOOD) номли тематик парк ва Орландода жойлашган UNIVERSIAL номли парк киради. «UNIVERSAL» бу экран ичига тула кириб боиш ва кизикарли триллердаги ижрочилардан бирига айланишнинг дунедаги ягона имкониятларидан биридир.

Юкорида айтиб утилган га ухшаган парклар дунеда купайиб бормокдалар. Масалан кутб чегарасидан кейин жойлашган «Сантапарк» 1999 йилда Лапландия пойтахти Ровенаемида очилди. Паркнинг асосий максади сайр-томоша маркази булиб у Сювясенваара» гигант горида курилган. Унинг ичига чиройли безалган дарвозадан утилиб сехрли туннел оркали кириш мумкин.Парк ташрифчиларини куплаб гаройиб тирик песонажлар кутиб оладилар. Сайехлар уз кузлари билан Санта Клауснинг шимолий осмонда уз улкалари узра парвозининг шохиди булишадилар.

Шунга ухшаш кизикарли программаларни Испаниядаги «Порт Авентура», куплаб немис, британия тематик ва анимацион паркларида куришимиз мумкин.

Куплаб давлатларда тематик паркларга ташриф буйириш туризмнинг алохида куринишига айланди. Сайр томоша жойлари атрофида купинча юкори даромадли мехмондустлик индустриясининг тизими шаклланади. Мисол учун Сан-Фрацискодаги (АКШ) машхур «Диснейленд» парки ташрифчилари учун 27 турли категориядаги мехмонхоналар барпо этилган. Париж «Диснейленди» ташрифчилар учун киска йуловчи масофада 6 та, люкс (беш юлдуз) ли дан бошлаб «budjet» даражасигача булган отелни таклиф этади.

Парк территориясида тухталган саехатчилар учун катта микдорда чегирмалар бор. (парк билетлари арзонлиги, бошка ташрифчиларга нисбатан бир соат олдин аттракционлардан фойдаланиш хукуки ва х.з.)

Хорижий тур операторлар далилиги буйича тематик паркларнинг ташрифи йилдан йилга тез суратда ошиб бормокда. Агар илгари саехларнинг асосий кисми чипталарни паркга киришда сотиб олса эндиликда чипталарнинг купи тур пакет нархига киритилмокда.

**Костюмлашган** турлар - бу анимацион туризмнинг яна бир авангард йуналишларидан биридир. Шундай турлардан бири америка ранчосида хордик чикариш киради. Бу ерда туристлар ковбойлар кийими ва аслахаларини билан таъминланади, инструкторлар томонидан отда юришга ва ковбойлик сирлари билан танишадилар. Ковбойлар хаетига максимал даражадаги таклид (ковбойлар таомлари, кийими, машгулотлари) улар хает тарзига тула кириб кетишга имкон яратади.

Австриянинг пойтахти Венада эса профессионал баллар булиб, уларда туристлар хам катнашиши мумкин. Бу ерда Австрия куролли кучлари офицерлариниг, фармацевтларнинг, овчиларнинг, кандолатчиларнинг, кир ювувчиларнинг баллари булиб утади. Балл

ташрифчилари 19 аср модасига мосланган костюм ва куйлакларини ижарага олишлари мумкин. Бундай турлар туристлар уртасида катта кизикиш уйготади. Улар биронта каср еки поместеда утказилиши мукин. Бунинг учун маълум ташшабус ва фантазия талаб килинади.

Спорт еки этнофолклор, саргузашт еки хобби-турлар сценарий ва реквизит буйича маълум характерга эгадир. Бирок уларни умумлаштирадиган нарса бу программани туристнинг бевосита иштироки да жонлантириш хисобланади.

Бошка йуналишлардан бири бу мехмонхона ва дам олиш марказлари (курортларда) иг бевосита анимациядир.

Аниматорлар (Асосан ёшлар) туристлар билан туну-кун бирга ишлашадилар. Уларнинг асосий вазифаси одамларни зерикиб колишига йул куймаслик. Купинча бундай одамлар all-inclusive клубларида учраб турадилар. Кундузи туристлар уларни бутик пештахта (дуконлари) еки кортларда, спорт мусобакаларида еки балик овида инструктор сифатида куришлари мукин. Кечкурун эса аниматорлар ранг-баранг шоулар ташкиллаштирадилар. Форма сифатида аниматорлар ёркин рангдаги футболкалрни, туристлар уларни узокдан куришлари учун кийишади. Футболкада аниматор исми-шарифи ва кайси тилларда гаплашишини курсатдиган давлат байроклари акс этирилган булади. Улар жуда хушмомилалидирлар. Турист билан эски кадрдонидай сурашишади: «Кечаги экскурсия ёкдими? Кетдик волейбол уйнаймиз.» Кучли одамларнинг юзига булган хотира уларнинг касбий мажбуриятидир (бурчидир).

Аниматорлик касби кизикарли ва кувнокдир. Лекин бундай нон топишнинг узи булмайди. Эрталаб аниматорлар аэробика буйича машгулотларолиб боради, пляжда туристларнинг хордигини чикарадилар. Кундузи уларни экскурсияларга олиб чикишади ва хар хил нарсалар харид килишида кумак лашадилар. (арзонрок дукон топиб берадилар, сотувчи

билан савдолашиб молни арзонрок харид килиб беришади). Кечкурун – шоу, яна бар ташрифчилари зерикмаслигидан хабардор булиб туришади. Кимнидир раксга таклиф этиш , ким биландир сухбатлашиш керакдир. Шунинг учун аниматор булиб асосан ёш кишилар ишлашади.

Тил тусиги эркин сухбатлашишга йул куймайди. Шунинг учун аниматорларга куйиладиган асосий талаб камида иккита ва ундан купрок тилда гаплашиши зарур. Шундагина аниматор турли давлатлардан келган туристлар билан ишлаши ва зарур мутахасисга айланиши мумкин.

Яхши мисол сифатида аниматорларнинг „Club Med” курортлар тизимидаги иш фаолиятини келтириш мумкин. „Club Med” га аниматор булиб тушаетган одамлар универсал билимлар ва касбларга эгадирлар. Улар нафакат еш энергияга тула камида иккита тилни билишлари керак балки комуникабеллик ва артистик кобилиятга эга булишлари зарур. Бу ерда махсус мансаб уйлаб топилди-00 (джи оу) фрацузчадан олиниб Gentils Organisateurs - «азиз ташкилотчилар». 00-асосий вазифалари „Club Med” барча шахарчалари ажралиб турадиган шундай еркинлик ва табиийлик атмосферасини вужудга келтиришдир. Агар бар столи атрофида мехмон зерикиб колган булса 00 албатта унинг олдига келиб сухбатга чорлайди. Уларнинг захирасида хар доим бирорта хазил еки кизикарли фикр мавжуддир. Мижозларни хам бу ерда gm (джи эм)-Gentils Members- «Азиз клуб аъзолари» деб номлашади. 80 давлатни намойиш этаетган аниматорлар туфайли (60), “Club Med” нинг хохлаган шахарчасида хордик чикариш тухтовсиз байрамга айланади.

Турлар ва анимацияларни ташкил этишда байрамлар ва машхур вокеалар календаридан фойдаланиш катта ахамиятга эга. Туристларнинг маълум байрамларга ва саналарга булган кизикиши, мотивация ва бу кизикишни «жонлантирилган» (анимацион) куриниши, туристнинг бевосита катнашуви хизмат курсатиш дастурини анча жонлантиради. Албатта, бундай байрамни ташкиллаштириш кимматга тушади. Шунинг

учун купинча доимий фаолият олиб борадиган анимацион дастурларни амалга ошириш таввакални камайтиради.

Шундай килиб юкорида айтилганларни мужассамлаштирсак туризмда анимация формуласи деб куйидагиларга айтишимиз мумкин: кизикишдан фойдаланган + Кургазмани жонлантириш + туристларни турли-туман кунгил очар фаолиятларга бевосита катнаштириш.

Бундан келиб чиккан холда анимацион тур оперейтинг методик асосларини куйидагича тушунишимиз мумкин:

- Сайр томоша ва хордик чикариш марказлари, фестивал, карнавал ташкилотчилари билан операторнинг якиндан мулокотда булиши ва шундай тадбирларни хизмат курсатиш дастурига киритиш.
- Булиб утадиган хордик чикариш ва томоша вокеаларнинг сценарийининг шахсий-психологик кабул килинишини инобатга олиш.
- Туристнинг маршрутда вужудга келиши мумкин буладиган истакларини кузда тутилиши, сценарий буйича ишлаб чикилган хизмат курсатишни тула спектирида олиб борилиши.
- Аниматорларнинг туристлар билан биргаликда айрим табиий еки бошак ходисалар таъсири туфайли дастурга узгартириш киритилиши.

Умуман анимацион тур оперейтинг деганда сайр-томоша ва сервис комплексларининг хар бир туристга шахсий ендашув сохасидаги кенг хамкорлиги тушунилади.

Асосий вазифа туристга шундай кулайлик яратиш керакки унда саехатчи узини булиб утаетган дастурнинг бевосита иштирокчиси сифатида хис этиши, дам олиш унга хаетининг энг ажойиб лахзалари куринишида эсда колиши керак.

## 1.2 Хорижий тур операторларнинг вакиллари.

Туроперейтингнинг мухим томонларидан бири булиб ташшабускор хорижий тур операторнинг фаолияти хисобланади, яни хорижий

вакилларнинг хизмати.Туроператорнинг хорижий вакиллари-улар турист тугрисида минтакада (мамлакатда) гамхурлик киладиган кишилардир.Улар вазифасига трансфер, туристларни жойлаштирилиши ва яшаши, режалаштирилган ва кушимча экскурсиялар, кушимча хизматлар курсатиш юклатилади.

Улар компетенциясидан, сидкидилигидан ва коммуникабелигидан туристларга хизмат курсатишнинг куп томонлари боглик булиб колади. Хизмат курсатишнинг кундалик масалаларини улар хал килишади. Мавсум давомида улар хафтанинг етти куни хам банд булишади, экстремал вазият хал этиш учун, телефон кунгироги уларни кечаси хам безовта килиши мумкин. Шунинг учун туроператор олдида бу лавозимга кимни маъкул топмок, деган савол тугилади-махаллий одамними еки узининг вакилиними?

Хорижий претендент чет эл вакиллигига бир томондан купрок имкониятларга эга булади. У махаллий ахолининг географияси, урф-одатларини, тилини еки уша ернинг лахжасини, махаллий саноат ишлаб чикарадиган молларни, уларнинг сифатини, дуконлар сотувчилари, мехмонхона хужайинлари, хизматчилари билан таниш булиши, стоппинг билан боглик булган муаммоларни хал этиши мукин. Бошка тарафдан олганда у мижозларнинг маданияти урф-одати, тили билан нотаниш булиши мукин, бу нарса айникса биринчи мартта чет элга чикканлар учун салбий таъсир курсатиши мумкин. Бундай вазиятда ишга кузланган регионда (мамлакатда) доимий равишда истикомат киладиган, лекин бир неча йил чет элда, туристлар келиб чикиши мамлакатида яшаб келадиган одам айни мудао булар эди. Шунда у максимал равишда эффектив ишлаши мумкин булади.

Шуни эсда тутиш зарурки айрим давлатлир чет элликларни ишга кабул килишда чекланишлар киритганлар.

Купинча туроператор вакиллари хакидаги маълумот мехмонхона холининг стендига куйилган булади, бирок агар туроператор мехмонларни курортнинг икки ва ундан ортик отелларига жойлаштирса, вакиллар отелга турли туристик-экскурсион масалаларни хал этиш учун кун ичида ташриф буйуриши мумкин.Бундай холатларда улар томонидан хар бир мехмонхонани ташрифи графиги тузилади.

Хорижий туроператорларнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- Туристларни трансферини таъминлаш.
- Туристларни мехмонхонага ташрифида жойлаштириш ва хизмат курсатиш тугагандан кейин уларни отел руйхатидан чикариш.
- Валюта айрибошлаш, допинг ва х. лар буйича консултация бериш.
- Мехмонхонада тартиб сакланиши ва мехмонлар хак-хукукларини таъминланишига жавобгарлик.

## Хулоса

Хизмат кўрсатиш анимацияси мавзусида туристларга дам олиш ва ҳордиқ чиқаришда дастурларини жонлантириш. Бу тадбирлар туристлар томонидан актив иштирок этишни кўзда тутади, уларни экспозицияларда “жонлантирилган” тарихий персоналлар кутиб оладилар. Бу мавзунинг асосий мақсади саёҳатчи ўзини бўлиб ўтаётган дастурнинг бевосита иштирокчиси сифатида хис этиши, дам олишга унга ҳаётдан энг ажойиб лаҳза кўринишида эсда қолиши керак.

Турлар ва анимацияларни ташкил этишда байрамлар ва машхур вокеалар календаридан фойдаланиш катта ахамиятга эга. Туристларнинг маълум байрамларга ва саналарга булган кизикиши, мотивация ва бу кизикишни «жонлантирилган» (анимацион) куриниши, туристнинг бевосита катнашуви хизмат курсатиш дастурини анча жонлантиради. Албатта, бундай байрамни ташкиллаштириш кимматга тушади. Шунинг учун купинча доимий фаолият олиб борадиган анимацион дастурларни амалга ошириш таввакални камайтиради.

**Таянч иборалар:**

Анимация, тематик парклар,

Шоу – музей, аквапарклар,

Сувенирлар, кинопарклар,

Халк хунармандчилиги, байрамлар календари.

**Назорат саволлар:**

1.Туризда анимация деганда нимани тушунасиз?

2.Туризмда анимацион йуналишлардан кайсиси сизга маълум?

3.Шоу-музей деганда нимага тушинасиз, уларга мисоллар келтиринг.

4.Анимацион программалар туристларни бошка объектларга богланмаган холда жалб эта оладими еки йукми?

5.Костюмлаштирилган турларнинг мохияти нимада? Сиз уз имнтакангизда кандай костюлаштирилган турларни таклиф этишингиз мумкин?

6. Курорт ва отелларда ким томонидан ва кандай килиб туристларга анимацион хизмат курсатилади?

7.Туризмдаги анимация формуласини ифодалаб беринг.

8.Анимацион туроперейтинг тушунчасини ифодалаб беринг. Унинг принциплари нимага асосланади?

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини

фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 2-Мавзу. ДАМ ОЛИШ ТИЗИМИ ЭГАЛИК. ТАЙМШЕР.

1. Клубли дам олиш тизимининг ривожланиши
2. Курорт сифатини назорат қилиш тизими.

Ижтимоий туризми кутибининг карама-карши томонида туризмнинг энг жадал суратларда ривожланаетган секторларидан бири –бу клубли дам олиш тизимига эгалик, купрок таймшер номи билан маълум булиб келмокда. “Travel Industru” журналининг 2001 й., январ ойидаги далолатига кура охириги ун йилликда дам олишга эгалик туризм индустриясининг умумий усишига нисбатан усиши анча юкори.

Дам олишга эгалик тизими жахон туристик бизнесининг тез усувчи секторларидан биридир:

- У 88 давлатда уз ривожини топди.
- Хозирги кунда шу тизимда фаолият юрутувчи 4500 дан ортик курорт-туркомплекслар мавжуд.
- Дам олиш тизими эгалари дуненинг 174 мамлакатида истикомат килишади.
- 3.14 млн. оилалар дам олиш тизимига эгадирлар.
- Бу тизимдаги сотувлар хажми 10 млр. Дол. (2002) ошиб кетди.

Умумжахон Туристик Ташкилоти статистикаси буйича 1985-2002 йй. Туризм усиши 30% ташкил этган булса дам олиш тизимидаги алмашувлар 87.7% усиб 2.8 млн. алмашувга тенг булди. Европа бозорида бу ракамлар янада янада юкори булиб 158% усиш билан 517000 алмашувни ташкил этади. Охириги ун йиллик ичида бу секторнинг усиш

суратлари умуман туризм усиш суратларидан анча устун булиб, йилига 10-12% ташкил этди.

Дам олиш тизими харидорлари-асосан узига тук, юкори даромадга эга ва хизмат курсатиш андозларга баланд талаб куйувчи оилалардан ташкил топган. Дам олишга эгалик ва унинг турлари- таймшер, клубли дам олиш, мехмонхонада дам олиш туловнинг бир куриниши ва маълум вакт ичида юкори сифатли жойлашиш воситасига эгалик булиб, уни хохиши буйича бошка жойга алмаштириши мумкин. (Дуненинг 4350 курортига ва Европанинг 1289 курортига). Дам олишга эгалик бу мижознинг истакларига максиамл равишда мослаштирилган- тур махсулотдир.

Ragatz Association ассоциациясининг Америка, Европа, Осие ва Австралияда утказган тадкикотлари харидорларниг ижтимоий-иктисодийкурсаткичлари бутун дунеда ошишидан далолат беради. Шимолий Америкадаги бу дам олиш воситасига эгаларнинг ярмидан купи 35дан 55 ешгача. Эгалларнинг купчилиги (85%) -оилалилар булиб, факат 33% болаларга эгадирлар. Бу одамларнинг уртача йиллик даромади 80.000 ва ундан купрокни ташкил этади. Купчилиги олий малумотга эга. (54% эса энг нуфузли колледж ва университетларни тугатган.

Масалан Англиялик таймшер эгаси уйланган, 35 ешдан юкори, чакалок еки жуда еш болалари йук). Таймшер сотиб олиш мотивлари турли хилдир. Ragatz Association тадкикотлари буйича таймшер эгаларининг 72% клубли дам олишни харид килишга асосий сабаб дам олиш жойини узгартириш имконитилиги деб таъкидлашди. Бошка сабаблар: такдим этилаетган апартаментларнинг сифати 62%, малум курортда дам олиш одати 58%, булинажак сарф-харажатларни камайтириш имкони 56%.

Дам олишга эгалик концепцияси харидорларга малум муддат ичида (мавсум еки интервал) хар йили апартамент, еки туристик мажмуанинг (клубнинг) бошка яшаш воситаси билан фойдаланишга хукук беради.

Харидор клубга аъзолилига келишилган туловни утказгандан кейин хар йили йиллик взносни тулаб туради холос. Бу тулов клуб воситаларини яхши холатда саклаб туриш учун сарфланади (махаллий туловлар), ва бошка клубда хордик чикариш имкониятини беради. Сотув вакти оддатда хафталарга (интервалларга) асосланади, ва 51 хафтадан ортмаслиги керак.

Апартаментларда (модулларда) утказиладиган вакт мавсумларга-кизил, ок, кук (мавсум, мавсумлараро, номавсумларга) булинади. Шундай килиб интевал, модул, ва мавсум харид этилади. Хириги пайтларда клубга аъзолик баллар (кредит очколар) куринишидабахоланадиган булди.

Жойлаштириш воситаларининг кулайлиги ва модул размерлари куйидагича:

- Студия, Люкс-хона (2 уринлик)- Т-1;
- Бир етокхонали ва мехмонхонали номер (4-уринлик)- Т-2;
- Икки етокхоналик ва мехмонхоналик номер (6-уринлик)- Т-3;
- Уч етокхоналик вамехмонхоналик номер (8-уринлик)- Т-4; ва х. з.

Махсус проектлаштирилган модуллар купинча куйидаги элементларни уз ичига киритади: терраса, балконлар, бассейнлар, джакузи, видеотизимлар ва х.з. шунингдек ошхоналар ( тула, ярим, алохида ва х.з.). Охиригилари одатда идиш-товок комплекти, музлатгичлар, микротулкинли тандирлар, комбайнлар, кир ва идиш-товок ювиш машиналари ва х.з. лар билан жихозланган булади.

Курортнинг (мажмуанинг) уртача сигими 50 номердан иборатдир. Мижозлар учун энг куп кизикиш уйготадиган жойларда жойлашган курортлар куйидагиларга ажратилади: пляжли (Испания, Португалия), шахарли (Лондон, Париж, Вена), тогли (Австрия), тематик дам олиш парклари (АКШ-Орландо, Флорида ваКалифорния, Испаниянинг шимоли-шарки). Курортлар махсус программалар буйича аффинация килинади. Модулнинг уртача бахоси 6.500 долл. дан 9.500 гача узгаради. Мисол учун

Испанияда иккита етокхонали уртача номер бахоси 7.500 долл. бирок уратча курсаткич 8.000. мавсумда; 5.200 ва 3.800 долл.- мавсумлararода ва номавсумда;

Купгина курортлар бир йилда 50 еки 51 интервал (хафта) ни сотишади.

Европа энг куп ташриф буйурадиган минтакадир. 2001 йилда 400 млн. ташриф (51% умумий ташрифлардан) ва соутвлар хажми 314,7 млр. Долл. ташкил килди. Бунда 47% ташриф Гарбий Европага ва 4% зи Марказий ва Шаркий Европаларга тугри келган.

Дам олишга эгалик индустиряси фрагменлаштирилган. Унда бир неча катнашувчи мавжуд: прмоутерлар (проектларни ишлаб чикувчилар); сотув буйича мутахасислар; курортларни бошакрадиган компаниялар; Дам олиш жойларни алмаштириш билан шугуллнадиган компаниялар; Дам олишга эгаликни кулга киритганлар хукукини химоя киладиган траст еки васийлик компаниялари. интервалларни кайта сотадиган компаниялар (иккиламчи бозор); индустрияда фаолият олиб борувчи мутахасислар-адвокатлар, аудиторлар, консультантлар ва х. з. лар.

Бу сохадаги бошкаручилар олдида турган вазифалар куйидагиларни уз ичига олади: курортнинг бунед этилиш жойини белгилаш, молиялаштириш, юридик тизимни барпо этиш, маркетинг ва курортни бошкариш буйича компанияларни жалб килиш еки вужудга келтириш, эгаллик ассоциациясини тузиш, алмашув буйича бошка компаниялар билан хамкорликни йулга куйиш ва х. з.

Мижоз биринчи ташриф буюрадиган жой –жойлаштириш хизматидир. У уч максад учун хизмат килади: эгаллар ва алмашув учун келган мехмонлар учрашув жойидир, таймшерни харид этмок учун куроргга ташриф буйурган потенциал харидорлар учун асосий пунктдир. Курорт ички сотувга (курортнинг узида), ташки сотувга (курортдан ташкарида) еки юкоридаги иккала усул билан сотувга куйилиши мумкин.

Хозирги кунда KCI- компанияси дам олишга эгаликни кулга киритган мижозларга дуне буйлаб алмашув олиб бориш хизматини курсатишда етакчи уринни эгаллайди. У дуненинг 32 мамлакатида 64 офисга эгаллик килади ва клуб аъзоларига 20 тилда материаллар чоп этади. 2000 йилда компания 2.6 млн зиед алмашувни амалга оширди.

Шундай килиб 4 млн. дан 7млн. гача киши узининг дам олишини KCI ердамида амалга оширди. Компанияга тегишли оила аъзолари 3млн. кишидан зиед булиб 180 давлатда истикомат киладилар.

KCI курортлар тармоги дуненинг 80 мамлакатидаги 3000 та комплекслар (клублардан) иборатдир. Компания усишининг асоий сабаби учта таянч булимларга булган сармоялардан иборатдир: компютерлаштириш воситалари, турли мамлакатдаги вакиллик, хизматчилар (KCI да 4000 зиед мутахасис ишлайди).

## 2.2 Курорт сифатини назорат килиш тизими.

RCI компанияси уз ичига куйидагибир катор фирмаларни уз ичига олади: Спейсбанк, RCI-Тревел, RCI-Консалтинг, RCI-Менежмент, RCI-Компютер. Спейсбанкга хафта учун бадал киритилгандан кейин, унга мавсум, модул хажми, курортга булган талаб унинг жойлашишига, бадал киритилган вактига ва курорт сифат даржасига караб нарх белгиланади. Курортнинг сифат тизимини назорат этиш мижозларга боглик. Агар унинг сифати RCI белгилаган стандартлардан паст булса, курортнинг RCI даги аъзолиги тухтатиб куйилади еки умумий тармогидан четлаштирилади. Куротнинг даражасини аниклаш 1991 йил сифатни яхшилашни рагбатлантириш учун ишлаб чикилган. Дастур иккита сифат туркумини уз ичига олади – «Олтин тож» ва «Халкаро даражадаги хизмат курсатувчи олий даражадаги курорт». Бу макомга RCI тизимига кирган курортлар эришишлари мумкин.

Хамма тарафдан кабул килинган дам олишга эгалик тизими мавжуд эмас. Айримлар тизимни олдиндан туланган дам олиш деб карасалар бошкалар унда кучмас мулкка эгалик деб тушунадилар. 1994 йил 26 декабрда Европа парламенти ва кенгаши томонидан берилган хужжатда «Булинган вакт режимида харид килинаетган кучмас мулкдан фойдаланиш хукуларини, контрактларнинг айрим аспектларида харидорлани химоя килиш директиваси» деган курсатма ишдаб чикилди. (1994/47/ ЕС 26 декабр 1994 йил).

Директива куйидаги асосий тушунчаларни киритади: булинган вакт ичида битта ва ундан ортик объектларга камида уч йилга эгалик учун тузилган контрактлар, келишувлар; сотувчиларнинг харидорга нисбатан минимал мажбуриятлари; контракт тузилгандан кейин харидорнинг сабабини тушунтирмай 10 календар кун ичида контракни бекор килиш хукуки; контракт тугрисидаги таркибий маълумотлар, «харидор», «сотувчи», «кучмас мулк» каби тушунчаларга изох.

Дуненинг катор мамлакатларида дам олишга эгалик билан боглик конуний ва хукукий нормалар мавжуд. Масалан Буюкбританияда- бу киролича Елизаветанинг 11 Таймшер тугрисидаги 1992 й Акти, Мен оролининг булинган вакт ичида фойдаланишга рухсат Акти 1994.;
Германия конуни 1996 й.; Португалия 1993 й.; ва бошкалар.

АКШда кучмас мулк ва дам олишга эгалик конуни 1983. узгартиришлар 1993 й, ва 1995 й. Европанинг хамма давлатлари 1994 ЕС директиваси буйича таймшер сохасида уз конунларини шу директивага мослаштирмокда.

## Хулоса

Клубли дам олиш тизимга эгалик кўпроқ таймшер номи билан маълум бўлиб келмоқда. Дам олишга эгалик концепцияси харидорларга маълум муддат ичида ҳар йили апротамент ёки туристик мажмуанинг бошқа яшаш воситаси билан фойдаланишга ҳуқуқ беради.

Дам олиш тизими харидорлари-асосан узига тук, юкори даромадга эга ва хизмат курсатиш андозларга баланд талаб куйувчи оилалардан ташкил топган. Дам олишга эгалик ва унинг турлари- таймшер, клубли дам олиш, мехмонхонада дам олиш туловнинг бир куриниши ва маълум вакт ичида юкори сифатли жойлашиш воситасига эгалик булиб, уни хохиши буйича бошка жойга алмаштириши мумкин. (Дуненинг 4350 курортига ва Европанинг 1289 курортига). Дам олишга эгалик бу мижознинг истакларига максиамл равишда мослаштирилган- тур махсулотдир

**Таянч иборалар:** Таймшер, интервал, промоутер, траст компаниялар, иккиламчи бозор, фрагментация, эгалар ассоциацияси.

**Назорат учун саволлар.**

1.Дам олиш тизими тушунчасига изох беринг?

2.Ахолининг кайси кисмига бу тизим мулжалланган?

3.Таймшернинг анъанавий туристик дам олиш тизимига нисбатан жозибадорлик сабабларини курсатинг?

4.Сотиш вакти (интервал) нимага асосланади?

5.Интервал кайси мавсумларга (рангоарга) булинади?

6.Модуллар узининг сигимига ва мижоз учун жозибадорлигига караб кандай ажратилади?

7.Курорт деганда нимани тушунасиз. Курортларнинг мижоз учун энг мафтункор, бир-биридан фарк килиб турадиган сифатларини санаб утинг.

8.Европа ва дунеда таймшернинг ривожланишини характерловчи мисолларни келтиринг.

9.Дам олишга эгалик индустриясини вужудга келтирувчиларини ва катнишувчиларини курсатинг.

10. RCI компанияси деганда нимани тушунасиз, RCI нинг кандай кушимча компанияларини биласиз, уларни вужудга келтиришдан максад.

11.Дам олиш тизимига эгалик контракти деганда нимани тушунасиз?

12.Дам олиш тизимига эгаликда мижозларни химоя килувчи хукукий актларни санаб утинг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999

12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 3-Мавзу. ТУРИЗМ ВА ЭКОЛОГИЯ. ЭКОТУРИЗМ. ТУРИЗМДА ЭКОЛОГИК МЕНЕЖМЕНТ.

**1. Туризм индустрияси ва экология.**

**2. Экологик менежмент тизимининг фаолияти ва ревизиялар.**

### 3.1. Туризм индустрияси ва экология.

Саехатлар ва туризмнинг жозибажор томонларидан бири бу табиатга ва атроф мухитга булган эхтиеткор муносабатдир. Одамзод тасири кам ва яхши сакланган табиат бурчаклари ва маданий мерос обидалари ичидаги бунед этилаетган туристик мехмонхоналар, кемпинглар, курортлар кундан кунга жуда хам машхур булиб экологик онгга эга ва тайерланган туристларни узига жалб этмокда.

«Атроф мухитни химоя этиш, бойиш ва факат фойда олишга каратилган шахслар ва ташкилотлар таъсири остида колиб кетмаслиги даркор.»,- деб айтилганди Монреал туризм буйича декларациясида (1996 й.). Халкоро туристик ташкилотнинг Европа буйича вакили Питер Шелфорд табири буйича «экотуризм» термини туризм индустриясида 10 йилдан ортик ишлатилмокда, бирок бу тушунчага хар хил маъно куйилади. Айрим жихатдан экотуризм- одам таъсири булмаган табиатда экологик тенгликни сакланиб туришига каратилган табиат бурчакларига саехат. Бошка жихатдан экотуризм термини сотугв каратилган турмахсулотдир. Бирок иккала жихатда хам экотуризм туризмнинг ривожланишига каратилган элементидир. Маълумки туризм атроф мухитга турлича таъсир курсатади. Туриндустрия мамлакатнинг табиий, маданий ва тарихий ресурсларини эксплуатация килади, ерга мулкчиликни талаб этади, чикиндилар чикаради, хаво, сув ва тупрокни ифлослантиради, табиатга улан антропоген таъсир утказади.

Охириги ун йиллик ичида атроф мухитни мухофаза килиш молиявий назорат, бозор факторларини ва тегишли хукукий чораларни хисобга олган холда янги даражага кутарилди.

Европа иттифоки 1893/93 «Экологик менежмент ва ревизия тизимида компанияларнинг уз хохиши билан иштироки хакида» баенномасини ишлаб чикди. Экологик менежмент методикасига асосланган холда тур фирма узи еки буюртма бериб объектив экоревизия утказиши мумкин. Бундан кузланган максад туристик фаолиятнинг экологик аспектларини бошкарищдир.

Мисол учун, Финляндия экологик онгли менжмент тизими туристик корхоналардаги экоревизияни утказишда куйидаги саволларни киритади:

- Саехатларни утказишда экологик онгли туристларга булган талаблар.

- Туристик корхоналар томонидан хом-аше, сув ва электро-иссиклик энергияларини тежашга каратилган чоралар.
- Финляндия чикиндилар тугрисидаги конунга мос келадиган фаолиятни олиб бориши.
- Туристик корхоналар алохида туристик хизмат кусатадиган, махсус характеристикаси.

Атроф мухитга таъсир этиш натижалари куйидаги йуналишлар буйича бахоланади:

1. Хаво: хид (электро ва иссиклик энергиясини ишлаб чикариш ва истеъмоли, овкат тайерлаш, туристлар ва ходимлар томонидан ишлатиладиган транспорт).
1. Сув: сув таъминоти, сувнинг истеъмол килиниши (ошхонада, йигиштишда, саунада, номерларда, туристик хизматлар курсатилишида).
2. Тупрок ва ер ости сувлари:ер катламларида жойлашган сувларнинг химояси (туристик хизматлар курсатиш жараенида, чикиндиларни утилизация килиш чогида).
3. Шовкин: шокин даражаси ва таркиби: (дам олиш жойларида, тур.хизматлар курсатилаетган вактда).
4. Визуал таъсирлар: территория; атроф ерлар; ландшафт; бинолар; маркетинг; чикиндилар; тур. хизматлар.

Экоревизиялар туристик корхоналар амалиетда мижозларнинг хукулари кандай химоя килинаетгани, ходимларнинг экологик тайергалиги кай даражада эканлиги, экологик информациянинг кай йусинда таркатилаетганлиги, рахбариятнинг эколгик мауамоларни ечишдаги кизикиши каби саволларга жавоб беради.

Тадкикотлар шуни курсатдики, янги экологик усулларни куллаш (масалан, сувни куеш ердамида иситилиши) ва мехмонхона ва

ресторанларга киритилган кичик инвестициялар электроэнергия истеъмолини 10-25%, сув истеъмолини 30% кискаришига олиб келди.

Экологик менежмент методикасига асосланган холда корхоналар туристик хизматни курсатганда улар узларини фаолиятининг барча жабхаларида-озик-овкат ва буюмларни сотиб олишни режалащдан бошлаб кундалик масалаларни хал этищда экология масалаларини хам киритиши зарурдир.

Туристик корхоналарни бошкарилишида экологик усулларнинг киртилиши туристик индустрия учун анча янги иш хисобланади. Халкаро микиесдаги экологик масалаларни хал этилишида экологик менежмент тизими етади, у эса уз навбатида тизимли сифат каторлари фалсафасига таянади (Оператив, регистрацион ва назорат тадбирлари)ИСО 9000 Халкаро стандартизация ташкилоти.

## 3.2. Экологик менежмент ва ревизия тизимининг фаолияти ва ревизиялар.

Экологик менежмент тизими Европада ВБ 7750 Британия стандартизация ташкилоти томонидан1992 йил тайерланган стандарт талаблар оркали расмий сертификациядан утиши мумкин.

7750 ВБ стандартининг вазифаси корхоналарни уз хохиши билан экологик махсулотларни, хизматларни методикасини ва инструменталрини ишлаб чикиши, махсулот сифатини ва ундан фойдаланиш самарадорлиги имкониятларини ошириш, экологияга таъсир киладиган салбий окибатларни камайтириш учун каратилган янги технологияларни куллашни рагбатлантирищдир.

Халкаро Мехмондустлик Ассоциацияси фаолиятида экологик муаммолар мухим уринни эгаллайди. ХМА ичида ИХЕЯ (Халкаро мехмонхона экологик ташаббуси) жамгармаси тузилган. Фонднинг асосий вазифаси мехмонхона хужалиги билан боглик булган эколгик информацияни йигиш ва таркатищдир. Экологик вазиятни яхшилаш учун

фонд томонидан укув дастурлари ва компакт дисклар тайерланган, туризм индустрияси учун экологиядан укув семинарлари, экологик сохада мехмонхона-ресторан булимлари томонидан кулланиладиган энг яхши усуллар учун турли конкурслар утказилади. Финляндиянинг мехмонхона-ресторан йигини ва Атроф мухитни химоя килиш вазирлиги «экология билан дустона муносабатдаги мехмонхона-ресторан хужалиги» кулланмасини ишлаб чикди. Бу кулланамада хар кандай туристик корхона тадбиркорона бошкарув окибатида атроф мухитга булган салбий таъсирни камайтириши мумкинлиги курсатилади.

Туристик корхонанинг экологик менежмент тизими куйидагиларни уз ичига олади:

- экологик менежментнинг ишчи концепциясини;
- Корхонанинг экологик сиесати ва атроф мухитни химоя килиш;
- Экологик турмахсулотнинг таркиби;
- Атроф мухитни химоя килиш билан боглик булган озик-овкатни, аше ва анжомларни харид этиш борасидаги хамкорлик;

Швециянинг мехмонхона-ресторан иттифоки 1992 й. Туристик индустрия учун «Экологик харорат 92» номли тафсиянома ишлаб чикди.

## Хулоса

Экология ва туризм бу атроф муҳитга бўлган эҳтиёткор муносабатдир охирги ўн йиллик ичида атроф муҳитни муҳофаза қилиш молиявий назорат бозор факторларини ва тегишли ҳуқуқий чораларни ҳисобга олган ҳолда янги даражага кўтарилди.

Халкаро Мехмондустлик Ассоциацияси фаолиятида экологик муаммолар мухим уринни эгаллайди. ХМА ичида ИХЕЯ (Халкаро мехмонхона экологик ташаббуси) жамгармаси тузилган. Фонднинг асосий

вазифаси мехмонхона хужалиги билан боглик булган экологик информацияни йигиш ва таркатищдир. Экологик вазиятни яхшилаш учун фонд томонидан укув дастурлари ва компакт дисклар тайерланган, туризм индустрияси учун экологиядан укув семинарлари, экологик сохада мехмонхона-ресторан булимлари томонидан кулланиладиган энг яхши усуллар учун турли конкурслар утказилади. Финляндиянинг мехмонхона-ресторан йигини ва Атроф мухитни химоя килиш вазирлиги «экология билан дустона муносабатдаги мехмонхона-ресторан хужалиги» кулланмасини ишлаб чикди. Бу кулланамада хар кандай туристик корхона тадбиркорона бошкарув окибатида атроф мухитга булган салбий таъсирни камайтириши мумкинлиги курсатилади.

**Таянч иборалар:** Экотуризм, ландшафт, экоревизия, инновациялар, экологик менежмент, ХМА, ИХЕЯ.

**Назорат учун саволлар.**

1.Эколоигк туризм деганда нимани тушунасиз?

2.Эколгик менежмент тизимига тавсиф беринг.

3.Экологик менежмент тизимини кай йусинда сертификация килиш мумкин?

4.Туристик корхонанинг экоревизияси деганда нимани тушунасиз ва у кандай максадларни кузлайди?

5.Туристик корхонаниг атроф мухитга булган салбий таъсири кайси йуналишлар ва курсаткичлар буйича бахоланади.

6.Туристик корхоналарда бошкарувнинг экологик усулини тадбик этувчи кайси халкаро ташкилотларни биласиз?

### Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати

1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.

2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls,* Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London

15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 4-Мавзу. ИЖТИМОИЙ ТУРИЗМ.

1. Ижтимоий туризм ривожланишининг асосий йўналишлари.
2. Ижтимоий туризм фаолияти ва Монреал декларацияси.

### 4.1.Ижтимоий туризм ривожланишининг

**асосий йуналишлари.**

Ўзбекистон Республикаси конуни ижтимоий туризмни давлат томонидан туризмнинг ижтимоий заруратларга ишлатиладиган маблаг билан таъминланиши деб белгилайди.

Европа иттифоки давлатларида ижтимоий туризм юкори сифатли хизмат курсатишни харид кила олмайдиган даромади паст мижозлар кузда тутилади. Фукароларнинг бу категориялари ижтимоий характердаги имтиезларга мухтождир. Буларга куп фарзандли оилалар, етим болалар, болалар уйлари укувчилари, ишалйдиган ва укийдиган ешлар, нафакахурлар, ногиронлар ва кам таъминланган фукаролар киради. Ахолининг энг кам таъминланган катламларига ердам курсатишдаги асосий маънбаа махалий ва давлат бюджетларидир.

Бериладиган туристик путевкаларнинг нархи айрим холларда профсоюзлар ва бошка ижтимоий ташкилотлар томонидан уларнинг 50-70% фоизи дотация килинарди.

Бозор иктисодиетида юкорида курсатилган ижтимоий туризм тизими парчаланиб кетди, унинг булаклари эса хозирги кунда факат тижоратли халкаро туризм билан шугулланмокда.

Ижтимоий туризмнинг халкаро бюроси 1963 й. 7 июнида Брюсселда ташкил топган (ИТХБ).

ИТХБ Бутун жахон туристик ташкилотига бирлашган аъзоси хисобланади (БЖТТ). БЖТТ ВА ИХТБ доимий равищда ижтимоий туризм масалаларига багишланган семинар ва анжуманлар утказишади. БЖТТ ижтимоий туризм сохасидаги карашларини Маниладаги жахон туризми декларациясида (1980й) шундай таъкидлаган эди: «Ижтимоий туризм-бу жамият кам таъминланган фукароларининг дам олишга булган маънфатлари ва хукуклурини таъминлашга каратилган максадидир».

Туризмни инсоний ва ижтимоий жихатдан олиб боришни таргиб этган Монреал декларацияси,1996 й. 12 сентябрдаги тула ижтимоий

туризм сохасига каратилган БЖТТ генерал ассамблеясида кабул килинган. У ерда ижтимоий туризм «жамият дизайнери ва иктисодий ривожланишни харакатлантирувчи куч» деб таъкидланган эди.

**4.2.Ижтимоий туризм фаолияти ва Монреал декларацияси.**

Туристик хордик чикаришни ахолнинг турли гурухларига имконоият яратиб бериш учун (куп болали оилалар, ешлар ва катта ешдагилар) давлат узининг ижтимоий туристик сиесатини ишлаб чикиши керак. Бунга конуний ва меъйерий актлар, ижтимоий инфратузилмани барпо этиш, кам таъминланган ахоли катламлари учун мулжалланган тизим ва механизмларни, ижтимоий туризм хизматчиларини тайерлаш, информацион таъминот каби масалалар киради. Дунеда бир неча юз миллион одам ижтимоий туризм ердамида саехат килишади.

Монреал декларациясининг 13 бандида ИТХБ да ижтимоий туризм билан шугуланиши мумкин булган ташкилотлар категориялари курсатиб утилган: «Ижтимоий туризм харакатига хар кандай туристик ташкилот (ассоциация, кооператив, узаро ердам жамоаси, фонд, федерация, нотижорат ташкилоти ва х.з.), узининг уставида еки регламентида аник ижтимоий характердаги масалаларни, саехат ва туризм сохасидаги хизматларида максимал даражада куп одамларга имкон бериши, факат даромадга каратилган фаолият юритмаслиги зарурдир». Ушбу ташкилотларнинг ижтимоий туризмга каршлилиги куйидаги текшириш мукин булган шароитлар билан белгиланади:

- Такдим этилаетган фаолият турлари биргаликда ижтимоий, маърифий ва маданий масалаларни ечишга каратилган ва инсонни эзозловчи ва ривожлантирувчи булиши керак.
- Ирқий, маданий, диний, сиесий, фалсафий ва ижтимоий дунеқарашига қараб дискреминация қилиш ман этилади.

- Таклиф эътилаетган тур махсулотда албатта ноиктисодий қушимча қиймат киритилиши лозим.
- Ижтимоий туризмни махаллий мухитга мувофиқликкини таъминлаш зарур.
- Фаолият тури ва турмахсулот нархи муайян хужжатларда курсатилади. Нархлар белгиланган ижтимоий максадларга мос тушиши керак. Даромад қисман еки тулалигича жамиятга курсатиладиган туристик хизматларга қайта сармоя этилиши лозим.
- Кадрларни бошқариш ижтимоий қонунчилик талабларига жавоб беради ва ахолини иш билан таъминлашга қаратилган ва кадрларни малакасини оширишга қаратилган.

Амалга оширилган мувафақиятларга қарамасдан ижтимоий туризм узининг мавқеини фақат узоқ муддатли миллий, минтақавий ва халқаро миқиесдаги туризм сохасидаги дастурга эга булгандагина кучайтириши мумкин.

Ижтимоий туризм асосан катта даромад олишга қаратилмаган фаолият олиб бораетгани учун халқаро миқиесда ижтимоий туризм маълум қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар қуйидагилар:

- фаолият курсатаетган ижтимоий туризмнинг материал базасини замонавий талабларга мослаштириш еки янгисини барпо этиш муаммоси.
- Тегишли хуқуқий ва меъерий базанинг йуқлиги.
- Ижтимоий туризм тизимида дам олаетганларнинг информацион ва психологик муаммолар билан туқнашуви муаммолари.
- Ижтимоий туриздаги хизмат курсатишга булган стандартларининг ошиб бориши.
- Ижтимоий туризм мижозларига курсатиладиган иқтисодий ердам турлари ва х.з.

Ижтимоий туризм хизматларидан фойдаланаетган шахсларга курсатиладиган иқтисодий ердам турларидан бири бу турмахсулот харид қилаетганида бериладиган таътил чекларидир. Улар Европанинг айрим мамлакатларида кенг тарқалгандир. Масалан Францияда таътил чекларини Таътил чеклар Француз миллий ассоциацияси тарқатади, Швейцарияда эса-Швейцария саехатлар кассаси бу билан шугулланади.

Шундай қилиб, ижтимоий туризм деганда саехатлар ва тула қонли дам олиш учун харидоралар(мактаб укувчилари, кам таъминланган оилалардаги ишлаетган ва уқиетган ешлар, нафақахурлар, ветеранлар ва ногиронлар ва х.з.)давлат томонидан ижтимоий мақсадларги сарфлайдган маблагдан ердам оладиган туризмнинг маълум секторига айтилади. Шуни айтиш жоизки АҚШ ва Германияга ухшаган юқори ривожланган давлатларда ижтимоий туризм дотация ердамида фаолият курсатмайди. 1989й. Гаага декларациясида хам давлат туризмга-анча маблаг сарфласа шунча фойда олиши керак деб таъкидланган эди. Шундай қилиб ижтимоий туризмнинг марказий муаммоларидан бири молиявий маблаг маънбаларини топиш ва кам таъминланган ахоли қисми ичида уни адолатли тақатишдан иборатдир. Агар тегишли хуқуқий нормалари, қонуний базаси, молиявий ва кадрлар буйича хужжатларга қайд этилмаса ижтимоий туризм айрим нопок инсонлар учун бойиш маънбайига аланиб қолиши мумкин.

Маълум иқтисодий сабабларга кура таътил чеклари ва ижтимоий туризмнинг тулақонли базаси яқин вақт ичида утиш даври малакатларида амалга оширилиши анча мушкулдир.

## Хулоса

Дам олиш ва кўнгил очиш инсонлар ҳаётдан биргаликда завқ олади. Бахт ва дунёни ижобий хис қилиш, тўлақонли дам олишнинг натижавий маҳсулидир. Ҳар йили 273 миллион паркларга одамлар ташриф

буюрадилар. Бу мавзуда туристлар дам олишни ташкиллаштириш ва дунё бўйича уларни дам олишини кўринишлари ёритилган. Ижтимоий туризм деганда саехатлар ва тула қонли дам олиш учун харидоралар(мактаб уқувчилари, кам таъминланган оилалардаги ишлаетган ва уқиетган ешлар, нафақахурлар, ветеранлар ва ногиронлар ва х.з.)давлат томонидан ижтимоий мақсадларги сарфлайдган маблагдан ердам оладиган туризмнинг маълум секторига айтилади. Шуни айтиш жоизки А+Ш ва Германияга ухшаган юқори ривожланган давлатларда ижтимоий туризм дотация ердамида фаолият курсатмайди. 1989й. Гаага декларациясида хам давлат туризмга-анча маблаг сарфласа шунча фойда олиши керак деб таъкидланган эди. Шундай қилиб ижтимоий туризмнинг марказий муаммоларидан бири молиявий маблаг маънбаларини топиш ва кам таъминланган ахоли қисми ичида уни адолатли тақатишдан иборатдир. Агар тегишли хуқуқий нормалари, қонуний базаси, молиявий ва кадрлар буйича хужжатларга қайд этилмаса ижтимоий туризм айрим нопок инсонлар учун бойиш маънбайига аланиб қолиши мумкин.

**Таянч иборалар:** Ижтимоий туризм, Монреал декларацияси, таътил чеклари, давлат фаолияти, ижтимоий муаммолар.

### Назорат учун саволлар.

1.Ижтимоий туризм тушунчасига тавсиф беринг.

2.Ижтимоий туризмнинг асосий мижозарини курсатинг.

3.Ижтимоий туризм билан шугуланадиган халқаро туристик ташкилотларнинг номларини айтингва қисқача тавсиф беринг.

4.Сизнингча ижтимоий туризм сохасини ривожлантириш учун қандай чора тадбиралр зарур?

5.Халқаро ташкилот декларациясида ижтимоий туризм харакати критерийлари курсатилган. Уларни санаб утинг.

6.Ташкилотнинг ижтимоий туризмга қарашлиги критерий ларини курсатинг.
7.Ижтимоий туризм амалиетида қандай қийинчиликларга дуч келмоқда?
8.Ижтимоий туризм тизимида таътил чеклари деганда нимани тушунасиз?

**Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати**


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999

12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 5-Мавзу. Маданият - туристик саехатларни мотивация килувчи омил сифатида.

1. Ўзбекистонда маданий туризм мотивацияси.
2. Замонавий туризм ривожланишининг асосий тенденциялари ва унинг истиқболлари.
2. Маданий туризм: моҳияти ва йўналишлари.

Узбекистон хакли равишда хорижий туристлар учун жозибали мамлакат хисобланади. Хитойни Европа мамлакатлари билан богловчи Буюк ипак йули утган шахарларда урта асрлардан бошлаб турли даврларга таалукли турт мингдан ортик архитектура ёдгорликлари мавжуд. Ўзбекистон куплаб хорижлик туристларни жалб килиш учун бошка ресурсларга эга: чул ва курикхоналар, тог чуккилари ва дарёлар, минерал сув булоклари.

Аммо хозирги сайёхлар, хатто экстремал туризм ишкибозлари хам кулайликларга урганиб колишган. Агар сайёх Узбекистонга тог дарёси бўйлаб байдаркада сузиш учун келган булса, бу унинг шу дарё кигогида етиб колишга розилигини англатмайди. Узбекистоннинг тарихий, маданий обидалари билан танишиш ёки махаллий ишбилармонлар билан хамкорлик урнатиш учун келадиганлар янада купрок кулайликларни хохлашади. Германиянинг муваффакиятли ишлаётган турфирмаларидан бирининг вакилини айтишича: «гарблик туристлар бегоналарнинг хаётини куришни ёктиришади, лекин узларининг одатий хаётлари билан яшашни исташади». Купгина хорижлик мехмонлар уларнинг эхтиёжлари тулик кондирилмайдиган мамлакатга озгина муддатга булсада боришни исташмайди. Хакикатдан хам, нима учун улар уз таътилларини турли маиший муаммоларни хал килишга сарфлашлари керак? Мехмондустлик саноатининг вазифаси Узбекистонга келадиган хорижлик мехмонлар маиший нокулайликларга дуч келмаслигини таъминлашдан иборат.

Мехмондусликни инсониятнинг фундаментал тушунчаларига киритиш мумкин. Биологик жонзот булган инсонга планетада яшаш доимо кийин булган. Яшаш учун у узи доим яшайдиган жойи булган уйини тарк этиши лозим. Айрим холларда у бир неча кун, хафта, ой мобайнида уйидан

узокда яшайди. Унга «бегона» кишиларнинг куллаб-увватлаши ва ёрдами керак булади. Худди ана шу мехмондустликдир.

Уэбстернинг лугатига мувофик мехмондустлик саноати - бу мехмонларга нисбатан дустона муносабат билан ажралиб турадиган мехмондустлик тамойилларига асосланган хизмат курсатиш шаклларидан иборат тадбиркорлик сохасидир. Демак, мехмондустлик саноатини мехмонларни кабул килиш ва уларга хизмат курсатиш билан боглик булган хизматлар бозорида ихтисослашувчи турли шаклдаги тадбиркорлик деб тушуниш мумкин.

Мехмондустлик - бу мехмонда (мижозда) сизнинг корхонангиз (мехмонхона, турфирма, ресторан, кафе ва х.к.) хакида шахардаги энг яхши деган тушунча хосил килувчи фаолиятдир.

Шуни доимо ёдда тутиш керакки, Сизнинг корхонангиз рақобатчи корхоналар билан ухшаш хизматлар курсатади. Ракобатчиларингиздан нима билан ажрлаиб турасиз? Мижозларга хизмат эмас, мехмондустлик курсатадиган хизматчилар билан. Мижозга хизмат курсатилганда, унга факат у сураган ва талаб килган нарса берилади. Мижозга мехмондустлик курсатилганда эса мехмондан нима кераклиги суралади ва унинг истаги бажарилади.

Шуни эсдан чикармаслик керакки мижоз сиз билан шахсан гаплашяптими, кунгирок киляптими, ёки хат оркали ёзишяптими катъий назар у сизнинг ташкилотингизда асосий роль уйнайди. Хизмат курсатишнинг ушбу коидаси кандай бажарилишига караб мехмонхоналар таснифланади.

Мехмонхоналарни таснифлашнинг умумий мезони мавжуд эмас. Хар бир давлатнинг уз таснифи мавжуд. Хар кандай холда хам мехмонхоналарнинг категорияси (класси) хоналардаги ускуналар ва бинонинг техник таъминоти даражасига боглик булган курсатилаётган хизматларнинг турига кура белгиланади. Турли давлатлардаги мехмохона

хизматлари стандарларига кандайдир ухшашлик киритиш учун Жахон туризм ташкилотининг котибияти «Мехмонхоналарни таснифлаш критерияларини халкаро мослаштириш буйича маслахатлар» ишлаб чиккан. Унда бино, хоналар, жихозлар, мебеллар, энергия ва сув таъминоти, иситиш, санитария, хавфсизлик, алока, ошхона, мехмонхона хизматлари ва хизмат курсатувчи персонал буйича минимал талаблар курсатилган.Мехмонхоналар классидаги фаркни белгилаш учун (*) (юлдуз) белгисидан фойдаланилади. Мехмонхоналар учун бир юлдуздан (энг паст) беш юлдузгача (энг юкори) категориялар белгиланган. Турли категориядаги мехмонхоналарга куйилган минимал талаблар анча кундир.

1998 йилдан бошлаб Узбекистонда кичик ва оилавий корхоналар шаклидаги хусусий мехмонхоналар (B&B - инглиз тилида «кровать ва нонушта» сузини англатади) кенг таркала бошлади. Уларнинг хизматидан туристлар билан бир каторда халкаро ташкилотларнинг вакиллари хам фойдаланмокдалар.

Оддий хусусий мехмонхона купинча миллий шаклдаги ховлиси булган катта бир ёки икки каватли уйдан иборат. Бундай мехмонхоналарда хоналарнинг сони 10-20 атрофида булади.

Куплаб давлатларнинг ташки сиёсий ва ташки иктисодий фаолиятида хорижий туризмни ахамиятининг ошиши БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотлари томонидан ушбу халкаро хамкорликнинг тез ривожланаётган сохасига эътиборнинг ошишига олиб келди. 1963 йилда Рим шахрида БМТнинг туризм ва саёхатлар буйича биринчи конференцияси утказилди. Унда туризм билан боглик булган бир катор муаммолар куриб чикилди ва унинг ривожланиши буйича маслахатлар ишлаб чикилди.

Рим конференциясининг мухим натижаси «вактинча келувчи», «турист», «экскурсант» каби тушунчаларга расмий таъриф берилиши булди. Бу эса, масалан, туризмни статистик хисоб-китоб килишни

унификациялаш ва тахлил килиш учун мухимдир. Конференцияда чегара ва божхона расмиятчиликларини соддалаштириш, енгиллаштириш масалаларига хам эътибор каратилди.

Бундан ташкари туризм ривожланишининг умумий йуналишлари, унинг моддий базасини, малакали кадрларни тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, ривожланаётган давлатларга туризм саноатини яратишда ёрдам курсатиш масалалари хам конференцияда куриб чикилди.

Рим конференциясининг таклифи билан 1968 йилда Бернда БМТнинг Иктисодий ва ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) ривожланаётган давлатларда туризм муаммолари буйича махсус минтакалараро семинар утказди.

Халкаро туризм масалалари БМТнинг савдо ва ривожланиш буйича конференцияси (ЮНКТАД) фаолияти доирасига хам киради. Масалан, 1972 йилда булиб утган ЮНКТАДнинг III сессиясида «Туризмнинг ривожланиши» резолюцияси кабул килинди. Унда халкаро туризм статистикасининг умумий тамойиллари масалалари куриб чикилди.

Бундан ташкари БМТ доирасида фаолият курсатадиган барча БМТ минтакавий иктисодий комиссиялари туризмнинг ривожланиши масалаларига катта эътибор каратиб келишмокда.

1969 йилда БМТ Бош ассамблеясининг резолюциясига мувофик МСОТО Хукуматлараро Жахон туризм ташкилотига (ЖТТ) айланди. Бу факт халкаро туризмнинг хам иктисодий, хам сиёсий ахамиятга эгалигини курсатади.

ЖТТ юридик жихатдан 1970 йил 28 сентябрда МСОТО бош ассамблеясининг фавкулодда сессиясида Жахон туризм ташкилотининг Низомини кабул килиниши, хамда унинг 1975 йил 2 январдан 51 давлат томонидан ратификация килиниши билан кучга кириши оркали расмийлаштирилди.

ЖТТ - махсус халкаро ташкилот булиб, Низомининг 1 бандига мувофик хукуматлараро ташкилотлар каторига киради.

ЖТТнинг асосий максади туризмни ривожлантириш ва рагбатлантириш оркали иктисодий ривожланиш, халкаро тинчлик, тараккиёт, инсон хукукларига хамда ирки, жинси, тили ва динидан катъий назар барча учун асосий эркинликларга риоя килишга уз хиссасини кушишдан иборат. Ташкилот очик булиб, уч хил аъзолар булишини назарда тутади: хакикий аъзолар, ассоциялашган аъзолар ва кушилган аъзолар.

Хар кандай суверен давлат хакикий аъзо булиши мумкин. Ассоциялашган аъзо статусини уз ташки муносабатларини олиб бориш хукукига эга булмаган худудлар олиши мумкин. Туризмда узининг кизикишлари булган хукуматлараро ва нохукумат ташкилотлари, максадлари ЖТТда кузда тутилган максадларга мос келувчи тижорат ташкилотлари кушилган аъзо булишлари мумкин. ЖТТ Низомига мувофик унинг бошкарув органлари булиб Бош ассамблея, Ижроия кенгаши ва котибият хисобланади.

Бош ассамблея - ЖТТнинг олий органи булиб, хакикий аъзоларнинг вакили булган делегатлардан иборат булади. Бош ассамблея сессиялар шаклида фаолият юритади: навбатдаги сессиялар икки йилда бир марта, фавкулодда сессиялар эса зарур булган холларда чакирилади. Ассаблея кенг ваколатларга эга. Бу ваколатлар асосан куйидагилардан иборат: ташкилотга янги аъзоларни кабул килиш; аъзоликни тухтатиш ёки бекор килиш; молиявий коида ва регламнтни тасдиклаш; ЖТТ ваколатига тугри келувчи хар кандай масалар буйича халкаро келишувларни тайёрлаш ва тавсия килиш ва х.к.     Бош ассамблея Европа, Африка, Америка, Жанубий Осиё, Якин Шарк, Шаркий Осиё ва Тинч океани минтакаси буйича олти минтакавий комиссия, шунингдек Мексикада туризм буйича олий укув маркази (СИЕСТ) таъсис этган.     Комиссиялар кенг микёсдаги сохада фаолият юритадилар ва хар йили уз минтакаларида Ассамблеянинг техник

тавсияларини амалга ошириш буйича катта ишлар килишади. Кенгаш аъзоларининг ваколат муддати 4 йил.

1991 йилда Саёхат ва туризм статисткаси буйича утказилган халқаро конференция томонидан туризмга берилган таъриф Жахон туристик ташкилоти (WTO, World tourist organization) хамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистик комиссияси томонидан бирдек маъқулланган. Бироқ, бу таъриф мураккаб шаклга эгалиги туфайли у 1993 йилда бир мунча соддалаштирилди.

Туризмга 1991 йилда Оттавада берилган берилган таъриф қуйидагича эди:

*Туризм - уз одатий мухитидан ташқарига белгиланган муддатдан кам вақтга саёхат қилувчи ва саёхат қилишининг бош мақсади - ташриф буюриладиган жой (мамлакат) томонидан мукофотланадиган фаолият билан шулланишдан ызга былган шахснинг фаолиятидир.*

Бу ерда:

- *«одатий мухит»* бирикмаси доимий яшаш жойи ичида сайр қилишни; муттасил равишда хар куни доимий турар жойидан иш жойигача былган жойгача йыл босиб ытишни; шунингдек, кундалик хаёт билан бо\лиқ былган ижтимоий тавсифга эга былган саёхатларни хисобдан чиқариш учун мылжалланган;

- *«белгиланган муддатдан кам вақтга»* ибораси узоқ вақтли миграцияларни туризм сифатида инобатга олмасликка мылжалланган;

- *«ташриф буюриладиган жой (мамлакат) томонидан мукофотланадиган фаолият билан шу\улланиш»* сыз бирикмаси фақатгина вақтинчалик иш учун қилинадиган миграцияларни туристлар хисобидан чиқаришга мылжалланган.

Демак, саёхатга чиқувчиларнинг хаммаси хам турист деб саналавермайди. Яъни, бошқа жойларга доимий яшаш учун кычиб ытаётганлар, қочқинлар, узоқ жойларга ишга борувчилар, харбий

хизматчилар, поезд-самолёт-кема экипажи аъзолари қиладиган саёхатлари давомида туристлар фойдаланадиган имтиёзлардан фойдалана олишмайди.

БМТнинг статистика бюроси 1993 йилда туризмга кенг тушунча билан ёндашишга харакат қилган ва «Туризм - шахсларнинг фаолият тури былиб, уларнинг ызлари истиқомат қилиб турган манзилдан бир йилдан ошмаган муддатда у ёки бу жойга сафар қиладиган холати тушунилади»[1] деб таъриф берди.

Хуллас, турист - туризм билан шу\улланаёттган одамдир. Туризм эса, ызининг кундалик хаётида былмайдиган жойга вақтинчалик ташриф буюриш былиб, унинг давомида шу жойда пул билан мукофокотланувчи бирор бир мақсадли фаолият юритилмайди: турист манзилгохга пул сарфлаш учун келган одам деб талқин этса былади, чунки, турист манзилгохга келиб кетиши мобайнида (хаттоки, ыз машинасида ызи билан ёқил\и ва озиқ-овқат олиб келиб, таниш-билишларининг уйида дам олган былсада) шу жойда ниманидир былсада, қимматли нарсани қолдириб кетади. Бу автомагистралдан ытиш учун тыланган хақ, дыстлар олиб келтирилган сов\а-саломлар, сувенирлар хариди учун сарфланган пул кабилар былиши мумкин. Аксарият туристлар манзилгохда бошпана, авқатлантириш, транспорт, алоқа, гид-таржимонлик каби хизматлар учун хақ тылаб, махаллий бюджетга кыпгина даромадлар келтиришади. Буларнинг эвазига турист манзилгохдан ызи билан яхши таассуротлар, ва шу яхши таассуротларни ёдга солиб турувчи сувенир ва расмларни олиб кетишади.

«Турист» сызи инглизча «тур(tour)» атамасидан келиб чиққан былиб, машхур Webster лу\атида «Тур – хар бир шахси бошлан\ич нуқтасига қайтиб келувчи саёхат; одатда бизнес, рохатланиш ёки таълим олиш мақсадидаги айланма сайр; қайсининг-ки давомида, турли жойларга ташриф буюрилади хамда хар бир жой маршрутда режалаштирилган

---

[1] World Tourism Organzation. Magazin. 1993 y. 85p.

былади»  деб изохланган. Яъни, Тур «хар бир иштирокчиси бошлан\ич нуқтасига қайтиб келувчи айланма саёхат», тур давомида ташриф буюрилаётган жойларда узоқ вақт истиқомат қилиш учун ёки доимий яшаш учун қолиб кетилмайди, хамда зиёратдаги сингари бориб келинадиган жойларнинг (тахминий былсада) режаси тузилган былади.

## *мли о*5.2. Замонавий туризм ривожланишининг асосий тенденциялари ва унинг истиқболлари.

Жахон быйича ва бирор алоқида олинган мамлакат миқёсида туризмнинг ривожланиши бир қатор омиллар билан шартлаштирилади. Маълумки, омил деганда бирор бир жараённинг харакатга келтирувчи ва унинг хусусиятини ёки хусусиятларидан бирини очиб берувчи сабаби тушунилади.

Туризмнинг ривожланиш омиллари деганда объектив таъсир этувчи хамда таъсир этувчи турли қонунлар натижасида юзага келувчи туризмни ривожлантириш шароитлари тушунилади. Илмий адабиётларда туризмни ривожлантириш омилларнинг турли хил таснифлари келтирилади.

Одатда, туризмни ривожлантириш омилларини кычмас ва динамик турларга ажратишади. Кычмас омилларга табиий-географик ва тарихий-маданий омиларнинг йи\индиси киритилади. Улар ызгармас ва доимий ахамиятга эга былишади. Инсон фақатгина уларга етишишни осонлаштирган холда уларни туристик эхтиёжларга мослаштира олади. Динамик омиллар иккинчи, янада йирикрох гурухга киритилади. Улар вақт ва макон быйича ызгариб турувчи ахамият-бахога эга былишади. Уларнинг қаторасига ижтимоий-иктисодий, моддий-техник, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар киришади.

Туризмнинг ривожланишига таъсир этиш тавсифига биноан барча омиллар уч гурухга былинади: экстенсив (миқдорий), интенсив (сифатий) ва чекловчи (салбий) ривожланиш омиллари.

Туристик фаолиятнинг экстенсив омилларига қуйидагилар киришади:

- Туристик фирмалар ва уларда ишловчи ходимлар сонининг ысиши;
- Туризмга жалб этилувчи моддий ресурслар, жойлаштириш, ташиш воситалари, овқатлантириш корхоналари миқдорининг туристларга хизмат кырсатиш технологияларни кучли такомиллаштирмаган холда оширилиши.

Туризмни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ыз ичга сифатий янгиланишнинг қуйидаги омилларини олишади:

- Ходимлар малакасини ошириш;
- Илмий-техник тараққиётнинг ютуқларини – хизмат сифатини ошириш, туристик ресурслардан рационал фойдаланиш, туризмда информацион-техник воситалардан фойдаланишни тадбиқ этиш.

Туризмни ривожлантиришни чекловчи салбий омилларига қуйидагилар киришади: сиёсий ва молиявия беқарорлик, криминоген вазият, табиий офатлар.

Хуллас, хозирги замонда туризм қуйидаги кыламларгача ривожланди:

1-жадвал.

Дунё туризми йуналишлари йиллар буйича. (Млн. киши хисобида).

| +абул қилувчи минтақа | 1990 | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2002 | 2004 | 2005 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Дунё быйича | 455,673 | 463,005 | 502,788 | 512,992 | 528,461 | 550,3 (565) | 594,8 | 620,0 | 625,2 (625,0) | 650,4 | 696,8 | 692,9 | 714,6 |
| Европа | 283,157 | 285,040 | 306,554 | 309,198 | | 323,4 (336,0) | 351,2 | 313,0 | 372,5 | 380,2 | 402,5 | 401,4 | 411,0 |
| Осиё ва Океания | 56,151 | 58,079 | 66,135 | 72,927 | | 85,6 | 91,8 | 97,9 | 92,0 | 93,2 | 115,3 | 121,0 | 130,6 |
| Америка | 93,722 | 96,916 | 103,877 | 104,171 | | 108,9 (110) | 116,1 | 120,8 | 120,2 | 122,2 | 128,5 | 121,0 | 120,2 |
| Африка | 15,066 | 15,979 | 17,757 | 18,296 | | 20,1 | 21,5 | 22,8 | 24,9 | 26,5 | 27,2 | 27,7 | 26,7 |
| Ырта Шарқ | 7,577 | 6,991 | 8,465 | 8,400 | | 12,4 (14) | 14,2 | 4,9 | 15,6 | 18,2 | 23,2 | 21,8 | 24,1 |

Жадвал муаллиф томонидан World Tourism Organization куысаткичлари асосида тузилди.

XX асрнинг охирги ун йиллигида дунё туризми йилига уртача 4,3% курсаткич билан усди. Минтақалар быйича Осиёга амалга оширилувчи саёхатлар миқдори бундан хам юқори усиш курсаткичларда усди. Агар Урта Шарк мамлакатларига етиб келинувчи туризм йилига уртача 4,9%дан усиб келган булса, Океания ва Жанубий Осиёга амалга оширилувчи саёхатлар сони йилига уртача 7%дан усиб келди. 2001 йил сентябр воқеаларидан сунг Америкага хамда араб мамлакатларига амалга оширилувчи саёхатлар миқдори камайиб кетган булса, Тинч океани минтақасига амалга оширилувчи саёхатлар сони усищда давом этган. Шунингдек, Европага амалга оширилувчи саёхатлар сони хам ошган. Бундан шуни хулоса қилса буладики, дунё туризми бирор жой ёмонлашиб қоладиган булса, дарров изига бошқа йуналиш танлайди.

Жахон туризмидан олинаётган даромадлар эса 2001 йил сентябр воқеаларидан сынг тушиб кетган:

2-жадвал.

Дунё туризмидан олинаётган даромад йиллар быйича. (млрд А+Ш доллари хисобида)

| Даромад олаётган минтақа | 1992 | 1993 | 1994 | 1995 | 1996 | 1998 | 1999[1] | 2000 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Дунё быйича | 263,4 | 267,630 | 304,063 | 305,752 | 321,466 | 406,2 | 435,069 | 435,981 | 442,5 | 455,4 | 477,0 | 463,6 |
| Европа | 143,2 | 139,448 | 159,968 | 152,314 | | 212,8 | 362,917 | 218,155 | 231,7 | 233,1 | 234,5 | 230,4 |
| Осиё ва Океания | 41,2 | 42,108 | 48,692 | 53,894 | | 78,0 | 56,649 | 80,906 | 75,0 | 79,8 | 86,7 | 87,2 |
| Америка | 69,2 | 76,837 | 84,091 | 89,469 | | 99,7 | 112,734 | 118,267 | 117,2 | 122,4 | 132,8 | 122,5 |
| Африка | 5,3 | 4,957 | 5,912 | 5,903 | | 8,1 | 8,332 | 9,018 | 9,9 | 10,3 | 10,8 | 11,7 |
| Ырта Шарқ | 4,4 | 4,280 | 5,400 | 4,172 | | 7,6 | 7,735 | 9,135 | 8,8 | 9,8 | 12,2 | 11,8 |

Жадвал муаллиф томонидан World Tourism Organization курсаткичлари асосида тузилди.

Дунё туризмида мамлакатлар ичида Франция, Испания, А+Ш, Италия, Буюк Британия, Хитой мамлакатлари етакчилик қилишмоқда. Чет элдан мехмонларни қабул қилиш сони быйича етакчилик бир неча йиллардан буён Франция томонидан сақлаб келинмоқда. Хозирда Францияга дунё быйича халқаро туризмга чиққан саёхатчиларнинг 10 фоизидан ортикро\и келмоқда! Франция туристларни қабул қилиш быйича етакчиликка эришган былсада, туризмдан даромад олишда етакчилик А+Шга тегишлилигича қолмоқда. Хозирда А+Ш дунё быйича халқаро туризмдан олинган даромаднинг 10 %идан орти\ини олади. Шунингдек, А+Ш ички туризмнинг ызидан хар йили 300 миллиард долларга яқин даромад олмоқда.

3-жадвал.

Халқаро туризмдан даромад олишда етакчи саналган мамлакатлар.

| Шахар | Халқаро туристларни қабул қилищдан олинган даромад | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ырин | | | | Олинган даромад | | | |
| | 1997 йил | 1999 йил | 2000 йил | 2005 йил | 2000 йил | 2000 йилдаги бозор хиссаси | 2005 йил | 2005 йилдаги бозор хиссаси |
| | | | | | Миллиард А+Ш доллари | % | Миллиард евро | % |
| Франция | 2 | 3 | 3 | 3 | 29,7 | 6,7 | 33,5 | 4,7 |
| Испания | 4 | 4 | 4 | 2 | 29,585 | 6,7 | 36,7 | 5,1 |
| А+Ш | 1 | 1 | 1 | 1 | 74,24 | 16,7 | 80,7 | 11,3 |
| Италия | 3 | 2 | 2 | 4 | 30,427 | 6,8 | 29,0 | 4,1 |
| Хитой | 25 | 10 | 7 | 5 | 12500 | 2,8 | 19,9 | 2,8 |
| Б.Британия | 5 | 5 | 5 | - | 21,295 | 4,8 | - | - |

Манбаа: TTG-Russia, 2002.

Сынгги йилларда Хитойга амалга оширилувчи туристик саёхатларнинг миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Нархларнинг арзонлиги билан жахон туризмига кириб бораётган Хитой туризмдан олинаётган даромадлар быйича хам, туристларни қабул қилиш быйича хам дунёнинг етакчи беш мамлакати қаторига кириб олди.

4-жадвал.

Дунё быйича туристлар қабул қилишда етакчи саналган мамлакатлар.

| | +абул қилинган халқаро туристлар сони | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ырин | | | | +абул қилинди | | | | | | |
| | 1998 йил | 2000 йил | 2003 йил | 2005 йил | 2000 йил | 2000 йилдаги бозор хиссаси | 2003 йил | 2004 йилдаги бозор хиссаси | 2005 йил | 2005 йилдаги бозор хиссаси | 2005 йилда 2004 йилга нисбатан ысиш |
| | | | | | Миллион киши | % | Миллион киши | % | Миллион киши | % | |
| Франция | 1 | 1 | 1 | 1 | 70,000 | 11,2 | 75,2 | 10,85 | 76,7 | 10,7 | 2,0 |
| Испания | 3 | 3 | 2 | 2 | 47,743 | 7,6 | 50,1 | 7,2 | - | - | 2,4 (11ой) |
| А+Ш | 2 | 2 | 3 | 3 | 47,127 | 7,5 | 45,5 | 6,5 | 45,4 | 6,4 | -0,1 |
| Италия | 4 | 4 | 4 | 4 | 34,829 | 5,6 | 39,1 | 5,6 | - | - | 1,0(10ой) |
| Б.Британия | 7 | 5 | 5 | - | 25,447 | 4,1 | - | - | - | - | - |
| Хитой | 19 | 15 | 18 | 5 | 9,6 | 1,5 | 33,2 | 4,7 | 36,8 | 5,1 | 11,0 |

TG-Russia, 2005 г.

Дунё туризмидаги ысиш Ызбекистон Республикаси туризмидаги ысишга хам таъсир этди. Дастлабки Мустақиллик йилларидан бошлабоқ, Ызбекистон дунё туризм бозорига дадил қадамлар билан кириб бориб, жахон туризмидаги ыз ырнини эгалламоқда.

Республикамизда хорижий туристларга асосан маданий-танишув турлари таклиф қилинмоқда. Уларнинг давомида тарихий, архитектура, диний обидалар ва зиёратгохлар билан таништирилади, махаллий ахолининг турмуш тарзи ва маданияти кырсатилади. Бундай турлар давомида асосан Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги объектларга ташриф буюрилади. Республикамизда хаммаси былиб 30 га яқин турлар таклиф этиладики, уларнинг ичида Тошкент ва Фар\она водийсида амалга оширилувчи кынгилочар, дам олиш – даволаниш, то\-чан\и, гольф спортлари билан шу\улланиш турлари хам мавжуд.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришда қылга киритилган ютуқларга назар ташлайдиган былсак, аввало, ылкамизга ташриф буюраётган хорижий мехмонлар сонининг ошиб бораётганлигини инобатга олиш зарур былади. Масалан, “Ызбектуризм” Миллий Компанияси ташкилотлари томонидан 2000-йилда 1993 йилга нисбатан 3 баробар кып хорижий мехмонларга хизмат кырсатилган.

5-жадвал.

“Ызбектуризм”Миллий Компанияси томонидан хорижий мехмонларга хизмат кырсатиш.

| Кырсаткичлар | **1995** | **1996** | **1997** | **1998** | **1999** | **2000** | **2002** | **2003** | **2004*** | **2006*** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| “Ызбектуризм” МК былинмалари томонидан хизмат кырсатилган хорижий мехмонлар, минг киши | 92,3 | 60,9 | 92,0 | 173,8 | 252,9 | 272,0 | 274,0 | 278,0 | 231,0 | 196,7 |
| Олдинги йилга нисбатан ысиш динамикаси, % хисобида | - | 65,0 | 151,0 | 188,0 | 146,1 | 107,5 | 101,8 | 100,3 | 83,1 | |

Манбаа: www.uzbekturizm.uz

*-2001 йил сентябри воқеаларидан сынг Антитолибон харакатларининг бошланиши туфайли кузатилган пасайиш

Чет элдан келаётган мехмонлар сонининг 2001 йилдаги камайиши қышни мамлакатда амалга оширилган антитолиб харбий харакатлари таъсирининг натижаси былди. Бунда кыплаб хорижий туристик фирмалар куз-қиш ойлари учун Ызбекистон мехмонхоналаридаги жой бронларини зарурат былмасада, эхтиёткорлик юзасидан бекор қилишди. Бу жойлар бронларининг миқдори 2000 йилга нисбатан анча кып былганлиги, 2001 йилда туризм янада ысиши мумкин эканлигидан далолат беради. 2002 йил кызига келиб, мамлакатимизга четдан келаётган хорижий туристларнинг сони яна оша бошлади.

Хозирги даврда Ызбекистонда туризм ривожлананиши тахлил қиладиган былсак, унда қуйидаги босқичларни ажратиш мумкин былади.

Биринчи босқич. У Ызбекистон Республикасини мустақиллиги билан бо\лиқдир. 1992 йилда Ызбектуризм миллий компанияси тузилди. У Республикамизда туризмнинг ривожлантирилиши учун масъул былган ягона ташкилотга айлантирилди.

Иккинчи босқич. 1993-1994 йилларда туризм сохасида иқтисодий ызгаришлар содир былди. Бизнинг Республикамиз айни шу иқтисодиёт учун қийинчилик пайтида ва бошқаришни янги шакллари ва услубларини изланиш даврида туризмни ривожлантиришда ызига хос янги модел ишлаб чиқарилди. 1994 йилда ишлаб чиқарилган “Туристик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури” чуқур тизимли ва институционал ызгаришларни амалга оширишда жуда катта ахамият ыйнади. 1994-1995 йиллар мобайнида “Ызбектуризм” миллий компаниясининг 87,8% туристик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди.

Киритилган ызгаришлар Ички туризмни +абул қилиш шаклини жадаллик билан ривожлантирди. 1993 йилдан 1995 йилгача туристларни

қабул қилиш республикамизда 461 мингдан 499,3 минггача ысди (шу жумладан чет эл фуқароларини қабул қилиш 43 мингдан 92 минггача кыпайди). Туризмдан тушган чет эл валютаси миқдори 34,4 млн$ дан 101,2 млн$ гача кыпайди. 1995 йилда, жами тушган даромаднинг туризм сохасидаги улуши мамлакатимизни Ялпи Ички Махсулотида 9% ташкил этди, *тушган валюта эса 67%ни ташкил қилди*. Шундай қилиб қиска давр ичида туризм хыжалигимизни юқори рентабелли тармо\ига айланди. 1995 йилда ыртача рентабеллик 30% ташкил қилди (меъёр быйича эса бу кырсаткич 20% былганлиги етарлича деб хисобланади).

Туризм бир неча тармоқлар каби Президентимизни эътиборига энг биринчилардан тушганлиги бежиз эмас. Туризмдаги бундай ызгаришлар ва Буюк Ипак Йыли туристик махсулотини тиклаш стратегик характерга эга былди. Бунга Тошкент – Ош автомобил магистрали лойихасини мисол хилиб келтирса былади. Йирик лойихалардан яна бири – бу +ашқаргача қуриладиган темир йыли былса, бошқаси Эронга Аф\онистон орқали ытадиган йылнинг қурилиши лойихасидир.

Ты\рисини баён этганда, туризм ызи-ызгача хеч ривож тополмайди, чунки бир тармоқни кучи шу каби буюк лойихаларни амалга ошириш учун етмайди. Бу вазифалар кып тармоқли, кып қиррали ва кып ташкилотларнинг ёрдами билан қилиниши мумкин. Шуни инобатга олиб, 1995 йили республикамизда Вазирлар Кенгаши қошидаги туризм быйича тармоқлараро Кенгаш тузилди. Унинг таркибига туризмни ривожланишига кымакдош ташкилотларни барчаси киради (Вазирликлар, Хокимиятлар ва хоказо).

Ушбу тармоқлараро кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- туризмни ривожлантириш инфраструктурасини жадал шакллантириш;
- Ызбекистонда жахон андозаларига кыра ыртача хаж теллар, мотеллар, кемпинглар тармо\ини тузиш учун мабла\лар топиш;

- замонавий вақтичо\лик, маданий ва спорт-со\ломлаштириш саноати марказларини яратиш ва шу кабилар.

Учинчи босқич. 1998-2003 йилларда туризм сохасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йулга қыйилди хамда дунё бозори быйича рақобатбардош туристик махсулот яратила бошланди. Туризм тизимининг бошқарилишининг марказлаштирилишига чек қыйилди. Кыпчилик туристик объектлар ызларини ызлари бошқара бошлашди, бозорнинг рақобатлаша олмайдиган субъектлари ёпилиб, самарали ишловчи янги корхоналарга ырин очиб бера бошлашди.

Туризмнинг яна бир хусусияти унинг мамлакатимиздаги бир қатор минтақаларнинг иқтисодиёти ва маданиятига фаол таъсир кырсатишдан иборатдир. Туризм хыжаликларини ташкил қилиниши ва фаолият кырсатиши транспорт тизимининг, туристларга савдо, ижтимоий-маиший, маданий, тиббий хизмат кырсатишнинг ривожланиши билан яқиндан бо\лиқдир.

Ызбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришнинг асосий вазифаларидан бири хорижий туристларни қадимий тарихга эга былган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби шахарларимиздаги тарихий обидалар, меъморчилик, диний ва маданий ёдгорликлар хамда республикадаги бошқа диққатга сазовор замонавий жойлар билан таништириш орқали уларга маданий-маърифий озуқа беришдир. Бундан ташқари, хорижлик туристларни республикамизнинг нафақат тарихий жойларини, балки гызал табиати билан яқиндан таништириш, хордиқ чиқариш, даволаниш, спорт билан шу\улланиш каби 20 дан ортиқ туристик маршрутлар хам йылга қыйилган.

Хорижий давлатлардан Ызбекистонга туристларни жалб қилишни янада ыстириш мақсадида “Ызбектуризм” Миллий компанияси хар йили “ITB” (Берлин), “WTM”(Лондон), “BIT”(Милан), “FITUR”(Мадрид) каби йирик халқаро туристлик ярмаркаларида иштирок этиб, хорижий шериклар билан фаол хамкорлик қилиб келмоқда. Айни пайтда, мунтазам равишда

хар йили “Тошкент халқаро туристлик кыргазмаси” уюштирилади, унда дунёдаги кыпгина мамлакатлар туризм ташкилотларининг вакиллари мехмон быладилар.

Ызбекистонга туристлар оқимини кыпайтириш хамда республикамизнинг халқаро туристлик марказларидан бири сифатида мавқеини юксалтиришда чегарадан, божхонадан ытиш, рухсатнома олиш ва бошқа шу хилдаги расмиятчиликларни соддалаштиришнинг ахамияти катта. Шундай масалаларни биргаликда хал этиш мақсадида “Ызбектуризм” Миллий компанияси тегишли вазирликлар ва махкамалар билан биргаликда яқиндан иш олиб бормоқда.

Яна шу нарсани баён этиб ытиш ыринли былардики, А+Шда 11 сентябрда былиб ытган нохуш террорчилик воқеаси ва шундан кейин бизга қышни Аф\онистонда вужудга келган мураккаб вазият Ызбекистонда туризмни ривожлантиришга сезиларли таъсир кырсатиб, туристлар оқими нисбатан сустлашиб қолди. Бу каби оқибатларни камайтириш, мамлакатимизга қизиқувчан туристларни янада кыпайтириш хамда бу ердаги барқарор, туристлик учун қулай вазият ты\рисида уларга ты\ри маълумот тарқатиш мақсадида “Ызбектуризм” Миллий компанияси вакиллари халқаро туристлик ярмаркаларида иштирок этишдан ташқари, Ызбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарида “Ызбекистон кунлари”ни хам ытказдилар.

“Ызбектуризм” Миллий компанияси хорижий халқаро ташкилотлар билан тажриба алмашиш ва миллий туристлик махсулотлари бозорини ривожлантириш мақсадида яқин хамкорлик алоқаларини йылга қыймоқда. Жумладан, “Ызбектуризм” Миллий компаниясига Япония Халқаро Хамкорлик Ассоциацияси (JICA) хамкорлигида маркетинг тадқиқотларини ытказиш хамда мамлакатимизнинг туристлик имкониятларини ырганиш мақсадида япониялик мутахассис ташриф буюрди. Бу тадқиқиотларнинг асосий мақсади 2005 йилгача былган даврда Ызбекистонда туризмни ривожлантириш дастурига киритилган лойихаларга Япония томонидан

техникавий ва молиявий ёрдам кырсатиш имкониятларини кыриб чиқишдир.

Ызбекистонда туристликни ривожлантиришнинг омилларидан яна бири хорижий туристларга кырсатилган хизматнинг сифатини тубдан яхшилашга бо\ликдир. Булар - ресторан хизмати, тавсия этиладиган таомлар, мехмонхона шароити, шунингдек, транспорт, савдо, хордиқ чиқариш ва маданий тадбирлар сифатини ыз ичига олади. “Ызбектуризм” Миллий компанияси бу борада туристик хизматни сертификатлаш быйича ташкилий ишлар олиб бораяпти, бу йыналишдаги фаолиятни тартибга солувчи тегишли меъерий хужжатлар хам ишлаб чиқилган.

“Ызбектуризм” Миллий компанияси туризмнинг хуқуқий асосларини янада ривожлантиришга, туристлик хизмати бозорини шакллантиришга, туризмнинг мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ва маданий жихатдан ривожлантиришдаги ырни ва хизматини тобора кучайтириб боришга ва Ызбекистонни халқаро миқёсдаги туристлик марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ызбекистонда туристликни халқаро миқёсда ривожлантиришни таъминловчи зарур меърий-хуқуқий база хам шакллантирилди. Ызбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил июль ойида имзолаган “Буюк Ипак Йылини қайта тиклаш ва халқаро туризмни ривожлантиришда Ызбекистон Республикасининг иштирокини кучайтириш чора-тадбирлари ты\рисидаги” Фармони, 1997 йилда “Ызбектуризм” Миллий компанияси экспертлари иштирокида ишлаб чиқилган “Ызбекистонда туризмни барқарор ривожлантириш режаси”, 1999 йилнинг август ойида Олий Мажлиснинг 15-сессиясида қабул қилинган “Туризм хақида”ги +онун, хамда 2005 йилгача былган даврда Ызбекистонда туризмни ривожлантириш дастури туризм фаолиятини равнақ топтиришнинг ана шундай мустахкам хуқуқий пойдеворлари былди.

Бугунги кунда “Ызбектуризм” Миллий компанияси тизимида 96 та корхона ва ташкилот бор. Булардан ташқари, туризм бозорида 450 дан ортиқ туристлик фирмалари, шунингдек, хусусий туристлик ташкилотлари ассоциацияси фаолият олиб бормоқда.

## 5.3. Маданий туризм: мохияти ва йыналишлари.

Ызбекистонда маданий туризм бошқа туризм турларига қараганда кыпроқ ривожланган. Сабаби, Ызбекистонда туризмнинг маданий турини ривожлантириш даромадилроқ, негаки, туризмнинг бошқа турлари учун яқин орада ызига сарфланган мабла\ларнинг қоплаши қийинроқ – маданий туристик махсулот таклиф этилаётган вилоятларда эришилаётган рентабеллик кырсаткичлари рекреацион туризм таклиф этилаётган вилоятлардагига нисбатан йирикроқдир. Масалан, рекреацион туризм ривожлантириш имкониятлари кучли былган Фар\она водийси вилоятлари быйича туризм сохасида эришилган умумий рентабеллик охирги йилларда 10 %дан ошмаган былса, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм каби маданий туризм ривожланган вилоятларнинг хар бирида туризм быйича эришилаётган рентабеллик кырсаткичи 20 %ни ташкил этади. Чунки, маданий туризмни ташкил этиш харажатлари рекреацион туризмни ташкил этишдан кыра камроқ харажатларни талаб этади. Туризм борасида сыз юритилар экан, илмий мухитда маданий туризмнинг бошқа туризм турларидан нимаси билан фарқ қилишини аниқ асослаб бериш масаласи кытарилади. Шу сабабли, ушбу мақолада муаллиф томонидан маданий туризм махаллий харт-шароитларни инобатга олган холда тыликроқ ёритиб беришга харакат этилди.

Инсон ёшлиги давриданоқ туризмга қизиқа бошлайди. Масалан, Ызбекистон шароитида хам аксарият болалар ыз дыстлари, синфдошлари ёки ота-оналари билан яқин атрофлардаги маданий ёдгорликлар ва табиатнинг сылим оромгохларига сайр-саёхатлар уюштириб туришади. То\-тошлару чылу-биёбонларга чиқилувчи туристик походлар давомида

ёшлар дала шароитларида чиниқишиб, ызларининг жисмоний холатларини яхшилаб олишади, ызларинг билим ва кыникмаларини ривожлантиришади. Катта ёщдагилар эса, бундай туристик фаолият давомида ызларининг мехнат қобилиятларини қайта тиклаб олишади ва маданий эхтиёжларини қондиришади.

Туризмнинг ызи янги нотаниш жойларни очиш, ташқи мухитдан ызгаришлар қидириш ва таассуротларни бощдан кечириш мақсадидаги интилишлардан келиб чиққан былиб, ушбу атама дастлаб францыз тилида қылланила бошланган. Туризм асосан, ыз ичига инсонларнинг кынгил ёзиш, хордиқ чиқариб дам олишга мылжалланган хатти-харакатларини олади. Бундан ташқари, туризмга иш хамкорлари ва узоқлардаги дыст-қариндошлар билан учрашиш кабилар хам киришсада, амалга оширилаетган бундай саёхатлар давомида хам кынгилхушлик ва хордиқ ёзишлардан воз кечилмайди.

Туризм ёш авлодни со\лом қилиб тарбиялащдаги ахамиятини инобатга олган холда туризмнинг ёшларнинг рухиятига қиладиган мухим таъсирларини хам унутмаслик керак: туризм ёшларни ватанпарвар этиб тарбиялашга ыз хиссасини қышади! Яъни, ыз ылкасида саёхат қилган одам қандай табиий ва маданий бойликларга эгалик қилаётганлигини билиб олади; қандай ажойиботларга эгалик қилаётганини билган инсон ызининг қылга киритган меросидан \урурлана бошлайди; Миллий бойлигидан \урурланаетган одам ыз юртини сева бошлайди. Шу сабабли қадимги шарқ мутафаккирлари инсонни дунёни кыришга чақиришган, чет элларга чиқищдан олдин ыз ватанлари ичида сафар қилишга ундашган (Масалан, Абдухолиқ /иждувоний шу каби фикрларни қолдириб кетган).

Кыплаб қадимги юнон мутафаккирлар хам инсон тарбиясида саёхатларнинг ырни ва ахамияти хақида фикрлар баён этишган (Арасту, Демокрит, Квинтелиан). Уларнинг фикрларича инсон тарбиясида табиатни ырганишнинг ахамияти катта, табиатни эса, фақатгина бевосита у билан муомала этганда ырганиш мумкин. Саёхатлар ыспиринни чиниқтиради,

дунёқарашини ривожлантиради, мустақил хаётга тайерлайди, ыз ватанига мухаббатини кучайтиради, уни ватан химоясига хам жисмоний хам рухий тайёрлайди; дунё кырган киши доно былади.

Жан – Жак Руссо ыз назарияларида («Табиатни англаш ва табиий хулқ меъёрларини қайта ишлашга интилиш») туристик походларнинг ёшларни со\лом ва ватанпарвар қилиб тарбиялашдаги ахамиятини қайд этиб, саёхатларни тарбиянинг таркибий қисмларидан бири деб санади хамда шахсни шакллантиришга бошқа воситалар қаторида саёхат максадларининг хам алоқасини очиб берди.

XX асрнинг бошларида Олмония, Дания ва Бельгия каби мамлакатларда «Саёхатчи ықувчилар» харакати пайдо былди. Унинг низомида ысиб келаётган авлодни тарбиялашда о\ир шароитли походлардан фойдаланиш кераклиги қайд этилган эди. Ыша даврдаги сиёсий вазиятни инобатга олган холда ёшларга туристик машқларни ыргатган холда улардан былажак аскарлар тайёрлаш мақсади кызланган эди.

Кейинроқ ташкил этилган Жахон туристик ташкилоти (WTO, WORLD TOURIST ORGANIZATION) 1967 йили қуйидаги шиор билан чиқди:

*«Туризм – турли дин ва тарикатлар аъзолари, атеистлар ва диний қарашларга қизиқиш-танишиш билан ёндашаётган кишилар орасида янада самарали учрашув ва диалогларни таминловчи жахон йыли».*

Демак, туризм инсоний қадриятларни ривожлантиради, шу сабабли уни физиология масалаларидан ташқари, шахс ва унинг \ууррини ривожлантиришдаги рекреацион қайта тикланиш омили сифатида хам кыриб чиқиш керак. Инсон тинч-осойишта-хотиржам холатда тылиқ ишонч билан диалог юритиш имконияти мавжуд былган вазиятда эркинлик ва харакатланишга былган эхтиежини қайта хис қилади ва шахслараро ижобий муносабатлар ырнатади. Туризм нафақат кундалик хаёт ва ишнинг бир хиллигини тыхтатиш учун мылжалланган хордиқ

чиқариш ва дам олишдир, бу шунингдек, инсон-одамлар ва атроф мухитнинг бирлигини таъминлаш тимсолидир. WTOнинг Манилада имзоланган декларациясининг 21-моддасида қайд этилишича, **туризмда рухий омиллар техник ва моддий омиллардан устун былиши керак**. Бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: чегарасиз экспансия, маориф, инсон қадрининг улу\ланиши учун шахс сифатида озод қилиш, хар бир маданиятнинг такрорсизлигини тан олиш ва халқларнинг рухий меросига асраган холда муносабатда былиш.

Туризмда маданий омиллар бошқа барча омиллардан устивор былиши лозим экан, маданий туризм деганда нималарни тушуниш лозимлигини англаб олиш мақсадга мувофиқ былади. Маданий туризм деганда ызга халкларни (ызга жойларда яшовчиларнинг) маданияти, тарихи, этнографияси, археологияси, фолкьлори, хаёт тарзи билан қизиқувчи туристларнинг фаолияти тушунилади. Маданий туризм мобайнида инсонлар ызга халқларнинг маданияти билан янада чуқуррoқ танишиш мақсадида махаллий театрларга, миллий санъат ва халқ ижодиёти намойиш этиладиган жойларга кыпроқ эътибор беришади. Хаттоки, баъзи бир туристлар махаллий ахоли истиқомат қиладиган уйларига мехмон сифатида ташриф буюришдан воз кечишмайдики, буни резидентларнинг маданияти билан танишишнинг энг яхши усули деб хисоблашади.

2000 йилнинг сентябр ойида «Ызбектуризм» Милллий компанияси қошида ташкил этилган «Ызтурсервис» Республика ташқи-иқтисодий савдо ишлаб чиқариш унитар корхонаси мутахассислари томонидан туристларнинг асосий мақсади – дунёни билиш, дунё халқлари тарихи, маданий обидалари билан танишиш, уларни ырганиш ва алоқалоқаларни янада мустахкамлашдир, деб таърифланди. Бу мутахассисларнинг фикрича, туризмдан мақсад – дунё маданиятини ырганиш; хар хил минтақаларда яратилган инсоний қадриятлар, меъморий ёдгорликлар билан танишиш, улардан завқланиш, инсон яратган мыжизавий асарлардан

илхомланиш; турли халқлар маданиятини қиёсий ырганиш; муқаддас диний зиёратгохларни кыриш, улардан рухланиш, ибодатни бажо келтириш, инсоний бурчни адо этиш; хамда шулар орқали инсонлар орасидаги маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустахкамлашдан иборат.

Маданий туризм ихлосмандлари туристик манзиллар ахолиси тарихи (археология, этнография, ылкашунослик), яшаш тарзи ва кун кечириш мухитининг шарт-шароитлари, миллий хунармандчилик санъати кабиларга катта қизиқиш билдиришар экан, бунда махаллий хаёт билан яқиндан танишиш истаги қанчалик кучли былишидан қатъи назар, бу танишиш қандайдир ноқулайлик, қийинчилик ёки хавф-хатарни бощдан кечириш орқали амалга ошириладиган былса, бу холда туристлар ызларининг бундай мақсадларидан воз кечиб қыя қолишади.

Маданий туристларнинг баъзилари ызларига ыхшаган бошқа туристлар гурухида саёхат қилишни ёқтиришса, бошқалари якка ызлари ёки кичикроқ гурухларни афзал кыришади. Туристларнинг баъзилари ыз саёхатларини ызлари режалаштиришлари, яъни, қачон қаерга бориш, у ерда қанча вақт тыхтаб туриш кабилар ты\рисида ызлари мустақил қарор қабул қилишади. Улар фақатгина махаллий ахоли вакилларидан бирор бир гид-таржимонни вақтинчалик ёллашлари хам мумкин. Бошқа баъзи бир туристлар эса, саёхат ташкилотчилигини тылалигича тур ташкилотлари - туроператорларига ишониб топширишади.

Хуллас, Маданий туризм инсонларнинг ызга халклар маданиятлари билан танишишга былган қизиқишларига асосланади ва хар бир турист ыз эхтиёжларини белгиланган талаблар орқали кондирилишини истайди.

Туристик эхтиёж(талаб)ларни қондириш учун *биринчи навбатда* туристик ресурслар мавжуд былиши лозим. Ызбекистонда маданий туризм талабларини қондирувчи ресурслар кыплаб топилади. Масалан, Республикамизда 4000 дан ортиқ архитектура ёдгорлиги мавжуд былиб, (уларнинг кыпчилиги мустақиллик шарофати билан қайта таъмирланди).

Туристлар эътиборига таклиф этилаётган ёдгорликларнинг аксарияти XII-XX асрларга мансуб былишса, уларнинг орасида IV-IX аср ёдгорликлар хам учраб туришади. Бухоро шимоли ва шимоли-шарқида жойлашган Сармиш, Нурота то\ тизмаларида, Сурхондарё вилоятида ибтидоий жамоа тузумига хос ёдгорликларни хам учратиш мумкин. Шунингдек, кыплаб қадимий шахарлар қолдиқларида олиб борилган археологик қазишма ишлари, табиий қырикхоналаримизда кыпайтирилаётган ноёб хайвонлар билан танишиш хам маданий туризм ихлосмандларида кыплаб таассуротлар қолдириши мумкин. Республикамиз хукумати шу холларни инобатга олган холда кыплаб хайрли тадбирларни амалга оширмоқдаки, бу ишларнинг натижаси туризмнинг ривожланишига бевосита турки бермоқда. Масалан, кыплаб диний-маданий зиёратгохларимиз капитал таъмир этилди ва мутафаккирларимизнинг муборак юбилейлари нишонланди(Ал-Бухорий, Абдухолиқ /иждувоний, Баховуддин Нақшбандий, Ал-Мотуридий, Амир Темур ва бошқалар). Бухоро, Хива, Шахрисабз шахарларинг юбилейлари, «Алпомиш» достонини юбилейини нишонлаш тадбирлари натижасида кыплаб ёдгорликларимиз янада равнақ топищди. Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш мақсадида қыйилаётган хайрли қадамларимиз: Универсиада – Баркамол авлод ыйинлари каби мусобақалар хам маданий туризм ишқибозлари эътиборидан четда қолмаслиги тайин.

*Иккинчи навбатда*, маданий туризмнинг ривожланиши учун (бошқа туризм турлари сингари) жозибадор ресурсларнинг мавжуд былишининг ызи етарли эмас. Яъни, бундан ташқари, махаллий туристик инфратузилмаси хам етарли даражада ривожланган былиши лозим. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида «Ызбекистон хаво йыллари» Миллий Авиакомпанияси Марказий Осиёдаги энг яхши авиаташувчи ташкилотга айлантирилди; Тошкент-Бухоро темир йналишидаги хизмат даражаси кытарилди, Тошкент-Самрқанд йыналиши шинам тезюрар поезд қатнови ишга туширилди, Тошкент-Самарқанд

темир йыли бутунлай электрлаштирилди; булардан ташқари Навои-Корақалпо\истон темир йыли қурилди, яқинда +орақалпо\истондан Хоразмга Амударё устидан ытувчи темир йыл кыприги қуриб ишга туширилди. Ушбу кыприк қурилишига Ызбекистон мамлакатига темир йыл транспортида хар йили 1 миллион А+Ш долларини тежаб қолиш имкониятини қылга киритиш асосий сабаб былган былсада, бу тадбирнинг туристик ахамияти хам беқиёсдир. Шунингдек, Тошкент, Самрақанд, Хоразм каби вилоятларда кыплаб янги замонавий мехмонхоналар қурилди, куыпгина аэропортлар замонавийлаштирилди. Шулар билан чегараланиб қолинмай, инфратузилмани ривожлантириш бораси бошқа ишлар хам олиб борилмохда. Масалан, Самарқанд вилоятидан Сурхондарёгача булган темир йыл тармо\ини электрлаштириш, Тошкент вилоятидан Камчиқ довони орқали Фар\она водийсига ытувчи темир йыл қуриш, Сурхондарёда замонавий мехмонхоналарни ишга тушириш режалари қабул қилинган.

*Учинчи навбатда*, Ызбекистон маданий туристик махсулотини халқаро ва ички туристик бозорда ытказиш быйича аниқ мақсадга қаратилган ты\ри маркетинг сиёсатини юргиза оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш зарур. Чунки, қышни мамлакатлардан кырсатилаётган кучли рақобат шароитида узоқлардан келувчи туристларни туристик манзилгохларимизга жалб қилиш учун бизнинг турмахсулотимиз билан қизиқадиган истеъмолчиларни топиш, уларни ылкамизда айнан нималар қизиқтиришини ва бу қизиқишни қандай усулларда қондириш лозимлигини аниқлаш, хамда шунга мос тадбирларни амалга ошириш фақатгина туризм сохасидан хабардор былган етук маркетинг мутахассисининггина қылидан келиши мумкин. Бу масаланинг хал этилиши мақсадида Тошкент Давлат ИқтисодиётУниверситетида «Халқаро туризм» факультети ташкил этилиб, унда туризм тармо\и учун малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Кыриниб турибдики, маданий туризм мамлакатимиз учун истиқболли саналган туризм турларидан биридир. Шу сабабли, уни

ривожлантириш борасида изчил сиёсат юритилмоқда, туризм сохасини ривожлантирувчи тадбирлар қыллаб қувватланмоқда. Оқилона юритилаётган туристик сиёсатни ылкамизда янги яратилаётган туристик ташкилотларнинг сони кун сайин ошиб боришидан хам кырса былади.

Туризмни ривожлантиришда эътиборга олиниш лозим былган яна бир томон – туристик ресурсларни улардан келгуси авлод хам манфаат олишлари учун сақлаб қолиш масаласи ызининг долзарблиги билан ажралиб туради. Шуни инобатга олган холда мамлакатимизда қурилаётган хар бир янги бино қурилиш услуби, дизайни каби жихатлари билан шу атрофдаги бошқа биноларга мос былишини таъминлаш зарур. +айта таъмирланган машхур зиёратгохларимизда миллий қурилиш санъати анъаналарига содиқ қолинди. Эндиги масала, хусусий сектор томонидан тарихий масканларимизда қурилаётган янги биноларда хам шу мухит усулидан кескин фарқланишнинг олдини олишни таъминлашдир. Шунингдек, тарихий бинолар таъмирлаётганда унинг асл кыриниши сақлаб қолиш мухимдир. Бунда қайта таъмирлаш бахонасида бинонинг ташқи безакларининг хаммасини бутунлай кычириб, бу безакларни янги қурилиш материаллари билан қайтадан яратиш бинонинг тарихий қадрини тушириб юбориши мумкин. Чунки, маданий туризм ихлосмандларини айнан шу тарихийликкина жалб этган былиши мумкин. Яъни, тарих билан қизиқувчи маданий туристларни эски усулда қурилган янги бино эмас, айнан эски бинонинг ызи кыпроқ қизиқтиради. Шу сабабли, таъмирлаш ишларини амалга оширганда бу каби хатоларга йыл қыйилишининг олди олиниши зарур былади.

Сызсизки, туристларни жалб этувчи табиий бойликларимизни хам сақлаб қолиниши мухим хам масаладир. Мамлакатимизда бу борада махсус чоралар кырилаётгани тахсинга сазовордир.

Юқоридагилардан кыриниб турибдики, Ызбекистон маданий туризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд былиб, унинг ривожланиши Ызбекистоннинг халқаро алоқаларини ривожланишига ыз

хиссасини қышади. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши халқимизнинг бошқа миллатлар билан янада яқинлаштиради, бу эса, ызаро хамкорликни кучайтиради. Ызаро хамкорликнинг кучайиши Ызбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг ысишига олиб келиши мумкин былади.

## Хулоса

Хозирги сайёхлар, хатто  экстремал туризм ишкибозлари хам кулайликларга урганиб колишган. Агар сайёх Узбекистонга тог дарёси бйлаб байдаркада сузиш учун келган булса, бу унинг шу дарё кигогида етиб колишга розилигини англатмайди. Узбекистоннинг тарихий, маданий обидалари билан танишиш ёки махаллий ишбилармонлар билан хамкорлик урнатиш учун келадиганлар янада купрок кулайликларни хохлашади. Германиянинг муваффакиятли ишлаётган турфирмаларидан бирининг вакилини айтишича: «гарблик туристлар бегоналарнинг хаётини куришни ёктиришади, лекин узларининг одатий хаётлари билан яшашни исташади». Купгина хорижлик мехмонлар уларнинг эхтиёжлари тулик кондирилмайдиган мамлакатга озгина муддатга булсада боришни исташмайди.

Ызбекистон маданий туризмни янада ривожлантириш имкониятлари мавжуд былиб, унинг ривожланиши Ызбекистоннинг халқаро алоқаларини ривожланишига ыз хиссасини қышади. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши халқимизнинг бошқа миллатлар билан янада яқинлаштиради, бу эса, ызаро хамкорликни кучайтиради. Ызаро хамкорликнинг кучайиши Ызбекистонга кириб келаётган хорижий инвестицияларнинг ысишига олиб келиши мумкин былади.

## **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистонда маданий туризм мотивацияси тушунчасига изох беринг.
2. Мехмонхоналарнинг тоифалари бўйича тавсифланиши айтиб беринг.
3. Ўзбекистонда мавжуд бўлган кичик ва хусусий мехмонхоналарни санаб беринг.

4. Хорижий туризмни ахамиятининг ошишида БМТнинг роли қандай?
5. Рим конференцияси қачон бўлиб ўтган ва у хақида маълумот беринг.
6. ЮНКТАД фаолияти қайси масалалар билан шуғулланади?
7. ЖТТ қачон ташкил этилган ва унинг фаолиятига изох Беринг.

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати

1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999

12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 6-Мавзу. ÄÀÌ ÎËÈØ ÂÀ ÊЎÍÃÈË Î×ÈØ.

1. Дам олиш ва дунёни ижобий ҳис этиш.
2. Туризм индустриясини ҳукумат томонидан қўллаб-қувватлаш.
3. АҚШ ва Канаданинг миллий парклари.
4. Дам олишни тижоратлаштириш.
5. Аҳолининг махсус гуруҳари учун дастурлар.

### 6.1 ÄÀÌ ÎËÈØ ÂÀ ÄÓÍ¨ÍÈ ÈÆÎÁÈÉ XÈÑ ÝÒÈØ

Èíäóñòðëàøãàí æàìèÿò ìóðàêêàáëàøèá áîðèøè áèëàí xà¸ò èíñîíãà ÿíãè-ÿíãè çыðèқèøëàðíè îëèá êåëàäè. Àââàëãè àâëîäëàðãà ñîëèøòèðèëãàíäè çàìîíàâèé èøáèëàðìîí îäàì çыðèқèø âàçèÿòëàðèãà êыïðîқ òóøàäè. “Çыðèқèø” àòàìàñè êóíäàëèê ëó\àòãà êèðãàí âà қыëëàíèøäà “Èøäà ¸íèá êåòäè” èáîðàñè áèëàí áèð қàòîðäà òóðàäè. Áóíäàé xà¸òäà èíñîíãà ÿíààä қèéèíðîқ âà ыç øàõñèíè òàíàççóëäàí қóòқàðèø óíäàí xàì қèéèí. Òыëàқîíëè äàì îëèø çàðóð ìóâîçàíàòíè ïàéäî қèëàäè, xà¸òãà ìàúíî êèðèòàäè. Èíñîí øàõñèíè ыçëèãèäà òóðèøèäà, áóòóíëèãèíè ñàқëàøèäà ¸ðäàì áåðàäè.

Îäàìëàð äàì îëèøäà áыëèá xà¸òäàí áèðãàëèêäà çàâқ îëàäè âà áó óëàðãà áèðãàëèêäà ÿõøè äàì îëèø òы\ðèñèäàãè õîòèðàëàð àñîñèäà ÿíààä ìóñòàxêàì ìóíîñàáàòëàð ыðíàòèøãà èìêîí áåðàäè. Ãóðóx áыëèá äàì îëèø äàñòóðè øó áîèñäàí “æèïñëàøòèðóâ÷è” äåá xàì àòàëàäè. Áó òóøóí÷àíè àíèқ òàúðèôëàø қèéèí, àììî øàõñëàðàðî àëîқàëàðíè ìóñòàxêàìëàø xèññè, “åëêàìà-åëêà” xèññè äыñòëàð ¸êè èøäàãè ыðòîқëàðäà ÿíãè ôàçèëàòëàðíè êàøô ýòèø - áó áèðãàëèêäàãè äàì îëèø íàòèæàëàðèíè xàð áèð îäàì ыçèäà ñèíàá êыðãàí, øóíèíãäåê óëàð xàð áèð æàìîà àúçîñè øàõñèíèíã ðèâîæëàíèøèãà ¸ðäàì áåðàäè.

Recreation(äàì îëèø) ëó\àòëàðäà “ÿíãè xà¸òãà қàéòèø, òèêëàíèø” ìàúíîñèíè áåðàäè. Ó äóí¸íè èæîáèé xèñ қèëèø ñèíîíèìè xèñîáëàíàäè. Áóíè xàð áèð îäàì ÿõøè äàì îëèøäàí êåéèí xèñ ýòàäè. Ó áàõò áèëàí óéқàø. Àéðèì îäàìëàð ыç îëäèãà áàõòãà åòèø ìóìêèí, äåãàí ìàқñàäíè қыéèá õàòî қèëèøàäè. Ìàñàëàí, ÿõøè äàì áó xàì áàõò, óëàð “áàõòëè áыëèøíè èñòàéìàí - ÿúíè ìåí äàì îëàìàí” äåá қàðîð қèëèøàäè. Àììî äàì xàì îëîìàéäè, áàõò xàì êåëìàéäè. ыòãàí àñðíèíã ыðòàëàðèäà Íàòàíèýë

Ãîòîðî øóíäàé ¸çãàíäè: “Áàõò áó äóí¸äà áîð áыëñà, àãàð ó êåëñà òàñîäèôàí êåëààè, óíèíã îðòèääí áóòòí äóí¸ áыéëàá қóâããíèíããà ñàðîá îðòèääí қóâà¸õãàíèíãíè âà óíãà åòèøèá áыëìàñëèãèíè òàçäà ñåçàñàí. Áîøқà áèðîð íàðñàíèíã îðòèääí қóâ âà xàòòî îðçó қèëìàããàíèíã  xîëäà áàõòãà äó÷îð êåëèá қîëèøèíã ýxòèìîëäàí õîëè ýìàñ”.

Äàì îëèø áó - ызèíãèçäà áàõòíè xèñ ýòàäèãàí xîëàòíè êàøô ýòóâ÷è ìóxèòíè áàðïî ýòèø æàðà¸íèäèð. Áàõò âà äóí¸íè èæîáèé xèñ ýòèø,  øóíäàé қèëèá, òыëàқîíëè äàì îëèøíèíã íàòèæàâèé ìàxñóëèäèð. Áîøқà÷à ñыç áèëàí àéòãàíäà  êèìêè ÿõøè äàì îëñà ыøà áàõòëèäèð.

Äàì îëèøíè òóðëàðèíè ñàéëàøäà æóäà æèääèé ¸íäàøèø çàðóð. Áó õóääè áèðîð áèð  èø ¸êè øàõñèé ìàқñàäëàðíè îëäèãà қыéèø áèëàí áàðîáàðäèð. Áèðîâ ыç äàì îëèøèíè þãóðèøãà áà\èøëàéäè. ×óíêè ó áèð ìèëíè  îëòè ìèíóòäà áîñèá ыòèøíè õîxëàéäè. Áîøқà êèøè ýñà áóòóí òàúòèëäà áåéñàîë êîïòîãèääí àæðàëìàéäè. Èíñîí ыç îëäèãà  қàéíäàéäèð  ìàқñàäíè қыéñà âà óíãà ýðèøèøãà èíòèëñà, áó óíäàí ыç âàқòèíè ÿõøè òàøêèë ýòèøíè òàëàá ýòàäè. Áó ýñà óìóìàí xà¸ò äàðàæàñèíè êыòàðèøèãà ¸ðäàì áåðàäè.

Òàðèõ áèçãà ÿíà âà ÿíà îääìëàðíèíã äàì îëèø òóðëàðèíè êыïàéèøè âà öèâèëèçàöèÿíèíã ðèâîæëàíèøè ыðòàñèäà òы\ðèäàí-òы\ðè áî\ëèқëèê áîðëèãè ìèñîëëàðèíè áåðàäè.  Î\èð ìåxíàò äàì îëèøãà èìêîí áåðìàéäè. Öèâèëèçàöèÿíèíã ôàðîâîíëèãèäàí ôîéäàëàíèøãà èìêîí áåðìàéäè. Áóíäà ыçèãà õîñ áèð èñòåxçî áîðêè, äàì îëèøãà ýãà áыëèø èìêîíèÿòè óøáó қóëàéëèêëàðíè, õóñóñàí òåõíèê òàðàққè¸òèíã  ååâîñèòà íàòèæàñèäèð.

## 6.2 ТУРИЗМ ÈÍÄÓÑÒÐÈßÑÈÍÈÍÃ XÓÊÓÌÀÒ ÒÎÌÎÍÈÄÀÍ +ыËËÀÁ-+ÓÂÂÀÒËÀÍÈØÈ

Xîêèìèÿò òóðèè òàðìîқëàðè ìàíôààòëàðè êыï ìàñàëàëàðäà, æóìëàäàí, äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø ìàñàëàëàðèäà áèð-áèðè áèëàí ÷àìбàð÷àñ áî\ëèқ. Áó xàқäà êыïãèíà ìàìëàêàòëàðíèíã áîø  àñîñ÷èëàðè ìóñòàқèëëèê äåêëàðàöèÿñèäà xàð áèð ôóқàðîíèíã xà¸òäàí, ýðêèíëèê âà áàõò òîïèø xóқóқëàðè òàñäèқëàá, ызëàðèíèíã ýíã ÿõøè ñызëàðèíè àéòèøãàí. À+Ø êîíñòèòóöèÿñèíèíã ìà\çèäà óøáó xóқóқëàðè

òàñäèқëîâ÷è ôåäåðàë қîíóíëàð îäàìëàðíèíã êыíãèë î÷èøèíè ìóâîôèқëàøòèðóâ÷è óñóëëàð ыç хóқóқèé àñîñèíè òîïãàí.          Хóêóìàò ôóқàðîëàðíèíã äàðîìàäè, ñàâäîñè, êы÷ìàñ ìóëêèäàí òóðëè ñîëèқëàð óøëàá қîëàäè. Áóíäàí òàøқàðè, хóêóìàò äàì îëèø, òðàíñïîðò âîñèòëàðè, ìîòîð қàéèқëàðè, ìåхìîíõîíà õîäèìëàðèäàí хàì ыç ôàîëèÿòè ó÷óí ñîëèқ óøëàá қîëàäè.

Ñîëèқ ìàáëà\ëàðèäàí àæðàòèëàäèãàí ïóëëàð,  äàì îëèø âà ôóқàðîëàðíèíã êыíãèë î÷èøèäàí òóøàäèãàí ñîëèқ ìàáëà\ëàðèäàí àæàðèòèëàäèãàí ïóëëàð áàð÷à äàðàæàäàãè òàøêèëîòëàð ыðòàñèäà òàõñèìëàíàäè: ôåäåðàöèÿ øòàò, ïðîâèíöèÿ, êè÷èê âà êàòòà øàхàðëàð. Îäàìëàð òóðëè èøëàð áèëàí ыç êыíãèëëàðèíè î÷èøàäè: ìóçåéëàðãà, òåàòðëàðãà, êóòóáõîíà, áî\, ыéèíãîх, òàáèàò қыéíèäà ñàéð, ñïîðò áèëàí øó\óëëàíèø (êîìàíäàäà âà àëîхèäà) âà хîêàçî.

Ñî\ëîìëàøòèðèø-êыíãèëî÷àð òàäáèðëàðäà èøòèðîê ýòèø, äåìîãðàôèê õàðàêòåðäàãè òóðëè îìèëëàðãà òàúñèð қèëàäè: æèíñ, ¸ø, ìàäàíèé äàðàæà, òàðáèÿ, òàúëèì, ìàø\óëîò òóðè, òàíèøóâ.

Áèðîð íàðñàíè қàáóë қèëèø  âà áåëãèëàøíèíã ыçèãà õîñëèãè хàì ìóхèì ðîë ыéíàéäè. Яúíè áèç қàíäàéäèð êыíãèëî÷àð òàäáèðãà қàòíàøàìèçìè, àãàð қàòíàøñàê ó áèçãà ¸қàäèìè? Îäàìëàðíèíã қàáóë қèëèøè âà áåëãèëàøè  ìàúëóì èæòèìîèé ìóхèòäàãè óëàðíèíã хà¸ò íàòèæàñè хèñîáëàíàäè. Òàøқè äóí¸äàí êåëà¸òãàí ðà\áàòëàíòèðèøëàð áèçíèíã хà¸òãà áыëãàí қàðàøëàðèìèç âà хèñ-òóé\óëàðèìèçíè øàêëëàíòèðàäè. Áîøқà æèхàòäàí, áó ðà\áàòëàíòèðèøëàð äåìîãðàôèê îìèëëàð áèëàí áåëãèëàíàäè. +èñқàñèíè àéòãàíäà îäàìëàð ыçëàðè ó÷óí ыç қèçèқèøëàðè âà қîáèëèÿòëàðèãà õîñ äàì îëèø òóðëàðèíè òàíëàéäè.

Äàì îëèøíè óþøòèðóâ÷è ìóòàõàññèñëàð ыç èøëàðèäà òóðëè ìóàììîëàðãà âà òóðëè õàðàêòåðäàãè хóқóқèé òóøóí÷àëàðãà äó÷ êåëàäèëè, óëàðäàí қыéèëàäèãàëàðíè àéòèø ìóìêèí:

* Êыíãèë î÷èø òàäáèðëàðèíè àìàëèé ðåæàëàøòèðèø.

* Ëàíäøàôòëàðíè ñèíôëàøòèðèø.

* Ôåäåðàë аþäæåòäàí ìîëèÿëàøòèðèø

* Ôîíäëàðíè áыëèø âà ðèâîæëàíòèðèø

* Åðäàí ôîéäàëàíèø âà хóäóäëàð

* Øòàòàä âà ìàxàëëèé ìîëèÿëàøòèðèø

* Âåçäèõîäëàðíè xàëîêàòè âà ñó\õðòà ïîëèñëàðè

* Éыëëàðäàí ôîéäàëàíèø xóқóқè

* Ëàíäøàôòëàðíèíã òàñâèðëàðè (Ìàñàëàí: xå÷ êèì þðìàãàí æîéëàð, ìàíçàðàëè äàð¸ëàðè áыëãàí ¸âîéè òàáèàò, äàñòëàáêè ÿøàãàí àxîëè éыëëàðè, òàáèàò қыðèқõîíàñè)

* Ìàқñàäëàð âà ðåñóðñëàðäàãè ôàðқëàð (Ìàñàëàí: êыï ñîíëè ôåäåðàë/øòàò/ ìàxàëëèé àãåíòëèêëàð, åðíè ó÷àí áèð қèñìèíè íàçîðàò қèëóâ÷è ôóқàðîëàðíèíã äàì îëèøè ó÷óí ôîéäàëàíàäèãàí)

## 6.3 À+Ø ÂÀ ÊÀÍÀÄÀ ÌÈËËÈÉ ÏÀÐÊËÀÐÈ

Ìèëëèé ïàðêëàð қà÷îíëàðäàèð áèçíèíã êàëëàìèçãà êåëãàí ýíã áóþê \îÿ xèñîáëàíàäè. Ìóòëàқî àìåðèêàí÷à, ìóòëàқî äåìîêðàòèê, óëàð áèçäàãè ýíã ÿõøè ôàçèëàòëàðíè àêñ ýòòèðàäè. Óîëëåñ Ñòåãíåð, 1983

Ìèëëèé ïàðêëàð òы\ðèñèäàãè áèçíèíã àñîñèé òàñàââóðèìèç, õóääè òàáèàòíèíã áóþê ìыúæèçàñèäåê. Éåëëîóñòîí ïàðêè õóääè øóíäàé. Àìåðèêàäàãè 367 òà ìèëëèé ïàðêëàðíè xàììàñè øóíäàé ýìàñ, óëàð ìàìëàêàòíèíã áàð÷à áóð÷àêëàðèäà áàðïî ýòèëãàí âà æîé âà ëàíäøàôòíèíã áóòóí ìыúæèçàëàðèíè àêñ ýòòèðàäè.

Ìèëëèé ïàðêëàð õèçìàòè 1916 éèëäà À+Ø êîíãðåññè òîìîíèäàí òàáèàò áóð÷àêëàðèíè êîíñåðâàòëàø âà óëàðäà êåëàæàê àâëîäëàð áó åðëàðäà êåëèøè âà áó ãыçàëëèêëàðäàí áàxðàìàíä áыëèøè ó÷óí õыæàëèê ôàîëèÿòèãà éыë қыéìàñëèê ìàқñàäèäà òàøêèë ýòèëãàí.

Æóäà ìàøxóð Éåëëîóñòîí âà Éîñåìèò ïàðêëàðèäàí òàøқàðè, ïàðê õèçìàòè êыïëàá òàðèõèé àxàìèÿòãà ýãà áыëãàí èíøîîòëàðíè íàçîðàò қèëàäè: Áîñòîíäàãè Îçîäëèê ñықìî\è, Ôèëîäåëôèÿäàãè Ìóñòàқèëëèê çàëè, Øàðïñáóðã (Ìýðèëåíä øòàòè) îñòèäàãè æàíã ìàéäîíè, Âàâàéèäàãè Ï¸ðëõàðáîðäàãè Àðèçîíà êåìàñèäà áà\èøëàíãàí ìåúìîðèàë, ïàðê õèçìàòè xèìîÿñèäà êыïëàá ìàäàíèÿò ¸äãîðëèêëàðè, àðõåîëîãèê қàçèëìàëàð, åëêàíëè êåìàëàð, êîëîíèîë äàâðè êèéèìëàðè, Ôóқàðîëàð óðóøè äàâðè xóææàòëàðè xàì òóðàäè.

Áèçíèíã ìèëëèé ïàðêëàðèìèç êàáè àìåðèêàí÷à xà¸ò àêñ ýòòèðèëãàí íàðñà éык. Ìàìëàêàò õàëққà òåãèøëèäèð, äåãàí àñîñèé \îÿ óëàðãà òàÿíàäè.

Ïàðê õèçìàòè Àðêòèêà òóíäðàëàðèäàí òîðòèá Ìàðæîí қîÿëàðèãà÷à áыëãàí ýêîòèçèìëàðíè, xàâîíè âà è÷à¸òãàí ñóâèìèçíè òàäқèқ ýòèøíè íàçîðàòèíè îëãàí. Ó êèñëîòà ¸ì\èðëàðè, èқëèì ыçãàðèøëàðè âà áèîëîãèê ыçãàðèø áыéè÷à õàëқàðî ëîéèxàëàðãà èøòèðîê ýòàäè. ыòà ãыçàë, òàáèèé ëàíäøàôòëàðíè ñàқëàø \îÿñè øóíäàí êåëèá ÷èққàíêè, îäàìëàð áóíäàí çàâқëàíñèí. Áó Àìåðèêàíèíã íî¸á òàáèèé áîéëèêëàðè èíñîí øàôқàòñèçëèãè áèëàí òîïòàëìàñèí.

Êåéèíãè éèãèðìà éèë è÷èäà òèçèìãà ÿíà ó÷òà қыðèқõîíà қыøèëäè. Ìèëëèé ïàðêíèíã ÿíãè òóðëàðè – øàxàð äàì îëèø xóäóäëàðè, äàð¸ қыðèқõîíàëàðè, ñàé¸xëèê қыðèқõîíàëàðè, òàðèõèé æîéëàð. +ыðèқõîíàëàð òèçèìëàðèãà êèðóâ÷è 367 òà xóäóä 80 ìèëëèîí àêð åðíè ýãàëëàéäè. Ïàðêëàðíèíã ыë÷àìëàðè æóäà òóðëè÷à: Âðàíãåëëààãè ìèëëèé ïàðê âà Àëÿñêàäààãè Ìóқàääàñ Ýëÿñ ïàðêëàðè 13 ìèëëèîí àêðëàðãà ýãà áыëñà, Òàäåóø Êîñòþøêî ìèëëèé ìåúìîðèàëè àòèãè 0,2 àêðíè ýãàëëàéäè.

Xàð éèëè 273 ìèëëèîí îäàì ìèëëèé ïàðêëàðãà òàøðèô áþðàäè. Óíäàãè òóðëè õèçìàòëàð âà äàñòóðëàðäàí òыëà-òыêèñ ôîéäàëàíàäè. Êыï éèëëàð ìóқàääàì ïàðê õèçìàòè ыç îëäèãà қыéèëãàí âàçèôàëàð ýíäèëèêäà êыïðîқ xàð áèð ïàðêíèíã ýêîòèçèìèíè ñàқëàá қîëèø  âà íî¸á ¸êè éықîëèá áîðà¸òãàí ыñèìëèê âà xàéâîííîò äóí¸ñèíè xèìîÿëàø òîìîíèãà ыçãàðäè.

Êàíàäàäà 29 òà êàòòà ìèëëèé ïàðêëàð âà 20 äàí çè¸ä ìèëëèé-òàðèõèé ïàðêëàð âà ìàíçèëëàð ìàâæóä. Ýíã ãыçàë òî\ þêñàêëèêëàðè xóäóäèäà æîéëàøãàí Áàíô ìèëëèé ïàðêè 1885 éèëäà àñîñ ñîëèíãàí áèðèí÷è ïàðê òèçèìè ýäè. Ýíäèëèêäà óíèíã òàðêèáèãà Æàñïåð, Êó-òåíå, Éîõîâà Ðåâåëñòîê ìèëëèé ïàðêëàðè áèð íå÷à ìàxàëëèé ïàðêëàð âà қыðèқõîíàëàð ìàíçàðàëè òî\ ÷ыққèëàðãà (Áðèòàíèÿ Êîëóìáèÿñè âà Àëáåðò ïðîâèíöèÿëàðè) òóòàøèá êåòãàí. Áó ïàðêëàðãà ïîåçääà (Êàíàäà Òèí÷ îêåàí òåìèð éыëè), ìàøèíàäà (Òðàíñêàíàäà øîññåñè), øóíèíãäåê, ìàxàëëèé àâèàêîìïàíèÿ õèçìàòëàðèäàí ôîéäàëàíèá áîðèø ìóìêèí.

Êàíàäà ìèëëèé ïàðêëàðè òы\ðèñèäà қîíóíäà ¸çèëãàí: “Ïàðêëàð Êàíàäà õàëқè ó÷óí – óíèíã äàì îëèøè, ìàúðèôàòè âà êыíãèë î÷èøè ó÷óí áàðïî ýòèëãàí âà óëàð

áыë\óñè àâëîãëàðãà èëê ãыçàëëèãè áèëàí åòêàçèá áîðèëààè.” Êàíààä ïàðêèàðèàä ñàé¸xëèê õèçìàòè (àéíèқñà, Ááôô øàxðè) ðèâîæëàíãàí, êыïëàá Øèâåéöàðèÿ óñëóáèääãè øàëåëàð, ÷àí\è êóðîðòëàðè, ñïîðò ìàðêàçëàðè, õóøìàíçàðà, öèâèëèçàöèÿ î¸\è åòìàãàí æîéëàðäà àëîxèäà äàì îëèø óéëàðè ìàâæóä. Êàíàäààà, âà ýxòèìîë áóòóí äóí¸äà ýíã êàòòà ïàðê Àëüåðòà âà Øèìîëèé \àðáèé xóäóä ïðîâèíöèÿñèäà æîéëàøãàí Âóä áàôôàëî  ìèëëèé ïàðêè xñîáëàíàäè. Ó 4 ìèëëèîí 480 ìèëëèîí ãåêòàðíè òàøêèë ýòàäè âà óíäà äóí¸äàãè ýíã éèðèê ¸âîéè áèçîí ïîäàëàðè ÿøàéäè. Ïàðê ãы¸ òààèàò қыðèқõîíàñè ñèôàòèäà õèçìàò қèëàäè âà ñàé¸xëàðíèíã îììàâèé áîðèøëàðè ó÷óí ìыëæàëëàíìàãàí.

Êàíàäà xóêóìàòè èêêèí÷è æàxîí óðóøèäàí êåéèí äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø èøëàðè áèëàí æèääèé øó\óëëàíà áîøëàäè. Áóëàð, ñàé¸xàò, òóðèçì, ñïîðò âà ôàîë äàì îëèø ñàíúàò âà ìàäàíèÿò óøáó éыíàëèøëàðíèíã xàð áèðèäà xóêóìàò òîìîíèäàí òàúìèíèñ ýòèëãàí àãåíòëèêëàð ó ¸êè áó ìàñúóëèÿòíè çèììàñèãà îëãàí xîëäà èø îëèá áîðàäè. Óëàð áèð-áèðèãà ¸ðäàì áåðàäè âà áèð áèðè áèëàí ìàúëóì áèð ìàæáóðèÿòëàð àñîñèäà èø îëèá áîðàäè.

Óðóøäàí êåéíãè ыí éèëëèêäà Êàíàäà xóêóìàòè ìàìëàêàò è÷êè çàxèðàëàðèíè áèðèí÷è íàâáàòäàãè âàçèôàëàðèíè áàæàðèø ó÷óí èøãà ñîëèá áèð қàòîð óìóìõàëқ ìàäàíèé òàðàèðëàðèíè òàúñèñ ýòèëäè. 1950 éèëëàð æèñìîíèé òàðáèÿãà, 60-éèëëàðäà ¸øëàð, 70-éèëëàðäà ìàäàíèÿò âà ìàäàíèÿòëàðàðî ìóëîқîòëàð áàéðî\è îñòèëäà ыòäè. 1980 âà 90-éèëëàðäà þқîðèäàãè ìàâçóëàðíè áèðëàøòèðóâ÷è âà îëèà xàìäà íèêîx ìàâçóñèãà ýúòèáîð áåðóâ÷è áèð íå÷à äàñòóðëàð xà¸òãà òàòáèқ ýòèëäè.

## 6.4 ÄÀÌ ÎËÈØÍÈ ÒÈÆÎÐÀÒËÀØÒÈÐÈØ

Ñàíîàò äàì îëèøè 1920 – 30 éèëëàðäà èæòèìîèé ðèâîæëàíèø âà ìàäàíèé äàì îëèø äàñòóðè êåíã æàìîàò÷èëèêíèíã àñîñèé òàøâèøèãà àéëàíãàíäà êó÷àéäè. Êîëëåæ âà óíèâåðñèòåòëàð òàãèøëè äàñòóðëàðíè èøëàá ÷èқèøäè âà 50-éèëëàðäàí áîøëàá êыï êåíã îììàíè òàøêèë қèëèøíè ыçèãà îëãàí äàâëàò âà òèæîðàò êîðõîíàëàðè ó÷óí þêñàê ìàëàêàëè áîøқîðóâ êàäðëàðèíè òàé¸ðëàøãà ыòäè. Òèæîðàò ñåêòîðè  äàì îëóâ÷èëàð òîìîíèäàí òыëàíàäèãàí âà óíè óþøòèðóâ÷èëàð ó÷óí äàðîìàä

êåëòèðààèãàí äàì îëèøíè òàêëèô ýòààè. Äàì îëèø èíäóñòðèÿñèíèíã òèæîðàò êîðõîíàëàðè îðàñèäà ìàâçóëè ïàðêëàð, àòòðàêöèîíëàð âà ïàðêëàð ìàâæóä.

## Ìàâçóëè ïàðêëàð

Ìàâçóëè ïàðêëàðãà áîðèø àçàë-àçàëäàí ñàé¸xëàðíèíã ýíã ÿõøè ìàø\óëîòè, ìåúìîð÷èëèê âà ëàíäøàôòëèêíèíã óé\óíëèãè, õèçìàò қèëóâ÷èëàðíèíã êèéèìëàðè, êыðãàçìàëàð, ñîòèëà¸òãàí ¸äãîðëèêëàð âà áåðèëà¸òãàí îâқàòëàð, ñàé¸x қàíäàéäèð áîøқà æîé âà áîøқà äàâðãà òóøèá қîëãàíëèãèíè xèñ ýòèðààè. Ïàðêëàð ыç àðîôèäà òóðëè ìàâçóëàðíè èôîäà ýòààè. Òàðèõ, ìàäàíèÿò, æó\ðîôèÿ, ñïîðò âà xàêîçîëàð, óëàðäàí àéðèìëàðè áóòóíëàé áèòòà ìàâçóãà áà\èøëàíààè. “Ìàñàëàí, ñóâîñòè äóí¸ñè ïàðêè” äåíãèç ыñèìëèêëàðè âà xàéâîíëàðèíè àêñ ýòòèðààè. Áîøқà ïàðêëàð ýñà ðàíã-áàðàíã òåìàëàðãà áà\èøëàíààè. Ìàñàëàí, Îãàéîäàãè îèëàâèé äàì îëèø ó÷óí êыíãèë î÷èø ìàðêàçè îëòè xóäóäãà àæðàòèëãàí: Áàéíàëìèëàë êы÷à, Áèðèí÷è îêòÿáð, Äàð¸ øàxðè, Xàííà Áàðáåððà Ëåíä, Êîíè Ìîë, ¨âîéè xàéâîíëàð. Áîøқà ìèñîë, – Êàëèèôîðíèÿäàãè “Áóþê Àìåðèêà” ïàðêè îèëàâèé äàì îëèø ìàðêàçè áыëèá, áóíäà þç àêð ìàéäîíäà Îíà øàxàð÷à ìàéäîíè, Þêîí xóäóäè, ßíêèëàð áàíäàðãîxè, қèøëîқ ÿðìàðêàñè ìàéäîíè xàìäà ÿíãè Îðëåàí áîð.

## Êëóáëàð

Õóñóñèé êëóáëàð øóíäàé æîéëàðêè, ó åðäà îäàìëàð äóí¸âèé, êàñáèé, äыñòîíà âà áèðîäàðëàð÷à ìóëîқîò ó÷óí óíãà àúçî áыëèøààè. Çàìîíàâèé êëóáëàðíèíã êыï÷èëèãè èíãëèç ¸êè øîòëàíä êëóáëàðè òàðçèäà áàðïî ýòèëãàí ìàñàëàí Øèìîëèé Àìåðèêà øàxàð òàøқàðèñèäàãè êëóáè êыï æèxàòäàí +èðîë âà ìóқàääàñ 1758 éèëäà Øîòëàíäèÿäà – ãîëô òó\èëãàí æîéäà áàðïî ýòèëãàí àâëè¸ Àíäðåé íîìèäàãè қàäèìãè ãîëô êëóáèäàí íóñxà îëãàí.

Êëóáëàðíè áîøқàðèø êыï æèxàòäàí ìåxìîíõîíàëàðíè áîøқàðèøíè ýñëàòàäè. Ìåíåæåðëàð, ïðîãíîçëàø, èñòèқáîëëè ðåæàëàøòèðèø, ìîëèÿâèé ñìåòàíè òóçèø, êàäðëàð áèëàí èøëàø áèëàí øó\óëëàíàäè. Îâқàò áëîêè, âà õыжàëèê қèñìèãà ðàxáàðëèêíè àìàëãà îøèðàäè. Ìåxìîíëàð áó åðäà ыçëàðèíè îìîíàò ýìàñ, áàëêè õыжàéèí ñèôàòèäà (îäàòäà õóääè øóíäàé) ñåçèøàäè âà ыçëàðèíè øóíãà ÿðàøà òóòèøàäè. Êëóá áèëàí ìåxìîíõîíà ыðòàñèäàãè áîøқà ôàðқ øóêè, êëóáëàð ìåxìîíëàð óõëàøè ó÷óí ìååëàð áèëàí æèxîçëàíìàãàí.

Êëóáãà àúçîëèê ïóëëèê: äàñòëàá êèðèø áàäàëè, ñыíãðà ýñà éèëëèê àúçîëèê áàäàëëàðè. Àéðèì êëóáëàðäà áàäàëëàð êëóá àúçîñè óøáó õèçìàòëàðäàí ôîéäàëàíèø ¸êè ôîéäàëàíìàñëèêëàðè қàòúèé íàçàð, îâқàò âà è÷èìëèêëàð ó÷óí àúçîëèê áàäàëè қàáóë қèëèíàäè. Àìåðèêàäà æàìè áыëèá 14 ìèíããà ÿқèí õóñóñèé, øàxàðäàí òàøқàðè âà øàxàð êëóáëàðè ìàâæóä.

Àìåðèêà êëóá ìåíåæåðëàðè óþøìàñè – ïðîôåññèîíàë òàøêèëîò áыëèá, óíãà øàxàð òàøқàðèñèäàãè 6 ìèíãòà êëóáíèíã áîøқàðóâ÷èëàðè êèðèøàäè. Óþøìàíèíã ìàқñàäè ìåíåæåðëàðíè çàìîíàâèé ¸íäàøóâ âà æàðà¸íëàð áèëàí òàíèøòèðèá áîðèøäàí èáîðàò. Êëóá ìåíåæåðèíèíã ïðîôåññèîíàë êîäåêñè қóéèäàãè қîèäàëàðíè ыç è÷èãà îëàäè:

1. Êëóá ìåíåæåðè êëóá àúçîëàðèãà ìóíîñàáàòäà êàñáèé ìàñîôàíè ñàқëàãàí xîëäà ýxòè¸òêîð áыëèøëàðè ëîçèì.
2. Êëóá ìåíåæåðè ыç õèçìàò÷èëàðèãà êëóá àúçîëàðè âà óëàðíèíã ìåxìîíëàðèãà àõëîқèé íàìóíà êыðñàòèøè ëîçèì.
3. Êëóá ìåíåæèåðè æàìîàò÷èëèêêà áàð÷à ìàâæóä âîñèòàëàð îðқàëè õèçìàò қèëèøè ëîçèì.
4. Êëóá ìåíåæåðè  óíãà òîïøèðèëãàí ìóàññàñà èøèíè ÿõøèëàø ìàқñàäèäà àíæóìàí âà ñåìèíàðëàðäà èøòèðîê ýòèá, ыç ïðîôåññèîíàë ìàëàêàñèíè îøèðèá áîðèøè ëîçèì.
5. Êëóá ìåíåæåðè ìàxàëëèé âà  óìóìàìåðèêà  óþøìà éè\èëèøëàðèäà ôàîë èøòèðîê ýòèøèø ëîçèì.
6. Êëóá ìåíåæåðè  êëóá îëäèäàãè, õèçìàò÷èëàð, êëóá àúçîëàðè âà åòêàçèá áåðóâ÷èëàð áèëàí áèòèìëàðäà ыç ìàæáóðèÿòëàðèíè áàæàðèá, ÿõøè õèçìàò÷è íàìóíàñèíè êыðñàòèøè ëîçèì.
7. Êëóá ìåíåæåðè xàð қàíäàé ìèíóòäà êëóá áîøқàðóâè àúçîëàðèãà, ыç ¸ðäàì÷èëàðèãà âà êëóá èøèäà ¸ðäàì êыðñàòà¸òãàí xàììàãà êыìàêëàøèøãà òàé¸ð áыëèøè ëîçèì.
8. Êëóá ìåíåæåðè êëóá ìàíñóá áыëãàí ìóàññàñàëàð ôàîëèÿòèíè ìóâîôèқëàøòèðóâ÷è қîíóíëàðíè xå÷ қà÷îí áóçìàéäè.

Êëóáíèíã áîøқàðóâ òóçèëìàñè

Êëóá áîøқàðóâèëã ñàéëîâëàð óíèíã óñòààè âà óíãà êèðèòèëãàí òóçàòèøëàðãà ìóâîôèқ ðàâèøäà ñàéëîâëàð æàðà¸íèíè, áîøқàðóâ òàðêèáè, óíèíã àúçîëàðè ыðòàñèäàãè âàêîëàòëàðíè áыëèøíè áåëãèëîâ÷è ôóíêöèÿëàðíè àìàëãà îøèðàäè. Ïðåçèäåíò, âèöå ïðåçèäåíò âà áîøқàðóâ êëóá àúçîëàðèíèíã óìóìèé éè\ëèøèäà áèð éèëãà ñàéëàíàäè. Êèì ïðåçèäåíò áыëèá ñàéëàíàøèäàí қàòúèé íàçàð, ìåíåæåð ó âà áîøқà ìàíñàáäîð øàõñëàð áèëàí èøëàøãà ìàæáóð.

Ïðåçèäåíò áàð÷à ðàñìèé éè\ëèëøëàðãà ðàèñëèê қèëàäè âà êëóáíèíã óìóìèé ñè¸ñàòèãà æààâîáãàð. Âèöå-ïðåçèäåíò ïðåçèäåíò éыққèëèäà óíèíã âàçèôàëàðèíè áàæàðàäè. Àãàð êëóáäà áèòòààì êыï ыðèíáîñàð áыëñà, óëàð áèðèí÷è èêêèí÷è, ó÷èí÷è âà xîêàçî äåá áåëãèëàíàäè. Óëàð áèòòà ¸êè êыïðîқ äîèìèé êîìèññèÿëàðèíèíã ðàèñè xèñîáëàíàäè.

Õàçèíà÷è îäàòäà ìîëèÿíè /áóõãàëòåðèÿ âà çàðóð xîëëàðäà ìîëèÿâèé ñìåòàíè òóçèø, íàçîðàò òèçèìëàðèãà éыðèқíîìà, ìàñëàxàòëàð áåðàäè, ìóñòàқèë àóäèòîðëàðíè òàêëèô ýòàäè/ áîøқàðàäè.

Êîòèá éè\ëèëøëàð áà¸ííîìàëàðèíè îëèá áîðàäè âà ¸çèøìàëàðãà æàâîá áåðàäè. Áó ëàâîçèì êыïèíчà õàçèíà÷è ëàâîçèìè áèëàí ыðèíäîøëèêäà îëèá áîðèëàäè. Ó xàì èøëàøè ¸êè қàíäàéäèð êîìèññèÿãà ðàèñëèê қèëèøè ìóìêèí. Äîèìèé êîìèññèÿëàð êëóá ôàîëèÿòèäà êàòòà ðîë ыéíàéäè. Óíèíã ñàìàðàëè èøëàøèäà êëóá xàì ñàìàðàëè èøëàéäè. Êîìèññèÿëàð ôàîëèÿòèíèíã ìóääàòè xàð áèð êîíêðåò xîëàòäà àëîxèäà áåëãèëàíàäè âà éè\ëèëø áåëãèëàíãàí ïðîôåññóðà қîèäàëàðèãà ìóâîôèқ îëèá áîðèëàäè. Îäàòäà қóéèäàãè êîìèññèÿëàð òàúñèñ ýòèëàäè: è÷êè òàðòèá áыéè÷à, àúçîëèê áыéè÷à, ðåæà-ìîëèÿ, ìàäàíèé-îììàâèé, ñïîðò, ìàõñóñ âà xîêàçî.

Øàxàð òàøқàðèñèäàãè êëóáëàð

Øàxàð òàøқàðèñèäàãè êëóáëàð îäàòäà ñïîðò ìàø\óëîòëàðè ó÷óí ÿõøè óñêóíàëàíàäè. Îäàòäà áó ãîëô áыëàäò, àììî àéðèìëàðè òåííèñ âà ñóçèøãà èõòèñîñëàøàäè. Áóíäàí òàøқàðè, êыïãèíà êëóáëàð ыç àúçîëàðè ó÷óí ãîëôäàí òàøқàðè îòäàþðèø, қàðòà ыéèíè, àўðîáèêà âà áîøқà ìàø\óëîòëàð áèëàí øó\óëëàíèø èìêîíèíè ÿðàòàäè.

Äåÿðëè øàxàð òàøқàðèñèäààã áàð÷à óéëàð áèð ¸êè êыïðîқ äàì îëèø õîíàëàðèãà ÿãà áыëèá, қóëàé êðåñëî, äèâàíëàð, øóìèíãààê ðåñòîðàíãà ÿãà. Êыïãèíà êëóáëàðäà çè¸ôàò-áàíêåòëàð óþøòèðèø ó÷óí xàììà íàðñà áîð. Êыïèí÷à ìåxìîíëàð ыçëàðè âà ыç ìåxìîíëàðè ó÷óí íé îõèðèäà xàқ òыëàéäè. Áàíêåò óñêóíàëàðèäàí ðàñìèé áàíêåòëàð  âà íîðàñìèé êå÷àëàð, òóøëèêëàð, ðàқñëàð, òыéëàð âàқòèäà ôîéäàëàíèëàäè. Àéðèì êëóáëàðäà ìóàññàñàíèíã ýñêèëþçèâëèãèíè ñàқëàø ìàқñàäèäà ыòà þқîðè êèðèø áàäàëè(àéðèì xîëëàðäà 250 ìèíã À+Ø äîëëàðè) óøëàá қîëèíàäè.

Øàxàð òàøқàðèñèäààã êëóáëàðãà àúçîëèê àñîñàí èêêè òóðäà áыëàäè: òыëà âà èæòèìîèé. Òыëà àúçîëèê áàð÷à õîíàëàð, áàð÷à óñêóíàëàðäàí ôîxëàãàí ïàéòäà ôîéäàëàíèø èìêîíèéè áåðàäè. Èæòèìîèé ýñà - èæòèìîèé èíôðàòóçóëìà õîíàëàðèäàí: äàì îëèø õîíàëàðè, áàð, ðåñòîðàí, áàúçàí ñóçèø áàññåéíè âà òåííèñ êîðòèäàí ôîéäàëàíèø èìêîíèéè áåðàäè. Àúçîëèêíèíã áîøқà÷à øàêëè, äàì îëèø êóíëàðè ¸êè èø êóíëàðè àúçîëèãè áыëèøè ìóìêèí.

Áóíäàí áèð íå÷à éèë èëãàðè øàxàð òàøқàðèñèäààã êëóáëàð èæòèìîèé çîäàãîíëàðíèíã қыð\ìîëàðè xèñîáëàíàðäè. Ãàð÷è áó áåëãè xîçèð xàì óëàðíèíã êыïèãà ìîñ áыëñà-äà, ááðèáèð óëàð îðàñèäà àí÷à ïðîãðåññèâ, îëäèíäàí íàââàòãà òóðìàñäàí, âà àæäîäëàðè òы\ðèñèäààã ñàâîëëàð êыðèëìàñäàí қààóë қèëèíààèãàíëàðè xàì áîð. Áóíäàí òàøқàðè, óøáó ïðîãðåññèâ êëóáëàðäà êèðèø àúçîëèê áàäàëëàðè àéðèì ýñêè êëóáëàðãà қàðàãàíäà àí÷à àðçîí áыëèøè ìóìêèí.

Øàxàð êëóáëàðè

Øàxàð êëóáëàðè îäàòäà ыçèíè êàòòà èøáèëàðìîíëèãè áèëàí ôàðқëàíàäè. Óëàð õîíàëàðè ыë÷àìè, éыíàëèøè,  êыðñàòäèãàí õèçìàòëàðè áыéè÷à æóäà òóðëè÷à áыëèøè ìóìêèí. Àéðèìëàðè, àéíèқñà, óçîқ éèëëàðäàí áåðè èøëà¸òãàíëàðè õóñóñèé áèíîëàðèäà ÿãà, áîøқàëàðè ýñà èæàðàäà òóðèøëãà òы\ðè êåëàäè.

Êëóá  ыç àúçîëàðèíèíã äèäëàðèãà ìîñ êåëìàñà ôàîëèÿò êыðñàòèøè ìóìêèí ýìàñ. Øàxàð êëóáëàðè қóéèäààãè òîèôàëàðãà áыëèíàäè.

* êàñáèé

* ýëèòà

* ñïîðò

* îâқàòëàíèø

* óíèâåðñèòåò

* xàðáèé

* ÿõòà êëóá

* øåðèê÷èëèê

* êîðïîðàòèâ

Ïðîôåñèîíàë êëóáëàð ыç íîìèäàí êåëèá ÷èққàí xîëäà áèð êàñáààãè îäàìëàðíè áèðëàøòèðàäè. Âàøèíãèòîíäà ìèëëèé ìàòáóîò êëóáè, Íþéîðêäà xóқóқøóíîñëàð, ÌÀíõåòòíäà òå6àòð àðáîáëàðè êëóáëàðè ìàâæóä.

Ýëèòàð êëóáëàð ыç àúçîëàðèãà áèð-áèðè áèëàí ìóëîқîò қèëèø èìêîíèí áåðàäè. Àúçîëàð òóðëè êàñáààãè, àììî áèð èæòèìîèé-èқòèñîäèé òèçèìäàãè îäàìëàð áыëèøè ìóìêèí. Èæòèìîèé êëóáëàð êыï æèxàòäàí ìàøxóð Ëîíäîí êëóáëàðèãà ыõøàéäè. Áóíãà xàқèқèé æåíòèëüìåíëàð àúçî áыëèøëàðè ìóìêèí âà óíãà èøëàð òы\ðèñèäà ãàïèðèø íîãîíëèê xèñîáëàíãàí. Àìåðèêàíèíã ýñêè ýëèòàð êëóáèãà 18 32 éèëäà Ôèëàäåëôèÿäà àñîñ ñîëèíãàí. Ó åðäà íîìàëè¸ò éыíàëèøè òàúêèëëàíãàí áыëèá óíèíã àúçîëàðè íàâáàòè áèëàí êëóá òóøëèêëàðèíè òàé¸ðëàøè ëîçèì áыëãàí. êëóáãà àñîà ñîëèíãàí éèëëàðäàæà òàé¸ðëàíãàí îâþқàòëàð ñèôàòè xàқèäà áèð íàðñà äåéèø қèéèí, àììî xîçèð óíèíã îøõîíàñè ááð÷à ìàқòîâëàðäàí þқîðè ýâàíëèãèãà øóáxà éық. Áó âà áîøқà ýëèòàð êëóáëàð àæîéèá îøõîíàñè âà è÷ìèëèêëàðè áèëàí àæðàëèá òóðàäè.

Ñïîðò êëóáëàðè øàxàðëèêëàðãà áàðäàìëèê, ñóçèø, òåíèñ ыéíàø èìêîíèÿòèíè áåðàäè. Àéðèì øàxàð ñïîðò êëóáëàðèäà õîíàëàð òàқ÷èëèêëàðè ÷ïîèø éыëëàêëàðè âà ñïîðò ìàéäîí÷àëàðè ¸ïèқ òåíèñ êîðòèíèíã òîìèäà æîéëàøãàí. Îäàòäà êëóáëàðäà äàì îëèø õîíàñè, áàð ðåñòîðàí áыëèá, áó åðäà ñïîðò÷èëàð äàì îëèøëàðè âà áèð-áèðèëàðè áèëàí ñóxáàò қèëèøëàðè ìóìêèí. Àéðèì ñïîðò êëóáëàðèäà îçðîқ ìèç\èá îëàäèãàí õîíàëàð xàì áîð.

Òóøëèê êëóáëàðè îäàòäà êàòòà îôèñ áèíîëàðèäà æîéëàøàäè. Óëãà êыïèí÷à øó áèíîíè èæàðàãà îëãàí áîøқà èäîðàëàðíèíã õîäèìëàðè xàì àúçîëèêêà òàêëèô қèëèíàäè. Îäàòäà áóíäàé êëóáëàð òóøëèê âàқòëàðèäà, áàúçàí êå÷êè âàқòëàðäàí î÷èқ áыëàäè.

Óíèâåðñèòåò êëóáëàðè қîèäàãà êыðà ñîáèқ áèòèðóâ÷èëàð òîìîíèäàí òàúñèñ ýòèëàäè. Îäàòäà óëàð øàxàðíèíã íóôóçëè ðàèîíëàðèäà æîéëàøàäèëàð âà ыç àúçîëàðèãà æóäà òóðëè õèë êыíãèë î÷èøëàðíè òàêëèô ýòàäè àìîî àñîñèé ýúòèáîð ÿõøè îâқàò âà è÷èìëèêêà қàðàòèëàäè. Xàðáèé êëáëàðãà ñåðæàíò xàìäà îôèöåð òàðêèáè âàêèëëàðè қàáóë қèëèíàäè. Áàøқà òóðäàãè êëáëàð êàáè óëàðãà xàì ÿõøè äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø, øóíèíãäåê, è÷èø âà òàíàâóë қèëèø ó÷óí áàð÷à øàðîèòëàðãà ýãà áыëàäè. Ãàð÷è îôèöåðëàð êëóáè áàçà xóäóäèäà æîéëàøãàí áыëñàäà, êåéèíãè éèëëàðäà óëàð êыïðîқ êëáíè áîøқàðèø âà õèçìàò қèëèø ó÷óí ôóқàðîëàðíè òàêëèô ýòìîқäà.

ßõòà êëóáèíèíã àñîñèé ìàқñàäè êëóá àúçîëàðèíèíã ÿxòàëàðè òóðàäèãàí áàíäàðãîxíè òàðòèáëè òóòèø. ßõòà êëóá áîøқà êëóáëàð êàáè äàì îëèø õîíàëàðèãà, áàð âà îøõîíàëàðèãà ýãà. Äåíãèç ìàâçóñè ÿõòà êëóáëàðíè ðàñìèéëàøòèðèøäà óñòóâîðëèê êàñá ýòàäè âà àéíàí øó қàíäàé êàñáäà âà қàíäàé èæòèìîèé êàñáäà áыëèøèäàí қàòúèé íàçàð äåíãèçãà ìóxàááàò óëàðíè ÿқèíëàøòèðàäè âà ÿíãè àúçîëàðèíè ыçèãà æàëá ýòàäè.

ыðòîқëèê êëóáëàðè îðàñèäà æóäà èõòèñîñëàøãàí áèðëàøìàëàð ìàâæóä, ìàñàëàí, “Áîøқà þðòëàðäàãè óðóø ôàxðèéëàðè” âà “Ëîñè” ñîáèқ қóðîëãîøëàðãà ¸ðäàì áåðàäè âà óëàðíè қыëëàá-қóââàòëàø ó÷óí xàéðèÿ òàäáèðëàðèíè òàøêèë ýòàäè. Ãàð÷è áó êëóáëàð òóðëè õèëäàãè äàì îëèøëàðíè óñêóíàëàø ó÷óí êыï íàðñàãà ýãà áыëìàñàäà, ÿõøèãèíà áàðëàðè âà áàíêåò çàëëàðè ìàâæóä, áó åðëàðäà xàìììà íàðñà áîð.

Êîðïîðàòèâ êëóáëàð äàì îëèøäàí êыðà, ôîéäà îëèøãà қàðàòèëãàí. +îèäàãà êыðà óëàð êîðïîðàöèÿëàðãà òåãèøëèäèð. Õóñóñèé øàõñëàð óëàðäàí ìóëê óëèøèíè ýìàñ, àúçîëèêíè ñîòèá îëàäè. Áó êëóáëàð 1970 éèë 1980 éèëëàðäà êы÷ìàñ ìóëê áîçîðèäà òыïîëîí áыëãàí äàâðëàðäà îììàâèéëàøäè. Óëàð áó ïàéòäà óé-æîé қóðèëèøíèíã àéðèì ëîèxàëàðèãà êèðèøãà ìóâàôôàқ áыëäè. ßøîâ÷èëàð êè÷èê êèðèø áàäàëè âà îéëèê 30 äîëëàðäàí 50 äîëëàðãà÷à áàäàëëàð òыëàäèëàð, áóíèíã ýâàçèãà êëóá èìêîíèÿòëàðèäàí ôîéäàëàíèø èìêîíèãà ýãà áыëäè.

Êыðèíèá òóðèáäèêè äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø èìêîíèÿòëàðè áèçíèíã äàâðèìèçäà æóäà xàì åòàðëè. Çàìîíàâèé îäàìíèíã ìàқñàäè ìåxíàò âà äàì îëèø

ыðòàñèäà óé\óíãëèêêà ýðèøèø áóíèíã ó÷óí ýñà ìåxìîíäыñòëèê õèçìàòëàðèíè êыðñàòèø âà îëèø áîðàñèäà ó xàқèқèé ïðîôåññèîíàë áыëèøè ëîçèì. ßқèí éèëëàðäà áèç äàì îëèø èíäóñòðèÿñèíè æàäàë ðèòâîæëàíèøèãà ãóâîx áыëàìèç.

**Íîòèæîðàò òàøêèëîòëàðè òîîíèäàí äàì îëèøíè òàøêèë ýòèø**

Äàì îëèøíè òàøêèë ýòèø èëàí íàôàқàò òèæîðàò áàëêè íîòèæîðàò òàøêèëîòëàðè xàì øó\óëëàíàäè. Óëàð îðàñèäà êыíãèëëè , òàëàáàëàð, xàðáèéëàð, èøëàá ÷èқàðóâ÷èëàð, øóíèíãäåê àxîëèíèíã ìàõñóñ òàáàқàëàðè ó÷óí ìàñúóë òàøêèëîòëàð áыëèøè ìóìêèí.

Êыíãèëëè òàøêèëîòëàð äåá, ыç ôàîëèÿòëàðèäàí ìîääèé ¸ðäàì ôîéäà îëìàéäèãàí áàëêè, æàìèÿòãà ¸êè óíèíã àëîxèäà àúçîñèãà ôîéäà êåëòèðèø ó÷óí òàøêèë ýòèëàäèãàí íîäàâëàò òàøêèëîòëàðãà àéòèëàäè. Áó êыï ìàқñàäëè äàñòóðëàðíè xà¸òãàí òàòáèқ ýòèø îðқàëè àìàëãà îøèðèëàäè, óëàð îðàñèäà êыïðîқ êыíãèë î÷èø éыíàëèøè áыëàäè. Ýíã òàíèқëè êыíãèëëè òàøêèëîòëàð – áóëàð áîé-ñêàóò, ãýðë-ñêàóò, ¸ø õèðèñòèàíëàð óþøìàñè, ¸ø õèðèñòèàí à¸ëëàð óþøìàñè âà áîøқàëàð.

1990 éèëëàðíèíã áîøëàðèäà ¸ø õèðèñòèàíëàð óþøìàñè ¸øëàðíè æèñìîíèé òàðáèÿãà éыíàëòèðèëãàí қàòîð äàñòðóëàðèíè òàêëèô ýòäè. Âà áèð íå÷òà ñïîðò çàëëàðè, ñóçèø xàâçàëàðè áàñêåòáîë ìàéäîíëàðèíè æîxîçëàäè. Êåéèíðîқ áó áàçàëàð íåãèçèäà , øóíèíãäåê ñïîðò æèxîçëàðèäàí xàôòàñèãà áèð íå÷à ìàðòà ôîéäàëàíóâ÷è òèæîðàò êëóáëàðè òàøêèë ýòèëäè. Ñïîðò xàðàêòèíèíã ðèâîæëàíèøãà қàðàá êëöáëàð òîð èõòèñîñëàðãà éыíàëòèðèëà áîøëàíäè: óìóìñî\ëîìëàøòèðèø, àòëåòèêà, òåííèñ, áàñêåòáîë âà êыï ìàқñàäëè.

Êыïìàқñàäëè êëóáëàð ñî\ëîìëàøòèðèø êëáóëàðãèà қàðàãàíäà êыïðîқ äàñòóðëàðíè òàêëèô ýòàäè: óìóìèé æèñìîíèé òàé¸ðãàðëèêíèíã áèð íå÷à òóðëàðè, òðèíîâêàëàïðð, ìóñîáàқàëàð, òóðíèëàð. Àéðèì êëóáëàð ыçëàðèäàí áàíê àâòîìàòëàðèíè, ôîíä áèðæàñèäà èøëàðíèíã àxâîëè òы\ðèñèäà ìàúëóìîòëàð õèçìàòè, êèì¸âèé òîçàëàø, êèð þâèø âà xàòòî ìóñàëëàñ åðòыëàñèíè қóðàäè.

Êëóá äàðîìàäëàðè àúçîëèê áàäàëëàðè, ìåxìîíëàð áàäàëëàðè, îâқàò âà è÷èìëèê ìàxñóëîòëàðè ñîòèøäàí, ñïîðò àíæîìëàðèíè èæàðàãà áåðèø òыëîâëàðèäàí òàøêèë

òîïààè. Xàðàæàòëàðíèíã 66 ôîèçãà ÿқèíè õîäèìëàð âà õèçìàò÷èëàð ìåxíàòèãà òыëîâ òыëàíààè.

Éèðèê øàxàðëàðíèíã ìàðêàçëàðèäà îäàòäà êыïðîқ êыíãèëëè òàøêèëîòëàð èø îëèá áîðàäè,  âà óëàðíèíã xàð áèðè ìàúëóì àxîëè қàòëàìèãà õèçìàò қèëàäè. Ðè÷àðä Êðàóçíèíã ¸çèøè÷à Òàðîíòà ìàðêàçèäà ыòêàçèëãàí òàäқèқîòäàí ìàúëóì áыëäèêè,  ó åðäà äàì îëèøíè òàøêèë ýòèø áèëàí ы\ëë áîëàëàð êëóáè, êàòîëèê ìèññèÿ, àқëè çàèôëàð ó÷ó÷í øàxàð óþøìàñè ìàðêàçè, áîëàëàðãà қàðîâ÷è ìàðêàç, Xèíäèñòîí ìàäàíèÿò ìàðêàçè, èø÷è ¸øëàð ìàðêàçè, Õèòîé ìàäàíèé ìàðêàçè, Óêðàèíà ìàäàíèÿò ìàðêàõè âà áîøқà áèð қàí÷à ãóðóxëàð èø îëèá áîðàäè. Âà áóëàðíèíã áàð÷àñè îììàâèé ïàðêëàð, äàì îëèø xóäàäëàðè âà ÷åðêîâëàðãà қыøèì÷à.

## Òàëàáàëàð òàøêèëîòëàðè

Àìåðèêà êîëëåæëàðè âà óíèâåðñèòåòëàðèíèíã ыç õóñóñèÿòèãà êыðà, ìèëëèîíëàá ¸ø êèøèëàð èøòèðîêèäàãè êыíãèë î÷àð òàäáèðëàðíè ыòêàçèø ó÷óí ìàéäîíãà қè¸ñëàø ìóìêèí. Óøáó äàñòóðëàðíè ыòêàçèø ó÷óí òàëàáàëàð óþøìàñè, ¸òîқõîíàëàð âà áîøқà ìàíôààòëè òàøêèëîòëàðíè ìàäàíèé îқðîòó ñåêòîðëàðè æàëá ýòèëààè. Ýíã êыïðîқ ыòêàçèëààèãàí òàäáèðëàð – òóðëè ñïîðò ыéèíëàðè, ìóñîáàқàëàð, ýêñêóðñèÿ âà òóð-ïàõîäëàð, xàâàñêîðëèê (ìóñèқà, xàâîñêîðëèê ñïåêòàêëëàðè, ðàқñëàð).

Òàëàáàëàðãà êыíãèë î÷èøíè òàøêèë ýòèø êîìïóñëàðäà ñî\ëîì ðóxèé èқëèìíè óøëàá òóðèøãà ¸ðäàì áåðàäè. Áóíäàé òàäáèðëàðíèíã àêñàðèÿòè (ñïîðò, xàâàñêîðëèê) ñîáèқ áèòèðóâ÷èëàð òîìîíèäàí (æóìàëàäàí ìîääèé æèxàòäàí) қыëëàá-қóââàòëàíèøè ìóìêèí. +èçèқàðëè èæòèìîèé xà¸ò óíèâåðñèòåò òàúëèìèíèíã áèð қèñìè áыëèá, øóíèíã ó÷óí xàì áàð÷à îëèé ықóâ þðòëàðè êыï èқãîðäàãè êыíãèëî÷àð äàñòóðëàðíè òàøêèë ýòàäè.

## Àðìèÿ òàøêèëîòëàðè

Ìóãîôàà âàçèðëèãè xàðáèé òàðêèáíèíã òàðáèÿñèäà ыç ôàîëèÿòèíèíã óñòóâîð éыíàëèøëàðè ñèôàòèäà  æèñìîíèé, àқëèé âà àxëîқèé òàðáèÿíè êыðñàòàäè. Xàð қàíäàé қыøèí òóðëàðè ыç xà¸òèäà “Ñî\ëîì äàì îëèø îðқàëè æèñìîíèé âà àxëîқèé ñàëîìàòëèêêà” øèîðèíè îëèá áîðàäè. Òàäáèðëàð íàòèæàëàðè òы\ðèñèäà øàõñèé òàðêèá, ðåçåðâ âà ìîääèé òåõíèêà òàúìèíîòè áыëè÷à ìóãîôàà âàçèðè ыðèíáîñàðè

êîáèíåòèãà äîêëàä ҡèëèíääè. Òàääèðëàðää íàôàҡàò øàõñèé òàðêèá, áàëêè ýðêèí ¸ëäàíãàí ôóҡàðîëàð, xàðáèé áыëèíìàëàðäàãè õèçìàò÷èëàð èøòèðîê ýòàäè. Òàääèðëàð ҡóéèäàãè éыíàëèøëàðíè ҡàìðàá îëàäè:

* ñïîðò, áóíãà èíäóôèäàë, ìóñîáàҡàâèé, òàúëèìèé âà òîìîøà òóðëàðè êèðàäè.

* êèíî

* êëóá ҡîøèäàãè xàâàñêîðëèê òóãàðàêëàðè

* "Ìîxèð ҡыëëàð" âà òóðëè õîááèëàð

* Xàðáèé õèçìàò÷èëàð áîëàëàð ó÷óí òыãàðàêëàð

* +èçèҡèø áыéè÷à ìàø\óëîòëàð: àýðîêëóá, àâòîñïîðò, ìîòîöèêëëàð, ñêóòåð, ïè¸äà ñàéðëàð, ïîðàøþòäàí ñàêðàø, íèøîíãà îòèø

* Äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø ìàðêàçëàðè

* Êóòóáõîíàëàð

Óþøòèðèëãàí ìààäíèé äàì îëèø àñêàðëàðíè øàõñèé ðàҡàìè, òèááèé ñåðòèôèêàòè, îçèҡ-îâҡàò âà áóþìëàð áèëàí òàúìèíëàø ҡàòîðèäà ìóxèì êîìïîíåíò ñèôàòèäà ҡàðàëàäè.

**Áèçíåñ âà ñàíîàò**

Áèçíåñ âà ñàíîàòäà õîäèìëàðíèíã ñàìàðàëè èøëàøëàðè ó÷óí òыëàҡîíëè äàì îëèøíèíã ìóxèìëèãèíè àëëà ҡà÷îí áèëèøàäè. Êàäðëàð áыéè÷à ýêñïåðòëàðíèíã àéòèøëàðè÷à, ыç òàúòèëëèíè ÿõøè ыòêàçãàí èø÷èëàð õèññèé òîëèҡèøëàð êà ñàëëèêëàð, àëҡàãîëèê èñòåìîë ҡèëèøãà êàìðîҡ ðыæы ҡыéèøàäè. Êыïãè î÷èø âà ñî\ëîìëàøòèðèø äàñòóðëàðè xàì êîðõîíàëàð ÿíãè èø÷èëàðíè æàëá ýòèø âîñèòàñè xèñîáëàíàäè. À+Ø âà Êàíàäàäàãè äèÿðëè áàð÷à åòàê÷è êîðïîðàöèÿëàð xà¸òãà êыïëàá ñî\ëîìëàøòèðèø êыíãèë î÷èø äàñòóðëàðèíè òàòáèҡ ýòèá ыç õîäèìëàðèíè òыëàҡîíãëè äàì îëèøè ó÷óí êыï èøëàðíè àìàëãà îøèðîìҡäà.

## 6.5 ÀXÎËÈÍÈÍÃ ÌÀÕÑÓÑ ÃÓÐÓXËÀÐÈ Ó×ÓÍ ÄÀÑÒÓÐËÀÐ

Àxîëèíèíã ìàõñóñ ãóðóxëàðè( ðóxèé êàñëëàð, àҡëàí çàèôëàð, íîãèðîíëàð âà x.ê) ó÷óí õèçìàòíèíã óøáó ñîxàñèäàæà ìàøxóð áыëãàí òàøêèëîòëàð âà

ìóòàõàññèñëàð òîìîíèäàí êыíãèë î÷èø äàñòóðëàðè èøëàá ÷èқèëàäè. Êåéèíãè éèëëàðäà æàìèÿòäà àхîëèíèíã áóíäàé ãóðóхëàðèíèíã хàð áèðè ó÷óí ìàõñóñ äàñòóð èøëàá ÷èқèø çàðóðàòè ўíäàä êыðîқ ñåçèëìîқäà. Óíäà äàâîëàø õóñóñèÿòëàðèãà ýãà áыëãàí êыïëàá êыíãèë î÷àð òàäáèðëàð êыçäà òóòèëàäè.

Êыïðîқ ýúòèáîðãà ñàçîâîð áыëãàí íîãèðîíëàð ó÷óí ñïîðò äàñòóðëàðèäàí áèðè – áó ìàõñóñ îëèìïèÿ ыéèíëàðè áыëèá, óíäàí æèñìîíèé âà àқëèé æèхàòäàí òóðëè íóқñîíëàðãà ýãà áыëãàí êàòòàëàð âà áîëàëàð èøòèðîê ýòèøëàðè ìóìêèí. Áó äàñòóð æóäà íî¸á áыëèá óíäà ñïîðò ìóñîáàқàëàðèäà ¸øè âà æèñìîíèé èìêîíèÿòëàðèãà қàðàá òóðëè ãóðóхëàðãà áыëèíãàí íîãèðîíëàðíèíãò áàð÷à òàâàқàëàðè èøòèðîêèíè êыçäà òóòàäè.

Îëèìïèÿ äàñòóðëàðèäà À+Øäàí, øóíèíãäåê 70 òà ìàìëàêàòäàí ìèëëèîíäàí îðòèқ íîãèðîíëàð èøòèðîê ýòàäè. Óøáó äàñòóðäàí åíãèëàòëåòèêà, ñóçèø, òðàíïëèíäàí ñàêðàø, ãèìíàñòèêà, ÷àí\è, áàñêåòáîë, ôóòáîë, âàëèáîë, ñîôòáîë, äèñê îòèø, ÷àí\èäà òåç þãóðèø, òî\ ÷àí\èñè âà íîãèðîíëàð àðàâàñèäàãèëàð ó÷óí òóðëè õèëäàãè ìàõñóñ ñïîðò òóðëàðè ìàâæóä. Ìàäàíèÿò âà äàì îëèø ïàðêëàðè ìèëëèé óþùìàñè, øóíèíãäåê êыïëàì ìàхàëëèé âà ìèíòàқàâèé êыíãèëëè æàìèÿòëàð âà àãåíòëèêëàð óøáó äàñòóðíè хà¸òãà òàòáèқ ýòèø ó÷óí çàðóð ìàáëà\ëàð àæðàòèá îëèïèàäà қыìèòàñè áèëàí ўқèíäàí èø îëèá áîðàäè.

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:** Ýхòè¸æëàð äèíàìèêàñè, êîðõîíàëàð òóðëàðè, êëóá ìóàññàñàëàðè ôóíêöèÿíàëëèãè, ýòàëîí òèçèìè, àíêåòàëàøòèðèø, ýâðåñòèêà ëîòîñè.

**Òåêøèðóâ ñàâîëëàðè**

**1** “Äàì îëèø” òóøóí÷àñèãà æàâîá áåðèíã âà óíèíã óí¸íè èæîáèé õèñ ýòèø áèëàíñ àëîқàñèíè êыðñàòèíã. èíñîíãà ó ¸êè áó äàì îëèø òóðèíè òàíëàøäà қàéñè îìèëëàð ìóхèì.

**2.** òèæîðàò âà íîòèæîðàò êыíãè î÷àð òàäáèðëàðíèíã ôàðқèíè êыðñàòèíã. Ìàâçóëè ïàðê âà êëóáëàð íèìà ó÷óí òóçèëèøèíè òóøóíòèðèíã. Àхîëèíèíã ìàõñóñ ãóðóðхëàðè ó÷óí êыíãèë î÷èø ñî\ëîìëàøòèðø òàäáèðëàðè òў\ðèñèäà ãàïèðèëãàíäà íèì íàçàðäà òóòèëàäè.

3. Дам олиш индустрияси давлатнинг қайси органи томонидан қўллаб кувватланади?

4. АҚШ ва Канада миллий парклари фаолияти хақида маълумот беринг?

5. Дам олишни тижоратлаштириш деганда нимани тушунасиз?

6.Клубларни бошқарув тузилмаси ким тосонидан тижоратлаштирилади?

7.Нотижорат ташкилотлар дам олишни қандай такомиллаштирадилар?

Хулоса

Èíäóñòðèàøãàí  æàìèÿò ìóðàêêàáëàøèá áîðèøè áèëàí xà¸ò èíñîíãà ÿíãè-ÿíãè çыðèқèøëàðíè îëèá êåëàäè. Àââàëãè àâëîäëàðãà ñîëèøòèðèëãàíäè çàìîíàâèé èøáèëàðìîí îääì çыðèқèø âàçèÿòëàðèãà êыïðîқ òóøàäè. “Çыðèқèø” àòàìàñè êóíäàëèê ëó\àòãà êèðãàí âà қыëëàíèøäà “Èøäà ¸íèá êåòäè” èáîðàñè áèëàí áèð қàòîðäà òóðàäè. Áóíäàé xà¸òäà èíñîíãà ÿíààà қèéèíðîқ âà ыç øàõñèíè òàíàççóëäàí қóòқàðèø óíäàí xàì қèéèí. Òыëàқîíëè äàì îëèø çàðóð ìóâîçàíàòíè ïàéäî қèëàäè, xà¸òãà ìàúíî êèðèòàäè. Èíñîí øàõñèíè ыçëèãèäà òóðèøèäà, áóòóíëèãèíè ñàқëàøèäà ¸ðäàì áåðàäè.

Îäàìëàð äàì îëèøäà áыëèá xà¸òäàí áèðãàëèêäà çàâқ îëàäè âà áó óëàðãà áèðãàëèêäà ÿõøè äàì îëèø òы\ðèñèäàãè õîòèðàëàð àñîñèäà ÿíààà ìóñòàxêàì ìóíîñàáàòëàð ыðíàòèøãà èìêîí áåðàäè. Ãóðóx áыëèá äàì îëèø äàñòóðè øó áîèñäàí “æèïñëàøòèðóâ÷è” äåá xàì àòàëàäè. Áó òóøóí÷àíè àíèқ òàúðèôëàø қèéèí,  àìì øàõñëàðàðî àëîқàëàðíè ìóñòàxêàìëàø xèññè, “åëêàìà-åëêà” xèññè äыñòëàð ¸êè èøäàãè ыðòîқëàðäà ÿíãè ôàçèëàòëàðíè êàøô ýòèø - áó áèðãàëèêäàãè äàì îëèø íàòèæàëàðèíè xàð áèð îäàì ыçèäà ñèíàá êыðãàí, øóíèíãäåê  óëàð xàð áèð æàìîà àúçîñè øàõñèíèíã ðèâîæëàíèøèãà ¸ðäàì áåðàäè.

**Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати**


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000

4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.

16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm

http://www.world-tourism.org

http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 7-Мавзу. ÊÅÍÃÀØ, ÀÍÆÓÌÀÍ ÂÀ ÝÊÑÏÎÇÈÖÈß

1. Тарихий очерк.
2. Кенгаш турлари.
3. Йиғилиш ташкилотчилари.
4. Конференция бюроси ва ташриф буюрувчилар.

### 7.1 ÒÀÐÈÕÈÉ Î×ÅÐÊ

Éè\èëèø, àíæóìàí âà êыðãàçìàëàð óí÷àëèê ÿíãè òóøóí÷àëàð ýìàñ. Ýxòèìîë óëàð áîøқà÷à àòàëãàíäèð, àìî қàäèì çàìîíëàðäàí îäàìëàð èæòèìîèé, ñïîðò âà äèíèé xîäèñàëàðãà áà\èøëàá ыòêàçèëãàí øóíäàé òàäáèðëàðäà қàòíàøãàí. Øóíãà êыðà øàxàðëàð, ïðîâèíöèÿëàð âà äàâëàòëàð ìàðêàçëàðèãà àéëàíèá óøáó òàäáèðëàðíè ыòêàçèø ìèқ¸ñëàðè âà äàâðèéëèãè êыïàéèá áîðãàí. Øóíäàé ìóíòàçàì ыòêàçèëóâ÷è òàäáèðëàðíè òàøêèë ýòóâ÷è îäàìëàð ãóðóxè øàêëëàíèá áîðãàí.

Þқîðèäà àéòãàíèìèç îäàìëàðíè óþøãàí ãóðóxè ыðòà àñðëàð ãåîãðàôèÿñèäà ãèëäèÿëàð äåá àòàëãàí. Óëàð ыç xóíàðëàðè ãóðóxëàðè ìàíôààòëàðèíè xèìîÿ қèëèøãà âà óëàð ìåxíàòè ñèôàòè ñòàíäàðòëàðèíè âà òыëîâëàðèíè íàçîðàò қèëãàí. À+Øäà áóíäàé òàøêèëîòëàð óþøìàëàð äåá àòàëàäè. Äàñòëàáêè Àìåðèêà óþøìàëàðè Õ àñð áîøèäà òàøêèë ýòèëãàí. Óëàð îðàñèäà áèðèí÷èëàðäàí áèðè Ðîä-Àéëåíä øòàòè øàì èøè óñòàëàðè êàñáèé áèðëàøìàñè xèñîáëàíàäè.

Áèçíèíã êóíëàðèìèçäà, ñòàòèñòèêàãà ìóâîôèқ ôàäåðàë, ìèíòàқàâèé øàòà âà ìàxàëëèé äàðàæàäà ôàîëèÿò êыðñàòóâ÷è Àìåðèêà ôóíêöèîíåðëàð óþøìàñè æàìèÿòè, êàñáàá óþøìàëàð xàð éèëè 22,6 ìèëëèîí êèøè èøòèðîê ýòàäèãàí 215 ìèíã àíæóìàíëàð âà éè\èëèøëàð ыòêàçèø ó÷óí 53,5 ìèëëèàðä äîëëàð õàðàæàò қèëàäè. Ìåxìîí қàáóë қèëèø âà òóðèçì èíäóñòðèÿñè êåíãàø àíæóìàí âà ýêñïîçèöèÿëàðíè òàøêèë ýòàäè.

* Éè\èëèøëàð òàøêèë ýòóâ÷èëàð óþøìàñè
* Àíæóìàí èøëàðèíè áîøқàðèø óþøìàñè
* Êëóá ìåíåæåðëàðè óþøìàñè
* Àíæóìàíëàðíè òàøêèë ýòèø êàñáèé óþøìàñè
* Ìåxìîí қàáóë қèëèø, óþøìàëàð ñèôàòèäà қыëëàíàäè ìàñàëàëàðíè òàêëèô ýòóâ÷è ÿãîíà ìóñòàқèë ñè¸ñèé êó÷ xèñîáëàíàäè.
* Ñè¸ñèé îìîç
* Ìàðêåòèíã êàíàëëàðè
* Êàñáèé ықèø

* Óþøìà àúçîëàðèãà èìòè¸çëè õèçìàò қèëèø

* Òèçèìãà êèðèòèø

Ìèíãëàá óþøìàëàð Àìåðèêà âà áóòóí äóí¸ìèíã áàð÷à áóð÷àêëàðèäà ыçëàðèíèíã éèëëèêè àíæóìàíëàðèíè ыòêàçàäè. Óëàðíèíã àéðèìëàðè àíúàíàâèé òàðçäà áèð æîéäà ыòêàçèëàäè. Ìàñàëàí òåìèðéыëëàð ìèëëèé óþøìàñè ×èêàãîäà éè\èëàäè, Àìåðèêà îòåëëàð âà ìîòåëëàð óþøìàñè – Íåþéîðêäà éè\èëàäè. Áîøқàëàðè ўñà, éè\èëèø æîéëàðèíè ыçãàðòèðèá, ãîх øèìîëäà, ãîх æàíóáäà, ãîх øàðқäà, ãîх \àðáäà éè\èëàäè.

## 7.2 ÊÅÍÃÀØËÀÐ ÒÓÐËÀÐÈ

Êåíãàøëàð – øóíäàé òàäáèð áыëèá óíäà îäàìëàð àõáîðîò àëìàøèø ó÷óí ó÷ðàøàäè. Êåíãàøëàð қыéèäàãè òóðëàðãà áыëèíàäè.

Ìóxîêàìà – áóíäà èøòèðîê÷èëàð àââàë áîøäà êè÷èê ãóðóxëàðäà, ñыíãðà xàììà áèðãàëèêäà қàíäàéäèð ìàñàëàíè ыðãàíàäèãàí òàäáèð.

Äèñêóñèÿ – áó èøòèðîê÷èëàðíèíã xàðáèðèãà òàãèøëè áыëãàí ìóàììîíèíã ìóxîêàìàñè. Îäàòäà äèñêóñèÿ ïàéòèäà èêêè қàðàìà-қàðøè íóқòàè íàçàð àíàìî¸í áыëàäè. Óëàðíè áèð-áèðè áèëàí áàõñëàøà¸òãàí èêêèòà ýêñïåðò øàêëàíòèðàäè, қîëãàí èøòèðîê÷èëàð ó ¸êè áó òîìîííè қыëëàá-қóââàòëàá ыç íóқòàè íàçàðëàðèíè àéòèøàäè.

Ñåìèíàð áó äèàëîã ðåæèìèäàãè ìàúðóçàëàð áыëèá, қàíäàéäèð ìàñàëàäà èøòèðîê÷èëàðãà ыç ôèêðëàðèí ыðòîқëàøèøãà èìêîí áåðàäè. Îäàòäà ñåìèíàðäà 30 òà÷à îäàì èøòèðîê ýòàäè âà óíãà òàæðèáàëè ýêñïåðò ðàxáàðëèê қèëàäè.

Ñèìïîçèóì – áóíäà ýêñïåðòëàð қàíäàéäèð ìóàììî áыéè÷à ыç ôèêðëàðèí àéòàäè, ñыíãðà óëàðíèíã ôèêðëàðè ыðãàíèëàäè.

Èø÷è ãóðóxè- ýêñïåðò òîìîíèäàí ðàxáàðëèê қèëèíàäèãàí èøòèðîê÷èëàðíèíã êè÷èê ãóðóxè. áèðãàëèêäà èøëàø æàðà¸íèäà èøòèðîê÷èëàð қàíäàéëèð õóñóñèé ìàñàëà áыéè÷à àìàëèé êыíèêìà âà áèëèìëàðãà ýãà áыëàäè.

Áóíäàé òóðäàãè êåíãàøëàðíè êыïèí÷à êîðïîðàòèÿëàð, óþøìàëàð, æàìîàò÷èëèê ãóðóxëàðè, òàúëèìèé, äèíèé âà xàðáèé ìóàññàñàëàð òàøêèë ýòàäè. Áóíäàé òàäáèðëàðíèíã ñàâäàëàðè òóðëè÷à áыëèøè ìóìêèí. ўúíè ўíãè äàñòóðíèíã òàқäèìîòèäàí òîðòèá ðàxáàðèÿò ñè¸ñàòèíèíã òóáäàí áóðèëèøèãà÷à. óëàð èøòèðîê÷èëàðãà қàíäàéäèð òàúñèð ыòêàçèø ó÷óí ыòêàçèëàäè. Ìàñàëàí õîäèì êåíãàøäà áыëèá, ó ¸êè áó ìàñàëàãà қàíäàé ¸íäàøèøíè ыðãàíàäè. Áàúçàí áó æóäà ыçëãà õîñ ìàñàëàëàð áыëñà, áàúçàí óìóìèé ìàñàëàëàð áыëàäè. Ìàñàëàí ўíãè \îÿëàð áыéè÷à áàxñëàðäàëàí òåçêîð àìàëèé íàòèæàëàð êóòèø қèéèí. Êåíãàøëàðäà èøòèðîê ýòèø ó÷óí òóðëè ñîíäàãè îäàìëàðíè æàëá ýòèø ìóìêèí. êàòòà êåíãàøëàð æèääèé òàé¸ðãàðëèê âà òàäáèðëàðíè ðåæàëàøòèðèøíè òàëàá қèëàäè. óëàð êыïðîқ êåíãàøëàð ыòàäèãàí

Ñàìôðàíöèñêî êààè øàxàðëàð ó÷óí ôîéääëè áыëèá, óøáó òàääèðëàðäààè èøòèðîê÷è êóíèãà ыðòà÷à 300 äîëëàð õàðàæàò кèëääè. áó ыðòà÷à ääì îëóâ÷èääí èêêè áàðîâàð êыï äåãàíèäèð.

Êåíãàø ыòêàçèëà¸òãàí õîíàäàãè ìàåëëàðíèíã кыéèëèøè êåíãàø òóðèãà кàðàá òóðëè÷à áыëèøè ìóìêèí. Îäàòäà ìàåëëàðíè кыéèøíèíã ó÷ òóðèäàí êåíã ôîéäàëàíèëàäè: àóäèòîðèÿ, ñèíô âà êîëëåãèÿ. Àóäèòîðèÿ óñóëè(ñыçãà ÷èкóâ÷è ó÷óí ìèíáàð âà ñóòëèàðíèíã òåòàðëàðäààè êààè óçóí кàòîðè) êàòòà àóäèòîðèÿëàð ó÷óí кóëàé, áóíäà êåíãàø èøòèðîê÷èëàðè ñыçãà ÷èкóâ÷èëàðíè òèíãëàøààè. Ñèíô óñóëè (ñòîë âà ñòóëëàð õóääè ñèíôäàãèäàé ó÷ ¸êè òыðò кàòîðäà кыéèëààè) áó êàìðîк èøòèðîê÷èëäàð ó÷óí кóëàé áыëèá, óëàð ¸çèøè, xóææàòëàðãà âà ìàúëóìîòíîìà äààáè¸òëàðãà êыç òàøëàøè çàðóð. Êîëëåãèÿë óñëóá(èøòèðîê÷èëàðíèíã êè÷èê ãóðóxè êàòòà òы\ðè áóð÷àêëè ñòîë àòðîôèäà ыòèðàäè) "áó èø÷è ãóðóxè òóðèäàãè êåíãàøëàð ó÷óí кóëàé".

Ýêñïîíèçèÿ (ñàâäî-ñàíãîàò ÿðìàðêàñè, òàкäèìîò, êыðãàçìàëàð) áó òàääèðëàðíèíã ыòêàçèëèøè òîâàðëàðíè, óñêóíàëàð âà õèçìàòëàðíè àìàëäàãà îøèðóâ÷èëàð ó÷óí кóëàé áыëèá óøáó òàääèð èøòèðîê÷èëàðè áåìàëîë òàíîøà þкèëà îëàäè. Ýêñïîíåíòëàð (ÿúíè òîâàðíè кыþâ÷èëàð) îäàòäà èøëàá ÷èкàðóâ÷èëàðãà óëàðíè ìàxñóëîòëàðèíè êыðñàòèø xóкóкèíè îëèø ó÷óí ïóë òыëàøààè. Óëàð òàääèð èøòèðîê÷èëàðèãà òàúñèð ýòèøãà xàðàêàò кèëààè, àëîкàëàð ыðíàòààè, ñàâäîíè êыòàðààè âà xîêàçî. Ýêñïîçèÿëàð òóðëè åòêàçèá áåðóâ÷èëàð âà óëàðíèíã âàêèëëàðè ó÷óí êààäðàòëàðãà àæðàòèëãàí ìèíãëàá êââäðàò ìàéäîííè àæðàòèøè ìóìêèí. ìåxìîí кààóë кèëèø èíäèñòðèÿñèäà ýíã êыï ðåêëàìà кèëèíääèãàí âà îäàì êыï êèðàäèãàí ýêñïîçèöèÿëàð Àìåðèêà îòåë âà ìîòåëëàð óþøìàñè òîìîíèäàí (xàð éèëè íîÿáðäà Íþéîðêäààè ÆÀ-âèòèñ ìàðêàçèäà) âà ðåñòîðàíëàð ìèëëèé óþøìàñè òîìîíèäàí (xàð éèëè ìàéäà ×èêàãîäà) òàøêèë ýòèëààè.

Àíæóìàíëàð (кóðèëòîéëàð) – êåíã ìèк¸ñäàãè êåíãàø áыëèá, îäàòäà ýêñïîçèöèÿ xàì òàøêèë ýòèëààè. Êыïèíà óþøìàëàð xàð éèëè áèð ìàðòà âà êыïðîк àíæóìàí ыòêàçèëè. Óíãà îäàòäà òàøêèëîò áþäæåòèíèíã àí÷à óëóøè õàðàæàò кèëèíààè. Îäàòäà àíæóìàíëàð ñòàíäàðò ïðîöåäóðàãà àìàë кèëààè.

* Èøòèðîê÷èëàðíè ðыéõàòãà îëèø

* Ðàñìèé òàíèøòèðèø

* Ðàñìèé кóòëîâ ñыçè áèëàí àíæóìàííè î÷èø

* Áîø ìàúðóçà÷èíèíã ÷èкèøè

* Ýêñïîçèöèÿíè(óñêóíàëàð, åòêàçèá áåðóâ÷èëàð âà xîêàçî)î÷èø

* Ñåìèíàð èøè ¸êè õóñóñèé ñàâîëàð áыéè÷à ìàúëóìîòëàð

* Òóøëèê

* Èø÷è ãóðóxëàðè âà òàкäèìîò

*ќàíäàéäèð àìàëèé қыëäàíìà âà óñëóáíè(ìàñàëàí, êóëèíàðèÿ ñàúíàòè) íàìîéèøè

* Óëãóðæè ôèðìàëàð òîìîíèäàí òàøêèë ýòèëãàí òàқäèìîòëàð

* Òóøëèê

* Àíæóìàííèíã ,ïèëèøè

Àíæóìàíëàð xàìèøà ìàõñóñ àíæóìàí ìàðêàçëàðèäà ыòêàçèëìàéäè. Êыïèí÷à èøòèðîê÷èëàð ìåxìîíõîíàëàðäàí 3-5 êóíãà æîéíè áðîí қèëàäè. ýêñïîçèöèÿíè ыòêàçàäèãàí, ðыéõàòãà îëèø âà îâқàòëàíèøíè òàøêèë ýòàäèãàíàí ýíã êàòòà ìåx,ìîíõîíà àíæóìàí қàðîðãîxèãà àéëàíàäè.

Àââàëëàðè ôàқàò óþøìàëàð íóòқëàð, ýêñïîçèöèÿëàð, òàúëèì äàñòóðëàðè âà ìàäàíèé îìмàâèé òàäáèðëàðíè қàìðàá îëãàí éèëëèê àíæóìàíëàðíè òàøêèë ýòàðäèê. Ýíäèëèêäà êыïëàá êîðïîðàòèÿëàð xàì óíè òàøêèë ýòèøãà қîäèð.

Àíæóìàíëàð êåíãàø âà ýêñïîçèöèÿëàð èæòèìîèé, ñè,ñèé, ñïîðò âà äèíèé âîþқåàëàð áà\èøëàá òàøêèë ýòèëàäè. Áó òàäáèðëàð êыïèí÷à âà ñè,ñèé xèìîÿ, êàñáèé ықèø, ìàðêåòèíã êàíàëëàðè, ыç àúçîëàðèãà èìòè,çëè õèçìàò қèëôâ÷è âà òèçèìãà êèðèòóâ÷è òóðëè ãóðóxëàãè îäàìëàðíè áèðëàøòèðóâ÷è óþøìà òàøêèëîòëàð òîìîíèäàí ыòêàçèëàäè.

1. Êåíãàøëàð áó îäàìëàðíè àõáîðîò àëìàøèíóâ ó÷óí éè\ëàäèãàí òàäáèð. Êåíãàøëàðíèíã îäàòäàãè øàêëëàðè – àíæóìàí, ñåìèíàð, äèñêóñèÿ, ñèìïîçèóì âà èø÷è ãóðóxëàðäàí èáîðàò.
2. Ýêñïîçèöèÿëàð òîâàðëàðíè, óñêóíàëàð âà õèçìàòëàðíè êåëòèðóâ÷èëàð áèëàí áèðãàëèêäà óíäà ìàíôààòäîð øàõñëàðãà íàìîéèø ýòèø ó÷óí òàøêèë ýòèëàäè. Àíæóìàíëàð ýêñïîçèöèÿëàðäàí êåíã ôîéäàëàíèëàäèãàí êåíã ìèқ,ñëàäàãè êåíãàø xèñîáëàíàäè.
3. Êåíãàø òàøêèëîò÷èëàðè êîðïîðàòèÿ âà óþøìàëàðãà øàðòíîìà àñîñèäà õèçìàò êыðñàòàäè. Óëàð òîìîíèäàí óøáó ìàæáóðèÿòëàðíè áàæàðèëèøè ó÷ áîñқè÷íè ыç è÷èãà îëàäè: äàñòëàáêè èøëàð, òàäáèðíè ыçè âà õóëîñà.
4. Àíæóìàí áþðîñè âà òàêëèô ýòèëóâ÷èëàð ìóñòàқèë òàøêèëîòëàð xèñîáëàíèá ыç ôàîëèÿòëàðèäàí äàðîìàä îëèøíè êыçäà òóòìàéäè. Óëàðíèíã âîàçèôàñèãà ìèæîç ýxòè,æëàðèíè áàxîëàø âà óíè òðàíñïîðò ìåxìîíõîíà õîíàëàðè áèëàí òàúìèíëàø êèðàäè.
5. Àíæóìàí ìàðêàçëàðè. Óëêàí èõòèñîñëàøãàí êîðõîíà áыëèá, îäàòäà xóêóìàò ìóëêè xèñîáëàíàäè, óíäà àíæóìàíëàð ыòêàçèëàäè âà ýêñïîçèöèÿëàð òàøêèë ýòèëàäè. Áó òàäáèðëàð æèääèé òàé,ðãàðëèê, ïóõòà ðåæàëàøòèðèø âà áîшқàðèøíè òàëàá ýòàäè. Ìèæîç âà ìàðêàç ыðòàñèäàãè øàðòíîìà òàäáèð

éыíàëèøèãà àñîñëàíààè ââ ñàâîäëè òàé¸ðëàíãàí èø÷è xóææàòëàðè óíè ìóâàôôàқèÿòëè ыòêàçèø ãàðîâèäèð.

## 7.3 ÉÈ/ÈËÈØ ÒÀØÊÈËÎÒ×ÈËÀÐÈ

Éè\èëèø òàøêèëîò÷èëàðè àìàëèé òîìîíèíè èõòèñîñëàøòèðèëãàí àãåíòëèêëàð ыç çèììàñèãà îëèøèëàðè ìóìêèí. óëàð éè\èëèøíè ыòêàçà¸òãàí êîðïîðàöèÿ ââ óþøìàëàðãà ¸êè øó óþøìà ââ êîðïîðàöèÿëàðíèíã øòàòäààè õîäèìëàðèãà ¸ðäàì êыðñàòóâ÷è ìóñòàқèë êîíòðàêòîðëàð xàì áыëèøè ìóìêèí. xàð қàíäàé xîëàòäà éè\èëèø òàøêèëîò÷èñè қèçèқàðëè êàñá. Àíæóìàíëàð òàøêèë ýòèø õàëқàðî óþøìàñèíèíã ñòàòèñòèêà ìàúëóìîòëàðèãà ìóâîôèқ ôàқàò À+Øäà øó áèëàí òыëèқ èø êóíè ¸êè ыðèíãîøèêè áыéè÷à 212 ìèíã îäàì øó\óëëàíààè.

Éè\èëèøëàðíè ïðîôåññèîíàë òàøêèëîò÷èëàðè ыç ìèæîçëàðè ó÷óí ìåxìîíõîíàëàðäà æîéíè áðîí қèëèø áèëàí èêôîÿëàíìàéäè, áàëêè êóí òàðòèáèíèíã xàð áèð áàíäèíè êîíòðàêòîðëàð áèëàí êåëèøèøíè óíóòìàñäàí òàäáèðíè äàқèқàìà-äàқèқà ðåæàëàøòèðèá ÷èқàäè. Êåèíãè éèëëàðäà éè\èëèøëàðíè òàøêèë ýòóâ÷èëàðíèíã êыïëàá þìóøëàðè àóäèîâèçóàë âîñèòàëàð ââ ñèíõðîí òàðæèìà xàì қыøèëàäè.

Éè\èëèø òàøêèëîò÷èñè åëêàñèãà òóøàäèãàí þêëàð àéðèì xîëàðäà êàòòà, àéðèì xîëàðäà êè÷èê áыëèøè ìóìêèí, àììî îäàòäà óëèíã âàçèôàñèãà қыéèäàãèëàð êèðàäè:

**Äàñòëàáêè òàé¸ðãàðëèê:**

*Êåíãàø êóí òàðòèáèíè òóçèø

*Êåíãàø ìақñàäëàðèíè àíèқëàø

*Èøòèðîê÷èëàð ñîíèíè òàõìèíàí áèëèø

*Êåíãàø áþäæåòè xàæìëàðèíè àíèқëàø

*Òàäáèðíè ыòêàçèø ó÷óí æîéíè òàíëàø

*Îòåë òàíëàø

*Øàðòíîìàëàð òы\ðèñèäà êåëèøèø

*Ýêñïîçèöèÿ ó÷óí æîé òàíëàø

*Ýêñïîíåíòëàð ó÷óí xóææàòëàð òàé¸ðëàø

*Ìàðêåòèíã ðåæàñèíè ыéëàø

*Ó ¸êè áó òîìîíãà àâèà ÷èïòàëàðíè áðîí қèëèø

*қóðóқëèêëààãè òðàíñïîðòíè òàøêèë ýòèø

*þêëàðíè åòêàçèøíè òàøêèë ýòèø

*çàðóð àóäèîâèçóàë óñêóíàëàðíè òàøêèë ýòèø

**Òàäáèðíè ыòêàçèø æîéèäàãè xàðàêàòëàð:**

* Òàääèð áîøëàíèøààí îëäèí éыðèқíîìà ыòêàçèø
* қыëäà èø ðåæàñëãà ýãà áыëèø
* îäàìëàðíè áèð õîíààí áîøқàñèãà ыòêàçèøãà ðàxáàðëèê
* òóøóíìîâ÷èëèê âà àíãëàøèëìîâ÷èëèêëàðíè áàðòàðàô ýòèø
* xèñîá-êèòîáëàðíè èìçîëàø

**Òàääèðääí êåéèí:**

* Òàíáåxëàðíè ýøèòèø
* ßêóíëàðíè ñàðxèñîá ýòèø
* Áèðãàëèêäà èøëàãàíè ó÷óí ìèííàòäîð÷èëèê
* Ìåxìîíëàðíè êóçàòèøíè òàøêèë ýòèø
* Êåéèíãè éèë ó÷óí êåëèøèá îëèø

Êåíãàø òàøêèëîò÷èëàðèíèíã áèòòà ÿõøè èøè, ÿúíè áó éèë òàääèðíè êыíãèëäàãèäåê ыòêàçèøè êåéèíãè éèëäà xàì áóíäàé òàääèðíè ыòêàçèøíè ÿíãà åíãèëëàøòèðàëàäè. Êîíôðåö ìàðêàçëàð âà ìåxìîíõîíàëàð òàääèðíè ыòêàçèø, èøòèðîê÷èëàðíè ÿøàøè ó÷óí õîíàëàð àæðàòèø ó÷óí æîé òàқäèì ýòàäè. Âà óëàðíèíã îâқàòëàíèøè, õèçìàò êыðñàòèøèíè òàøêèë ýòàäè. Ìèæîçëàðäàí ìàíôààòîð êîíôðåíö ìàðêàçëàð âà ìåxìîíõîíàëàð ïðîôåññèîíàë êåíãàø òàøêèëîò÷èëàðè áèëàí ÿõøè ìóíîñàáàòëàðíè ñàþқëàøãà xàðàðêàò қèëàäè. óëàð êыïèí÷à êåíãàø èøòèðîê÷èëàðè қàòíàøàäèãàí ìåxìîíõîíàëàðíèíã èìêîíèÿòëàðèíè êыðèøãà òàêëèô ýòàäè, êîíôðåíö çàëëàð, õîëëàð, õîíàëàðíè êыðñàòàäè. Ðåñòîðàíëàðäàãè òàíñèқ îâқàòëàð áèëàí ìåxìîí қèëàäè, óëàðíèíã ýúòèáîðàíè òàääèð ыòêàçèø âàқòèäà ôîéäàëè áыëãàí æèxîçëàð âà óñêóíàëàðãà қàðàòàäè.

## 7.4 ÀÍÆÓÌÀÍ ÁÞÐÎÑÈ ÂÀ ÂÈÇÈÒÅÐËÀÐ

Óøáó ñàíîàòäà àñîñèé ôèãóðà èõòèñîñëàøòèðèëãàí àíæóìàí áþðîñè âà âèçèòåðëàð áыëàäè. Àíæóìàí áþðîñè âà âèçèòåðëàð õàëқàðî óþøìàñè áó àãåíòëèêíè ыçèäà àíæóìàí қàòíàøóâ÷èëàðè âà îäàìëàðíè қààóë қèëóâ÷è øàxàðãà òàíèøèø èìèé âà àìàëèé ìàқñàäëàð ó÷óí êåëàäèãàíëàðíè қààóë қèëóâ÷è êåíã éыíàëèøääãè òàøêèëîò ñèôàòèäà òàâñèô ýòàäè.

Àíæóìàí áþðîñè âà âèçèòåðëàð øóíäàé қèëèá, êåëóâ÷è îäàìëàð ìàíôààòîð áыëãàí øàxàð õыæàëèãèíè áàð÷à ñåêòîðëàðè áèëàí àìàëèé àëîқàëàð îëèá áîðàäè:

*Òàðíñïîð
*Îòåë âà ìîòåëëàð
*Ðåñòîðàíëàð
*Êыíãèë î÷èø ìóàññàñàëàðè

*Òàúìèíò÷èëàð

Áóþðî óøáó éыíàêèøäààè ìàxàëëèé êîðõîíàëàðãà ыç ìàxñóëîòëàðèíè ñîòóâ÷èëàð ãóðóãè êààè ыçèíè òàêëèô ýòääè. Øàxàð îëèãëàä áþðî қыéèäàãèëàðãà ìàñúóë :

Øàxàð ìàíôààòè ó÷óí ìóíòàçàì ðàâèøäà, àíóìàíëàð, êыðãàçìàëàð âà êåíãàøëàðíè ыòêàçóâ÷è òàøêèëîòëàð áèëàí àëîқàëàðíè éыëãà қыéèø

Óøáó òàäáèðëàðíè òàé¸ðëàø âà ыòêàçèøäà ìàçêóð òàøêèëîòëàðãà xàð òîìîíëàìà ¸ðäàì êыðñàòèø

Òóðèñòëàð âà àíæóìàí èøòèðîê÷èëàðè ó÷óí øàxàðäà ìàâæóä òàðèõèé âà ìàäàíèé ¸äãîðëèêëàð øóíèíãäåê, êыíãèë î÷èø ìóàññà ñàëàðè âà àòòðàêöèîíëàð òы\ðèñèäæà àõáîðîòëàðíè òàðқàòèø.

Áþðî êåëóâ÷èëàðãà øàxàð òы\ðèñèäà ÿõøè òààññóðîò xîñèë қèëèø ó÷óí xàðàêàò қèëàäè.

Áþðî ыç ôàîëèÿòè áèëàí ìåxìîíõîíà÷èëèê ìàxàëëèé ñàíîàòèíè äàðîìàäëèíè îøèðàäè. Áþðî ñàâäî ñàíîàò ÿðìàðêàëàðèãà ыõøàø òàäáèðëàðíè òàøêèë ýòèøãà ¸ðäàì áåðèá, óøáó ÿðìàðêàëàðäà èøòèðîê ýòà¸òãàí èøáèëàðìîí îäàìëàðãà òàúñèð êыðñàòàäè. Ìàñàëàí, òóðèñòèê àããåíòëèê óøáó ÿðìàðêàëàðäà "ыç òóðèñòëàðèíè" éè\èø ó÷óí òîåëëàð ðåñòîðàíëàð âà êыíãèë î÷èø ìóàññàñàëàðè áèëàí àëîқàëàð áî\ëàéäè. Õóääè øóíäàé êåíãàø òàøêèëîò÷èñè ñàâäî-ñàíîàò ÿðìàðêàëàðèäà èøòèðîê ýòèá, òóðëè îòåë, ðåñòîðàíëàðíèíã èìêîíèÿòëàðèíè àíè қëàéäè. Óëàðäàí ыçëàðèíè áыëàæàê ìèæîçëàðèíè қèäèðàäè. Ïîòåíöèàë êëèåíòëàð xàқèäàãè àõáîðîòëàðíè áîøқà ìàíáààëàðè Âàøèíãòîíäà (ыç ìàíôààòëàðèíè xóêóìàòãà ыòêàçèø ó÷óí) âà Íþéîðê , ×èêàãî, Ñàí-Ôðàíñèñêî êààè øàxàðëàðäà îôèñëàðèãà ýñà áыëãàí óþøìàëàðíèí ìàúëóìîòíîìàëàðèäà áыëèøè ìóìêèí. Êыïëàá áþðîëàð áó øàxàðëàðäà ыç îôèñëàðèãà ¸êè âàêèëëàðèãà ýãà áыëèøè, ñàâäî ñàíîàò ÿðìàðêàëàðèäà áî\ëàíãàí ëîқàëàðíè ðèâîæëàíòèðèø ó÷óí xàòòî èø÷è ãóðóxëàðè xàì áыëèøè ìóìêèí. Øóíèíãäåê, ìèëëèé óþøìà, êîðïîðàöèÿëàð âà xàëîқàëàðãà ïîòåíöèàë ìèæîç ñèôàòèäà "xàð ýxòèìîëãà қàðøè" қыí\èðîқ қèëèøè ìóìêèí. Àãàð òàøêèëîò қèçèқà¸õãàí áыëñà, òàäáèðíè ыòêàçèø êыçãà òóòèëà¸õãàí æîéäà òàíèøóâ ñàôàðèíè òàøêèë қèëèø ìóìêèí. Áþðî ìèæîçíèíã ýxòè¸æèíè áàxîëàéäè âà òðàíñïîðòòàøêèëè қèëàäè, ìåxìîíõîíàäàí æîé, ðåñïîðàíäà òóøëèê âà ìàäàíèé âà òàðèõèé àxàìèÿòãà ýãà áыëãàí æîéëàðãà ýêñêóðñèÿëàð óþøòèðàäè. Àãàð xîìèé òàøêèëîòëàð ìèæîçãà ыç õóñóñèé òàêëèôëàðèíè қèëñà, áþðî óíãà қàðøèëèê қèëìàéäè.

**Êîíôåðåíö ìàðêàçëàð**

Àìåðèêàäàãè êîíôåðåíö ìàðêàçëàð èõòèñîñëàøòèðèëãàí ìåxìîíõîíà ñàíîàòèíèíã óëêàí êîðõîíàëàðè áыëèá, áó åðäà àíæóìàíëàð âà ýêñïîçèöèÿëàð òàøêèë ýòàäè. Îäàòäà óëàðíèíã

xóäóäèäà áóíèíèíã ó÷óí áàð÷à øàðîèò áîð: Àâòîìàøèíàëàðíè қыéèø æîéè, àõáîðîò õèçìàòëàðè, îøõîíàëàð âà õ.ê.

Îäàòäà êîíôåðåíö ìàðêàçëàð äàâëàò, øòàò ¸êè øàxàð áàëàíñèäà òóðàäèãàí âà óøóá êîðõîíàíàíèíã ìóâàôôàқèÿòëè ôàîëèÿòèäàí ìàíôààòäîð òóðëè ãóðóx âàêèëëàðè êåíãàøè îðқàëè áîøқàðèëàäèãàí êîðïàðàòèÿëàð xèñîáëàíàäè. Êåíãàø ïðåçèäåíò ¸êè áîø ìåíåæåðíè òàéèíëàéäè, ó ìàðêàçíè ìàқñàä âà âàçèôàëàðèãà ìóâîôèқ áîøқàðàäè.

Êîíôåðåíö ìàðêàçäà xàð қàíäàé ìèқ¸ñäàãè àíæóìàíëàðíè ыòêàçèø ó÷óí åòàðëèê êыðãàçìà âà àíæóìàí çàëëàðè ìàâæóä. Óëàð êыðãàçìà çàëëàðèíè (îäàòäà xàð áèðè þç ôóòäàí êâàäðàòãà àæðàòèëãàí) òîïøèðèá, ôîéäà îëàäè. +ыøèì÷à äàðîìàä îøõîíà âà ñàâäî àâñòîìàòëàðè òîìîíèäàí îëèíàäèãàí îçèқ îâқàò ìàxñóëîòëàðè âñ è÷èìëèêëàð ñàâäîñèäàí êåëèá òóøàäè. Êыïëàá ìàðêàçëàð áåçàø, ¸ðèòèø, àóäèî-âèçóàë òàúìèíîò âà êàììóíèêàöèÿ âîñèòàëàðè üàèëàí øó\óëëàíàäèñàí õóñóñèé ïóäðàò÷èëàðèãà ýãà.

Øóíãà ыõøàø ìàðêàçëàðäàí áîøқà êè÷èêðîқ ëåêèí ôåäåðàë, ìèíòàқàâèé âà ìàxàëëèé xàçèíàãà ыç óëóøèíè қыøèá òóðàäàãèíà ìàðêàçëàð xàì ìàâæóä. Ðîä-àéëåíä êîíâåðåíö ìàðêàçè áóíãà ÿõøè ìèñîë áыëà îëàäè. Ïðîâåäåíñ øàxðè ìàðêàçèäàãè Ìóíèöèïîëèòåò áèëàí қыøíè æîéëàøãàí ìàðêàç øòàò ó÷óí 82 ìèëëèîí äîëëàðãà òóøãàí (øòàòíèíã áóòàí òàðèõèäà ôàқàò áèòòà áèíî қèììàòãà òóøãàí). Óìóìèé ìàéäîíè 365 ìèí êâàäðàò ôóò, áîø êыðãàçìà çàëèíèíã ìàéäîíè 1000 êâàäðàò ôóò, ðàқñ çàëè 20 ìèíã êâàäðàò ôóò, éè\èëèøëàð ó÷óí 18 òà õîíà êóíèãà áåø ìèíã êèøèíè îâқàòëàíòèðèøãà ìыëæàëëàíãàí ðåñòîðàí. Áó åðäà õóñóñèé òåëåôîí òàðìî\è ìàâæóä áèíîíèíã îëä қèñìèäà 365 êèøèè êåòàäèãàí çàë áыëèá, óíè äåâîðëàðèäàí áèðè îíàäàí ÿñàëãàí, ó îðқàëè Ïðîâèäåíö øàxàðèíèíã áóòóí ìàðêàçè ÷àðàқëàá êыðèíàäè. Áèíî îëäèäàãè ìàíçàðàëè îíà íàôàқàò áó çàëäà áàëêè áóòàí õîëë âà äàì îëèø õóäóäëàðèäà òààáèé ¸ðó\ëèêíè õîñèë қèëàäè. áóíäàé êîíôåðåíö ìàðêàç øàxàð xàçèíàñèãà ìèëëèîíëàá äîëëàð ôîéäà êåëòèðàäè.

**Òàäáèðëàðíè áîøқàðèø**

Êàòòà êîíôåðåíö ìàðêàçëàð ыç èøëàðèíè áèð éèë îëäèíäàí ðåæàëàøòèðàäè. Êîíôåðåíöèÿëàð ìàxàëëèé áþðîñè âà âèçèòåðëàð àââàëäàí åðèëàäèãàí áþðòìàëàðíè ыç çèììàëàðèãà îëàäè. Ìàúëóìîò áþðî âà êîíôåðåíö ìàðêàçëàð áèðãàëèêäà èøëàøäàí ìàíôààòäîð áþðòìà àíèқ á1ыëãàíèäàí ñыíã êàòò ìåíåæåð óøáó òàäáèð áèëàí øó\óëëàíàäèãàí ìåíåæåðãà êыðñàòìà áåðàäè. Ó ìèæîç áèëàí áî\ëàíàäè âà áóòó áîñқè÷ëàðèíè ыðãàíàäè: Äàñòëàáêè èø òàäáèðíèíã ыçè âà ñàðxèñîá.

Ìåíåæåð áóþðòìàíè ðыéõàòãà îëèá óøáó òàäáèðíè ыòêàçèø ó÷óí êåðàêëè æîéíè àæðàòàäè. Ìèæîçíè îðòèқ÷à xàðàæàòëàðãà éыë қыéìàñëèêè ó÷óí áóþðòìà÷èíèíã

òàëàáëàðèíè àââàëäàí ыðãàíàäè. Øàðòíîìà ðåæàëàøòèðèëãàí òàäáèð éыíàëèøèäàí êåëèá ÷èқèá òóçèëàäè. Óíäà ìèæîçíèíã áàð÷à òàëàáëàðè ñàíàá ÷èқèëàäè âà ó ¸êè áó òàëàáëàðèíè áàæàðèø ó÷óí (ìàñàëàí, ãèëàìëàðíè òыøàø ¸êè ýêñïîçèöèÿ ó÷óí òыñèқëàð ыðíàòèø) қàéñè ñóä êîíòðàêò÷èëàðèíèíã ìàñúóëëèãè êыðñàòèëàäè.

Êîíòðàêò þðèäèê хóææàò хèñîáëàíàäè âà øó áîñèìäàí óíè òóçèø ыòà ïóõòàëèêíè òàëàá ýòàäè. Ìàñàëàí, øàðòíîìàäà êыðãàçìà áèííîñèíè òîçàëàø áèëàí ôàқàò ìàðêàç õèçìàò÷èëàðè øó\óëëàíèøèàðè ìóìêèí ¸êè îâқàò ôàқàò òàé¸ðëàíèøè ëîçèì, óíè òàðқàòèø ýñà ìàðêàçíèíã èøè ýìàñ äåá àéòèëèøè ìóìêèí. Øàðòíîìà èìçîëàíèá ìèæîçãà қàéòàðèëãàí ñыíã óøáó òàäáèðãà ìàñúóë ìåíåæåð ÿқèí îëòè îé ìîáàéíèäà èøëàðíè қàíäàé êåòà¸òãàíëèãè òы\ðèñèäà ìèæîçíè õàìáàðäîð қèëèøè ëîçèì:

Õàâôñèçëèê ìàñàëàñè, áèçíåñ ìàðêàçèíèíã òàøêèë ýòèø, çè¸ôàò âàқòèäà õèçìàò êыðñàòèø âà õ.ê. Áó ìåíåæåð, ìàðêàç âà ìèæîç ыðòàñèäàãè àëîқàëàðíè àìàëãà îøèðóâ÷è áîø ôèãóðà хèñîáëàíàäè. Ó ìèæîçãà õèçìàò êыðñàòèøíèíã àñîñèé òóðëàðèãà ìàñúóë ñóá øàðòíîìà÷èëàðèíè òàқäèì ýòàäè.

Òàäáèð áîøëàíèøèãà èêêè хàôòà қîëãàíäà ìàðêàç áыëèìëàðè áîøëèқëàðèãà óëàðíèíã хàð áèðè ìàçêóð òàäáèð ÿõøè ыòèøè ó÷óí áàòàôñèë êыðñàòìàëàð áåðèëãàí òàãèøëè хóæàòëàðèíè æыíàòàäè. ыí êóí àââàë äàñòëàáêè, êåíãàø ыòêàçèëèá, óíäà áèðîðòà òóøóíìîâ÷èñëèê, ìàñàëàí, èêêèòà àíæóìàíãà áèð ïàéòäà âàêèëëàð ÷àқèðèëèøèãà ыõøàø хîèñàëàð þç áåðìàñëèãè ó÷óí èêêè-÷èêèðëàðãà÷à àíèқëàøòèðèëàäè. Øóíèíãäåê ýêñïîöèÿ âà óíèíã øàðòíîìà÷èëàðè ÿúíè òðàíñïîðò áèëàí òàúìèíëîâ÷è, ýêñïîíàòëàðíè æîéëàøòèðóâ÷èëàð áèëàí êåíãàø ыòêàçèëàäè.

Ñынãèðà ýêïîíàòëàðíè ÿðàòèø âà óñêóíàëàø áыéè÷à èøëàð áîøëàíàäè. Ýêñïîçèöèÿ æîéëàøòèðèëãàíäàí ñыíã êыðãàçìàíè î÷èø, êыðãàçìàíè ыòêàçèø êыçà òóòèëãàí æîéãà òàíèøóâ ñàôàðèíè óþøòèðèø ìóìêèí.

**Ìàõñóñ õèçìàòëàð**

Àéðèì ôèðìàëàð ìàõñóñ õèçìàòëàð òàêëèô ýòàäè. Áóëàð ìàñàëàí, êыíãèë î÷àð øîóëàð, àóäè-âèçóàë âîñèòàëàð, ãèäëàð áèëàí ýêñêóðñèÿ ыòêàçèø, áåçàòèø èøëàðè.

**Хулоса**

Бу мавзуда тарихий очерк, кенгаш турлари ёиғилиш ташкилотлари, конференция бюроси ва ташриф буюрувчилар ҳақида батафсил баён этилган. Меҳмондўстлик индустриясида анжуман, конференция, сессиялар ўтказиш Сервис соҳасининг барча хизмат кўрсатиш объектларини иш

билан таъминлайди. Масалан, туристларни меҳмонхонага жойлаштириш, уларни овқатлантириш ва экскурсия хизматларини тақдим этилиши. Áèçíèíã êóíëàðèìèçäà, ñòàòèñòèêàãà ìóâîôèқ ôåâðàë, ìèíòàқàâèé øàòà âà ìàxàëëèé äàðàæàäà ôàîëèÿò êыðñàòóâ÷è Àìåðèêà ôóíêöèîíåðëàð óþøìàñè æàìèÿòè, êàñààà óþøìàëàð xàð éèëè 22,6 ìèëëèîí êèøè èøòèðîê ýòàäèãàí 215 ìèíã àíæóìàíëàð âà éè\èëèøëàð ыòêàçèø ó÷óí 53,5 ìèëëèàðä äîëëàð õàðàæàò қèëàäè. Ìåxìîí қàáóë қèëèø âà òóðèçì èíäèñòðèÿñè êåíãàø àíæóìàí âà ýêñïîçèöèÿëàðíè òàøêèë ýòàäè.

* Éè\èëèøëàð òàøêèë ýòóâ÷èëàð óþøìàñè
* Àíæóìàí èøëàðèíè áîøқàðèø óþøìàñè
* Êëóá ìåíåæåðëïðè óþøìàñè
* Àíæóìàíëàðíè òàøêèë ýòèø êàñáèé óþøìàñè
* Ìåxìîí қàáóë қèëèø, óþøìàëàð ñèôàòèäà қыéèäàãè ìàñàëàëàðíè òàêëèô ýòóâ÷è ÿãîíà ìóñòàқèë ñè¸ñèé êó÷ xèñîáëàíàäè.
* Ñè¸ñèé îâîç
* Ìàðêåòèíã êàíàëëàðè
* Êàñáèé ықèø
* Óþøìà àúçîëàðèãà èìòè¸çëè õèçìàò қèëèø
* Òèçèìãà êèðèòèø

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:**

Óþøìà, Àóäèòîð óñëóáè, Àíæóìàí áþðîñè âà âèçèòåðëàð, Áàõñ, Ñèíô óñëáè, Êîëåãèàë óñëóá, Àíæóìàí, Àíæóìàí ìàðêàç, Ìóxîêàìà, Òàíèøóâ ñàôàðè, Êîðõîíà èìêîíèÿòëàðè áèëàí òàíèøèø, Òàøêèëîò÷è, Êåíãàø, Èø÷è ãóðxè, Ñåìèíàð, Ñèìïîçóì, Êåíãàø, Ñàâàë-ñàíîàò ¸ðìà\è, Ýêñïîçèöèÿ.

**Íàçîðàò ñàâîëëàðè**

1. Àíæóìàí âà ýêñïîçèöèÿ ыðòàñèäàãè ôàðқíè òóøóíòèðèíã?
2. Êîíôåðåíö ìàðêàç íèìà?
3. Àíæóìàí áþðîñè âà âèçèòåðëàð âàçèôàëàðèíè ñàíàá ÷èқèíã?
4. Òàäáèð éыíàëèøè âà èø xóææàòëàðè íèìà ýêàíëèãèíè òóøóíòèðèíã.
5. Óþøìàëàð íèìà âà óëàð қàíäàé ìàқñàääà òóçèëàäè?
6. Êîíôåðåíö çàëëàðäà ìååëëàðíè æîéëàøòèðèøíèíã ó÷òà àñîñèé òóðèíè òàñâèðëàíã?

7. Ñåìèíàð íèìà âà óíèíã èø÷è ãóðóõëàðí қàíäàé ôàðқè áîð?

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.

14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm

http://www.world-tourism.org

http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 8-Мавзу. ÌÀÐÊÅÒÈÍÃ: ÌÀÄÈÍßÒÍÈ ÌÅXÍÀÒ ÇÀXÈÐÀËÀÐÈ

1. Маркетинг: Маданиятнинг меҳнат ресурслари.
2. Ижтимоий-сиёсий технологик омиллар.
3. Маркетингнинг мақсади ва вазифаси.
4. Меҳнат ресурсларини бошқариш.
5. Бандликнинг тенг имкониятлари.

## 8.1. ÌÀÐÊÅÒÈÍÃ: ÌÀÄÀÍÈßÒÍÈÍÃ ÌÅXÍÀÒ ÐÅÑÓÐÑËÀÐÈ

Ìåxíàò қàáóë қèëèø èíäóñòðèÿñè xàð қàíäàé êîðõîíàñèíèíã òèæîðàòäà ìóâàôôàқèÿòè ó÷óí ó ìàðêåòèíã âà ñîâàî õóñóñèäà қàé\óðèøè çàðóð. Ìåxíàòëàðñèç "ìàìóíàëè êîðõîíà", "èë\îð èø÷èëàð" âà áîøқà íàðñàëàð òы\ðèñèäà ãàïèðèøäàí íèìà íàô? Ìàðêåòèíã ìåxíàòëàðíèíã èñòàê âà òàëàáëàðèíè àíèқëàø âà óëàðíè ìåú¸ðèäàãè íàðõëàð áèëàí қîíèқòèðèø, øó áèëàí áèðãà ыçè ó÷óí xàì ôîéäà îëèø ó÷óí èøëàéäè.

Ìàðêåòèíã þêñàê ìàқñàäíè àíãëàøäàí áîøëàíàäè, áó ìàқñàä ó÷óí êîðïîðàòèÿ òóçèëãàí. Óíèíã ìèññèÿñè êîðïîðàòèâ ôàëñàôàíè èøëàá ÷èқèøäàí èáîðàò. Àìî ìèññèÿ áó ÷èðîéëè xàðôëàðäà òåðèëãàí âà êîìïàíèÿ ïðåçèäåíòè êàáèíåòè äåâîðèíè áåçàø ó÷óí ðàìêàãà ñîëèíãàí äàìäàáàëè ñыçëàð éè\èíäèñè ýìàñ. Ó xàð êóíè êîìïàíèÿ ôàîëèÿòèíè ыç àìàëèé èôîäàñèíè òîïèøè ëîçèì. Ìåíåæìåíò áыéè÷à ìóòàõàññèñëàð îðàñèäà xóðìàòëè áыëãàí Ïèòð Äðóêåð, áèçíåñíèíã ìàқñàäè қèñқà÷à øóíäàé: "ыçèíãà ìèæîç ÿðàòèø". Ìåxíàòõîíà ðåñòîðàí áèçíåñèãà êåëàäèãàí áыëñàê, þқîðèäàãè ñыçëàðãà óøáóíè қыøèø êåðàê. "... âà ÿíà òà\èí ó ñèçãà êåëñèí". Ìèæîçíè ÿðàòèø âà óíè óøëàá òóðèø äåìàê êыï îäàìëàð ýxòè\¸æ ñåçàäèãàí ìàxì\ñóëîò ¸êè õèçìàòíè òîïèøäèð. қà÷îíêè êåíîîñ Óþñîí áóòóí ìàìàëàêàòäà ыçèíèíã ---
-- íè қóðèøíè áîøëàãàíäà ó êàòòà ìèқäîðäàãè àìåðèêàëèêè îèëàëàð âà èøáèëàðìîí êèøèëàðíèíã ýxòè¸æèíè қîíäèðäè: ñèôàòëè ìåxíîõîíàëàð ìåú¸ðäàãè íàðõäà òыõòàø èìêîíèÿòèãà ýãà áыëèø. Áîøқà ìèñîë, Ìàããàëèíåñ ðåñòîðàíëàðè ÿúíè ÐåéÊðîê îäàìëàðãà êåòà¸òãàí éыëèäà ìàçàëè âà àðçîí òàìàääè қèëèø èìêîíèÿòèíè ÿðàòèá àìåðèêàëèêëàðãà æóäà ìàúқóë êåëäè.

Àëëà-Ñòåð Ìîðñîí ìàðêåòèíãíè èñòåúìîë÷èãà éыíàëèø áåðèø ñèôàòèäà áåëãèëàá óøáó òóøóí÷àíè 11 òà òåçèç ¸ðäàìèäà òàñâèðëàéäè:

1. ìèæîç ýxòè¸æè- áèðèí÷è äàðàæàëè óñòèâîðëèê.

* Ìèæîçíèíã ýxòè¸æèíè қàí÷à êыï қîíäèðñàíã ó ñèçíèíã ìèæîçèíãèçãà àéëàíèø ó÷óí øóí÷à êыï èìêîíèÿò òó\èëàäè. ìèæîçíèíã ýxòè¸æèíè қîíäèðèø áàð÷à áыëèìëàð, áàð÷à ìåíåæåðëàð âà èø÷è æàìîàñèíèíã ÿãîíà ìàқñàäè.

2. Ìèæîç ýxòè¸æè - äîèìèé òàøâèø îáúåêòè âà èëìèé òàäқèқîòëàð ïðåäìåòè.

* Ìèæîçíèíã áèëèìè óíèíã ýxòè¸æëàðèíè қîíäèðèø èìêîíèÿòèíè êыïàéòèðàäè.

3. Ìàðêåòèíã òàäàķèķîòëàðè ìóíòàçààì îëëá áîðèëààè, óëàðíèíãã óñòèâîðëèãè æóäà þķîðè.

* Ìèæîç ýxòè¸æëàðèíèíã áàð÷à ыçãàðèøëàðè òåçãà ðыéõàòãà îëèíèøè ëîçèì. ßíãè ìàxñóëîòëàð âà ÿíãè òóðääãè õèçìàòëàð ïàéäî áыëèøè çàðóðàòè ыç âàķòèäà ïàéķàëèøè ëîçèì.

4. Êîðõîíàíèíã îæèç âà êó÷ëè òîìîíëàðè íèñáàòè äààðèé òàxëèëëàð îëèá áîðèëààè.

* Êó÷ëè òîìîíëàðè êó÷àéòèðèëààè, îæèç òîìîíèëàðè áàðòàðàô ýòèøãà xàðàðêàò ķèëèíààè.

5. èñòèķáîëëè ðåæàëàøòèðèø áàxîñèíè àáàxîëàø ìóìêèí ýìàñ.

* Ìèæîç ýxòè¸æëàðèääãè ыçãàðèøëàðíè îëäèíäàí êыðèø çàðóð âà áàð÷à ìàðêåòèíã èìêîíèÿòëàðäàí ôîéäàëàíèá øóíãà ìîñ xàðàêàò ķèëèø ëîçèì.

6. êîðõîíàãà ìèæîçíèíã áåðãàí áàxîñè ìàúëóì áыëèøè ëîçèì.

* Ìàxñóëîòëàð, õèçìàòëàð âà ðåêàëàìà øóíãà áî\ëèķ ðàâèøäà ðèâîæëàíààè.

7. áыëèìëàð ыðòàñèäààãè xàìêîðëèê ķàäðëàíààè âà ķóòëàíààè. xàìêîðëèê ķàí÷à êыï áыëñà, õèçìàò êыðñàòèø øóí÷à ÿõøèëàíààè âà ìèæîç õóðñàíä áыëààè.

8. ыçèãà òóðäîø êîðõîíàëàð áèëàí xàìêîðëèêíè éыëãà ķыéèø êåðàê.

* Xàìêîðëèê ķàí÷à êыï áыëñà, ìèæîç øóí÷à õóðñàíä.

9. þç áåðãàí ыçãàðèøëàðãà ìóķàððàð, àìî áåêîðãà ýìàñ ääá ķàðàø êåðàê.

* ыçãàðèøëàðãà ķàðøèëèê êыðñàòèëìàéäè, óëàðãà ìîñëàøèëààè.

10. áèçíåñíèíã ìèķ¸ñè àí÷à êåíã áыëèøè ëîçèì.

* Ìèæîçãà ÿõøè õèçìàò ķèëèøãà âà àðàëàø ôàîëèÿò þðèòèøãà îëèá áîðààèãàí èìêîíèÿòëàð êàïèòàëãà àéëàíàøè ëîçèì.

11. ìàðêåòèíã ôàîëèÿòèíèíã õîì ÷ыòëàðè âà áàxîëàøëàðè ìóíòàçàì îëèá áîðèëààè.

* Ñàìàðàëè ìàðêåòèíã äàñòóðëàðè âà ñòðàòåãèÿëàðè òàêðîðëàíààè âà ðèâîæëàíòèðèëààè.

Ìàðêåòèíã õàðàæàòëàðè âà ìåxíàò ðåñóðñëàðèäàí ñàìàðàëè ôîéäàëàíèø ëîçèì.

Ìåxìîí ķààóë ķèëèø èíñàóñòèðÿñèíèíã êàòòà âà êè÷èê ìóñòàķèë êîðõîíàëàðè áîçîðäà ыç óëóøèíè îøèðèøãà óðèíàðêàì, ÿíãè ìàðêåòèíã èìêîíèÿòëàðíè ķèëèðààè. Áó åðäà áèòòà ìåõàíèçì ìóxèì: èçëàø âà ķàðîð ķààóë ķèëèø.

Ìàðêåòèíã õàðàêòåðääãè ķàíääéëèð ķàðîðíè ķààóë ķèëèøäàí àââàë îààì ыçè ó÷óí óìóìèé èķòèñîäèé âàçèÿòíè àíèķëàá îëèøè òàâñèÿ ýòèëààè. Áó æàðà¸í îäàòäà ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè äåá íîìëàíààè. Ìåxìîíõîíà áèçíåñèãà òàúñèð ыòêàçèëààãàí, èķòèñîäèé, èæòèìîéè, ñè¸ñèé âà òåõíîëîãèê îìèëëàð ыðãàíèá ÷èķèëààè. 12.1 ðàñìäà ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè áîñķè÷ëàðè òàñâèðëàíààè.

Ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè

Èқòèñîäèé îìèëëàð

Èæòèìîèé îìèëëàð

Ñè¸ñèé îìèëëàð

Òåõíîëîãèê îìèëëàð

## 8.2 È+ÒÈÑÎÄÈÉ, ÈÆÒÈÌÎÈÉ, ÑÈ¨ÑÈÉ, ÒÅÕÍÎËÎÃÈÊ ÎÌÈËËÀÐ

Ìåxìîí қàáóë қèëèø èíäóñòðèÿñèãà ìàêðîèқòèñîä (óìóìèé èқòèñîäèé âàçèÿò) øóíèíãäåê, ìèêðîèқòèñîäè¸ò(ÿқèí èқòèñîäèé ìóxèò) òàúñèð êыðñàòàäè. Ìàêðîèқòèñîäè¸ò íóò\қòàè íàçàðèäàí áàíêîíèíã ôîèç ñòàâêàñè çàé¸ì êàïèòàëè қèéìàòèãà òàúñèð êыðñàòàäè, âàëþòà êóðñè ýñà ìàçêóð ìàìëàêàòãà êåëóâ÷è òóðèñòëàð ñîíèãà òàúñèð êыðñàòàäè. Àéðèì èқòèñîä÷èëàð

Èқòèñîäèé ðèâîæëàíèøíèíã äàâðèé õàðàêòåðè òы\ðèñèäà ãàïèðèøèàè. Êыï÷èëèê 1980 éèëëàð ыðòàëàðè 1990 éèëëàðäàãè ïàñàéèø áèëàí ñîëèøòèðãàíäà xàқèқèé êыòàðèëèøèãà ìîéèë. xîçèðãè êóíäà àxâîë íîðìàëëàøìîқäà. Îäàìëàð ïóëãà ýðêèí ìóíîñàáàòíè áîøëàìîқäà. Áó ìåxìîíõîíà èíäóñòðèÿñè êàáè èқòèñîäè¸ò ñåãìåíòèíèíã ыñà¸õãàíëèãèäàí äàëîëàò áåðàäè. Ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè ìóxèìëèãèíè áàxîëàø қèéèí. Êèìäèð òàñîäèôàí çàðóð æîéäà âà çàðóð ïàéòäà ïàéäî áыëèøè ìóìêèí, àììî êèìäèð xàð áþèð қàäàìèíè ыë÷àá қыÿäè. Ìåxìîí қàáóë қèëèø èíäóñòðèÿñè åòàê÷èëàðè ìàðêåòèíã ìóxèòèäà ыçãàðèøëàðíè êыðèøèãà êыïëàá ìèñîëëàð êåëòèðèø ìóìêèí, øó áèëàí áèðãà èñòàêëàð, ýxòè¸æëàð âà ìåxìîíëàðíè êóòèø ïàéäî áыëàäè. ÐåíÊðîê âà óíèíã òåç õèçìàò қèëèóâ÷èðåñòîðàíàëàðè, Ðè÷àðä Âåëìàí âà óíèíã îøõîíàëàðè, Ðîáåðä Õåçàð âà óíèíã Îòåëëàðè, Õåðá Êåëåõàð âà àâèàëàíèÿëàðè – áóëàðíèíã xàììàñè èқòèñîäèé âàçèÿòíè áèð çóìäà òàxëèë қèëèá, ìàxñóëîò âà õèçìàòëàðíè èøëàá ÷èқèá òàðàққè¸ò éыëèäà åòàê÷èãà àéëàíàøèãà óëãóðäèëàð.

Êыï÷èëèê, êèìíèíã êàëëàñèãà ÿõøè \îÿ êåëñà, áóíäàé қóëàé èìêîíèÿòäàí ôîéäàëàíìàñëèê íîäîíëèê áыëàðäè äåá xèñîáëàøàðäè. Øóíãà қàðàìàñäàí êыïëàá êîðïîðàöèÿëàð xîçðäà êàòòà қèéèí÷èëèêëàðíè áîøäàí êå÷èðìîқäà, ÷óíêè6 ыç âàқòèäà ìàðêåòèíã âàçèòÿòëàíè òàxëèëè қèëèøìàãàí.

### Èæòèìîèé îìèëëàð

Áèçíèíã èæòèìîèé ëàíäøàôòíèíã òàxëèëè êыðñàòàäèêè, îäàìëàðíèíã òóðìóø òàðçè 1990 éèëëàðäà қàíäàéäèð ыçãàðóâ÷àí áыëèá қîëäè. xîçèð êыïëàá îìèëëàð èêêèòà îéëèêêà ÿøàá xà¸ò òàðçèíè êыòàðèø ó÷óí èø âà áîëàëàð îðàñèíè áыëèøãà ìàæáóð. Àæðàëèøëàðíèíã êыïàéèøè ÿðèì îìèëàëàð âà èøëîâ÷è à¸ëëàð ñîíèíè êыïàéèøèãà îëèá êåëäè. Æèñìîíèé

ñàëîìàòëèê âà æàìîàò îâқàòëàíèø òàøâèøè êыïðîқ ñî\ëîì îâқàòãà îäàìëàðíè òîðòìîқäà. Ôàâ+óëîääà xîëëàðäà áó î¸қäà òóðèá îâқàòëàíèøäà êыðèíääè. Ðåñòîðàí âà ìåxìîíáîð÷èëèê èíñ\äóñòðèÿñèíèíã áîøқà ñåêòîðëàðèäà ìèæîçëàð àí÷à íîçèêòàá áыëèá қîëäè. Áó íîçèêòàáëèê íàðñàëàð ñîòèá îëèøäà

Èæòèìîèé îìèëëàðíèíã òàxëèëèë äåìîãðàôèÿäàí áîøëàíàäè. Äåìîãðàôèÿ áó ìàçêóð xóäóääà æàìèÿòíèíã àñîñèé ïàðàìåòðëàðè áыéè÷à àæðàëèá òóðèøè: ¸ø, æèíñ, îèëàâèé àxâîë, àxîëè æîí áîøèãà äàðîìàä, îèëà xàæìè, ìàø\óëîò òóðè, ìàúëóìîòè, äèíèé ýòèқîäè, èðқè/ýòíèê ìàíñóáëèãè/, ìèëëàòè. Äåìîãðàôèê àõâîðîò îëàèëàð ãóðóxëíè ыõøàø òîìîíëèðàè âà ìóàììîëàðè áыéè÷à àíèқëàøäà, қàéñèêè, áîçîð ыçãàðóâ÷ëàðíè ìàúëóì áèð å÷èìäà ìàðêåòèíã áыéè÷à ìóòàõàññèñëàð òîìîíèäàí ôîéäàëàíèëàäè.

Áèç xàììàìèç áèëàìèç, íóôóçëè xóäóäëàðäà ÿøîâ÷è îäàìëàð ãåòòîâà ÿøîâ÷èëàðãà êыðà êыïðîқ êðóèçëàðãà îòëàíàèøääè. Øóíèíãø ó÷óí êðóèç êîìïàíèÿëàðè ìàðêåòèí áыëèìëàðè ыç ïðîñïåêòëàðèíè қà¸ққà þáîðèø âà қàéñè òåëåâèçèîí âà ðàäèî äàñòóðëàðèäà ðåêëàìàëàðèí áåðàøèí áèëàøèäè.; óëàð ыç ìàқñàäëè áîçîðèíè, ÿúíè êîðõîíà ìàxñóëîòëàðè âà õèçìàòëàðè éыíàëòèðèëãàí, ыçëàðè ÷èқèøíè ðåæàëàøòèðà¸òãàí ¸êè ÷èққàí áîçîðíè áèëàäè.

Óìóìàí çàìîíàâèé èñòåúìîë÷è òåçäà қîíèêðèøíè òàëàá қèëàäèãàí óêèàí èøòàxñè áèëàí ôàðқëàíàäè. Îäàìëàð éèëèãè áèð ìàðòà óçîқ òàúèòë îëèø ыðíèãà áèð íå÷òà қèñқà òàúòèëëàð îëèøíè âà óíè óéèãà ÿқèí æîéäà ыòêàçèøíè ìàúқóë êыðèøäàè. xà¸ò òàðçè îääèéëèêêà қàðàá åêåòìîқäà âà øóíèíã ó÷óí õàxëãà êåëìàãàí îâқàòëàð òàé¸ðëàéäèãàí îääèé ðåñòîðàíëàð ñîíè êыïàéìîқäà. Àìåðèêàëèêëàðíèíã óéäïìàí òàøқàðèäà îâқàòãà ñàқëàéäèãàí ïóëè ыðòà÷à 30 ôîèçíè òàøêèë қèëàäè.

## Ñè¸ñèé îìèëëàð

¨ëëàíèø, èø÷è âà õèçìàò÷èëàðãà ýíã êàì îéëèê ìèқäîðè, ñîëèқ қîíóí÷èëèãè, ìóêóôîò ïóëëàðè ñîëèқëàðè, êîðõîíàëàðäà îâқàòëàíèøíèíã ñîëèқ èìòè¸çëàðèíè 80äàí 50 ôîèçãà÷à қèñқàðòèðèø, ÷åêóâ÷èëàðãà ìóíîñîáàòäà қàòúèé ÷îðàëàð êыðèø áыéè÷à қîèäàëàðíè áåëãèëàá ôåäåðàë қîíóí÷èëèê âà øòàò қîíóí÷èëèãè ìåxìîí қààóë қèëèø èíäóñòðèÿñè ðèâîæèãà òàúñèð қèëàäè. áóíäàé òóðäàãè êыïëàá ÷îðàëàð қàéñè ïàðòèÿ xîêèìèÿòäà òóðãàíèãà áî\ëèқ.

## Òåõíîëîãèê îìèëëàð

Ìåxíàòãà xàқ òыëàø ìåxìîíáîð÷èëèê èíñäóñòðèÿñèíèíã áîø õàðàæàòè ýêàíîìèêàãèíè xèñîáãà îëèá èøëàá ÷èқàðèø ñàìàðàäîðëèãèíè îøèðóâ÷è xàð қàíäàé òåõíîëîãèÿ ýúòèáîðãà ëîéèқ. Òåõíîëîãèê ÿíãèëàøíè èíäóñòðèÿíèíã áàð÷à ñåêòîðëàðèäà ìåxìîíëàðãà âà áèçíåñãà

ôîéäà êåëòèðààè. Ñèç òàñàââóð қèëèíã, àíúàíàâèé êàëèòíèíã ыðíèãà ýëåêòðîí ìàãíèò êàðòî÷êàëàð õèçìàò÷è õîäèëàðãà âà ìåxìîíãà xàì қàí÷àëèê ÿõøè. Áóþðòìàíè ðыéõàòãà îëèø âà íàðõëàð òы\ðèñèäà ñîâàî қèëèá óíè îøõîíàãà óçàòèøäà ðåñòîðàíëàðäààãè ïîðòàòèâ қóðèëìà қàí÷àëèê қóëàé. Ñàâàî қèëóâ÷èëàð êîìàíäàñèíèíã xàð áèð àúçîñè òîâàðíèíã ìàúëói қèñìèíè ñîòèøè ëîçèì âà øóíèíã ó÷óí óëàð ыç ìèæîçëàðèí áîøқàëàðäàí қèç\îíàäè. Ðåñòîðàí ìåxìîíõîíà áèçíåñè êààè áóíäàé қàòòèқ ðàқîààò áîçîðèäà ñàâàî áèòèìèíè òóçèø âà äîèìèé ìèæîçãà ýãà áыëèø ыòà ìóxèì.ìåxìîíõîíàëàðäààãè òóøóìëàðíèíã 80 ôîèçèãà ÿқèí âà ðåñòîðàíëàðäààãè 20 ôîèç òóøói äîèìèé ìèæîçëàðäà òóøààè.

## 8.3 ÌÅXÍÀÒ ÐÅÑÓÐÑËÀÐÈÍÈ ÁÎØ+ÀÐÈØ

Ìåxìîíæàîð÷èëèê èíäóñòðèÿñè òîììîíèäàí òàêëèô ýòèëà¸òãàí òâîàð íîìîàäèé õàðàêòåðãà ýãà áыëãàíëèãè ñàáàëè áóíäàé èíäóñòðèÿ ó÷óí óíèíã ìåxìíàò ðåñóðñëàðè- óíäà èøëàéäèãàí îäàìëàð êàòòà àxàìèÿòãà ýãà. Êыïèí÷à òàøқàðèäàí áèð ðåñòîðàí ¸êè òóðèñòèê àãåíòëèê áîøқà ðåñòîðàí ¸êò òóðèñòèê àãåíòëèêêà æóäà ыõøàø , àììî óëàðíè õèçìàò÷èëàðíèíã ïðîôåññèîíàëèçìè ôàðқëàéäè.

Àéòèá ыòèëãàíèäåê, ìåxìîíäîð÷èëèê èíäóñèèðÿñè æàxîíäàãøè ýíã éèðèê èíäóñòðèÿ á1ëèá óíäà 70 ìèëëèîíäàí çè¸ä îäàì áàíä. Èñòåúìîë÷èëàð ìàxñóëîòëàðè ó÷óí ó áèëàí àëîқàãà èêðèøóâ÷è áóíäàé êàòòà ìèқäîðäààãè õèçìàò÷èëàðãà ýãà áыëãøàãí èíäóñòðèÿ éык. Àãàð áó èíäóñòðèÿíè êыï äàðàæàëè òóõçèëìà ñèôàòèäà òàñàââóð қèëñà, èíäóñòðèÿ âà óíèíã ìèæîçëàðè ыðòàñèäà þç áåðàäèãàí àëîқà ìàúíîñèäà ó ýíã қыäðàòëè êыðèíàäè. Áó èøíè óøáó äàðàæàäà ыðòà ðàíãäààãè êàì ñîíëè ðàxáàðëàð âà áèð íå÷òà îëèé ðàíãäààãè ðàxáàðëàð òàøêèë ýòààè. Óëàðíèíã âàçèôà ìàæáóðèÿòëàðè êîðõîíàíèíã ýíã ìóxèì ðåñóðñëàðè-èíñîí ðåñóðñëàðèíè æàëá қèëèø, òàíëàø, éыíàëòèðèø, ықèòèø, óëàðíèíã èøèíè áàxîëàøäàí èáîðàò.

Áó âàçèôëàðãà қыùèì÷à ðàâèøäà ìåxìàíò ðåñóðñëàðèãà ðàxáàðëèêê æàðà¸íè îääèé èø÷èëàð âà ðàxáàð êàäðëàðíèíã ìàæáóðèÿòëàðè ìàæìóèíè òóçèø, ìàîø âà ìóêîôîò òыëîâëàðèíè áîøқàðèø çèääèÿòëàðíè áàðòàðàô ýòèø âà ôåäåðàë âà ìàxàëëèé қîíóíëàð áàæàðèëèøèíè òàúìèíëàø êèðààè.

Ìåxìîíäæîð÷èëèê èíäóñòðèÿñè êîðõîíàëàðèäà ìåxìíàò ðåñóðñëàðèãà ðàxáàðëèêíèíã ìóðêàбáëèãè øóíãà xàì îøìîқäàêè, õîäèìëàðíèíã àñîçèé қèñìíè òàøêèë қèëóâ÷èëàð æóäà êàì, áàúçèëàð ýñà áóòàíëàé ïðîôåññèîíàë òàé¸ðãàðëèêñèç êåëèøààè. Áó ыðèíäà èíäóñòðèÿ èø÷èëàðèíèíã òóðëè ìààíèé äàðàæàëà ýêàíëèãèíè ãàïèðèø îðòèқ÷à.

12.4 ðàñìäà ìåxíàò ðåñóðñëàðèíè áîøқàðèø æàðà¸íëàðè òàñâèðëàíãàí.

## 8.4 ÌÀÐÊÅÒÈÍÃ ÂÀ ÌÅXÍÀÒ ÐÅÑÓÐÑËÀÐÈÍÈ ÁÎØ+ÀÐÈØ

Áîçîð òàëààëíè àíèқëàø xàìà âàқò îñîíìàñ. Øóíãà қàðàìàñààí, àããð xàðàêàò қèëèíñà çàðóð àõáîðîòíè éè\èø âà xàð қàíäàé ìàxñóëîò âà õèçìàò òàëààëãà òàõìèíèé áàxîíè áåðèø ìóìêèí.

Ìåxìîíãîð÷èëèê èíãóñòèðèÿñè è÷èäà áèð-áèðèäàí ôàðқëàíóâ÷è òóðëè ñåêòîðëàð ìàâæóä: ñà¸xàò âà òóðèçì, ìåxìîíõîíà âà ðåñòîðàí áèçíåñè, äàì îëèø âà êыíãèë î÷èø èíãóñòðèÿñè. Ìàñàëàí Äèñíèîò àâèàêîìïàíèÿñèãà òàëààíè ááxîëàø ó÷óí àâââëî êèì ïîòåíöèàë ìèæîç áыëèøè, áóíäàéëàðäàí ÿààí қàí÷àñèíè âà қàéñè òóìàíäàí éè\èø ìóìêèíëèãèíè àíèқëàø çàðóð.

Ñàôàð қèëèâãàíëàð à¸ëëàð ñîíè áèëàí қèçèққàí ìåxìîíõîíà êîðõîíàñè áó xàқäà áèëèøè ìóìêèí. àìåðèêà îòåëü ìîòåëëàð óþøìàñè ¸è ìàñàëàí Ïåíåë Êåð Ôîðñòåð ðàxáàðëèê қèëà¸õãàí èëìèé òàäқèқîò ìàðêàçè. Àéðîìàíáàëàðíèíã òàñäèқëàøè÷à, óëàð òàõìèíàí 40 ôîèçíè òàøêèë ýòàäè. Óøáó ìàúëóìîòëàð àñîñèäà áèç àããð øàxàð ìàðêàçèäà ыðòà÷à òыëäèðèëãàí 10 ìèíã ìåxìîíõîíàëàð åíìåðëàðè áыëñà, óëàðäàí 40 ôîèçè àìàëèé ñàôàðäà þðãàí à¸ëëàð xèñîáëàíàäè. ÿúíè óëàð 10 000 õ 0,7õ 0,40қ2800

**ÐÀ+ÎÁÀÒ×ÈËÀÐ ÒÀXËÈËÈ**

Ðàқîáàò÷èëàðíèíã êó÷è âà îæèçëèêëàðè òàxëèëè ìàðêåòèíã ðåæàñèíè xà¸òãà òàқèá ýòèø ñòðàòåãèÿñèíè òàíëàøãà ¸ðäàì áåðàäè. xàð қàíäàé áèçíåñäà ыç ðàқîáàò÷ëàðè ìàâæóä. Óëàð êы÷àíèíã áîøқà òàðàôèäà, ìàìëèêàòíèíã áîøқà ÷åêñèäà ¸êè äóí¸íèíã áîøқà қèñìèäà æîéëàøèøè ìóìêèí. ìåxìîíãîð÷èëèê èíãóñòðèÿñè êîðõîíàëèðè ó÷óí қыøíèëàð òîìíèëàí ðàқîáàò æóäà äîëçàðá. қà÷îíêè îäàìëàð Ìàðàêàøðàñíè áàéðàì қèëèø ó÷óí ßíãèÀðëèàíãàà êåëèøñà, óëàð îäàòäà øàxàð ìàðêàçèäàãè ìåxìîíõîíàãà òыõòàéäè. Ìàñàëà ìîxèÿòè øóíäàêè, óëàð қàéñè ìåxìîíõîíàíè ìàúқóë êыðàäè. óëàð ðåñòîðàííè xàì õóääè øóíäàé òàíëàéäè.: îäàòäà áó áàéðàì ыòà¸õãàí ìàðêàçäàí òàõìèíàí 70 ìèëë ðàäèóñäà æîéëàøãàí êыïëàá ðåñòîðàíëàðäàí áèðè áыëàäè. Øóíèíã ó÷óí òыëà ñåðâèç ðåñòîðàíëàðè ыçëàðèãà ыõøàø ¸êè íàðõëàðè õóääè øóíäàé áîøқà ðåñòîðàíëàð òîìîíèäàí õàâôñèðàøàäè. Òåçäà õèçìàò êыðñàòóâ÷è ðåñòîðàíëàð ó÷óí óíãøà ÿқèí æîéëàøãàí óéäà îâқàò áåðóâ÷è âà áéèø îëäèðàí ôàқàò èññèқèø êèôîÿ қèëäàèëãàí ìóçëàòèëãàí ïîëèôàáðèêàòëàð ñîòèá îëèø ìóìêèí áыëãàí ñóïåðìàðêåòëàð ðàқîáàò÷è xèñîáëàíàäè.

Àããð қèøқè òàúòèë ïàéòèäà Ìåñèêà, æàíóáèé Êîëîðàäîíèÿ Ôëàðèäà ¸è Ãàâàéèäà áîðèøíè xèñîáãà îëñà, îäàìëàðäà òàíëàø èìêîíèÿòè áîé áыëñà, ðàқîáàò÷èëàð óçîқðîқäà âà xàòòî æóäà óçîқäà æîéëàøèøè ìóìêèí.

Ðàқîáàò ìóxèòèíè òàxëèëè қèëèø ó÷óí ìàðêåòèíã ìóòàõàññèñëàðè қè¸ñëàø æàââàëëèíè òóçàäè. Óíèíã áèðîí÷è ãðàôàñèäà ôèðìàíèíã ìàíôààòëàðè, èêêèí÷èñèäà óíèíã óëãóðèø

èìêîíèÿòëàðèí áàxîëàø(10 ááëëè ¸êè 100 ááëëè òèçèìàà), ó÷èí÷èëàí, òыðòèí÷èëàí âà xîêàçî. Ôèðìàíèíã áàð÷à ðàқîáàò÷èëàðèí óçîқ ÿқèí áыëèøèãà қàðìàé óøáó òèçèìàà áàxîëàø ìóìêèí.

Áóíäàé æàäâàëëãà ýãà áыëèø æóäà ôîéäàëè. ÷óíêè ó ôèðìà óñòèâîðëèêêà ýãà ¸êè àêñèí÷à óñòèâîðëèêêà ýãà áыëìàãàí ïîçèöèÿëàðãà äèққàòíè қàðàòèøãà ¸ðäàì áåðàäè. Ìàúëóìîò, áóíãà òàúìèð ýòóâ÷è êыïëàá îìèëëàð õыæàëèí ¸êè ôèðìà ðàxáàðèíèíã èõòè¸ðèäà áыëìàéäè. Ìàñàëàí, ыç ìóàññàñàíè áèð íå÷à êààðòàë íàðèãà êы÷èðèø ìóìêèí ýìàñ, ÷óíêè ñèçãà қыøíèëàð ¸қìàéäè.

Íàçîðàòäàãè îìèëëàðãà(ìàñàëàí ìàxñóëîò ¸êè õèçìàò ñèôàòè) òààèëëêè þқîðè ýúòèáîð қàðàòèëàäè.

### Êîðõîíà èøèíè áàxîëàø

Êîðõîíà èøèíè xèñîá êыðñàòãè÷ëàðè ýìàñ, ôàêòëàð àñîñèäà áàxîëèø ìóíòàçàì îëèá áîðèëèøè ëîçèì. Áó íèìàëàð қèëèíäè âà íèìàëàð қèëèíèøè ëîçèìëèãèíè қè¸ñëàøäà çàðóð áыëàäè. Éыëãà қыéèëãàí òåñêàðè àëîқà ðàxáàðèÿòãà áыë\óñè ìàðêåòèíã ñòðàòåãèÿñèíè ðåæàëàøòèðèøãà èìêîí áåðàäè. Àãàð ðåàë àxâîë êóòèëà¸òãàíèäàí ôàðқ қèëñà, ôàðқ ыðãàíèëàäè âà íóқñîíëàðíè òóçàòèøãà èìêîí áåðóâ÷è ñòðàòåãèÿ èøëàá ÷èқèëàäè. óøáó òóçàòèëãàí ìàðêåòèíã xàðàêàòëàðè ìàðêåòèíããà êàïèòàëèÿíèíã ыç ñòðàòåãèê ìàқñàäëàðèãà åòèøèäà ìàқñàäëè ñыíãè қàäàì áыëàäè.

### ÑÎÒÈØ

Ñîòèø ìàðêåòèíãèíèíã ìóxèì қèñìè. Ìàðêåòèíã âà ñîòèø ыðòàñèäàãè ôàðқ øóíäàêè, óøáó æàðà¸íãà áèç қàéñè òîìîíäàí қàðàÿïìèç: áèç ñîòèø òы\ðèñèäà ãàïèðñàê: ýúòèáîð òîâîð âà õèçìàòãà қàðàòèëàäè. Ìàðêåòèíã xàқèäà ãàïèðñàê: óøáó òîâàð ¸êè õèçìàòíèíã èñòåúìîë÷èñèãà қàðàòèëàäè.

Ñîòèø áыéè÷à äèðåêòîðëàð ìàðêåòèíã áыéè÷à äèðåêòàîðëàðäàí àí÷à êыï. Ñîòèø áыëèìè òîâàð ыç èñòåúìîë÷èëàðèãà åòèøó áîðèøèãà æàâîá áåðàäè. Òîâàðëàð-õèçìàòëàð ó÷óí ïóëëàð xèñîá ðàқàìèãà êåëèá òóøàäè., áó áèëàí èø þðèòóâ÷èëàð øó\óëëàíàäè. Êîðõîíà ыçèíèíã ñîòèø áыëèìèíè ыçèãà қóëàé óñóëãà òàøêèë ýòàäè. Àéðèì êîðïîðàöèÿëàð ìàðêàçèé ìèëëèé (¸êè èíòåðíàöèîíàë) ñîòèø áыëèìèãà ýãà. Áыëèì õîäèìëàðè ìèíòàқàëàð áыéè÷à ãóðóxëàðãà áыëèíèøè ìóìêèí, óëàð øèìîëèé Øàðқ, ыðòà \àðá, \àðá ìèíòàþқàëàðèãà âà áîçîð ñåãìåíòè áыéè÷à(óþøìà, êîðïîðàöèÿ, êîíôåðåíöèÿ âà xîêàçî) õèçìàò êыðñàòàäè. Óëàð àêòèâëèêëàðèíèíã xèñîá âà êàðòàòåêàëàðíè îëèá áîðàäè, ÿíãè áîçîðëàðíè ыðãàíàäè, ïîòåíöèàë ìèæîçëàðãà қыí\èðîқ қèëàäè. áó қыí\èðîқëàð "xàð ÿxòèìîëãà êыðà" ¸êè "áèëö ñîòèø" íîìèäàãè àëîxèäà ñòðàòåãèÿ áыëèøè ìóìêèí. ôèðìà õèçìàò÷èëàðè, çàxèðàëàðãà ìàúñóëîòëàð,

îòåëë/ðåñòîðàíãà îâқàòãà óñòèãà òàíèøóâãà òàêëèô ýòèëàè âà ôèðìàíèíã ýxòè¸æè àíèқëàíàäè. ßíà áèòòà ýñäàí ÷èқàðìàéäèãàí ìóxèì xîëàò, xàð қàíäàé òàêøèðóâëàðíè îëèá áîðèá ìåxàíòқîíóí÷èëèãèíè xàì áàxîëàø. Áàxîëàø íàòàқàò ìîxèÿòèãà áàëêè øàêëèãà êыðà xàì àäîëàòëè áыëèøè ëîçèì. ßúíè áàxîëàø âàçèôàãà êыòàðèø ¸êè èøäàí îëèø ó÷óí àñîñ ñèôàòèäà ôîéäàëàíèëãàíäà óøáó áàxîíèíã ôàðìóëèðîâêàñè xå÷ êèìãà øóáxà òó\äèðìàñëèãè ëîçèì. ыçèãà íèñáàòàí íîxàқëèê қèëèíäè äåá xèñîáëîâ÷è õèçìàò÷è áàíäëèêîíèíã òåíã èìêîíèÿòëàðè ìàñàëàñè áыéè÷à êîìèññèÿ қàðîðèãà òàÿíèá ñóäãà áåðñà, áó êîðõîíà ìàúìóðèÿòè ó÷óí êàòòà àñàáèéëàøèø âà ñàëîқëè ïóë ìàáëà\ëàðèãà òóøàäè. xàòòî ôèðìà æàðà¸íäà þòñàäà þðèñòëàðãà ñàðôëàíãàí ïóëíè áàðèáèð қàéòàðîëìàéñàí. Êåéèíãè âàқòäà áóíäàé òàêøèðóâëàðíè ýêñïðåòëàð ãóðóxèãà òîïøèðèø îìàëàøìîқäà. Áóíäàé xîëäà áàxîëàø àí÷à õîëèñ áыëèøèãà èìêîíèÿò êàòòà: êîìèññèÿ àúçîëàðè áèð-áèðëàðèíèíã îëäèäà áàð÷à ðàñìèÿò÷èëèêëàðíè ñàқëàøãà xàðàêàò қèëàäè.

## Êîìïåíñàöèÿ

+à÷îíêè êîìïåíñàöèÿ ñыçãèà "ïóëëèê" ñыçè қыøèëñà, ãàï êыï÷èëèê îäàìëàð ìàíø äåá àòàéäèãàí íàðñà xàқèäà êåòà¸òãàíëèãè òóøóíàðëè áыëàäè. Áèðîқ êîìïåíñàöèÿ áó îäàèé ìàîø òóøóí÷àñèäàí àí÷à êàòòà: áó õîäèìíè ìîääèé ðà\þàòëàíòèðèøíèíã áóòóí òèçèìè áыëèá, óíãà ìóíòàçàì òыëîâëàð (îéëèê ìàîø) âà áèð ìàðòàëèê(ìóêîôîò) òыëîâëàð êèðàäè. Îéëèê ìàîø àíèқ áåëãèëàíãàí, äîèìèé, âàқòèí÷àëèê ¸êè ñîàòáàé áыëèøè ìóêèí.

Àäîëàòëè ìåxíàò ñòàíäàðòëàðè òы\ðèñèäàãè қîíóíãà ìóâîôèқ õèçìàò÷èëàð ðàxáàð âà ðàxáàð ýìàñ ãóðóxëàðãà ýìàñ, áàëêè îçîä ýòèëãàí âà îçîä ýòèëìàãàí (ýðêèíâà ìåú¸ðëàøòèðèëãàí èø æàäâàëè)ãà áыëèíàäè. Îçîä ýòèëãàí õèçìàò÷èëàð äàâëàò õèçìàò÷èëàðèãà ýíã êàì èø xàққè òы\ðèñèäàãè §13 (à ïóíêòè) òàúñèðèäà áыëàäè. Óëàðãà èøäàí òàøқàðè xàқ òыëàíìàéäè, ÷óíêè óëàðíèíã èø âàқòèíèíã 60 ôîèçè ìàúìóðèé ìàæáóðèÿòëàðãà áà\èøëàíàäè. Îçîä ýòèëãàí õèçìàò÷èëàðãà àãàð óëàð xàôòàñèãà 35 ¸êè 40 ñîàò õèçìàòãà áыëñà, èøäàí òàøқàðè xàқ òыëàíàäè.

Îéëèêíèíã òåãèøëè äàðàæàñè áèëèì, ìàxîðàò, êîïèòåíöèÿ, æàâîáãàðëèê âà èø øàðîèòèäàí êåëèá ÷èқèá áåëãèëàíàäè. Êыïèí÷à îéëèêíèíã ìèқäîðè ìàúëóì âàқòäàí êåéèíãè қыøèì÷àëàð áèëàí áåëãèëàíàäè. Èøëàð ìóðàêêàáëèãè òîèôàñèãà қàðàá áыëèíàäè âà óíèíã xàæìèíè áåëãèëàøäà ÷îé-÷àқà êààè îìèëëàð xàì ýúòèáîðãà îëèíàäè.

Àéðìè ôèðìàëàð ìóêîôîò âà áîøқà ðàxáàòëàíòèðèø òыëîâëàðèíè õèçìàò÷èàðíèíã áåëãèëàíãàí íàòèæàëàðãà ýðèøèøãà қàðàá òыëàéäè, áîøқàëàðè õèçìàò÷èëàðãà êîìïàíèÿ àêöèÿëàðè ñîâãàñè äàñòóðèíè òàúñèñ ýòàäè. Êîðõîíàäà èøëà¸òãàí õèçìàò÷èëàðãà ìóëê÷èëèê xóқóқè ýíãè ýìàñ, ó xàқèқàòäàí xàì èøëàá ÷èқàðèø ñàìàðàäîðëèãèíè, øóíãà êыðà

ìóêîîôò òыëîâëàðèí îøèðààè. Êыï÷èëèê қîíóí÷èëèê xóææàòëàðè ìåxìîíàîð÷èëèê èíäóñòèðèÿñèäà ìåxíàò ðåñóðñëàðèí ðèâîæëàíòèðèøãà ñàëìîқëè òàúñèð êыðñàòäè. Óëàð îðàñèäà áèðèí÷è áыëèá ôåäåðàë қîíóíëàðíèíã àñîñè áыëãàí ìåxìîíàîð÷èëèê èíäóñòðèÿ ñè ó÷óí äîëçàðá ïîçèöèÿëàð ýñëàíãàí àäîëàòëè ìåxàíò ñòàíäàðòëàðè òы\ðèñèäàãè қîíóíè ýñëàøãà òы\ðè êåëàäè. Ýíã êàì èø xàққè òы\ðèñèäàãè, õîäèìëàð ó÷óí îâқàòëàíèø âà óíè êðåäèòëàø, òåíã ìåxíàò ó÷óí òåíã èø xàққè, áîëëàð ìåxíàòè òы\ðèñèäàãè ìàñàëà, èøäàí òàøқàðè èøëàø, ÷îé-÷àқàëàðíèíã ÿãîíà ôîíäãà éè\èø æàðà¸íè, õèçìàò÷èëàð ó÷óí óíèôîðìà òы\ðèñèäàãè қîèäà, îçîä ýòèëãàí âà îçîä ýòèëìàãàí õèçìàò÷èëàð òы\ðèñèäà ôåäåðàë қîíóí.

1963 éèëäàãè òåíã èø xà+қè òы\ðèñèäàãè қîíóí æèíñèé áåëãèñèãà қàðàá òóðëè èø xàққè áåëãèëàøíè òàқèқëàéäè. 1964 éèëäàãè ôóқàðîëàð xóқóқè òы\ðèñèäàãè қîíóí áàíäëèêíèíã òåíã èìêîíèÿòëàðè òы\ðèñèäàãè қîíóíè òàúñèñ ýòèá ÿíàäà èëãàðè êåòäè. Áó қîíóí ¸ëëàø ìàñàëàëàðèäà, ïóëëèê êîìïåíñàöèÿ, èø øàðîèòè, ¸ëëàø èòè¸çëàðè âà øàðîèòëàðäà òåíãñèçëèêíè òàúқèқëàéäè. 1967 éèëäà 40 ¸øäàí îøãàí îäàìëàð ó÷óí òåíãñèçëèêíè òàúқèқëîâ÷è ¸ø òåíãñèçëèãè òы\ðèñèäàãè қîíóí қàáóë қèëèíäè.

Êåéèíãè éèëëàðäà ìàéèá áыëèø. Õóñóñìàí õàâôëè êèì¸âèé ìîääàëàð áèëàí èøëàøäà ìàéèá áыëèø áыéè÷à êîìïåíñàöèÿ òыëîâëàðè îøãàíè ìóíîñîáàòè áèëàí òåõíèêà õàâôñèçëèãè ìàñàëàðèãà ýúòèáîð àí÷à ыñäè. Áó ыñèø ñó\óðòà áàääàëàðè ыñèøèãà îëèá êåëäè.

Êыïãèíà ïðîãðåññèâ ôèðìàëàðäà õèçìàò÷èëàðãà ¸ðäàì äàñòóðëàðè òàúñèñ ýòèëèá, áó æàì\àðìàäàí îõèð âàçèÿòãà òóøãàí õèçìàò÷èëàð ôîéäàëàíèëàäèãàí áыëäè, áó ¸ðäàì ñèð ñàқëàíàäè. Áóíäàé æàì\àðìàëàð êàì îìàòëàðíèíã îëäèíè îëèø, ¸êè èø ÷óқóðëàøèá êåòìàñäàí ÷îðàëàð êыðèø ó÷óí òàúñèñ ýòèëîқäà.

**Õèçìàò÷èëàðíèíã ïðôåññèîíàë ыñèøè**

Õèçìàò÷èëàðíèãã ïðîôåñöèîíàë ыñèøè áыéè÷à òàäáèðëàð óëàð ìåxíàòè ñàìàðàäîðëèãèíè áàxîëàøíèíã òàáèèé äàâîìè xèñîáëàíàäè. îäàòäà õèçìàò÷è ыçè ¸êè ðàxáàðè ¸ðäàìèäà ìàëàêà îøèðèøíèíã èíäèâèäóàë ðåæàñèíè òóçàäè. Ðåæàäà ìàëàêà îøèðèøíèíã àíèқ óñóëëàðè âà ìóääàòëàðè âà ó áàæàðèëèøè ëîçèìëèãè êыðñàòèëàäè. Áó èøãà éыëãà қыéèëãàí êîðïîðàöèÿëàðäà õèõçìàò÷èëàðíèã ïîîôåññèîíàë ыñèøè- óñëóêñèç æàðà¸í áыëèá, ó èø÷èëàðíè âà ìóàìîî ãóðóxëàðíè èøëàá ÷èþқàðèøäàí àæðàëìàãàí xîëäà ықèòèø îðқàëè îëèá áîðèëàäè. Ïðîôåñöèÿîíàë ыñèøííèíã ñàìàðàëè øàêëëàðäàí áèðè êîðïîðàöèÿ è÷èäà xàìäà ìàқñàäëè ìàëàêàëè ықèòèø xèñîáëàíàäè. êîðïîðàöèÿ è÷èäà ìàëàêàãà ықèòèø õèçìàò÷èëàð òîìîíèäàí ыç êàñáèíè ÿõøè ыçëàøòèðèøãà éыíàëòèðèëãàí(ìàñàëàí ìèíþíè áèëèø, òóðëè îâқàòëàðíè òàñâèðëàø ìàxîðàòè âà xîêàçî), ìàқñàäëè ықèòèø õèçìàò÷è қîäèð áыëãàí

âàçèôàãà ыñèø áèëàí áîқëèқ áыëèá, ó ìàñàëàí ðåñòîðàíëàð ìèëëèé óþøìàñè қîøèãà ðåñòîðàí ìåíåæìàíòè áыéè÷à êóðñëàðíè ыòàøè ìóìêèí.

**Êàäðëàðíè ñàқëàø**

Êàäàðëàðíè óøëàá òóðèø áó óëàð қыíèìñèçëèãèíè òåñêàðèñèäèð. Ó xàì áó xàì óìóìàí ìåxìîíäîð÷èëèê èíäóñòðèÿñèíèíã õóñóñàí ìåxàíò ðåñóðñëàðè áыëèìëàðèíèíã êàòòà òàøâèøè xèñîáëàíàäè. òàíëàø , îâқàòëàíòèðèø âà ықòèø ó÷óí қàí÷à âàқò âà êó÷ êåòêàçèá ýíäèãèíà èø áîøëàãàíäà õèçìàò÷è ôèðìàäàí êåòñà, õàôà áыëìàé áыëàäèìè. Êàäðëàðíè óøëàá òыðèø ôîèçëàðäà èôîäàëàíàäè. Àãàð 1 ÿíâàðäà áыëèìäà 100 òà õèçìàò÷è áыëñà âà éèë äàâîìèäà 63 êèøè êîìïàíèÿäàí êåòìàãàí áыëñà , äåìàê áы áыëèìäà óøëàá òóðèø ôîèçè 63 ôîèçãà òåíã. Áó êåòãàí 37 õèçìàò÷èíè ыðíèãà îäàì òîïèøíè áèëäèðàäè. Ýêñïåðòëàðíèíã xèñîáëàøè÷à, áèð èø÷èíè xàôòàñèãà áèð ñîàò àëìàøòèðèø ôèðìàãà ñàëìîқëèãèíà ïóëãà, éèëèãà 150 ìèíã äîëëàðäàí 213 ìèíã äîëëàðãà òóøàäè.

Éықîòèøëàðíè êàìàéòèðèø ó÷óí Ðåòèñ Êàðåëîîí êîìïàíèÿñè õèçìàò÷èëàðíè òàíëàø æàðà¸íëàðèí ìóêàìàëëàøòèðèø áèëàí øó\óëëàíàè. Õèçìàò÷èëàðíè ðàxáàòëàíòèðèøäà êîìïàíèÿäà ìèêðîèқëèìíè áàðïî ýòèø êåéèíãè қàäàì áыëàè. Áèð íå÷à éèë è÷èäà êàäðëàð қыíèìñèçëèãè 90 äàí 30 ôîèçãà êàìàéäè. 1996 éèëäà áó êыðñàòêè÷ 20 ôîèçãà ïàñàéäè.

## 8.5. ÁÀÍÄËÈÊÍÈÍÃ ÒÅÍÃ ÈÌÊÎÍÈßÒËÀÐÈ

Áàíäëèê ìàñàëàðèäà òåíã èìêîíèÿòëàð- қîíóí÷èëèê éыëè áèëàí ¸ëàø âà қîáèëèÿòëàðè, ëà¸қàòëàðè àñîñèäà õèçìàò ïà\ìîàñèãà êыòàðàø ó÷óí ôóқàðîëàðíèíã қîíóíèé òàúìèíëàíãàí xóқóқè. Óøáó қîíóííèíã ìàқñàäè ôóқàðîëàð xóқóқëàðè òы\ðèñèäàãè қîíóíäà êыçäà òóòèëãàí ôóқàðîëàð xóқóқèíè áóçèøíè îëäèíè îëèøäèð. Áàíäëèê òåíã èìêîíèÿòëàðè ìàñàëàëàðè áыéè÷à êîìèññèÿ øóíäàé òàøêèëîòêè, óíãà ыçëàðèãà íèñáàòàí êàìñèòèëèøíè xèñ қèëãàí ôóқàðîëàð ìóðîæààò қèëèøëàðè ìóìêèí. Áó òàøêèëîò ôóқàðîëàð âà òàøêèëîòëàðãà äàúâî қыç\àøè ìóìêèí.

**Íîãèðîíëàð òы\ðèñèäà қîíóí**

Íîãèðîíëàð òы\ðèñèäàãè қîíóí èêêè қèñìäàí èáîðàò: áàíäëèê âà æàìîàò÷èëèê ôîéäàëàíèø æîéè(òðàíñïîðò xàì êèðàäè). +îíóí íîãèðîíëàðãà íèñáàòàí êàìñèòèëèøíè òàúқèқëàéäè âà èø áåðóâ÷èëàð êèðèø âà èø æîéëàðèí òåãèøëè òàðçäà óñêóíàëàá êîðõîíàëàðíè íîãèðîíëàð ó÷óí "êèðèø ìóìêèí" қèëèøíè ìàæáóðèÿò қèëèá қыÿäè. Ìàâæóä áèíîëàðíè қàéòà қóðèø øàðò ýìàñ, àììî ñî\ëîì âà íîãèðîí îäàìëàð ыðòàñèäàãè òыñèқëàðíè

áåêîð қèëóâ÷è áàð÷à òàäáèðëàð, àãàð óëàð æóäà ìóðêàá âà қèìàò áыëìàñà òàxñèíëàã ëîéèқ òîïèëàäè.

## Ñåêñóàë øèëқèìëèêëàð

Õèçìàò÷èëàð èø æàìîàñèäà ñî\ëîì xîëàòíè áàðïî ýòèø âà óøëàá òóðèøãà ìàcúóë. Äóøìàíëèêè, xàқîðàòëàø, àãðåññèâ âà êàìñèòèëèø ìóíîñàáàòè òàúқèқëàíàäè. Áîøқà÷à ñыç áèëàí àòòãàíäà èø ыðíè қàíäàéäèð ñàááà áèëàí. Õóñóñàí ñåêñóàë, ñè¸ñèé, äèíèé, èðқèé æèxàòëàð áèëàí êàìñèòèëèøäàí õîëè áыëèøè ëîçèì. Êåéèíãè éèëëàðäà ñåêñóàë øèëқèìëèêëàð òы\ðèñèäàãè ìàñàëà æóäà êåñêèí қыéèëìîқäà; ãàð÷è áó òóøóí÷àíè áåëãèëàø àí÷à ìóðàêêàá âà xîäèñàíèíã ыçè қàðàìà-қàðøè ôèêðëàðíè òó\äèðñàäà àììî ñåêñóàë øèëқèëèêè қèëóâ÷è èñòàëìàãàí òàðçäà êóçàòèøëàð, ñыçëàðäà âà èøîðàëàðäà æèíñèé ìóíîñàáàòëàðãà ìîéèëëèêíè ñåçèø қèéèí ýìàñ. Ñåêñóàë øèëқèìëèêëàð қыïîë xàçèëëàðäà, èçîxëàðäà, “қыëíèóçàòèøëàðäà” xàì èôîäàëàíèøè ìóìêèí.

Ðàxáàðëàð áóíäàé xîëàòëàðíè қàòúèé òàðçäà áàðòàðàô ýòèøëàðè ëîçèì . áóíèíã ó÷óí òåãèøëè ÷îðàëàð ìàâæóä:

1. xàììà ó÷óí áóíäàé àõëîқ íîыðèíëèãè òóøóíàðëè áыëèøè ó÷óí ñåêñóàë øèëқèìëèêëàðãà íèñáàòàí àíèқ ñè¸ñàòíè ыðíàòèø.
2. xàð қàíäàé ñèãíàëëàðíè òåçëèêëà èë\àø âà xàð áèðè áыéè÷à ïóõòà òåêøèðèø ыòêàçèø.
3. Áàð÷à ìóxîêàìàíè øîâ-øóâ қèëìàñäàí ыòêàçèøãà xàðàêàò қèëèø.
4. xàð áèð ìóxîêàìàíè xóææàòëàð ðàñìèéëàøòèðèø âà xàð áèðè áыéè÷à èìòèçîëèé ÷îðàëàð қàáóë қèëèø.

## Хулоса

Ìàðêåòèíã þêñàê ìàқñàäíè àìãàëàøäàí áîøëàíàäè, áó ìàқñàä ó÷óí êîðïîðàòèÿ òóçèëãàí. Óíèíã ìèññèÿñè êîðïîðàòèâ ôàëñàôàñè èøëàá ÷èқèøäàí èáîðàò. Àììî ìèññèÿ áó ÷èðîéëè xàðôëàðäà òåðèëãàí âà êîìïàíèÿ ïðåçèäåíòè êàáèíåòè äåâîðèíè áåçàø ó÷óí ðàìêàãà ñîëèíãàí äàìäàáàëè ñыçëàð éè\íäèñè ýìàñ. Ó xàð êóíè êîìïàíèÿ ôàîëèÿòèíè ыç àìàëèé èôîäàñèíè òîïèøè ëîçèì. Ìåíåæìåíò áыéè÷à ìóòàõàññèñëàð îðàñèäà xóðìàòëè áыëãàí Ïèòð Äðóêåð, áèçíåñíèíã ìàқñàäè қèñқà÷à øóíäàé: “ыçèíããà èëäæîç ÿðàòèø”. Ìàxìóõîíà ðåñòîðàí áèçíåñèäà êåëàäèãàí áыëñàê, þқîðèäàãè ñыçëàðäà óøáóíè қыøèø êåðàê. “... âà ÿíà òà\èì ó ñèçãà êåëñèí”. Ìèæîçíè ÿðàòèø âà óíè óøëàá òóðèø äåìàê êыï îäàìëàð ýxòè\¸æ ñåçàäèãàí ìàxì\ñóëîò ¸êè õèçìàòíè òîïèøäèð. қà÷îíêè êåííîñ Óþññî áóòóí ìàìàëàêàòäà ыçèíèíã ----- íè қóðèøíè áîøëàãàíäà ó êàòòà ìèқäîðäàãè àìåðèêàëèêè îèëàëàð âà èøáèëàðìîí êèøèëàðíèíã ýxòè¸æèíè қîíäèðäè: ñèôàòëè ìàxìóõîíàëàð ìåú¸ðäàãè íàðõäà òыõòàø èìêîíèÿòèãà ýãà

áыëèø. Áîøқà ìèñîë, Ìàãäàëàíåñ ðåñòîðàíëàðè ÿúíè ÐåéÊðîê îäàìëàðãà êåòà¸òãàí éыëèäà ìàçàëè âà àðçîí òàìàääè қèëèø èìêîíèÿòèíè ÿðàòèá àìåðèêàëèêëàðãà æóäà ìàúқóë êåëäè.

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:** Ðàқîáàò÷èëàð òàxëèëè, ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè, èø âàçèôàëàðè òàxëèëè, ëàâîçèì éыðèқíîìàñè, áîçîðäàãè óëóø, òîâàðíèíã xà¸òèé áîñқè÷èëàðè.

## ÒÀÊÐÎÐËÀØ Ó×ÓÍ ÑÀÂÎËËÀÐ

1. “Áîçîðíè áàxîëàø ” àòàìàñè íèìàíè áèëäèðàäè?ìàðêåòèíã ìóxèòè òàxëèëè íèìà ó÷óí îëèá áîðèëèøèíè òóøèíòèðèíã?
2. Ðàқîáàò÷èëàð òàxëèëèäàí ìàқñàä âà “ïîçèöèÿëàøòðèø” àòàìàñèíèíã àxàìèÿòèíè òóøèíòèðèíã?
3. Ñèôàòëè òîâàðãà ýãà áыëèø âà óíèíã ó÷óí “òы\ðè” íàðõðè áåëãèëàø қàí÷àëèê ìóxèìëèãèíè àéòèíã? Íàðõëàðíè áàxîëàø ìóàììîñèãà қàíäàé ¸íäàøóâëàð ìàâæóä?
4. Ìàðêåòèíã âà ñîòèø ыðòàñèäàãè ôàðқ íèìà?
5. Õèçìàò÷èëàðíè ¸ëëàø ïàéòèäàãè òàíëîâ æàðà¸íè òы\ðèñèäà қèñқà÷à ãàïèðèíã?
6. “Îðèîë ýôåêòè” âà “ыõøàø ðóxëàð” ñèíäðîìè ìóíîñàáàòè áèëàí õèçìàò÷èëàðíèíã èøèíè áàxîëàøäà èæîáèé âà ñàëáèé òîìîíëàðíè àéòèíã?
7. Ìàäàíèÿò òóøóí÷àñèãà èçîx áåðèíã âà ó çàìîíàâèé ýòíèê àðàëàøóâ øàðîèòèäà ìåxìîíäîð÷èëèê èíäóñòðèÿñèãà қàíäàé àëîқàñè áîð?

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.

6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

**9-Мавзу. ÌÅÍÅÆÌÅÍÒ: ÏÐÎÔÅÑÑÈÎÍÀËËÈÊ ÌÀÄÀÍÈßÒÈ**

1. Корпоратив фалсафа.
2. Менежментнинг бош функциялари.
3. Қарор қабул қилишнинг саккиз босқичлари.
4. Коммуникация ва маданиятлараро тўсиқлар.

## 9.1 ÊÎÐÏÎÐÀÒÈÂ ÔÀËÑÀÔÀ

Àââàëãè êîðïîðàòèâ ôàëñàôàíèíã ìàқñàäè, ðåæàëàøòèðèø, òàøêèë ýòèø âà íãàçîðàò áèëàíñ êèôîÿëàíàðäè. Ýíäèëèêäà ó êåíãàø, ¸ðäàì âà ыç-ыçèíè íàçîðàò қèëèø òîìîíèãà ыçãàðìîқäà. Íàòèæàäà èø æàìîàñèíèíã òыëà èøòèðîêè áèëàí èôîäàëàíóâ÷è ÿíãè áîøқàðóâ óñëóáè òîïøèðèëãàí èøãà èø÷èëàðíèíã æàâîáãàðëèãèíè îøèðèø ïàéäî áыëìàқäà. ßíãè óñëóá õèçìàò÷èëàðãà xàì Õèçìàò ôîéäàëà¸òãàíëàðãà xàì êàòòà қîíèқèø êåëòèðàäè. ßíãè êîðïàðàòèâ ôàëñàôà ìåxìîíäîð÷èëèê èíäèñòóðèÿñè êîðõîíàñèíè ÿíãà ñèôàòëè áîøқàðèøíè òó\äèðàäè.

Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà àxëîқ, àäîëàò âà ñèôàò қàäðèÿòëàðèãà àñîñëàíàäè. Ó ìèæîçãà õèçìàò êыðñàòèøäà èøëàá ÷èқàðèø æèxàòëàðèãà óð\ó áåðàäè. "Íèìàíè áóþðàñèç" øèîðè "Áó ìåíèíã èøèì ýìàñ" øîèðè óñòèäàí \àëàáà қîçàíàäè. Íîâàòîðëèê âà èæîäêîðëèê ñòàòóñ êâîäàí \îëèá êåëàäè. Õèçìàò÷èëàðãà âà ìèæîçëàðãà ìàúқóë áыëãàí ôàëñàôàíè þòãàí êîðõîíà

ìóâàôôàқèÿòãà ýðèøààè. Áàð÷à ôàîëèÿòè êîðïàðàòèâ ôàëñàôààí êåëèá ÷èққàí Äèñíåé áóíãà ¸ðқèí ìèñîëèð.

Êîðïîðàòèâ ôàëñàôàíèì òóçèøíè ÿãîíà ôîðìàñè éық. Ìóxèìè, ó êîðõîíà æàìîàñèãà òóøóíàðëè áыëèøè. Øóíèã ó÷óí óíäà áыëèøè ëîçèì.:

1. Ìàқñàäëàðíè àíèқ êыðñàòèø
2. Êîðõîíà ìàñúóëèÿòèíè àíèқëàá îëèø
3. Äàðîìàäëàð óñòèäàí óñòóâîðëèê òàìîéèëè

Êîðõîíà îáðыñè óíèíã êîðïàðàòèâ ôàëñàôàñà ñààîқàòè íè\àòèæàñèäà øàêëëàíàäè. Ó æàìîà áàð÷à àúîëàðè äóí¸þқàðèøèíè áèð қèñìèãà àéëàíèøè çàðóð. Ôàëñàôà þқîðèäàí êîðïîðàöèÿ þқîðèñèäàí ïàñòèãà÷à áàð÷à ìàíñàá ëàâîçèìëàðäà òåíã òàқñèìëàíãàí xîëäà ñèíãàí òàқäèðäà ыç xà¸òèéëèãèíè ñàқëàéäè.

## ÊÎÐÏÎÐÀÒÈÂ ÌÀÄÀÍÈßÒ

Êîðïîðàòèâ ìàäàíèÿò áó êîìïàíèÿíèíã óìóìèé óñëóáè. Êîðïîðàòèâ ìàäàíèÿò ыç èøëàðèäà îäàìëàð áèð-áèðèãà қàíäàé ìóíîñàáàòäà áыëèøèäà èôîäàëàíàäè. Óíè ‘Ìàíà áó áèçäà қàíäàé қèëèíàäè” àòàìàñèäà èôîäàëàø ìóìêèí. Ôèðìàíèíã îáðыñè õóääè “êóíäàëèê” ðåñòîðàíëàðäàãè êàáè óíèíã êîðïîðàòèâ ìàäàíèÿòèíèíã ñàëìî\ëè қèñìèäèð. Áó êóíäàëèêëèê ïðîôåññèîíàëëàðíèíã xèñîá-êèòîáëàðãà àñîñëàíãàí ôàîëèÿòè áыëèá óíèíã îðòèäà êыï ìèíã êèøèëèê æàìîàíèíã êàòòà ìåxíàòè ¸òàäè. Xàð áèð éèðèê êîðïîðàöèÿ ыç ìàäàíèÿòèãà ýãà, àéðèìëàð óíè êàòòà xèñîáëàéäè, áîøқàëàð êè÷èêðîқ. Àììî âàçèôàñè áèð õèë: Óëàí æàìîàíè óìóìèé қàäðèÿòëàð àòðîôèãà æèïñëàøòèðèø ыç óñëóáèíè áàðïî ýòèø. Ìèññèÿ òы\ðèñèäà äåêëîðàöèÿ êыïëàá éèðèê êîðïîðàöèÿëàð áîø ìàқñàäëàðè òы\ðèñèäà ðàñìèé äåêëîðàöèÿãà ýãà. +àéñèêè óíèíã àñîñ÷èëàðè ыç “ôàðçàíäëàðèíè” áàðïî ýòàð ýêàí – ìèññèÿ òы\ðèñèäà äåêëîðàöèÿ қààóë қèëàäè. Ó ыç è÷èãà êîðïîðàöèÿäà óñòóâîð äåá ñàíàëãàí ìàқñàäëàðíè, ñòðàòåãèÿ âà қàäðèÿòëàðíè қèñқà ìàæìóàñèíè îëàäè. Äåêëîðàöèÿ “Áèç қàéñè êîðõîíàäà èøëàéìèç âà ó áèçíèíã ìåxíàòèìèçãà àðçèéäèìè” äåãàí ìóxèì ñàâîëãà æîâîá áåðàäè.

### Ìàқñàäëàð

Ìàқñàäëàð áó – êîðïîðàöèÿ ыç ìèññèÿñèíè àìàëãà îøèðà áîðèá, ыçè ýðèøàäèãàí àíèқ ÷ыққèëàð ìàñàëàí, øóíäàé ìàқñàäëàðäàí áèðè ìåxìîíõîíàíè 80 ôîèçäàí 85 ôîèçãà÷à òыëäèðèøíè êыïàéòèðèø ¸êè xàð áèð êðîâîò êóíèíè 78 äîëëàð äàðàæàñèäà óøëàá òóðèø xàð áèð îòåëíèíã ыç ìàқñàäè áыëèøè ìóìêèí. Êîðïîðòèâ ìèññèÿãà ìóíîñèá áыëèø ó÷óí áó ìàқñàäëàðíè àìàëãà îøèðèø êåðàê: Ñïèðòëè è÷èìëèêëàðíè ÿãèëàøäàí òîðòèá, êàäðëàð қыíèìñèçëèãèíè êàìàéòèðèøãà÷à. Áèçíèíã êóíëàðèìèçäà êыïëàá êîðïîðàöèÿëàð ìàқñàäëàðèíè

àìàëãà îøèðèøäà áàð÷à äàðàæàääãè õèçìàòëàðíè àìàëãà îøèðøè èãà æàëá ýòààè. Áó ðàxáàðèÿò âà õèçìàò÷èëàð ыðòàñèäààè àëîқàíè ìóñòàxêàìëàá қîëìàé áàð÷àíè қыéèëãàí ìàқñàäëàðíè áàæàðèøãà ìàñúóëèÿòèíè îøèðààè.

**Âàçèôàëàð**

Âàçèôà áó ìàқñàäëàð éыëèäà å÷èø êåðàê áыëãàí àíèқ ìóàììî. Ìàñàëàí, îòåë òыëàëèãèíè îøèðèø ìàқñàäèíè xàë қèëà áîðèá, áèð íå÷òà õóñóñèé âàçèôàíè å÷èø çàðóð.

## 9.2 ÌÅÍÅÆÌÅÍÒÍÈÍÃ ÁÎØ ÂÀÇÈÔÀËÀÐÈ

Ìåíåæìåíòíèíã áîø âàçèôàëàðè ïðàãíîç, òàøêèë ýòèø, қàðîëàð қàáóë қèëèø, àõáîðîòëàðíè óçàòèø, ìîòèâàöèÿ âà íàçîðàò xèñîáëàíàäè. Áó âàçèôàëàð áèð áèðèäàí àëîxèäà áàæàðèëèøè ìóìêèí ýìàñ: óëàð ызàðî áî\ëèê âà îäàòäà áèð ïàéòäà áàæàðèëàäè.

**Ïðîãíîç**

Áó ìåíåæìåíò âàçèôàëàðèäàí áèðèí÷èñè áыëèá êóòèëà¸òãàí ñàâîâ àéëàíìàñèíè îëäèíäàí áàøîðàò қèëèøäàí èáîðàò. Áóíè ìåxìîíõîíà áèçíåñèãà òàòáèқ қèëàäèãàí áыëñàê. Îòåëíèíã òыëèøè. Ðåñòîðàíëàðãà òàòáèқ қèëàäèãàí áыëñàê ыðèíëàð ôîèç áèëàí àíèқëàíàäè. Ìóқîáèë òàðçäà, êîðõîíà îâқàò ìàxñóëîòëàðè áèëàí õèçìàò êыðñàòèá қàí÷à êèøè íîíóøòà қèëàäè, xàììàãà åòèø ó÷óí қàí÷à îâқàò òàé¸ðëàø êåðàêëèãèíè xèñîáëàøè çàðóð. Ïðàãíîç xàð қàíäàé áèçíåñíèíã ìóxèì қèñìè áыëè, íîòы\ðè ïðàãíîç îқèáàòèäà êîðçîíàäà æèääèé ìóàììîëàð òó\óëèøè ìóìêèí.

Áóíäàé xàòîëàðíè ìèíèìóìãà òóøèðèø ó÷óí xàð áèð èøîí÷ëè áàøîðàòäà ïðàãíîçãà àñîñëàíèø çàðóð. Ðåñòîðàí áèçíåñèäà xàð êóíè æîé ыðèíëàðèíè xèñîáëàøäà áèð íå÷òà ызãàðóâ÷àí îìèëëàð xèñîáãà îëèíàäè:

Éèë ôàñëè: ¸ç, êóç, қèø, áàxîð (ìàâñóìèé òåáðàíèøëàð)

Xàôòà êóíëàðè: òàëàá äàðàæàñè xàôòàíèíã êóíëàðèäà ôàðқ қèëàäè âà ýíã қèç\èí êóí îäàòäà æóìà xèñîáëàíàäè.

Îá-xàâî: ÿõøè îá-xàâî òàëàáíè êыïàéòèðàäè. ¨ìîí ïàñàéòèðàäè.

Îëäèíäàí áåðèëäàëãàí áóþðòìàëàð: îëäèíäàí áåðèëà¸òãàí áóþðòìàëàðíèíã xàð қàíäàé ñîíè êåéèíãè xèñîá-êèòîáëàðíèíã áîøëàíèøè äàá қàðàëèøè ìóìêèí.

Ïðàãíîçëàøòèðèøäà xèñîáãà îëèíãàí îìèëëàð áàxîëàíàäè. Óøáó òàxëèë àñîñèäà қèëèíãàí xèñîá-êèòîá òàxìèíè ðàxáàðèÿò òîìîíèäàí êåéèíãè қàäàìëàð ó÷óí àñîñ ñèôàòèäà îëèíàäè. Àéíàí øóíèíã ó÷óí xàì ïðàãíîç ìåíåæìåíò æàðà¸íèäàãè áèðèí÷è òàääèð áыëèá, ó æóäà ïóõòà қèëèíèøè ëîçèì óíäàãè xàð қàíäàé xàòî êыïëàá áîøқà õàòîëàðãà îëèá êåëàäè.

Ìåxìîíäæîð÷èëèê èíñäóðèÿñè òîìîíèäàí òàêèëô қèëèíà¸òãàí êыïëàá òîâàð âà õèçìàòëàð óëàðíè êåéèí èøëàòèø ìóìêèí ýìàñëèãè áèëàí ôàðқ қèëàäè: òàé¸ðëàíãàí àìîì ñîòèëìàãàí îâқàò, øóíèíãäåê, îäàì қыéèëìàãàí ìåxìîíõîíà õîíàëàðè áèð öàíò xàì äàðîìàä êåëòèðìàéäè. Øóíèíã ó÷óí ðåñòîðàí ìåíåæåðè қàí÷à îâқàò òàé¸ðëàø êåðàê ýêàííèíè îëäèíäàí xèñîáëàøãà èíòèëàäè âà øó xèñîá-êèòîáäàí êåéèí ÷èқèá ìàxñóëîòëàðãà áóþðòìà áåðàäè âà èø ñìåíàñè æàäâàëèíè òóçàäè. Îòåë ðàxáàðèÿòè òîыëàèðè ïðàãíîçèíè 1-2 xàôòà îëäèíäàí áåðàäè âà øó ïðàãíîçãà àñîñàí òóðëè áыëèì âà õèçìàòëàð èø xàæìèíè áåëãèëàéäè âà øóíãà ìóâîôèқ ыç ðåñóðñ÷èëàðèíè òàқñèìëàéäè.

Ðåñòîðàíëàð, îòåëëàð, òóð àãåíòëèêëàð êóòèëà¸òãàí ñàâäî àéëàíìàñèíè ïðàãíîçëàéäè.

**Ðåæàëàøòèðèø**

Ðåæàëàøòèðèøíèíã èêêè òóðè ìàâæóä, қèñқà ìóääàòëè ¸êè òàêòèê âà óçîқ ìóääàòëè ¸êè ñòðàòåãèê.

Óçîқ ìóääàòëè (ñòðàòåãèê ðåæàëàøòèðè) êîðõîíà áîø ìàқñàäëàðèíè óíèíã ñè¸ñàòè âà ñòðàòåãèÿñèíè êыðñàòãàí xîëäà қыéèø áыëèá, áóíäà óøáó ìàқñàäëàð ó÷óí çàðóð áыëãàí ðåñóðñëàðíè ñîòèá îëèø, ôîéäàëàíèø âà òàқñèìëàøäà ôîéäàëàíèëàäè. Ñòðàòåãèê ðåæàëàð áåø ¸êè îëòè éèë îëäèí òóçèëàäè. Ìåxìîíäîð÷èëèê èíäóñòðèÿñèäà ðåæàëàøòèðèø ñòðàòåãèÿñèãà øóíäàé ñàâîëëèíã қыéèëèøè ìèñîë áыëèøè ìóìêèí: “áèç êîðõîíàìèç (êîðïîðàöèÿ) êîíöåïöèÿñèíè ÿíãèëàéìèç ¸êè ыçãàðòèðàìèçìè?” Êåéò êîðõîíàñè (êåéò òóðè÷à, қîâðèëãàí æыæà) êîìïàíèÿñè îääèé ÊÐÑ äåá àòàëà áîøëàãàíèäàí êåéèí ыç êîíöåïöèÿñèíè áóòóíëàé ыçãàðòèðäè. Áó îâåðâèÿòóðà íàôàқàò ôèðìà íîìè áèëèê ôèðìà îâқàòèíè òàé¸ðëàøíè óñëóáè - қàâóðèëèíã îâåðâèÿòóðàñèäà ыç ñàëîìàòëèãè ó÷óí қàé\óðàäèãàí îäàìëàðãà 1990 éèëëàðäà áó ñòîë óí÷àëèê æîçèáàëè ýìàñäè. Ñòðàòåãèê ðåæàëàøòèðèø øóíèíãäåê õàëқàðî áîçîðãà ÷èқèø èìêîíèÿòëàðè âà ìóқîáèëëàðè áèëàí áàxîëàíàäè. Òóðèçìäà ñòðàòåãèê ðåæàëàøòèðèø ìàðøóðóò ыòàäèãàí ìàìëàêàòëàð âà øàxàðëàðíèíã òèëëàä äàïèðèøíè òàëàá қèëàäè. áó õèçìàò êыðñàòèëàäèãàí òóðèñòëàð ñîíè, óëàðíèíã ñàéxðàíè ó ¸êè áó íóқòàñèäà áыëèø ìóääàòè, ыíàëèøäà óëàðãà õèçìàò êыðñàòèøíèíã êóòèëà¸òãàí ñèôàòè. Êîðïîðàöèÿëàð ýíã òóðëè òóìàí éыíàëèøëàðíè – ìåxíàò ðåñóðñëàðèäàí òîðòèá ìîëèÿëàøòèðèøãà÷à, êîðõîíàëàðíè ìîäåðíèçàöèÿëàøäàí òîðòèá ôàð÷àéçåð àìàëè¸òëàðèãà÷à óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàðíè òóçàäè. Ìåíåæåðíèíã ìàâқåè қàí÷àëèê áàëàíä áыëñà óíèíã ñòðàòåãèê ðåæàëàðèíèíã óôқëàðè xàì øóí÷à êàòòà áыëàäè. Þқîðè ëàâîçèìäàãè ðàxáàð òàøêèë ýòèø ìèññèÿñè ìàñàëàñè, ñòðàòåãèê ìàқñàä âà êîðïîðàòèâ ñè¸ñàò ìàñàëàëàðè áèëàí xàë áыëàäè. ыðòà áó\èíäàãè ðàxáàðëàð êîðïîðàöèÿ ñòðàòåãèê ðåæàëàðèíè ìàúìóðëàð âà áðèãàäàðëàð – óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàðíè àìàëãà îøèðèøíè òàúìèíëîâ÷è èøëàá ÷èқàðèø æàðàâàíëàðè âà áèðãàäàëàð òèëëàã ыãèðàäè.

Òàêòèê ðåæèìèéí ÿқèí èñòèқáîëãà ìыëæèëèàíãàí áыëèá, ñòðàòåãèê ðåæèìèéí ìêëãààòàí æóãà òîð äîèðàíè қàìðàá îëààè. Òàêòèê ðåæà êîðõîíà òàøêèëèé äàðàæàñèíè àí÷à қóéè ìåíåæåð âà õèçìàò÷èëàðèãà òàãèøëèàèð. Øó áèëàí áèðãà ó êîðïîðàöèÿ ñòðàòåãèÿëàðíè áàæàðèøäà ыç óëóøèíè қыøèø ëîçèì.

Òåçêîð ðåæà óøóáó ðåæàëàðíè áîñқè÷ìà-áîñқè÷ àìàëãà îøèðèø äåìàêäèð. Óìóìàí ðåæàëàøòèðèø ìàқñàäèíèíã ìîхèÿòè øóêè, êîðõîíà áàð÷à èø÷èëàðèíè áåëãèëàãàí ìàқñàäëàðãà ìóíòàçàì ðààâèøäà ñàôàðáàð ýòèø èñòèқáîëäà ðåæàëàøòèðø åòè áîñқè÷íè ыç è÷èãà îëààè.

1. Ìàқñàä âà âàçèôàíè қыéèø: ðåæàëàøòèðèøäàãè áó áèðèí÷è қàäì êîðõîíà ôîàëèÿòè íàòèæàñèãà êыðà òêóòèëà¸òãàí íàòèæàëàðãà òåãèøëè. Ìàқñàäëàð èñòèқáîëè, âûàçèôàëàð êîíêðåò áыëèøè ìóìêèí.
2. Ìàðêåòèíã ìóхèòèíè òàõëèëëàø âà áàхîëàø: ñè¸ñèé, èқòèñîäèé èæòèìîèé âà áîøқà îìèëëàð êîðïîðàöèÿãà òàúñèð қèëèøè ìóìêèí. Êîðïîðàöèÿ ïëàíëàðèãà қàðøèëèêèíèíã äàðàæàñè âà êó÷è áóõóíãè êóíäà óíèíã áîçîðäàãè àхâîëè âà ìàâæóä ðåñóðñëàðãè êыðà áàхîëàíàäè óíèíã ¸ðäàìèäà ó ыç ìàқñàäëàðèíè àìàëãà îøèðèø ìóìêèí.
3. Ìóқîáóëëèêèíèí áåëãèëàø: ìàқñàäãà ýðèøèíèíã òóðëè éыëëàðè óëàðäàí áèðèäàí ðàхáàðèÿò ôîéäàëàíèøè ìóìêèí. Óøáó ìàñàëàäàãè òóðëè òàñààâóðëàð êîðïîðàöèÿíèíã òóðëè òàøêèëèé äàðàæàëàðèãà þáîðèëèøè ìóìêèí. Èø÷è ãóðóхëàðè òîììíèäàí òàқäèì ýòèëà¸òãàí òàñíèôëàð îäàìäà èíäóâèäàë òàêëèôëàðäàí қèçèқðîқ áыëàäè.
4. Ìóқîáèëëèêíè áàхîëàø: éыëëàðíèíã хàð áèðè óñòóâîðëèãè âà êàì÷èëèêëàðèíè ðыéõàòèíè òóçèø îìèëëàð îðàñèäà ðåñóðñëàð âà òàøқè òàúñèðëàðíè ýúòèáîðãà îëèø çàðóð.
5. Ýíã қóëàé ¸íäîøóâíè òàíëàø: ìóқîáèëëèêíè òàхëèëëàø ìàқñàäãà åòèøèøè éыëëàðèäàí áèðèíè òàíëàø áèëàí òóãàëëàíàäè, ó áîøқàëàðäàí ÿõøè áыëèøè êåðàê àìïî øóíèíãäåê, àðàëàø ¸íäîøóâëàð хàì ìóìêèí.
6. Ðåæàíè òàòáèқ ýòèø: ýíã қóëàé ¸íäîøóâ òàíëàíãàíãà÷ ìåíåæåð қóéèäàãè ñàâîëëàðãà æàâîá áåðèøè ëîçèì: êèì íèìà қèëàäè? қàéñè ìóääàòãà? қàíäàé ðåñóðñëàð òàëàá ýòèëàäè? қàíäàé ôîéäà êóòèëàäè? қàíäàé хàðàæàòëàð ýâàçèãà? қàíäàé øàêëäà хèñîáîò òóçèëàäè?
7. Íàçîðàò âà íàòèæàëàðíè áàхîëàø: ðåæâàíè òàòáèқ ýòèø òóãàëëàíãàí äåá хèñîáëàíãàíäàí êåéèí ôàêòèê íàòèæàëàð êóòèëà¸òãàíèãà ìîñëèãèíè òåêøèðèø çàðóð.

**Òàøêèë ýòèø**

+à÷îíêè ìèññèÿ, ìàқñàä, ðåæà âà âàçèôàëàð àíèқëàíãà÷, óëàðíè áàæàðèø ó÷óí êîìïàíèÿ èøíè òàøêèë ýòèø çàðóð. Òàøêèë ýòèø – êîìïàíèÿ ðåñóðñëàðèäàí øóíäàé ôîéäàëàíèø äåìàêè, óíèíã ôàîëèÿòè óíèíã ìàқñàäëàðèíè àìàëãà îøèðèøãà éыíàëòèðèëñèí. Óøáó ôàîëèÿò

æàðà¸íèää xàð áèð êèøè êîíêðåò âàçèôà îëääè âà áó âàçèôàëàðíè áàæàðèëèøè ìóíòàçàì ìóâîôèқëàøòèðèëààè.

Êыïãàèíà êîðïîðàöèÿëàð èêêèòà òàøêèëèé òóçèëìàãà ýãà: ðàñìèé âà íîðàñìèé. Ðàñìèé òóçèëìà æàäâàë êыðèíèøèäàêîðõîíà òóçèëìàâèé áыëèììàëàðè âà óëàðíè áîøқàðèø òèçèìèää òàñâèðëàíãàí òàøêèëè ñèxåìàää àêñ ýòààè.

Íîðàñìèé – "ÿøèðèí" áîøқàðóâ áèðãàëèêää èøëàø æàðà¸íèää îääìëàðíèíã áèð-áèðè áèëàí ыçàðî ìóíîñàáàòèää íîìî¸í áыëààè. Ó "óëàðíèíã áàð÷àñè áèçää қàíäàé þç áåðàÿïòè" íè ðåàë àêñ ýòèðààè.

Êåéèíãè ïàéòää êыïãàèíà êîðïîðàöèÿëàðää ыë÷àìëàðíè êàòòàëàøòèðèø æàðà¸íëàðè – ýíã àââàëî áó áîøқàðóâ âà òàøêèëèé òóçèëìàëàðíè êàòòàëàøòèðèøãà ìîñ áыëãàí éèðèêëàøòèðèøäàèð. Óëàðíèíã áàð÷àñè äàðàæàíè, ìèæîçëàðãà õèçìàòíè îøèðèø ìàқñàäèää қèëèíìîқää. Ìåxìîíãîð÷èëèê èíäóñòðèÿñèíè êыïãàèíà êîðõîíàëàðè óëàð îòåë, ðåñòîðàí, êðóèç éыíàëèøè ¸êè àâèàêîìïàíèÿ áыëèøèäàí қàòúèé íàçàð áèð-áèðèãà ыõøàø òàøêèëè òóçèëìàãàí ýãà.

## 9.3 +ÀÐÎÐËÀÐ +ÀÁÓË +ÈËÈØÍÈÍÃ ÑÀÊÊÈÇ ÁÎÑ+È×È

Ìàðêàçëàøòèðëãàí áîøқàðóâ þқîðè, êîðïîðàòèâ ìèқ¸ñäà қàðîðëàð қàáóë қèëààè âà ñыíãèðà ïàñòãà èîðàõèê ïî\îíàëàð îðқàëè "òóøààè". Ïàñò áы\èíäààãè ðàxáàðëàð âà õèçìàò÷èëàð ыçëàðèíèíã áåâîñèòà áîøëèқëàðèíè êыðñàòìàëàðèíè áàæàðààè. Ìåê ïîò êîðïîðàöèÿñè ìàðêàçëàøòèðëãàí áîøқàðóâãà ¸ðқèí ìèñîë. Øóíãà қàðìàñäàí xàòòî ìàðêàçëàøòèðèëãàí êîðïîðàöèÿëàð ïàñòäàãèëàðíèíã òàøàááóñëàðëàð àñîñëàíãàí ìåíåæìåíòíèíã çàìîíàâèé óñóðëàðèäàí ôîéäàëàíààè áó îääèé èø÷èëàðãà ìèæîçëàðíèíã ýxòè¸æëàðèíè қîíäèðèøãà èìêîí áåðààèãàí êàòòà ýðêèíëèêëàðíè áåðààè.

Ìàðêàçëàøìàãàí áîøқàðóâ қàðîðëàðíè қàáóë қèëèø æàðà¸íè áîøқàðóâ ïî\îíàëàðè ыðòàñèää òàқñèìëàíèøíè êыçäà òóòààè. Xàð áèð äàðàæàäàãè ìåíåæåðëàð қàðîð қàáóë қèëèø âàêîëîòèãà ýãà. +óéè ïî\îíàëàðää қàí÷à êыï қàðîðëàð қàáóë қèëèíñà, óøá êîðõîíààà ìàðêàçëàøìàãàí áîøқàðóâ òы\ðèñèää ãàïèðèøãà øóí÷à êыï àñîñ áîð. Áîøқàðóâ ìåú¸ðè – áó áèòòà ðàxáàð ñàìàðàëè áîøқàðèøè ìàóìêèí áыëãàí áыéñèíóâ÷èëàð ñîíèäèð. Áèòòà ðàxáàðãà áóéñóíóâ÷èëàð ñîíè ìàñàëàñèää қàòúèé ÷åêëàíèøëàð áыëèøè ìóìêèí ýìàñ, ÷óíêè áó òàøêèëîòíèíã òóðèãà (ìàðêàçëàøãàí ¸êè ìàðêàçùëàøìàãàí) âà áàæàðèëàäèãàí èøëàð ìóðàêêàáëèê äàðàæàñèãà áî\ëèқ. Xîçèðãà 12 êèøèãà÷à âà êыïðîқ (àââàëëàðè 6-8 êèøè)áîøқàðóâ ìåú¸ðè àíúàíàñè ìàâæóä. Êыïàéòèðèø ñàááàëàðè – ìàxñóëîò òàííàðõèíè ïàñàéòèðè, èøëàá ÷èқàðèø ñàìàðàäîðëèãèíè қóéèäàãèëàðíè òàøàááóñèäàí ôîéäàëàíèø xèñîáèãà îøèðèø âà ìåíåæåðëàð èxòè¸ðèää ìàâæóä áыëãàí êîìïþòåðëàøãàí àõáîðîòëàðíè êыïàéòèðèø xèñîáèãà.

Xàð ҝàíääé êîðõîíà ìóâàôôàҝèÿòè ó ãèãàíò õàëҝàðî êîðïîðàöèÿ ¸èè êè÷èê îèëàâèé áèçíåñ áыëèøèëàí ҝàòúèé íàçàð ҝààóë ҝèëàíäèãàí ҝàðîðëàð ñèôàòèãà áî\ëèҝ. ҝàðîðëàð ìóðàêêàáëèê äàðàæàñèãà ҝàðàá ñòàíäàðò âà íîñòàíäàðò òóðëàðãà áыëèíàäè. Ñòàíäàðò ҝàðîðëàð ìàçêóð èøëàá ÷èҝàðèø æàðà¸íëàðè øàðîèòèãà ìîñ , ìàñàëàí, òыñàòäàí àòáþâîíé êîòëåòëàðãà òàëàá ыññà, îøõîíàäà äàððîâ óíè êыï ìèҝäîðäà òàé¸ðëàøãà êыðñàòìà òóøàäè. Áóíäàé òóðäàãè ҝàðîðëàð îäàòäà ñòàíäàðò òåçêîð ïðîöåäóðàãà àéëàíàäè.

Íîñòàíäàðò ҝàðîðëàðíè ҝààóë ҝèëèø çàðóðàòè xàììà âàҝò òó\èëàâåðìàéäèãàí, \àéðèé îääèé øàðîèòëàðäà ïàéäî áыëàäè. Ìàñàëàí, êîìïþòåðíè ҝàíäàé äàñòóðãà òы\èðëàø, ôèðìà áèëàí ôðàíøèç òы\ðèñèäà øàðòíîìà òóçèø ¸èè òóçìàñëèê áóíäàé \àéðè îääèé âàçèÿòëàð áèð íå÷à ìóääà éèëëàð äàâîìèäà òàêðîðëàíìàñëèãè ìóìêèí. Áóíäàé ìàñàëàëð áыéè÷à ҝàðîð "äîíàáàé": óëàðíè ñòàíäàðò òåçêîð ïðîöåäóðàëàð êàáè äàñòóðëàøòèðø ìóìêèí ýìàñ.

Êîìïàíèÿ ҝàí÷àëèê êàòòà áыëñà, ҝààóë ҝèëèíàäèãàí ҝàðîðëàðíè ñòàíäàðòëàøòèðø çàðóðàòè øóí÷à êàòòà áыëàäè. Êыïëàá êàòòà êîðïîðàöèÿëàð áàð÷à ìàñàëàëàð áыéè÷à ҝàðîðëàðíè ҝààóë ҝèëèø ïðàöèäóðàëàðèãà èìçî ҝыéóâ÷è áàð÷à äàðàæàëàðäàãè áîøҝàðóâ÷èëàð ó÷óí ìàõñóñ ҝыëëàíìà ü÷èҝàðàäè. Íîñòàíäàðò ҝàðîðëàð êàòòà òàxëèë , ýêñïåðòèçà âà îðãèíåë ¸íäîøóâíè òàëàá ҝèëàäè. Îäàòäà óëàðíè ҝààóë ҝèëèø ó÷óí ìàõñóñ êåíãàøëàð ÷àҝèðèëàäè.

+àðîðëàðíè ҝààóë ҝèëèø æàðà¸íè ó÷òà àñîñèé áîñҝè÷äà èáîðàò.

1. Ìóàììîëàðíè èäåíòèôèêàöèëàø âà áåëãèëàø
2. +àðîð ҝààóë ҝèëèø ó÷óí ìåçîíëàðíè áåëãèëàø
3. Ìåçîíëàðíè øêàëàëàøòèðèø
4. Ìóҝîáèëëèêîíè ðèâîæëàíòèðèø
5. Ìóҝîáèëëèêîíè òàxëèëëø
6. Ìóҝîáèëëàðäàí áèðèíè òàíëàø
7. Ìóҝîáèëëàðäàí ôîéäàëàíèø
8. +àðîð ҝààóë ҝèëèø ñàìàðàäîðëèãèíè áàxîëàø

## 1 ÁÎÑ+È×: Ìóàììîëàðíè èäåíòèôèêàöèÿëàøòèðø âà àíèҝëàø

Ìóàììîëàð ôàêòèê âà õîxëàø ыðòàñèäàãè òàðҝèè xîëëàðäà ïàéäî áыëàäè. Xàð ҝàíäàé ìóàììî áыéè÷à ҝàðîð ҝààóë ҝèëèø æàðà¸íè óíè èäåíòèôèêàöèÿëàø áèëàí áîøëàíàäè. Áóíè xàììà âàҝò îñîí ҝèëèø ìóìêèí ýìàñ, ÷óíêè áîøҝà îìèëëàð "ñóâíè ëîéҝàëàøè" ìóìêèí. áóëàð ҝàíäàé îìèëëàð ýêàíëèãèíè áèòòà èáðàòëè òàðèõ ìèñîëëàðà êыðñàòèø ìóìêèí. +àéñèëèð ҝàòúèé òàðòèáëàäàãè ҝàìîҝõîíàäà ïàíöèÿãà ÷èҝèø ¸øëàãè ыçèãà xå÷ äî\ òóøóðìàãàí ҝîðîâóë õèçìàò ҝèëàðäè. Êóíëàðäàí áèð êóí ó ýíã xàâôëè æèíîÿò÷è ñàҝëàíàäèãàí êàìåðàíèíã êàëèòè

éықîëãàíëèãèíè áèëèá қîëààè. Àãàð қîðîâóë ðàxáàðèÿòàà êàëèò éықîëãàíëèãè òы\ðèñèà àéòñà, óíèíã îáðыñèãà äî\ òóòèøè ìóìêèí, àììî ýíã қàòúõèé èíòèçîìèé ÷îðàëàð xàì қààóë қèëèíèøè ìóìêèí. áó åðäà ìóàììî íèìààà? ó êàëèò éықîëãàíëèãèäà ýìàñ, xàòòî óíè қàíààé òîïèøäà xàì ýìàñ. Áó åðäà ìóàììî õàâôëè ìàxáóñíèíã қî÷èá êåòèøèíè îëäèíè îëèøäà.

Ìåxìîíõîíà÷èëèê èíäóñòðèÿñèíèíã êîíòåêñòèäà ìóàììîëàðíè ìåxìîíëàðíèíã ìàíôààòëàðèäàí êåëèá ÷èқèá èäåíòèôèêàöèÿ қèëèø ëîçèì. Ìàñàëàí, ðыéõàòãà îëèøíè îëàéëèê, øàxàð ыðòàñèäàãè àéðèì éèðèê ìåxìîíõîíàëàðäà, êàòòà êîíôåðåíö ìàðêàçëàðäà êыïèí÷à ðыéõàòãà îëèø ñòîëè îëäàà óçóí íàâáàòëàð ïàéäî áыëàäè. Èäåíòèôèêàöèÿëàø, óøóáó ìóàììîíè øóíäàé àíèқëàø ìóìêèí: ðыéõàòãà îëèø ìåxìîíëàðíè ãàð÷è éықîòèøíè ñåâìàãàíè xîëäà, øóíèíãäåê, áóíäàé ¸қèìñèç ìàø\óëîò ñèôàòèäà êыï âàқòèíè îëàäè. Ìóàììî èäåíòèôèêàöèÿëàøãà÷ қàðîð қààóë қèëèøäà êåéèíãè қàäàìëàðíè қыéèø îñîí.

Ñîóç âåñò ïðåçèäåíòè Õåðá Êåëëåõåð ðåéñëàðíèíã àéëàíèøè ìóàììîñèãà æàâîáàí ñîììîë¸òãà êèðàâåðèøäàãè øêàôëàðíè îëèá òàøëàø қàðîðèíè қààóë қèëäè. Àâèô éыíàëèøëàðäàãè ìàâæóä қàòòèқ ðàқîáàò øàðîèòèäà éыëîâ÷èëàðíè òóøóðèø âà ÷èқàðèø ó÷óí áыëãàí âàқòíè қèñқàðòèðèø çàðóð. Àãàð áóíè òåçðîқ қèëèíñà óíäà ñóòêàñèãà áèð íå÷òà қышèì÷à ðåéñëàðíè қышèø ó÷óí åòàðëè âàқò қîëàäè. Ñîììîë¸òãà êèðèøäàãè ышà áàõòèқàðî øêàô÷àëàð îëèíãàí қàòîðëàðäàãè îäàìëàð ыçëàðèíè ñóìêàëàðèíè қыëèðèá, þãóðèøãàí ïàéòäà òèқèëìà xîñèë қèëàðäè. Ýíãëèêèàà Ñîóç âåñò àèðîíèíã 85 ðåéñëàðèäà éыëîâ÷èëàðíè òóøóðèø âà ÷èқàðèø 15 ìèíóòäàí êàì âàқòíè îëäè âà áó êåéèíãè áèð íå÷à éèë è÷èäà ыç ìààëà\è ñèôàòèäà 16 ôîèçãàí êàì áыëìàãàí äàðîìàä îëóâ÷è ýíã áîé àâèàëèíèÿëàðäàí xèñîáëàíàäè.

## 2 ÁÎÑ+È×: Ìåçîíëàðíè àíèқëàø

Ìóàììî èäåíòèôèêàöèÿëàøãàíäàí êåéèí қàðîðëàðíè қààóë қèëèøäà ôîéäàëàíèø ìóìêèí áыëãàí ìåçîíëàðíè àíèқëàøãà êèðèøè çàðóð. Ìàñàëàí, àãàð ñèçíèíã ìóàììîíãèç î÷ áыëèøèäàí èáîðàò áыëñà, óíäà қóéèäàãèëàð äîëçàðáìåçîí xèñîáëàíàäè.

1. +àíäàé òóðäàãè îâқàòíè ìàúқóë êыðàñèç.
2. Ñèçíèíã èxòè¸ðèíãèçäà қàí÷à âàқò áîð.
3. Ñèçíèíã ìîëèÿâèé èìêîíèÿòëàðèíèç қàíäàé
5. Ðåñòîðàí ¸íèäà àâòîìàøèíà ó÷óí òыõòàø æîéè áîðìè.
6. Óíèíã îáðыñè қàíàқà
7. +àíäàé õèçìàò êыðñàòèøäàè
8. Áó ðåñòîðàíäàãè ìóxèò қàíäàé

Óøáó ìåçîíëàð îääèé òàíîâóë қèëèø ó÷óí ýìà, áàëêè ðåñòîðàíäà “ыòèðèø” ó÷óí éè\èëãàí îäàìëàð ãóðóxè ó÷óí äîëçàðá. Íîäåíòèôèêàöèÿëàíãàí ìåçîíëàð íîìàâæóä ñèôàòèäæà қàðàëàäè.

**3 ÁÎÑ+È×: Ìåçîíëàðíè øêàëàëàøòèðèø**

+àðîð қàáóë қèëèø ó÷óí òóðëè ìåçîíëàð òóðëè äàðàæàäàãè ìóxèìëèêà ýãà. Ìàñàëàí ñèç ó÷óí íèìà ìóxèì: Òóøëèêíèíã áàxîñè ¸êè ðåñòîðàíäàãè ìóxèò? Àãàð íàðõ áыëñà ñèç àíàí øóíãà óð\ó áåðàñèç.

Ìåçîíëàðíè қè¸ñèé áàxîëàøíèíã ýíã êåíã òàðқàëãàí óñëóëëàðäàí áèðè øêàëàëàøòèðèø óñóëè xèñîáëàíàäè: Ìåçîíëàðíèíã xàð áèðèãà ыí áàëëè òèçèì áыéè÷à áåëãèëàíãàí áàëëàð ñîíè áåðèëàäè. Àìåðèêà ðåñòîðàíëàðèãà êèðóâ÷è êèøèëàð ыðòàñèäà ыòêàçèëãàí òàäқèқîòäàí қóéèäàãè ìàíçàðà àíèқëàíäè: Îâқàò áàxîñè îëèé áàëë (10) îëäè, øóíäà ðåñòîðàííèíã îáðыñè âà îâқàòëàíèøãà êåòãàí âàқò ìóxèò ñèôàòèäà 6 áàëëãà áàxîëàíäè. Îâқàò ñèôàòè 9 áàëë, õèçìàò êыðñàòèø – 7 áàëë.

**4 ÁÎÑ+È×: Ìóқîáèëëèêíè ðèâîæëàíòèðèø**

Ìóқîáèëëèêíè ðèâîæëàíòèðèá áèç îäàòäà ыçèìèç òàíëàøèìèç ìóìêèí áыëãàí ìàúëóì éыëëàð ðыéõàòèíè òóçàìèç. Áèç áó áîñқè÷äà ìóқîáèëëèêëàðíè áàxîëàìàéìèç, ôàқàò øàêëëàíòèðàìèç. Ìàñàëàí, ìóқîáèë ñèôàòèäà ðåñòîðàí ñöåíàðèéñèãà қàéòèá, Mc Donald s, Pizza Hut, KFC, Taco Bell âà áîøқàëàðíè êыðèøèìèç ìóìêèí.

**5 ÁÎÑ+È×: Ìóқîáèëëèêíè òàxëèëëàø**

Ìóқîáèëëèêíè òàxëèëëàø ìåçîíëàðäàí âà ìåçîíëàðíè øêàëàëàøòèðèøäàí ôîéäàëàíèø áèëàí îëèá áîðèëàäè. À+Øäà ыòêàçèëãàí òàäқèқîòëàðãà êыðà, Pizza Hut âà Wenddy s ýíã êыï áàëë òыïëàäèëàð.

**6 ÁÎÑ+È×: Ìóқîáèëëèêíè òàíëàø**

Áèç áó áîñқè÷äà ìóқîáèëëàðäàí áèðèíè òàíëàøãà òыõòàëàìèç. Áàð÷à ïàðàìåòðëàð áыéè÷à xèñîá-êèòîáëàð îëèá áîðèëãàíäàí êåéèí қàéñè ìóқîáèëãà òыxòàëèø àíèқ áыëàäè. Àãàð åòàê÷è ïîçèöèÿëàðäà áèð õèë áàëë òыïëàíñà қыøèì÷à ìåçîíëàð æîðèé ýòèëàäè. Ìàñàëàí, Pizza Hut âà Wenddy s äàí áèðèíè òàíëàøãà òы\ðè êåëñà óíäà қыøèì÷à îìèë – óëàðäàí қàéñè áèðè ўқèíëèãè xàë ýòèøè ìóìêèí.

**7 ÁÎÑ+È×: Ìóқîáèëëàðäàí ôîéäàëàíèø**

Ìóķîáèëëàðääí ôîéääëàíèø – äåìàê, ķàðîðãà þðèø áåðèø, ÿõøè ķàðîðëàð óíãà þðèø áåðìààíëèãè ó÷óí ôîéäà êåëòèðìàéäè.

**8 ÁÎÑ+È×: +ààóë ķèëèíãàí ķàðîðíè áàxîëàø**

+ààóë ķèëèíãàí ķàðîðíè îõèðãè áîñķè÷è - ķààóë ķèëèíãàí ķàðîðíè áàxîëàø ñàìàðàäîðëèãèäèð. +àðîð ķààóë ķèëèá ñèç ìóàììîíè xàë ýòèíãèíãèçìè ¸êè éыķìè. Àãàð ñèç ыç ìàķñàäèíãèçãà ýðèøìàãàí áыëñàíãèç, áóíèíã íèìà ó÷óíëèãèíè òóøóíèøãà xàðàêàò ķèëèø êåðàê. áó äåìàê áèðèí÷è áîñķè÷ãà ķàéòèøäèð. Àãàð ìàķñàäãà åòèëãàí áыëñà, óíäà xå÷ ķàíäàé ÿíãè xàðàêàòëàð ķèëèø êåðàê ýìàñ.

## 9.4 ÊÎÌÌÀÍÈÊÀÖÈß ÂÀ ÌÀÄÀÍÈßÒËÀÐÀÐÎ ÒЫÑÈ+ËÀÐ

Êîììóíèêàöèÿ ÿúíè àõáîðîò áèëàí àëìàøèíóâ áàð÷à ýòîïëàðäà: ïðàãíîçëàø, ðåæàëàøòèðèø, òàøêèë ýòèø, òàëķèí ýòèø âà íàçîðàòäà ìåíåæìåíò ìåõìàíèçìíè ¸\ëàøäèð. Áóíäà ìåíåæåðëàð àõáîðîò àëìàíèøóâ ó÷óí êыï âàķòèíãè éыķîòøèíè íàçàðäà òóòüñàê, áó æàðà¸í èêêè êàððà ìóxèìëàøàäè. Àëîķà âîñèòàëàðè xèñîáëàíàäè:

*Òåëåôîí

*Ïî÷òà/ôàêñ

*Ìåúìàðîäîì âà áîøķà è÷êè/òàøķè ¸çèøìàëàð

*Øàõñèé ó÷ðàøóâëàð

Êîììóíèêàöèÿíèíã ýíã îääèé ñèõåìàñè ó÷ óíñóðíè ыç è÷èãà îëàäè: æыíàòóâ÷è, õàò, îëóâ÷è. Áèðîķ àõáîðîòíè æыíàòèø xàëè ó îëèíãè äåãàíè ýìàñ, ķîëàâåðñà òы\ðè òóøóíèëäè, äåãàíè ýìàñ.

Àëîķàíèíã ýíã ÿõøè âîñèòàñè øàõñèé ó÷ðàøóâ. Òåçêîð òåñêàðè àëîķà æыíàòóâ÷èãà âà îëóâ÷èãà òыëà ыçàðî òóøóíèø èìêîíèÿòèíè áåðàäè. Áèð òîìîíëàìà àëîķà îëóâ÷èãà ыç ðåàêöèÿñèíè õàáàð ķèëèø ¸êè ó æыíàòóâ÷èíè èòы\ðè òóøóíãàíëèãèíè òåêøèðèøãà èìêîí áåðìàéäè. Êîììóíèêàöèÿ æàðà¸íëàðèãà òыñèķ áыëóâ÷è áèð íå÷òà îìèëëàð ìààæóä: àëîķà êàíàëèäàãè øîâķèíäàí îëóâ÷èíèíã ¸ìîí ýøèòèøãà ķàëàð. Òóøëèê òàíàôôóçè ïàéòèäà êàôåòåðèÿãè øîâķèí-ñóðîí ыç ķыë îñòèãàãèëàðãà íèìà ó÷óí êàñàëëèêè âàðàķàñèãà êàì òыëàíãàíëèãèíè òóøóíòèðèøèíãà èìêîí áåðìàéäè.

Ñàìàðàëè êîììóíèêàöèÿ éыëëàãàè áîøķà òыñèķëàðãà ķóéèäàãèëàðíè êèðèòø ìóìêèí:

* Ýøèòòèøíè êóòà¸ãàí íàðñàíè òèíãëàø xîëàòè

* Áèç áèëàäèãàí àõáîðîòãà çèä àõáîðîò

* Àõáîðîò ìîíààèíè áàxîëàø

* Òàíëàá ķààóë ķèëèø

* Áèòòà ñыç òóðëè îäàìëàðãà òóðëè òàúñèð ķèëèøè ìóìêèí

* Íåâåðáàë áåëãèëàðíè êыï ìàúíîëèëèãè

* Xèññè¸òëàðíèíã òàúñèðè

* êîììóíèêàöèÿ æàðà¸íëàðè ñàìàðàîðëèãèíè îøèðèø ó÷óí òóðëè óñóëëàðäàí ôîéäàëàíèëàäè, óëàð îðàñèäà қóéèäàãèëàðíè êыðñàòèø ìóìêèí:

1. Oëóâ÷èíèíã íóқòàèé íàçàðèãà êèðèøãà, ó ÿøà¸òãàí äóí¸äà êèðèøãà xàðàêàò қèë.
2. Ñыçëàð áîøқà ìàúíîëàðäà ôîéäàëàíèø ìóìêèíëèãè ôàêòèãà ýúòèáîð қàðàò.
3. Ñîääà, àíèқ âà î÷èқ ãàïèðèøãà xàðàêàò қèë.
4. Xèìîÿëàíèø ìóëîқîòèäàí қыëëàá-қóââàòëàøãà ыò.
5. Øàõñëàðàðî ìóíîñàáàòëàð òåõíèêàñèäàí ôîéäàëàí
6. Èøîí÷íèíã xàì ÷åãàðàñè áîðëèãèíè íàçàðäà òóò.

**Íîðàñìèé ìóëîқîòëàð**

Êыïãèíà êîðïîðàöèÿëàðäà àõáîðîò óçàòèøíèíã ðàñìèé óñóëëàðèäàí òàøқàðè, íîðàñìèé ìóëîқîòëàðäàí xàì ôîéäàëàíèëàäèêè, áóëàð ðàxáàðèÿòãà çàðóð áыëãàí ñè¸ñàòíè þðèòèøãà ¸ðäàì áåðàäè. Àìì xàääà òàøқàðè òóñ îëñà ó xàëàқèò áåðèøè xàì ìóìêèí.

+ыë îñòèäàãèëàð áèëàí íîðàñìèé ìóëîқîòëàð èøîí÷ ìóxèòèíè ðèâîæëàíòèðèøäà ¸ðäàì áåðèáãèíà қîëìàé, áàëêè қèììàòëè àõáîðîòëàð ìàíáàè xàì áыëèøè ìóìêèí. Xå÷ êèì èøíè óíäà èøëà¸òãàíëàð÷àëèê ÿõøè áèëìàéè. Øóíèíã ó÷óí ðàxáàðèÿò íîðàñìèé ìóëîқîòäàí қóéèäàãè ôîéäàíè îëèøè ìóìêèí:

- Ïîòåíöèàë ìóàììîëàð ïðàãíîçè.
- Êîìïàíèÿãà íèñáàòàí èø÷èëàð ìàõàëëèéëèãèíè îøèðèø
- Èøíè ðåæàëàøòèðèøäà âà қàðîðëàð қàáóë қèëèøäà ôîéäàëàíèø ìóìêèí áыëãàí àõáîðîòëàð éè\èø
- Íîðàñìèé ìóëîқîòëàð ìàñàëàñèäàæà áèð íå÷òà ôîéäàëè ìàñëàxàòëàð
- ×åòäà òóðìà , îäàìëàð áèëàí êыïðîқ áèðãà áыë, õîäèìëàðèíã ó÷óí õîíàíã ýøèãèíè ¸ïìà.
- Îäàìëàð áèëàí ñóxáàòëàøàðêàíñàí óëàðíè èñìëàðè áèëàí àòà, îäàìëàð óëàðíè ýñëàøíè âà áèëèøíè ¸қòèðèøàäè.
- Îäàìëàðãà þқîðèäà óëàðãà òààëëóқèè қàíäàé қàðîð қàáóë қèëèíà¸òãàíëèãèíè, ðàxáàðèÿò ñè¸ñàòèäà íèìà ÿíãèëèê áîðëèãèíè ìàúëóì қèë, óëàð xàì ыç äàðàæàñèäà íèìà þç ì\åðà¸òãàíëèãè òы\ðèñèäàæà àõáîðîòëàðíè áåõàì êыðèøàäè.
- Î÷èқ ýøèêëàð ñè¸ñàòèíè þðèò âà áó xàқäà õîäèìëàðíîããà áèëäèðèøãà xàðàêàò қèë.
- ыçèíãè õîäèìëàðèíããà óëàðíèíã ìàñëàxàòëàðèíè қàäðëàøèíã âà óëàðãà ìóõòîæëèêëàðèíè áèëäèð.

- Õîäèìëàðèíã íèìàíè òàêëèô ýòà¸òãàíèíè äèққàò áèëàí ýøèò âà óëàðíè áàxîëàøäà xîëèñ áыëèøãà xàðàêàò қèë.
- Êèìäèð, қàíäàéäèð íîõóø íàðñàíè ãàïèðà¸òãàíèäà óíè ыòà õèññè¸ò áèëàí қààóë қèëìà.
- Òèíãëàøíè ыðãàí, àãàð ñåí òèíãëàìàñàíã xå÷ êèì ñåí áèëàí ãàïëàøìàéäè.

## Ìàäàíèÿò

Ìàäàíèÿò – áó ýãàëëàíãàí, ыçëàøòèðèëãàí xóëқ êèìêè Àìåðèêàäà ÿøàñà ó óøáó ìàìëàêàò ìàäàíèÿòèäà òыïëàíãàí қàäðèÿòëàð, ýúòèқîäëàð,ìóíîñàáàòëàð, êыíèêìàëàð, óðô-îäàòëàðíèíã íî¸á ìàæìóèíè ыçëàøòèðãàí. ыçëàðè òàðқàëãàí қèòúàëàð øàðàôèãà íîìëàíãàí (Àôðèêà, Îñè„ Åâðîïà âà Àìåðèêà) àñîñèé ìàäàíèÿòëàðäàí òàøқàðè àðàëàø ìàäàíèÿòëàðíè íîìî¸í ýòóâ÷è òóðëàðè xàì áîðêè, áóëàð àôðîàìåðèêà , Ëîòèí Àìåðèê, Èñïàí Àìåðèêà, ôðàíêàíîäà äåá íîìëàíàäè. Ìàäàíèÿò èíñîíëàðíèíã áóòàí xóëқèãà òàúñèð êыðñàòàäè âà áó ìàäàíèé ñòðèîòèïëàðíè áàðîî ýòèøäà àñîñ áыëèá õèçìàò қèëàäè. Ìàñàëàí, Àìåðèêà ìàäèíÿòèäà îñè¸ âà ëîòèí àìåðèêàñèñè ìàäàíèÿòèãà íèñáàòàí èäóâèäàëëèêê àí÷à xàðàêàòåðëè. ¨êè ýðêàê âà à¸ë ыðòàñèäàãè ìóíîñàáàòëàð xàì áó ìàäàíèÿòëàðäà æóäà òóðëè÷à. Êыï ìèëëàòëè àìåðèêà æàìèÿòè ыç ìèëëèé ìàäàíèÿòè òы\ðèñèäà ÿãîíà ïðåìèòèâ “òы\ðè” òàññàâóðíè ðàä қèëãàí xîëäà áèçãà áèð-áèðèìèçäàí ыðãàíèø ìèêîíèÿòèíè áåðàäè. Áîøқà ìàíèÿòëàðíèíã ìàâæóäëèãèíè çàðóðàò ÷èôàòèäà қààóë қèëèø, óëàðíè xóðìàòëàø âà óøáó ìàäàíèÿòëàð âàêèëëàðè áèëàí òîòóâëèêäà ÿøàøè êåðàê, àêñ xîëäà ìèëëàòëàðàðî çèääèÿòëàð êåëèá ÷èқèøè òàéèí.

Êыï ìèëëàòíè æàìîàíè áîøқàðèøãà çàìîíàèâé ¸íäàøóâ óíèíã àúçîëàðè ыðòàñèäàãè ìàäàíèÿòëàð ôàðқèíèíã òåíã xóқóқëèãèíèì òàí îëèøãà àñîñëàíãàí áыëèá, ó òóðëè æèíñëàð èæòèìîèé âà ¸ø ãóðóxëàðè ыðòàñèäàãè ôàðқ êààè òåíã xóқóқëèäèð. xîçèðãè ïàéòäà ìåxìîíäðî÷èëèê èíäóñòðèÿñè êîðõîíàëàðèíè(óòóìàí óëàðäà èøëàøíè) ìàäàíèÿòëàðàðî êîììóíèêàöèÿ íàçàðèÿñè âà àìàëè¸òèãà ýãà áыëìàñäàí áîøқàðèø ìóìêèí ýìàñ. Ìàäàíèé òыñèқëàð xàқèқàòäàí xàì xàð áèð èø ыðíèäà ìàâäæóä. Êàäðëàðíèíã ýòíèê òóðëè÷àëèãèíè âîқåéëèê ñèôàòèäà кààóë +èëèá òóðëè ýòíãèê ãóðóx âàêèëëàðèíè áèð-áèðèíèíã ìàäàíèé ôàðқëàðèíè òóøèíèø âà xóðìàò қèëèøãà ыðãàòèø çàðóð.

## Ìàäàíèÿòëàðàðî òыñèқëàð

Ìàäàíèÿò ыçè xàқèäà êåéèíèø, òèë, îøõîíà 6 èøîðàëàð, xàðàêàòëàð ìèñîëèäà ыçèíè êыðñàòèá òóðàäè. Ãàð÷è êыïñ\÷èëèê îäàìëàðäàí áîøқà òèëíè âà óðô-îäàòëàðíè ыðãàíèøäà қèéèí÷èëèêëàð òó\èëñàäà, ìàäàíèÿòíèíã áó êàìïîíåíòëàðèíè ыçëàøòèðèø àí÷à îñîí, ÷óíêè óëàðíèíã áåëãèëàðíè êыðèãø âà ýøèòèø ìóìêèí. қàäðèÿòëàð, ìèëëèé øàðòëè òàñàââóðëàð âà äóí¸ ìàíçàðàñèíè ыðãàíèø àí÷à қèéèí.

Áîøқà ìàäàíèÿòãà ìîñëàøèø âåðáàë ìàäàíèÿòãà ыñãàí, áèòòà ìàäàíèÿò øàðîèòëàðäà ÿøàøàãà ìàæáóð îäàìëàð ó÷óí àí÷à íîõóøëèêëàð êåëòèðèø ìóìêèí. âåðáàë ìàäàíèÿòíèíã õóñóñèÿòè øóíäàêè, âîқåëèêè âà ìàқñàäëàð àxàìèÿòè òы\ðèñèäàãè àñîñèé àõáîðîòëàð ñыç âà ãàïëàð âîñèòàñèäà óçàòèëàäè. Êîíòåêñ ўñà êàìðîқ àxàìèÿòãà ўãà. Êîíòåêòóàë ìàäàíèÿòäà àéíàí ñыçëàð îðқàñèäà òóðãàí êîíòåêñ ñыçëàðíèíã ыçèãà қàðàãàíäà êàòòà ðîë ыéíàéäè. Àíãëîñàêñîí ìàäàíèÿòè àñîñèäà âåðáàë ãàïèðóâ÷èíèíã àõáîðîòè âà ìàқñàäëàðè ñыçëàðäàí òóçèëãàí ãàïëàð âîñèòàñèäà èôîäàëàíàäè. ßïîí ìàäàíèÿòè ыç àñîñèãà êыðà êîíòåêñóàë. Áó åðäà íèìà ãàïèðèëà¸òãàíëèãè ўìàñ, êèì ãàïèðà¸òãàíè қàíäàé âà қàíäàé øàðîèòëàðäà ãàïèðà¸òãàíëèãè ìóxèì. Øóíäàé қèëèá àñîñèéö àõáîðîò ïàóçà, æèìëèê, îâîç îxàíãè âàîñèòàñèäà óçàòèëàäè. Êîíñòåêòóàë ìàäàíèÿòäà ÿøîâ÷è îäàì қàòîðëàð îðàñèäàãèíè ықèøíè áèëèøè âà àéòèëãàí ãàïíèíã àxàìèÿòèíè ìóëîxàçà қèëèøè ëîçèì. ÷óíêè ñыçëàðíèíã ыçè òóðëè îäàìëàðíèíã î\çèäà ìóòëàқî òåñêàðè àxàìèÿò êàñá ýæòèøè âà ãøàïèðóâ÷èíèíã xàқèқèéö ìàқñàäèäèíè xàììàâàқò áåðîëìàñëèãè ìóìêèí. ìàñàëàí ÿïîíëàð “éық” ñыçèíè æóäà êàì èøëàòèøàäè. Áóíèíã ыðíèãà æóäà êыï ìèқäîðäàãè ñóáñèòèòëàð èøëàòèëàäèêè, óíèíã àxàìèÿòèíè àíãëàø ÷åò ýëëèê ó÷óí íèxîÿòäà қèéèí. Øóíèíãäåê, ÿïîíëàðíèíã íóòқèäàãè áèð-áèðèãà ìóòëàқî ыõìøàìàãàí òàñäèқíè èôîäàëàâ÷è ñыçëàð ìàâæóä.

**Òèë**

Òèë ìàäàíèÿòëàðàðî ìóëîқîòäà ÿíà áèòòà òыñèқ. xàòòàî áèòòà òèëäà ãàïëàøèá xàì áèð-áèðèíè îäàì òóøàíìàñëèãè ìóìêèí. áèð õèëäàãè ñыçëàð âà èøîðàëàð òóðëè ìàäàíèÿòëàðäà óë\àéãàí îëäàìëàð òóðëè÷à àxàìèÿò êàñá ýòèøè ìóìêèí.

**Ýòíèê òóðëè÷àëèê**

Ýòíèê òóðëè÷àëèê áèõçíèíã âîқåëèãèìèçíè êыðñàòóâ÷è, \àòòî óíè áîéèòóâ÷è ôåíîìåí xèñîáëàíàäè. Àìåðèêàäà ýòíèê òóðëè÷àëèê äîèìèé ыñìîқäà. 2000 éèëäà Àìåðèêàäà èøëàéäèãàí à¸ëëàð èø÷è êó÷èíèíã 47 ôîèçèíè òàøêèë ýòãàí., óëàðäàí êåëèá ÷èқèøè èñïàíèÿëèê àìåðèêàëèêëàð 29 ôîèçíè, êåëèá ÷èқèøè îñè¸ëèêëàð 11 ôîèçíè, àôðîàìåðèêàëèêëàð 18 ôîèçíè òàøêèë ýòãàí. Óøáó ó÷òà ýòíèê ãóðóx ìåxíîíäîð÷èëèê èíäóñòðèÿñè èø÷è êó÷èíèíã ыçàãèíè òàøêèë ýòàäè. Àìåðèêàäà êåëèá ÷èқèøè Îñè¸ âà èñïàíèÿëèê àxîëèíèíã ыñèøè 21 àñðäà èø÷è êó÷èíèíã 4,1 ¸êè 3,1 қèñìèíè ýòíèê êàì ñîíëèëàðãà òåãèøëèëèãèíè áèëäèðàäè.

**Ìàäàíèé òыñèқëàðíè áàðòàðàô ýòèø ìóìêèí**

Áèç êыïèí÷à áîøқà îäàìëàðíè ыç ìàäàíèÿòèìèç ðàêóðñèäàí қàðàéìèç âà óëàð xàì õóääè áèçäàé áыëèøè ëîçèì äåá xèñîáëàéìèç. Óëàð ыçëàðèíè “қàíäàéäèð áîøқà÷à” òóòèøëàðè áèçãà ¸қìàéäè. Áèçíèêèãà ыõøàãàí ¸êè ыõøàìàãàí ìàäàíèÿòíè қààóë қèëèø ñòðåðèàòèïëàðíè ïàéäî áыëèøèãà îëèá êåëàäè: áèç óíèíã áàð÷à âàêèëëàðèäàí “ґàéðèòàáèèé” õóëқíè êóòàìèç. Áåãîíà ìàäàíèÿòíèíã áèòòà âàêèëèíèíã õàðàêòðåèäàãè ñàëáèé õóñóñèÿò

áèç òîìîèìèçäàí áóòóí óøáó ìàëäàíèÿòãà êы÷èðèëàäè.  Ìàúëóì ãóðóxäàãè îäàìëàðãà áèðòîìîíàëìà ñàëáèé ìóíîñàáàò ¸è\îí қàðàø äåá àòàëàäè.

Àãàð ýðòàíãè êóííèíã ìåíåæåðëàðè xàììàñè áèð îâîçäà ýòíèê êåñêèíëèêíè қóòëàá, ыçëàðè èø îëèá áîðàäèãàí  âàêèëëàð ìàäàíèÿòè òы\ðèñèäà ÿìàä êыïðîқ õîxëàøãàíäà æóäà çыð áыëàðäè. Àììî ìàäàíèé ïóëþëàðèçìäà àìåðèêàííèã äåìîêðàòèê àíúàíàëàðè äàâîìèíè ê1ыðìàéäèãàí ìåíåæåðëàð xàì òóøóíèøè êåðàêêè, ýòíèê òóðëè÷àëèêêà óëàð xå÷ қà¸ққà қî÷îëìàéäè. ыç õàòî-қàðàøëàðèí åíãèøíè ыðãàíìàñäàí óëàð ыç êîðõîíàëàðèí ñàìàðàëè áîøþқàðèøíè óääàñèäàí ÷èқîëìàéäè. Ìàäàíèÿò  îäàìëàðíèíã ìóíîñîáàòëàðè, óñòóâîðëèêëàð âà áóòóí õóëқèäà ÷óқóð èç қîäèðàäè. Áîøқà ìàäàíèÿò âàêèëëàðè áèëàí ыçàðî ìóíîñàáàòà þқèëèø ó÷óíè óëàðíèíã қàäðèÿòëàðèíè, àõëîқ ìåú¸ðëàðèí âà óñòèâîð òèçìëàðèíè òóøóíèøãà xàðàêàò қèëèø êåðàê.

Ìåíåæåðëàð óëàðíèíã èíäóñòðèÿñè êåëèíãè 10-15 éèëäà êóòèëà¸òãàí âîқåëèêêà þç áóðóøè ëîçèì. Ýòíèê âà ìàäàíèé òóëè÷äàëèê óøáó âîқþåëèêíèíã ôàêòè áыëèá, øó áîèñ ìóììîíè òàí îëèø âà óíè òóçàòèøíè ыðãàíèø çàðóð.

**XУЛОСА**

Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà àxëîқ, àäîëàò âà ñèôàò қàäðèÿòëàðèãà àñîñëàíàäè. Ó ìèæîçãà õèçìàò êыðñàòèøäà èøëàá ÷èқàðèø æèxàòëàðèãà óð\ó áåðàäè. "Íèìàíè áóþðàñèç" øèîðè "Áó ìåíèíã èøèì ýìàñ" øèîðè óñòèäàí \àëàáà қîçîíàäè. Íîâàòîðëèê âà èæîäêîðëèê ñòàòóñ êâîòàí \îëèá êåëàäè. Õèçìàò÷èëàðãà âà ìèæîçëàðãà ìàúқóë áыëãàí ôàëñàôàíè þòãàí êîðõîíà ìóâàôôàқèÿòãà ýðèøàäè. Áàð÷à ôàîëèÿòè êîðïîðàòèâ ôàëñàôàäàí êåëèá ÷èққàí Äèñíåé áóíãà ¸рқèí ìèñîëäèð.

Êîðïîðàòèâ ôàëñàôàíèì òóçèøíè ÿãîíà ôîðìàñè éық. Ìóxèìè, ó êîðõîíà æàìîàñèãà òóøóíàðëè áыëèøè. Øóíèã ó÷óí óíäà áыëèøè ëîçèì.:

4. Ìàқñàäëàðíè àíèқ êыðñàòèø
5. Êîðõîíà ìàñúóëèÿòèíè àíèқëàá îëèø
6. Äàðîìàäëàð óñòèäàí óñòóâîðëèê òàìîéèëè

Êîðõîíà îáðыñè óíèíã êîðïàðàòèâ ôàëñàôàãà ñàäîқàòè íè\îÿòèæàñèäà øàêëëàíàäè. Ó æàìîà áàð÷à àúîëàðè äóí¸þқàðàøèíè áèð қèñìèãà àéëàíèøè çàðóð. Ôàëñàôà þқîðèäàí êîðïîðàöèÿ þқîðèñèäàí ïàñòèãà÷à áàð÷à ìàíñàá ëàâîçèìëàðãà òåã òàқñèìëàíãàí xîëäà ñèíãàí òàқäèðãà ыç xà¸òèéëèãèíè ñàқëàéäè.

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:** Âèêàð íàçàðèÿëàð, Íîìàðêàççëàøòèðèø, Óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàøòèðèø, Èíäóâèäóàë ìîòèâàöèÿ, Êîìïóíèêàöèÿ, Êîíòåíò íàçàðèÿëàð, Íàçîðàò, Êîðïîðàòâ ìàäàíèÿò, Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà, қисқа ìóääàòëè ðåæàëàøòèðèø, øàõñèé æàâîáãàðëèê, ìèññèÿ, ìîòèâàöèÿ, áîøқàðóâ ìåú¸ðè,  ñèôàòíè òыëà áîøқàðèø, қàðîð қàáóë

қèëèø, ïðîôåññèîíàëëèê, ïðîöåññîð íàçàðèÿëàð, ðåçþìå, êóçàòóâ õàòè À. Ìàñëîó íàçàðèÿñè, Ô.Õåðöáåðã íàçàðèÿñè, ìîòèâàöèÿ ãèãèåíèê íàçàðèÿñè, ìàқñàäëè éылíàëàøè íàçàðèÿñè, ýêâèòàöèÿ íàçàðèÿñè, ýêñïåêòàöèÿ íàçàðèÿñè âà ìàðêàçëàøòèðèøíèíã ìàқñàä âà âàçèôàëàðè, À. Ìàñëîó, Ô. Õåðöáåðã, Õ. Â. Õåëäåíãîíà.

**Íàçîðàò ñàâîëëàðè:**

1. +èñқà ìóääàòëè âà óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàøòðèø ылòàñèäàãè ôàðқèíè òóøóíòèðèíã âà ðåæàëàøòèðèø ïðîöåäóðàñèíèíã åòòè áîñқè÷èíè òóøóíòèðèíã?

2. Êîðõîíàíèíã ðàñìèé âà íîðàñìèé òàøêèëèé òóçóëìàñè òы\ðèñèäàãè ôàðқíè òóøèíòèðèíã?

3. +àðîð қàáóë қèëèø æàðà¸íèäà ñàêêèçòà àññîñèé áîñқè÷íè êылñàòèíã? Íèìà ó÷óí ìóðàêêàáàá òàøêèëèé òóçóëìàãà ýãà áылãàí éèðèê êîðõîíàëàðäà êыïðîқ ñòàíäàðò қàðîðëàð қàáóë қèëèíàäè?

4. Ìîòèâàöèÿ òóøóí÷àñèãà èçîх áåðèíã âà Âèêàð ылқèòèø ýêïåêòàöèÿ íàçàðèÿñè íèìàëèãèíè òóøóíòèðèíã?

5. Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà, ñèôàòëè ðàхáàðëèê âà ñèôàòíè òылà áîøқàðèø ылòàñèäàãè ìàâæóä àëîқàíè òóøóíòèðèíã?

6. Èøãà қàáóë қèëèø ïàéòèäàãè ñóхáàòäà ÿõøè êылðèíèø ó÷óí қàéñè ыíòà ïóíêòíè ыéëàá êылðèø êåðàê?

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.

6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm
http://www.world-tourism.org
http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html
http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 10-Мавзу. ÒÓÐÈÇÌÍÈÍÃ ÈÆÒÈÌÎÈÉ ÏÑÈÕÎËÎÃÈÊ ÀÑÏÅÊÒËÀÐÈ

**1. Туризмнинг жамият ҳаётига таъсири.**

**2. Туристларнинг турлари.**

**3. Туристик фаолликни белгиловчи ташқи омиллар.**

**4. Туристик аҳамиятга эга жойлар ва туристик сайёҳатларни мотивациясидаги роли.**

**5. Туризм ижтимоий иқтисодий ҳодиса сифатида.**

### 10.1 ÒÓÐÈÇÌÍÈÍÃ ÆÀÌÈßÒ XÀ¨ÒÈÃÀ ÒÀÚÑÈÐÈ

Òóðèçì ìàxàëëèé àxîëèíèíã xàòèãà óíèíã ìîääèé âà ìàíàâèé ôàîëèÿòèãà, àäðèÿòëàð òèçèìè, èæòèìîèé xóëқè, ìàíôààòëàðèãà òóðëè äàðàæàäà òàúñèð êыðñàòàäè. Èæòèìîèé ìààíèé ôàîëëèê êóçàòèëà¸òãàí, òóðèçì àíúàíàâèé õàðàêòåð êàñá ýòãàí âà òóðèñòëàð ñîíè ìàxàëëèé àxîëè ñîíèäàí êàì áыëãàí, óëàðíèíã ìààíèé äàðàæàñè òàxìèíàí áèð õèë áыëãàí ìèíòàқàëàðäà òóðèçìíèíã àëîxèäà òàúñèðè ñåçèëìàéäè. Áèðîқ ñàíîàò ðèâîæëàíãàí ìèíòàқàëàðäà òóðèçìíèíã ыñèøè èæòèìîèé òóçèëìàäà, àòðîô ìóxèòäà âà ìàxàëëèé ìààíèÿòäà êàòòà ыçãàðèøëàðãà ñàáàá áыëèøè ìóìêèí. Áó xîëàò ìààíèÿòëàð îðàñèäàãè àëîқàëàðäàí êåëèá ÷èқàí èæòèìîèé ыçàðî òàúñèð ìóàììîëàðèíè ыðãàíèíã àñîñè áыëèá қîëàè.

Òóðèñòëàð áèëàí ìàxëëèé àxîëè ыðòàñèäàãè ыçàðî ìóíîñàáàòëàðíèíã xàðàêòåðè ñåçèëàðëè äàðàæàäà ó ¸êè áîøқàëàð òóðëè ìààíèÿòëàð òàøóâ÷èëàðè ýêàíëèãè áèëàí áåëãèëàíàäèêè, óëàð ыðòàñèäàãè àëîқà òóðèñòëàð äàì îëà¸òãàí ìàxàëëèé àxîëè èøëà¸òãàí ôóðñàòäà þç áåðàäè âà âàқòèí÷àëèê xàðàêòåð êàñá ýòàäè.

*Òóðèçìíèíã ìàxàëëèé àxîëè xà¸òèãà èæîáèé ¸êè ñàëáèé òàúñèðè áыëèøè ìóìêèí.*

* Èæîáèé àñïåêòëàðãà қóéèäàãèëàð êèðàäè:

* Èø ыðèíëàðèíè áàðïî ýòèëèøè

* Äàðîìàäëàðíèíã êыïàéèøè, áó ìàxàëëèé àxîëè òóðìóø äàðàæàñèíè îøèðèøãà îëèá êåëàäè.

* Óðáàíèçàöèÿ æàðà¸íëàðèíè òåçëàøóâè, øàxàð õèçìàòëàðè, èíôðàòóçèëìàëàð, ìààíèÿò òàøêèëîòëàðèíè ðèâîæëàíèøè

* Èæòèìîèé âà ìààíèé æàðà¸íëàðíèíã òåçëàøóâè

* Ìàxàëëèé ìààíèé қàäðÿòëàðíèíã òèêëàíèøè, õàëқ èæîäè¸òèíã óðô-îäàòëàðè, àíúàíàëàðè õàëқ õóðàíìàíä÷èëèãè ðèâîæëàíèøè

* +èøëîқ õыæàëèê ìàxñóëîòëàðè âà ìàxàëëèé òîâàðëàðãà òàëàáíèíã îøèøè

* ìàxàëëèé ìààíèÿò ¸äãîðëèêëàðíè ñàқëàø âà òèêëàø.

* Òààèàò ìàæìóàëàðèíèã êåíãàéèøè

* Ìèíòàķà æîçèáàëèëèãèíè îøèøè

* Ìàxàëëèé ìàäàíèé xà¸òíèíã æîíëàíèøèøè

*Ñàëáèé àñïåêòëàðãà ķóéèäàãèëàð êèðàäè:*

* Àxîëè òóðëè ãóðóxëàðè ìàíôàòëàðèíèíã ķóòáëàøèøè âà òèæîðàòëàøèøè

* Ìàëàêàëè ìåxíàò óëóøèíè îøèøè; àxëîķíèíã èæòèìîèé ìåú¸ðëàðèäàí ÷åêèëèø ñîíèíè ыñèøè (àëêîãîëèçì, áåçîðèëèê, ôîxèøàëèê)

* Îèëàëàðäàãè “âìèðèëèø” (àæðàëèøëàðè, ¸øëàðíèíã xà¸òãà åíãèë ìóíîñàáàòè)

* Ìàäàíèÿòíèíã òèæîðàòëàøóâè

* Àíèķ òóðìñòèê éыíàëèøíèíã ыçèãà õîñëèãèíè éыķîëèøè

* Ìàxàëëèé àxîëè âà òóðèñòëàð ыðòàñèäàãè çèääèÿòëàð

* Òóðèçìíèíã ñàëáèé òàúñèðè ýíã àââàëî óíèíã òàðòèáãà ñîëèíìàãàíëèãè, îëäèíäàí òàé¸ðãàðëèê âà íàçîðàòíèíã éыķëèãè òóôàéëè ïàéäî áыëèøè ìóìêèí. Áóíäàé øàðîèòäà ìàõàëëèé àxîëè þç áåðãàí ыçãàðèøëàðãà ìîñëàøèø èìêîíèÿòèãà ýãà ýìàñ.

Òóðèñòëàðãà ñàëáèé ìóíîñàáàò ìàíôààòëàð ыðòàñèäàãè çèääèÿò áыëèøè ìóìêèí: Ìàxàëëèé àxîëè êåëãàíëèêëàðãà ķàðøè äóøìàíëèê êàéôèÿòèäà, ÷óíêè óëàð “óëàðíèíã ááëè\ëíè òóòàäè, óëàðíèíã ыðìîíëàðèäà îâ ķèëàäè” âà x.ê. Ìàxàëëèé àxîëèíèíã íîðîçèëèãè ìîääèé àxâîë ыðòàñèäàãè ôàðķäà, ķàäðèÿòëàð òèçèìèäà, èæòèìîèé íîòåíãëèê xèññèäà âà èæòèìîèé êàìñèòèëèøäà íîìî¸í áыëèøè ìóìêèí. Àéðèì ìàìëàêàòëàðäà òóðèñòèê èíäóñòðèÿäà èøëîâ÷è ìàxàëëèé àxîëèíèã äàðîìàäè áîøķà ñîxàäà áàíä áыëãàíëàðäàí àí÷à þķîðè. Ìàñàëàí, òóðèñò ¸ø ÷îïàðãà þíè åòêàçèá áåðãàíè ó÷óí ÷îé-÷àķà ñèôàòèäà áèð äîëëàð áèðèøè ìóìêèí, àéðèì ïàéòäà ÷îïàðíèíã îòàñè áèð íå÷à êóí ìîáàéäà î\èð ìåxíàò áèëàí áèð äîëëàð èøëàäè. Áóíäàé âàçèÿò èæòèìîèé çèääèÿòíè ïàéäî ķèëàäè, “åíãèë” ïóëëàð òàñàââóðèíè òó\äèðàäè. Òóðèçìíèíã ìàxàëëèé àxîëèãà èæîáèé âà ñàëáèé òàúñèðè òóðëè äàðàæàëàðäà – ìèëëèé, ìàxàëëèé ¸êè èíäèâèäóàë äàðàæàäà íîìî¸í áыëàäè. Òóðèñòèê ýxòè¸æëàðíèíã ķîíäèðèëèøè ìèíòàķàëàð âà óëàð áîðãàí ìàìëàêàòëàð àxîëèñèíèíã èæòèìîèé âà èķòèñîäèé ìàíôààëàðèãà, ìàäàíèé âà òàðèõèé ķàäðèÿòëàðèãà, àòðîô-ìóxèòãà âà òàáèèé ðåñóðñëàðãà çàðàð êåëòèðìàñëèãè ëîçèì.

Êыïëàá ñàëáèé òàúñèðëàðäàí òóðèçìíèíã ðèâîæëàíòèðèøäà êîìïëåêñ ðåæàëàøòèðèø âà óøóáó æàðà¸íëàðíè çàìîíàâèé áîøķàðèø óñóëëàðíè òàòáèķ ýòèø éыëëàðè áèëàí (xóäóäëàðäàí âà ðåñóðñëàðäàí ôîéäàëàíèøäà íàçîðàòíè êó÷àéòèðèø, ìàõàëëèé àxîëè ìàúðèôàòèíè þêñàëòèðèø ñè¸ñàòèíè ыòêàçèø), øóíèíãäåê, óíèíã ýíã ñàìàðàëè éыíàëèøëàðè ìåçîíëàðèíè áåëãèëàø éыëè áèëàí áàðòàðàô ýòèø ìóìêèí.

## 10.2 ÒÓÐÈÑÒËÀÐÍÈ ÒÓÐËÀÐÈ

Æàxîíàà òóðèñòëàð ñîíèíèíã ыñèøè âà òóðèñòèê éыíàëèøëàð îìèàâèé áыëà¸õãàí ìàìàëèàòëàð âà æîéëàð ñîíè ыñèøè êóçàòèëìîқäà. Îìèàâèé òóðèçì õóääè ìàäèíé xîäèñà ñèôàòèäà æàìèÿòäà þç áåðà¸õãàí ыçãàðèøëàð òàúìèðäà ðèâîæëàíìîқäà.

+îèäàãà êыðà, òóðèñòëàðíèíã àñîñèé қèñìè ñà¸xàò äàâðèäà ыçëàðè ÿøàéäèãàí æîéëàðäà òàðқàëãàí íèìàäèð "òàíèø" íàðñàëàðãà çàðóðàò xèñ қèëàäè. ìàñàëàí, ìèëëèé îøõîíà ¸êè áèð òèëäà ñыçëàøóâ÷è xàìðîx "òàíèø "áыëèøè ìóìêèí. ыçáåêèñòîíëèê ñàé¸x õîðèæäà ñà¸xàò қèëà òóðèá, ыçáåê ìèëëèé òàîìëàðè áыëãàí ðåñòîðàíè êыðèá õóðñàíä áыëàäè., þðòäîø áèëàã ó÷ðàøóâ ýñà óíäà øóíäàé қóâîí÷ òó\äèðàäèêè, áóíäàé қóâîí÷íè ó ыç ìàìëàêàòèäà xå÷ қà÷îí xèñ қèëìàéäè. "òàíèø"íèíã ìàâæóäëèãè òóðèñòãà ñà¸xàò äàâîìèäà ыçèíè қóëàé âà xàòòî õàâôñèç ñåçèøãà, ñàôàðäàí ìàççà қèëèøãà èìêîí áåðàäè. Ìàúëóì æàìîàò÷èëèê ìóxèòèäà øàêëëàíãàí îäàìãà áåãîíà ìóxèòäà "çыðèқèø" қыðқóâ âà âàxèìà òó\äèðèøè ìóìêèí.

Òóðèñòíèíã "ÿíãèëèêêà" ìîñëàøóâèäà óíèíã èíäèâèäóàë ñèôàòëàðè ìóxèì àxàìèÿòãà ýãà. Òóðèñòëàðíèíã ìàúëóì òóðëàðèãà"ÿíãè" âà "òàíèø" êàìáèíàöèÿëàðèíèíã øàðòëè òàíëîâè òыðò òóðäàãè òóðèñòëàðíè àæðàòèøãà èìêîí áåðàäè:

1. *Òàøêèëëàøòèðèëãàí îììàâèé òóðèñò.* Óíèíã ó÷óí òóðèñòèê ìàðøðóòò àââàëäàí áåëãèëàíàäè. Òàøêèëëàøòèðèëãàí îììàâèé òóðèñò îììàâèé ñîòèøãà òàêëèô ýòèëà¸õãàí íàâáàòäàãè òîâàð êàáè қàáóë қèëèíèá âà áàxîëàíèá, ñàôàð äàâîìèäà xå÷ қàíäàé қàðîð қàáóë қèëèíìàéäè. Áóíäà "ÿíãè" âà "òàíèø" ыðòàñèäàãè íèñáàò – ìàêñèìóì "òàíèø", ìèíèìóì"ÿíãè" áыëàäè.
2. *Èíäèâèäóàë òóðèñò.* Óíèíã ó÷óí xàì ìàðøðóòò àââàëäàí ðåæàëàøòèðèëàäè, àììî òыëèқ ýìàñ âà èíäèâèäóàë òóðèñòíèíã òàøêèëëàøòèðèëãàí òóðèñòäàí àñîñèé ôàðқè xàì øóíëäàí èáîðàò. Èíäèâèäóàë òóðèñò òóðëàðèíè øàêëëàíòèðèøäà қèñìàí қàòíàøàäè, ñàôàð âàқòè âà éыíàëèøèíè íàçàðàò қèëàäè, ãóðóx äîèðàñè áèëàí ÷åêëàíìàéäè, áàð÷à õèçìàòëàðíè òóðèñòèê òàøêèëîò òîìîíèäàí îëàäè. Áó åðäà "òàíèø" óñòóí xèñîáëàíàäè, àììî êàìðîқ äàðàæàäà.
3. *Òóðèñò òàäқèқîò÷è.* Ñàôàðíè ìóñòàқèë òàøêèë ýòàäè, ãàâæóì òóðèñòèê ìàðøðóòëàðäàí қî÷àäè, àììî æîéëàøòèðèøäà, òàøèøäà îììàâèé òóðèçìãà õîñ áыëãàí қóëàéëèêëàðíè ìàúқóë êыðàäè.

Ñàé¸x òàäқèқîò÷è ìàxàëëèé àxîëè áèëàí ÿқèíëàøèøãà èíòèëàäè. Òàøêèëëàøòèðèëãàí îììàâèé âà èíäèâèäóàë òóðèñòëàðäàí ôàðë ðàâèøäà "òàíèø"äàí óçèëàäè, àììî ìàúëóì øàðîèòëàðäà óíãà қàéòèøãà äîèì òàé¸ð áыëàäè. "ÿíãè" óñòóíëèê қèëàäè, àììî "òàíèøãà" êàìðîқ áî\ëèқëèê ìàâæóä áыëàäè.

4. *Òóðèñò - äàéäè.* “òàíèø”ääí ôàîë ðàâèøää êåòààè, ñàé¸xëèê òàøêèëîòëàðè áèëàí xàð қàíääé àëîқàëàðíè ðàä ýòààè, óìóì қààóë қèëèíãàí òóðèçìíè “çè÷”, æîùçèáààîðëèêààí ìàxðóì äåá xèñîáëàéäè. Òóðèñò äàéäè xàììàñèíè ìóñòàқèë áàæàðèøãà ìîéèë âà ôàқàò ыçèãà èøîíàäè, óíäà áåëãèëàíãàí ìàðøóðóò, xàðàêàòëàíèø æàäâàëè, ÿíãè ìàðøóðóòëàðäàí ìàíôààòäîð áыëãàí îìèëâèé òóðèçìëàðãè àíèқ ìàқñàä éық.

Àãàð òóðèñò òàäқèқîò÷è ñà¸xàò÷èíèíã ыçèãà õîñ èíòåðïðåòàöèÿñèãà ýãà áыëñà, òóðèñò äàéäè êыïðîқ ыòààí àñðäààãè æàxîíãàøòàëàðãà ыõøàéäè. ыç äóí¸ қàðàøè âà ñà¸xàò óñëóáèãà êыðà òóðèñò äàéäè xîäèñà xèñîáëàíàäè: óíîòàíèø ìóxèò âà ìàxàëëèé àxîëè áèëàí áåâîñèòà àëàîқà èçëàéäè, ìàúëóì àðøóðóò âà æàääâàëñèç, øóíèíãäåê, àíèқ ìàíçèëñèç ñà¸xàò қèëàäè. қóëàéëèêè èçëàíàéäè âà қîèäààã êыðà êàìòàðîíà ìîääèé èìêîíèÿòëàðè äàðàæàñèäà îääèé ÿøàéäè. ¸ðàðêàòëàíèø âîñèòàñè ñèôàòèäà òы\ðè êåëãàí íàðñàëàðäàí ôîéäàëàíàäè: âåëîñïåä, қàéèқ, éыëîâ÷è òðàíñïîðò, êыïðîқ ÿ¸â þðàäè. Âàêèëëàðè ыç òóðèãà êыðà îìàâèé òóðèçìãà ìóõîëèôàò xèñîáëàíãàí òóðèñò äàéäèíè àëîxèäà ñóá ìààíèÿòãà àæðàòèø ìóìêèí.

Øóíäàé қèëèá òóðèñòèê ðîëëàð òóðëàðè øàêëëàíãàí ыçãàðóâ÷àí àñîñèäà “ÿíãè” âà “òàíèø” íèñáàòè àñîñèé ìàñàëà xèñîáëàíàäè. xàð қàíääé òóðèñòèê ðîë èñòåúìîë÷èëèê àõëîқèíèíã, ñà¸xàò ìîòèâëàðè âà òóðèñòèê ìàxñóëîò òàíëîâèíèíã àëîxèäà øàêëè áèëàí õàðàêòåðëàíàäè.

Ìàúëóìîòëàð òóðèçì èíòèқàãà êàòòà òàúñèð êыðñàòààè, қàéñèêè ó ðèâîæëàíàäè âà óøáó òàúñèðíèíã êó÷è òóðèñòèê ðîëëàðíèíã øàêëè âà òóðèãà áîã\ëèқ. Òóðèñòèê òàëàááà ìîñëàøóâ íóқòàè íàçàðèäàí èíñòèòóöèîíàë òóðèñòèê ôîðìàëàð êàòòà òàúñèð êыðñàòàäè, àéíàí óëàð ó÷óí òóðèñòèê èíôðàòóçèìà, ìîääèé áàçà, қыøèì÷à àòðàêòèâ íàâêèòëàð âà òàääèðëàð áàðîî ýòèëààè. Íîèíñòèòóöèîíàëèòóòðèñòèê ôîðìàëàð áó ìóíîñàáàòäà ìèíòàқàãà êàì òàúñèð êыðñàòàäè.

## 10.3 ÒÓÐÈÑÒÈÊ ÔÀÎËËÈÊÍÈ ÁÅËÃÈËÎÂ×È ÒÀØ+È ÎÌÈËËÀÐ

Òóðèñòèê ôàîëëèê òóðèçì áèëàí áåâîñèòà áî\ëàíìàãàí àììî òóðèñòèê ìàxñóëîò òàëàáèãà øàêëè âà xàæìè áèëàí òàúñèð қèëóâ÷è қàòîð îìèëëàðãà áî\ëèқ. ÁÑÒ òóðèçìíè ðèâîæëàíèøàã éыíàëèø áåðóâ÷è âà òóðèñòèê îқèìëàðèíèíã éыíàëèøèíè øàêëàíòèðóâ÷è òàøқè (ýêçîãåí) îìèëëàðíè àæðàòàäè.

* Äåìîãðàôèê âà èæòèìîèé ыçãàðèøëàð

* Ñèåñèé ðèâîæëàíòèðèø

* Ñè¸ñàòäà, қîíóí÷èëèê âà ðåãóëèÿòèâ ñîxàëàðäà ыçãàðèøëàð

* Èқòèñîäèé âà ìîëèÿâèé ыçãàðèø

* Òðàíñïîðò èíôðàòóçèëìàñè âà àõâîðîò òàúìèíîòè ñîxàñè

* Ñà¸xàò õàâôñèçëèãè

Äåìîãðàôèê âà èæòèìîèé ыçãàðèøëàð êыïðîқ ìèқäîðäàãè îäàìëàð ñà¸xàòãà  âàқò âà ïóë àæðàòèøíè ìàúқóë êыðèøèäà êыðèíàäè. Àñîñèé äåìîãðàôèó âà èæòèìîèé ыçãàðèøëàðãà қыéèäàãèëàð êèðàäè:

* àxîëèíèíã қàðèøè

* èøëîâ÷è à¸ëëàð ñîíèíèíã êыïàéèøè

* êå÷èêêàí íèêîxëàð àíúàíàñè

* ¸ë\èç îäàìëàð óëóøèíèíã îøèøè

* àxîëè íóôóçè ыñèøèäà íèñáàòàí  áåôàðçàíä îèëàâèé æóôòëèêëàð ñîíèíèíã æàäàë ыñèøè

* îèëàâèé äàðîìàäíèíã îøèøè

* òыëîâ òàúòèëëàðè äàâîìèéëèãèíèíã îøèøè

* èìèãðàöèîí ÷åêëîâëàðíèíã çàèôëàøóâè

* ïåíñèÿãà ÷èқèøäà ¸ø ÷àðқèíè ïàñàéèø òåíäåíöèÿñè

* òóðèçì èíêîíèÿòëàðèíè òóøóíèøíèíã ыñèøè

*Àxîëèíèíã қàðèøè.* Áó óðóøäàí êåéèíãè (1945éèëäàí áîøëàá) òó\èëèøíèíã êыïàéèøè, óíèíã 60-70 éèëëèëàðäà ïàñàéèøè âà øóíãà ìîñ òàðçäà 15-25 ¸øäàãè àxîëè ñîíèíèíã ïàñàéèøè, øóíèíãäåê    èíäóñòðèàë ðèâîæëàíãàí âà ðèâîæëàíà¸òãàí ìàìëàêàòëàðäà ыç ñàëîìàòëèãè òы\ðèñèäà қàé\óðà¸òãàí  êàòòà ¸øäàãè àxîëè óìðèíèíã óçàéèøè íàòèæàñèäèð. Äåìîãðàôèê êыðñàòêè÷ëàð êàòòà ¸øäàãè  ãóðóx îäàìëàð(55-59 ãà÷à) õàëқàðî òóðèçìäà ìóxèì ðîë ыéíàé áîøëàéäè, þқîðè òóðèñòèê ôàîëèÿò íàìî¸í ýòàäè.

*Èøëîâ÷è à¸ëëàð ñîíèíèíã îøèøè, êàðüåðàãà èíòèëèø, êå÷èê íèêîxëàð òåíäåíöèÿñè.* Áó ыçãàðèøëàð òóðèñòèê áîçîðäà "èøáèëàðìîí õîíèìëàð" ñåãìåíòèíè êåíãàéèøàãà òàúñèð êыðñàòàäè.

*¸ë\èç îäàìëàð óëóøèíèíã  îøèøè âà ôàðçàíäñèç îèëàëàðíèíã òåçêîð ыñèøè.* Óøáó ыçãàðèøëàðíèíã òàúñèðè òóðèñòèê áîçîðäà òàúòèë âàқòëàðèäà äàì îëèø ó÷óí "¸ë\èçëàð" ó÷óí ñàôàðëàð ñåãìåíòèíèíã  êåíãàéèøèäà àêñ ýòàäè.

*Îèëàâèé äàðîìàäíèíã îøèøè.* Îèëàâèé äàðîìàäíèíã îøèøè áèëàí òóðèñòèê ôàîëëèêíèíã êыïàéèøè  òàúòèë äàâðèäà îäàìëàð êыï ïóë õàðàæàò қèëèøëàðèäà  íàìî¸í áыëàäè. ыðòà ¸øäàãè òàúìèíëàíãàí òóðèñòëàð  ôàîë äàì îëèøãà êыïðî ýúòèáîð қàðàòàäè. Þñàê ñèôàòëè òóðèñòèê ìàxñóëîòëàðíè  òàêëèô ýòóâ÷è  êыíàëèøëàð ìîääà àéëàíàäè.

*Òыëîâ òàúðèëè äàìâîìèéëèãèíèã êыïàéèøè.* Óøàó èæòèìîèé îìèë ôàîëèÿò ìàķñààëàðè âà òóðëàðè áыéë÷à ñàôàðëàðëàãà ýúòè¸æíèíã êыïàéèøèãà, øóíèíããåê "ыðòà" âà "ķóéèè" ìàâñóìëàðäà òóðèñòèê ôàîëëèêèíèã îøèøèãà òàúñèð ķèëàäè.

*Èììèãðàöèÿ ÷åêëîâëàðèíèã çàèôëàøóâè.* 2010 éèëãàà áîðèá ó÷èí÷è äóí¸ ìàìëàêàòëàðèäà èø÷è êó÷è 700 ìèëëèîí êèøèãà åòèøè åêóòèëìîķäà, øó âàķòäà ÿíãè èíäóñòðèàë ìèëàêòëàðèäà ¸ø àxîëè ñîíè àâââëãè äàðàæàäà ķîëààè ¸êè êàìàÿäè. ÁÑÒ èø÷è ãóðóxèíèíã ïðîíîçèãà êыðà, áó ðèâîæëàíãàí ìàìëàêàòëàðäïà èķòèñîäèé ыñèøíè óøëàá òóðèø ó÷óí èíñîí ðåñóðñëàðèíè æàëá ýòèø ìàķñàäëàä èììèãðàöèÿ ÷åêëîâëàðèíè çàèôëàøèòóâèãà äàââò ýòàäè. Òóðèçìíèíã ðèâîæëàíèøãà á ķóéèäààãè òàðçãà àêñ ýòàäè:

Èø÷è ìóxîæèðëàð ÿøîâ÷è ìàìëàêàòëàð âà õîðèæäàãè èø áèëàí áàíäëèê ìàðêàçëàðè ыðòàñèäà ñàôàðëàð ñîíè îøàäè.

Ìàõñóñ ýòíèê ãóðóxëàðãà ìыëæàëëàíãàí òóðèñòèê ìàxñóëîò ïàéäî áыëàäè.

*Ïåíñèÿãà ÷èķèøäà¸ø öåíçèíèíã ïàñàéèø òåíäåíöèÿñè.* ÁÑÒ èø÷è ãóðóxè ôèêðèãà êыðà, ìàúëóìîò äàðàæàñè, ìîääèé òàúìèíîò, ñàëîìàòëèêè âà ôàîëëèê ïåíñèîíåðëàðãà óçîķ èìóääàòëè òóðëàð, òóðëè-òóìàí òóðèñòèê ìàxñóëîòëàðäàí ôîéäàëàíèø èìêîíèíè áåðàäè

*Òóðèçì èìêîíèÿòëàðèíè àíãëàøíèíã ыñèøè.* Îäàìëàðíèíã áèð-áèðèãà òàúñèðè óìóìæàxîí,êîñìîïîëèòèê xà¸ò óñëóáèíè øàêëëàíòèðàäè. Áîøķà ìàäàíèÿòëàðãà ķèçèķèø ñà¸xàò ķèëèø âà ÿíãè áèëèì à òààññóñðîòëàð îëèø èñòàãèíè òó\ãèäàäè. ßíãè âà êыï âàðèàíòëè òóðèñòèê ìàxñóëîòãà çàðóðàò ïàéäî áыëàäè.

*Èķòèñîäèé âà ìîëèÿâèé ыçãàðèøëàð.* Òóðèçì èķòèñîäè¸ò ķàíäàé ôàçààà (ê1ыòàðèëèø ¸êè ïàñàéèø) ýêàíîìèêàíè ñàçóâ÷àí. 1997-1998 éèëëàðäààãè êðèçèñ êыàãèíà ìàìëàêàòëàðäà òóðèçìíèíã ðèâîæèãà òàúñèð ķèëäè. Ðîññèÿäàð êåëèø òóðèçìèíã ïàñàéèøè àâãóñòäàí (1998 éèë ) ðóáë êóðñèíèíã ïàñàéèøè áèëàí þç áåðäè âà àxîëè õàðèä ëà¸ķàòè âà ïàñàéèøè âà õîðèæãà ñàôàð óþøòèðîóâè÷ äàðîìàäãà ýãà áыëãàíëàðíèíã ķñèķàðèøè óìóìèé ïàñéèøè áèëàí ñîäèð áыëäè. Áó ýíã àââàëî ñà¸xàòãà æыíàø èìêîíè áîð àìì óíäàí ôîéäàëàíìàãàí ðîññèÿëèê òóðèñòëàðíèíã ýxòè¸æëàðèíè ķîíäèðèøãà éыíàëòèðèëãàí èññèķ èķëèìëè ìàìëàêàòëàð òóðèçì èíäóñòðèÿñèãà àêñ ýòäè.

Âàëþòà êóðñëàðèäà ыçãàðèøëàð xàì òóðñèòèê ôàëîëèêêà òàúñèð êыðñàòàäè. Õîðèæãà ñàôàð þķèëèø íàðõèíèíã 5 ôîèçãà ыñèøè êåëèø òóðèçìèãà òàëààíè 6-10 ôîèçãà ïàñàéèøèãà îëèá êåëàäè, äåá xèñîáëàíãàäè. Øóíèíã ó÷óí àíîñèé âàëþòàëàðääàãè ыçãàðèøëàð êó÷ëè âà êó÷ñèç âàëþòàëàðãà ýãà ìàìëàêàòëàð ыðòàñèäà òóðèñòèê îķèìëàðãà òàúñèð ýòàäè.

***Òðàíñïîðò èíôðàòóçèëìàñè âà àõáîðîò òàúìèíîòè âîñèòàëàðèíèíã àxâîëè.***

Òðàíñïîðòèéã ÿìàä òàêîìèëëàøãàí òóðëàðè àõàíðîò òàúìèíîè âîñèòàëàðèäàí ôîéäàëàíèø, øóíèíãäåê, òóðëàðèíè êîìïþòåð îðқþàëè ðàñìèéëàøòèðèø ñàôàðëàðíè òàøêèë ýòèøíè âà òóðèñòëàðíè áåëãèëàíãàí ìàíçèëãà òåçêèíè îñîíëàøòèðàäè.

Øóíäàé қèëèá òóðèñòèê ìîòèâëàð òóðèñòèê ìàxñóëîòãà òàëàá òàíëîâíèíã ìàâæóäëèãè êîìïîíåíòëàðè ñèôàòèäà қàòîð òàúñèðëàðíèíã îáúåêòè xèñîáëàíàäè. áóëàð қàòîðèäà áåâîñèòà òóðèñì áèëàí áî\ëèқ áыëìàãàí àìì òóðèñòèê ìàxñóëîòíèíã òàëàá âà òàêëèô øàêëèãà âà xàæìèãà òàúñèð қèëóâ÷è òàøқè îìèëëàð xàì êèðàäè. Øóíèíã ó÷óí òóðèñòèê ìîòèâàöèÿíèíã "òîçà" êыðèíèøäà ýìàñ áàëêè, òàúñèðíèíã òóðëè îìèëëàðèíè xèñîáãà îëãàí xîëäà î÷èø âà êыðèø çàðóð.

## 10.4 ÒÓÐÈÑÒËÀÐÃÀ ÌыËÆÀËËÀÍÃÀÍ ÆÎÉ ÂÀ ÓÍÈÍÃ ÒÓÐÈÑÒÈÊ ÑÀ¨XÀÒÃÀ ÑÀÁÀÁ ÁыËÈØÃÀÃÈ ÐÎËÈ

Ñà¸xàò ìàқñàäè òы\ðèñèäàãè қàðîð òóðèñòèê ìàíçèëíè òàíëàø àòðîôèäà òыïëàíàäè. Áó ìàúëóì ó÷àñòêà, æîé, ìèíòàқà ¸êè ìèëëèé xóäóä áыëèøè ìóìêèí. Òèæîðàò ìèқ¸ñèäà òóðèñòèê ìàíçèëíèíã ыðíè ñàôàð, äàì îëèø áèëàí ÷åêëàíìàéäèãàí ìàúëóì ñîíäàãè îäàìëàðíèíã ìàâñóìèé ¸êè éèë áыéè êåëàäèãàí xóäóäëàðèíè қàìðàá îëàäè. Òóðèñòèê äàì îëèøãà ìыëæàëëàíãàí æîé òóðèñò ñàôàðèíèíã ìàқñàäè xèñîáëàíàäè.

Òóðèñòëàðãà ìыëæàëëàíãàí æîé қàáóë қèëèø ëà¸қàòèãà êыðà èêêèòà òîèôàãà áыëèíàäè:

1)êàòòà xàæìäàãè òóðèñòëàðíè қàáóë қèëóâ÷è, áóíäà ñàëáèé òàúñèðíè ñåçìàéäèãàí âà ыç òóðèñòèê қè¸ôàñèíè éықîòìàéäèãàí éèðèê øàxàð;

2)òóðèñòëàðíè қàáóë қèëèøäà ÷åêëàíãàí èìêîíèÿòãà ýãà áыëãàí xóäóä, ãàð÷è æîéëàøòèðèø âîñèòàëàðèíè êåíãàéòèðãàí òàқäèðäà xàì (ìàñàëàí, қàáóë қèëèø èìêîíèÿòëàðè ïëÿæ ыë÷àìè, қîÿëàð ìàñîôàñè âà xîâàçî êыðñàòêè÷ëàð áèëàí áåëãèëàíóâ÷è òî\ëè êóðîðòëàð).

Òåðèòîðèÿíèíã ãåîãðàôèê äàðàæàñèíè îøèøè àòðîô ìóxèòãà âà äàì îëóâ÷èëàðãà ñàëáèé òàúñèð êыðñàòèøè ìóìêèí, íàòèæàäà òóðèñòèê æîé ыç æîçèáàñèíè éықîòàäè.

Xóäóä ãåîãðàôèÿëàøòèðèëèíèíã ìàúëóì äàðàæàñè åòèøèøè òóðèñòëàð xàðàêàòè æàðà¸íëàðèíèíã ïàñàéèøèãà îëèá êåëàäè: òóð ìàxñóëîòèíèíã ïîòåíöèàë èñòåúìîë÷èëàðè ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíè ïàéäî áыëèøè ó÷óí қóëàé øàðîèòëàð ÿðàòèá, àíøқà æîéëàðãà æыíàøíè ìàúқóë êыðàäè. Øóíäàé қèëèá ñàôàðãà òàëàá ыñèø èìêîíèÿòè ïàéäî áыëàäè, áó ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíè áàðïî ýòèø ìàíáàè áыëèá õèçìàò қèëàäè.

Òóðèñòëàðíèíã xàðàêàòëàíèø æàðà¸íëàðèíèíã ыñèøè âà êó÷àéèøè òóðèñòëàðãà ìыëæàëëàíãàí ÿíãè æîéëàðíèíã ïàéäî áыëèøèíè ðà\áàòëàíòèðàäè âà áó íàôàқàò àíúàíàâèé êàòòà òóðèñòèê îқèìëàðíè áåðàäèãàí ìèíòàқàëàð ó÷óí õàðàêòåðëè, æàxîíäà ÿíãè òóðèñòèê

ìàêîíëàðíè ķàéòà òàķñèìëàøãà äàúâàò ýòóâ÷è òóðèñòèê îķèìëàðíè áàðïî ýòãàí ìèíòàķàëàð ñîíè ыñèá áîðìîķäà.

Ñàôàð êыíãèëëè xàðàêàò ñèôàòèäà èêêèòà íàçîðàò íóķòàñèíè ķàìðàá îëàäè:

1) æыíàø ïóíêòè

2) êåëèø ïóíêòè. Íàçîðàò íóķòàëàðèíèíã xàð áèðè ыç ðîëèíè ыéíàéäè âà óíèíã àxàìèÿòè ñàôàð òóðèãà áî\ëèķ. Ñàôàð ñàâààëàðè äàñòëàáêè íóķòàäà – æыíàø ïóêòè ¸êè êåëèø ïóíêòèäà íèìà ķààóë ķèëèíèø áèëàí áåëãèëàíàäè.

Æыíàø ïóíêòè äàñòëàáêè íóķòà ñèôàòèäà êëàññèê òóðèñòèê ñàâààíè áàðïî ýòàäè-ôàîë äàì îëèøãà ýxòè¸æ, êó÷íè òèêëàø, ïñèõîëîãèê ýðêèíëèê.

Òóðèñòèê ñàâààëàðíèíã ñà¸xàò ìàķñàäèãà àñîñëàíãàí äàñòëàáêè ôàðķè ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíè êыïëàá èìêîíèÿòëàðèíè êыçäà òóòàäè.

Xà¸ò òàðçèíè äèâåðñèôèêàöèÿëàø òóðèñòèê ñàâààëàð ñïåêòèðíè êåíãàéòèðàäè. Òóðèñòèê ñàâààëàð âà ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíèíã ïàéäî áыëèø ыðòàñèäàãè áî\ëèķëèê ķóéèäàãè òàðçäà íàìî¸í áыëàäè:

Òàúòèëíè ыòêàçèøíèíã ìàäàíèÿòãà, ôàîë äàì îëèøãà, òàáèàò áèëàí àëîķàãà óð\ó áåðèëãàí òóðëè êîíöåïñèÿëàðè ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíè ïàéäî áыëèøèíè áåëãèëàéäè.

Èķòèñîäèé(ñè¸ñèé, èëìèé âà ïðîôåññèîíàë) ôàîëèÿò àíèķ òóðèñòèê æîéãà ķèçèķèø êыðñàòãàí êыïëàá ìóòàõàññèñëàð âà õóñóñèé øàõñëàðíè æàëá ýòàäè. Áó xàðàêàòëàøíè àíèķ òóðèñòèê æîéãà ìàæáóðèé áîðèø äåá òàëķèí ķèëèø ìóìêèí, ÿúíè ó åðäà àíæóìàíëàð(êîíãðåññ, àìàëèé ó÷ðàøóâ) ыòêàçèëàäè.

Ñïîðò âîķåàñè ¸êè ìàäàíèé òàäáèð èøòèðîê÷èëàð(òîìîøàáèí)íè ìàæáóðèé òóðèñòèê æîéãà éè\àäè.

Òóðèñòèê æîéíè òàíëàø êыíãèë î÷èø, ýxòè¸æëàðíè, èñòàê âà òóðèñòíèíã êóòãàíëàðèíè ķîíäèðèø èìêîíèÿòëàðèíè áàxîëàø áèëàí áåëãèëàíàäè. Òóðèñòèê æîé ыçèíèíã òàáèèé âà ñóíúèé îìèëëàðè, ìàäàíèé òàäáèðëàðè, ñïîðò ìóñîáàķàëàðè, ñïîðò áèëàí øó\óëëàíèø èìêîíèÿòëàðè âà xîêàçîëàðè áèëàí ыçèãà æàëá ķèëèøè ìóìêèí.

Õèçìàòëàð ñîíè âà ñèôàòèíèíã êàì÷èëèãè òóðèñòèê æîéãà êåëóâ÷è òóðèñòëàð ķèñìèãà ñàëáèé òàúñèð êыðñàòàäè.

Òóðèñòèê æîéíèíã èíäèâèäóàë ķè¸ôàñè òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøíèíã àñîñèé îìèëè xèñîáëàíàäè.

Àéðèì òóðèñòèê æîéëàð ñòèõèÿëè ïàéäî áыëàäè, ÿúíè òóðèòñëàðíè æàëá ýòèø âà óëàðíè ķààóë ķèëèøíè òàøêèë ýòèøäà õóñóñèé øàõñëàð xàì, òóðèñòèê òàøêèëîòëàð xàì xàðàêàò ķèëìàéäè. Ñàôàð âà ðåêëàìà òàøêèëîò÷èëàðè òóðèñòèê æîé ðèâîæëàíèá áîøëàíãàíäàí êåéèí ïàéäî áыëàäè. Òóðèñòèê æîéíèíã ñòèõèÿëè ïàéäî áыëèøè ìàíçàðàëè xóäóä

¸êè æîéãà, äàâîëàø õóñóñèÿòëàðèãà ýãà áыëãàí ìàúäàíëè âà èññèқ áóëîқëàðãà áîé æîéëàðãà қèçèқèø áèëàí ñîäèð áыëèøè ìóìêèí.

Òóðèñòëàðãà íîìàúëóì áыëãàí àéðèì æîéëàð òàâқóëîããà âîқåàëàð áèëàí áî\ëèқ áыëèá, ó æàìîàò÷èëèê ýúòèáîðèé òîðòèøè ìóìêèí.

Øóíäàé êыïãèíà æîéëàð áîðêè, óíääàè ìàäàíèé ìåðîñ қàäðèÿòëàðèãà êыðà çàìîíàâèé òèëäàãè òóðèçì ïàéäî áыëìàñäàí îëäèí òóðèñòèê æîéãà àéëàíãàí. Òóðèòñòèê æîéíèíã àñîñèé óíñóðëàðèãà қыéèäàãèëàð êèðàäè:

æó\ðîôèé ыðèí. Áîøқà óíñóðëàð áèëàí ÿãîíà áóòóíëèêíè òàøêèë ýòàäè âà èñòåúìîë÷è ó÷óí òóðèòñòèê ìàxñóëîò áыëèá xèñîáëàíàäè. Áàúçàí æó\ðîôèé ыðèíèíã ыçè ñàôàðãà ñàáàá áыëèøè ìóìêèí.

Èқëèì, ыñèìëèê âà xàéâîíîò. Òóðèòñòèê æîéíèíã òàáèèé ñèôàòëàðèãà áî\ëèқ áыëàäè âà óíãà ыçèãà õîñ æîçèáà áà\ø ýòàäè.

Òóðèñòëàðíè æыíàòóâ÷è xóäóäëàðäàí óçîқëèê. Ìàñîôàíè áîñèá ыòèøäà àñîñèé ðîëíè òðàíñïîðò èíôðàòóçèëìàñè(àâòîìîáèë âà òåìèðéыëëàð, äåíãèç âà äàð¸ òðàíñïîðòè , àýðîïîðòëàð âà xîêàçî ) ыéíàéäè ëîçèì.

Òóðèñòèê æîéíèíã òàâñèôè êыï æèxàòäàí òóðèñòëàðíè қàáóë қèëèøäà õèçìàòëàðíè òàúìèíëàøè ëîçèì áыëãàí ìàxàëëèé àxîëè òóðìóø äàðàæàñè (äàðîìàä âà óíèíã àxîëè òóðëè қàòëàìëàðèãà òàқñèìîòè, ìàúëóìîò âà ñîқëèқíè ñàқëàø èìêîíèÿòè, ìàäàíèÿò äàðàæàñè âà áîøқàëàð)ãà áî\ëèқ.

Êåëóâ÷èëàðãà õèçìàòíè òàëàá ýòóâ÷è àââàëãàí ìàâæóä áыëãàí ìàø\óëîòëàð âà ÿãè òàøêèë ýòèëãàí èøëàð(æîéëàøòèðèø õèçìàòè, õèçìàò êыðñàòèø ñîxàñè, ãèäëàð âà xîêàçî) ìàxàëëèé àxîëè òîìîíèäàí òàқäèì ýòèëàäè.

ßíãè òóðèñòèê æîéíèíã ïàéäî áыëèøè õàëқàðî âà ìèëëèé ìóàììîëàðè, õóñóñàí ðåãèîíàëíàãàí âà ðåãèîíàëíà¸õãàí ìèíòàқàëàð òåìãñèçëèãè áèëàí èòîàäëàíãàí ìóàììîëàð áèëàí áåâîñèòà áî\ëèқ. Óøáó ìóàììîëàðíè xàë ýòèøäè àxîëèíèíã xàðàêàòëàíèø æàðà¸íëàðè âà ìèíòàқà xà¸òèíè òèêëàíèøäà òàúñèð êыðñàòèøäà ëà¸қàòëè ÿãè òóðèñòèê æîéëàðíè áàðïî ýòèø èìêîíèÿòëàðèí xèñîáãà îëèø çàðóð.

Òóðèñòèê æîéíèíã ìèíòàқà ðèâîæèãà èæîáèé òàúñèðèíè қыéèäàãè øàðîèòëàðãà ñåçèëàäè:

Ìèíòàқààà áóíäàí áîøқà ôîéäàëè ôàîëèÿò ñîxàñè áыëìàãàíäà;

Òóðèñòèê æîéíè ðèâîæëàíèøè ôàîëèÿòíèíã ìàâæóä òóðëàðèíèíã áàðқàðîð ðèâîæëàíèøèãà õàëқèò áåðìàãàíäà âà àòðîô-ìóxèòãà ¸è èæòèìîèé ìàäàíèé ìóxèòãà çàðà êåëòèðìàãàíäà;

Ôàîëèÿòíèíã áîøқà òóðëàðè ÿíãè òóðèñòèê æîéíè áàðïî ýòèøãà õàëқèò áåðìàãàíäà;

Òóðèñòèê æîéíèíã ðèâîæëàíèøè ìèíòàқà èқòèñîäèé âà èæòèìîèé xà¸òè äîèðàñèäà ыòèøè ëîçèì. Øóíèíã ó÷óí óíäàãè ìàâæóä ìàäàíèé, òàðèõèé âà òàáèèé óíñóðëàðäàí îқèëîíà ôîéäàëàíèø ëîçèì.

Ôàқàò òàúòèë âà õèçìàò ыòêàçèøãà éыíàëòèðèëãàí ÿíãè òóðèñòèê æîéíè òàøêèë ýòèø êåðàê ýìàñ. Áóíäàé xîëàòäà òóðèñòèê xàðêàò ìàâñóìèé õàðàêòåð êàñá ýòàäè. Ìàæáóðèé õàðàêòåðäàãè(ñî\ëîìëàøòèðèø, àìàëèé) ñàôàðëàð éèë áыéè xàðàêàò ýxòèìîëèãà ýãà âà ÿíãè òóðèñòèê æîéäà äîèìèé èø ыðèíëàðè áàðïî ýòèëèøè áèëàí áî\ëèқ. Áó ìàқñàäãà òóðèñòèê æîé âà óíèíã òóðèñòëàðíè қàáóë қèëèø èìêîíèÿòëàðè қàòîð ñàáàáëàðãà ìîñ êåëãàí øàðîèòäà ýðèøèø ìóìêèí.

Ìàøxóð òóðèñòèê æîéëàð òóðèñòëàðíèíã xàðàêàòëàíèø æàðà¸íëàðè, àéíèқñà”þқîðè” ìàâñóìäà òàúñèðëàðíè ñåçàäè. Æîé қàí÷àëèê îììàâèé áыëñà áó òàúñèð øóí÷àëèê êàòòà áыëàäè. Êыïãèíà òóðèñòàëð òóðèñòê æîéíèíã îáðыñèãà êàòòà ýúòèáîð áåðàäè.

Òóðèñòèê îқèìëàðíè қàéòà òàқñèìëàøäà àñîññé қèéèí÷èëèê øóíäàêè, ÿíãè òóðèñòèê æîé ìèíòàқà ðèâîæèãà òàúñèð êыðñàòèøè ëîçèì.

Òóðèñòèê îқèìëàðíè қàéòà òàқñèìëàøäà xàðàêàòëàðíèíãòóìóìèé ñòðàòåãèÿñè óøáó ìóàììîíè xàë ýòèøäà èêêè âàðèàíòíè ыç è÷èãà îëàäè:

1) ÿíãè òóðèñòèê æîéãà òàëàáíè áàðïî ýòèø ìàқñàäèäà òóðèñòëàðíè æыíàòóâ÷èëàð ó÷óí ìèíòàқàäà ðåêëàìàäàí ôàîë ôîéäàëàíèø. Áó âàðèàíò êàì ðèâîæëàíãàí ìèíòàқàëàð ó÷óí àí÷à қóëàé;
2) ÿíãè òóðèñòèê æîéíè àñîñèé òóðèñòèê ìàðøóðòò ¸қàñèäà áàðïî ýòèø. ßíãè òóðèñòèê æîéíèíã õàðàêòåðè àíúàíàâèé òóðèñòèê æîéíèíã õàðàêòåðèãà ыõøàø(ìàñàëàí, îääì ãàâæóìèëèãèäà ýðèøãàí қèøêè êóðîðä ¸íèäà ÿíãè ÷àí\è òðàññàñè,) ¸êè қàðàìà-қàðøè, ó ìèæîçëàð áèð қèñìèíè æàëá ýòèø ìàқñàäèäà xóäóä è÷êàðèñèäà òàøêèë ýòèëãàí (ìàñàëàí äåíãèç ñîxèëèäà äàì îëóâ÷èëàð) áыëèøè ìóìêèí;

ßíãè òóðèñòèê æîéíèíã ðèâîæëàíèø ñòðàòåãèÿñè øàêëè èêêèòà áîø òàìîéèëãà àñîñëàíàäè:

1) àââàëäà ìóâàôôàқèÿòëè àìàëãà îøèðèëãàí ìîäåë, ÿíãè òóðèñòèê æîéäà ìóâàôôàқèÿò êàôîëàòè áыëìàéäè;
2) ÿíãè òóðèñòèê æîé øóíäàé òàðçäà ðèâîæëàíèøè êåðàêêè, ó ñà¸xàò ó÷óí òóðèñòèê ñàâäîëàðäà þç áåðàäèãàí ыçãàðèøëàðíè ÿққîë ñåçèá òóðèøè êåðàê;

Óøáó òàìîéèëëàð àñîñëàà áèòòà îìèë ¸òàäè– òóðèñòèê ìàxñóëîò òàëàáèãà äîèìèé ыçãàðèøëàð. Øóíäàé қèëèá, ÿíãè òóðèñòèê æîé àíúàíàâèé òóðèñòèê æîéëàð åòàðëè äàðàæàäà îäàìëàðíè қîíèқòèðìàãàí xîëäà òàëàá âà ñà¸xàò ñàâäîëàðèãà ìîñ áыëèøè ëîçèì.

ßíãè òóðèñòèê æîéíè ðåæèìèéí òóðèñòèê ìàxñóëîò êèì ó÷óí áàðèí ýòèëà¸òãàíëèãè ñàâîëèãà æàâîí áåðèø ó÷óí ìèæîçëàð xàқèâàãè åòàðèè àõáîðîòãà ýãà áыëèøè êåðàê. ïîòåíöèàë òóðèñòëàðíèíã äåìîãðàôèê, èæòèìîèé âà ïðîôåññèîíàë òóçóëìàëàðäàãè ыçãàðèøëàð, øóíèíãäåê, òóðèñòèê ñàâäîëàð ыñèøèäà қàðàëèøè êåðàê. ×óíêè ñàôàð éыíàëèøëàðè âà ñà¸xàò ñàâäîëàðèäàãè òóðëè ыçãàðèøëàð xàқèäà ñыíãè ìàúëóìîòëàð ìóxèì.

ßíãè òóðèñòèê æîéíè áàðèî ýòèø âà ðèâîæëàíòèðèøäà òóðèñòèê îқèìëàðíè, óëàðíèíã ыñèøè âà òàқñèìëàíèøèíè, øóíèíãäåê æыíàø âà êåëèø ïóíêòëàðèí ыðãàíèø ìóxèì. Ñàöèîëîãèê òàäқèқîòëàð ñàôàðíèíã àñîñèé ñàâäîëàðèí øóíèíãäåê ÿíãè òóðèñòèê æîéíè àíúàíàâèé òóðèñòèê ñàâäîëàðãà ìîñëèãèíè àíèқëàøãà қîäèð. Òóðèñòèê ñàâäîëàðíèíã òóðëè-òóìàíëèãè ÿíãè òóðèñòèê æîéëàðíèíã ïàéäî áыëèøèãà âà òóðèñòèê îқèìëàðíèíã қàéòà òàқñèìëàíèøèãà òóðëè âàðèàíòëàðíè êыçãà òóòàäè.

## 10.5 ÒÓÐÈÇÌ ÈÆÒÈÌÎÈÉ È+ÒÈÑÎÄÈÉ XÎÄÈÑÀ ÑÈÔÀÒÈÄÀ

Òóðèñòèê ñà¸xàò ыç àñîñèäà òóðèñòèê æîéíè òàíëàø, òóðèçìí òóðè, ôàîëèÿò õàðàêòåðèíè áåëãèëîâ÷è ñàâäîãà ýãà.

Ñàâäî òóðèñòèê ìàxñóëîòíè, óíèíã òàðêèáèé қèñìëàðèí(âàқò, äàâîìèéëèãè, éыíàëèø âà áîøқàëàð) òàíëàøíèíã ìóxèì îìèëè ñèôàòèäà äàì îëèøíè ðåæàëàøòèðèø, òàíëàø, ñàâîî қèëèø âà ñà¸xàòíè ÿêóíëàøäà òóðèñòíèíã õóëқèé òàøàááóñëàðè ìóxèì òàúñèð êыðñàòóâ÷è àñîñèé òàâñèôëèð. Ñàâäîëàð ìàúëóì äàðàæàäà õàðèàîð âà òóðèñòèê ìàxñóëîòíèíã èñòåúìîë÷è ñèôàòèäà èíñîí õóëқèíè áåëãèëàéäè.

Ïîòåíöèàë òóðèñòëàðíèíã ñàâäîëàðèíè òóøóíèø òóðèñòèê ìàxñóëîòíè ëîéèxàëàøòèðèø, òóçèø âà ñàâîî æàðà¸íëàðèí òàøêèë ýòèøäà ìóxèì àxàìè÷òãà ýãà. Øóíèíã ó÷óí áîçîðãà êыï äàðàæàäà èñòåúìîë÷è êóòãàíèëãà ìîñ êåëóâ÷è òóðèñòèê ìàxñóëîòíè òàқäèì ýòèø ìóxèì.

Ñà¸xàòãà ñàâäî âà òóðèñòèê ìàxñóëîòíè òàíëàø ñåçèëàðëè äàðàæàäà èñòåúìîë÷èíèíã ñà¸xàò òы\ðèñèäàãè қàðîð қàáóë қèëèø æàðà¸íèäàãè õóëқèãà òàúñèð қèëóâ÷è òóðëè îìèëëàðãà (óñòèâîð âà қыøèì÷à) òàúñèð êыðñàòàäè. Òóðèñòèê ñàâäîëàð òàëàáíèíã ñåçèëàðëè қèñìè ñèôàòèäà қàòîð òàúñèðëàðíèíã îáúåêòè xèñîáëàíàäèêè, ó òóðèçì áèëàí áåâîñèòà àëîқàäîð áыëìàñëèãè àìì òàëàáíèíã xàæìè âà øàêëèãà xàìäà òóðèñòèê ìàxñóëîòíèíã òàíëîâèãà òàúñèð қèëèø ìóìêèí. Øóíèíã ó÷óí òóðèñòèê ñàâäîëàðíè òóðëè òàúñèð âà îìèëëàð æàìëèãèäà êыðèá ÷èқèø òàëàá ýòèëàäè.

Îìàâèé òóðèçìíè 20 àñðíèíã èêêèí÷è ÿðìèãà õîñ xîäèñà äåá àòàø ìóìêèíëèãèäà қàðàìàñäàí îäàìëàð ñà¸xàòãà ÷èқìàñëèãèíè ñàâäîëàðè xàì ìàâæóä. Áóíäàé ñàâäîëàðíè

ñà¸xàòãà òыñèķëàð äåá àòàø ìóíêèí. ìàâæóä âà èñòèķáîëäà ïàéäî áыëèøè ìóíêèí áыëãàí òыñèķëàðíè áèëèø âà àíèķëàø çàðóð. Ñàôàðíè ðàä ýòèøãà ìàæáóð ķèëóâ÷è ñàáàáëàðíè àíèķëàø âà àíèķ òàúðèôëàø – ñà¸xàòãà òыñèķëàðíè çàèôëàøòèðèø âà xàòòî òыëà åíãèá ыòèø áыéè÷à ìàõñóñ ÷îðàëàðíè èøëàø éыëèäà äàñòëàáêè ķàäàì áыëàäè.

Ñà¸xàòãà äàúâàò ýòóâ÷è êó÷ëè ñàáàáëàðäàí áèðè õàëķíèíã ìàäàíèé ыçëèãèíè íàìî¸í ķèëèøè xèñîáëàíàäè. Äóí¸íèíã òóðëè ìèíòàķàëàðèäàãè ìàäàíèÿòëàðíèíã ыçèãà õîñëèãè îäàìëàðäà òàúòèëëàðíè, áыø âàķòëàðíè ñà¸xàòäà ыòêàçèø èñòàãèíè òó\äèðàäè. Ìèíòàķà ìàäàíèé ýëåìåíòëàðèíèíã ðèâîæëàíèøè òóðèñòèê îķèìëàðíè æàëá ýòèø ó÷óí ðåñóðñëàðíè êåíãàéòèðèø âîñèòàñè xèñîáëàíàäè. Òóðèçìíè ðèâîæëàíòèðèø ìàúëóì äàðàæàäà ìàäàíèé ìèëëèé ìåðîñíèíã íî¸áëèãèãà áî\ëèķ. Ìàäàíèé ðèâîæëàíèøíèíã äàðàæàñè õèçìàòëàð áîçîðèäà òóðèñòèê éыíàëèøëàðíèíã ķóëàé èìæèíè áàðïî ýòèø ó÷óí ôîéäàëàíèø ìóíêèí.

Òóðèçì èæòèìîèé-èķòèñîäèé xîäèñà ñèôàòèäà íàôàķàò ìèíòàķàãà, èíñîí âà æàìèÿò ôàîëèÿòèíèíã ìîääèé âà ìаúíàâèé ñîxàëàðèäà ìàúëóì òàúñèð êыðñàòàäè. Òóðèçìíèíã òàúñèðè ìóðàêêàá õàðàêòåðãà ýãà âà ó èæîáèé ¸êè ñàëáèé áыëèøè ìóìêèí. Òóðèçìíèíã êыçäà òóòèëãàí èæòèìîèé òàúñèðëàðèíè áàxîëàø âà àíèķëàø æóäà ķèéèí, ÷óíêè êыï xîëëàðäà óëàð áèëâîñèòà xèñîáëàíàäè. áèðîķ òóðèçìíèíã êыï÷èëèê ñàëáèé îķèáàòëàðèäàí êîìïëåêñ ðåæàëàøòèðèø âà óøáó æàðà¸íëàðíè áîøķàðèøäà çàìîíàâèé óñóëëàðíè òàäáèķ ýòèø(xóäóääàì, ðåñóðñëàðäàì ôîéäàëàíèøäà ķàòúèé íàçîðàò, òóðèñòèê òàêëèôëàð óñòóðëàðèíè áàxîëàø âà áîøķàëàð) éыëè áèëàí áàðòàðàô ýòèø ìóìêèí.

Ñà¸xàò òы\ðèñèäàãè ķàðîð òóðèñòèê æîéíè òàíëàø àòðîôèäà æàì áыëàäè. Òóðèñòèê ñàáàáëàðíèíã òóðëè-òóìàíëèãè ыçèäà òóðèñòèê ñàôàðëàðíèíã xàð õèë òóðëàðèíè æàìëàéäè âà òóðèñòèê æîéëàðíèíã ÿíãè ыðíèëàðèíèíã ïàéäî áыëèøèäà êыìàêà èìêîíèÿòëàðíè êыçäà òóòàäè. xà¸ò òàðçèíèíã äèôåðåíöèàöèÿëàø ñà¸xàòãà ñàáàáëàðíèíã àíé ñïåöèôèê àäðîí ķèëàäè, ó ыç íàâáàòèäà ÿíãè òóðèñòèê ñïåöèàëèçàöèÿ ïàéäî áыëèøèíè òàúìèíëàéäè. Øóíäàé ķèëèá, àíèķ òóðèñòèê ìàõñóëîò òàíëîâèãà òàúñèð ķèëóâ÷è òóðèñòèê ñàáàáëàðíè òóøèíèø âà ôîéäàëàíèø, ñà¸xàòíèíã òóðëè ìîäåëëàðèí áèëèø òóðèñòèê êîðõîíàíèíã ìóâàôôàķèÿòëè èøëàøè, òóðèñòèê é1íàëèøíèíã îë\à ñèëæèøèäà ìóâàôôàķèÿò ãàðîâè áыëèøè ìóìêèí. òóðèçì ñîxàñèäà ñàáàá àñïåêòëàðèí àíèķëàø , ыðãàíèø âà ôîéäàëàíèøíèíã àìèèé ààxàìèÿòè êàòòà. Ñàáàáëàðíè î÷èá, ïîòåíöèàë òóðèñòíè æàëá ýòèøãà êыìàêëàøóâ÷è âà óíãà äîèìèéëèê ìàķîìèíè áåðèø âà îõèð-îķèáàòäà òóðèñòèê òàëàá âà ñòòèøíèíã õàðàêòåðè âà xàæìèãà òàúñèð ýòóâ÷è ñàìàðàëè óñóëëàðèí èøëàá ÷èķèø ìóìêèí.

Òóðèçì áóãóíãè êóíäà êыï ìàìëàêàòëàðäà æàäàë ðèâîæëàíà¸òãàí èíäóñòèðÿãà àéëàíãàí èæòèìîèé-èķòèñîäèé êîìïëåêñ ñîxàñèäèð. Àéíè ïàéòäà æàx\îíäàãè xàð åòòèí÷è èø ыðíè òóðèñòèê áèçíåñãà òы\òè êåëàäè. ÁÑÒ ïðîãíîçëàðèã êыðà, 2020 éèëäà õàëķàðî

òóðèñòèê êåëóâ÷èëàð ñîíè Áèð ìèëëèàðäàíè òàøêèë ýòàäè6 ÿúíè 2000 éèë êыðñàòãè÷ëàðèäàí èêêè áàðîâàð îøàäè. Àâèà òàøèøíè қыøìàñäàí xèñîáëàíãàíäà òóðèñòëàðíèíã êóíäàëèê õàðàæàòëàðè êóíèãà 3 ìèëëèàðäà äîëëàðãà ыñàäè.

Xîçèðãè ïàéòäà òóðèçìäà èêêèòà òåíäåíöèÿ ìàâæóä: Òàøқè èқòèñîäèé âà ñè¸ñèé îìèëëàð òàúñèðãà ìîéèëëèê íîқóëàé øàðîèòäà ыç xàæìëàðèíè æàäàë òèêëàá îëèø қîáèëèÿòè.Ãàð÷è æàxîí ìîëèÿ áîçîðëàðèäà òóðèñòëàðíèíã òàúòèë îäàòëàðè àéðèì ыçãàðèøëàð êåëòèðèá ÷èқàðãàí áыëñàäà, (êå÷êèá áðîí қèëèøëàð ñîíè êыïàéäè, äàì îëèø âàқòèäàãè xàðàæàòëàð êàìàéäè)òóðèçì 20 àñðíèíã ìààíèÿòíèíã èëãîç îòãàí қèñìèäà àéëàíäè äåá õóëîñà қèëèø ìóìêèí.

ыçáåêèñòîí òóðñòèê èíäóñòðèÿñèíèíã àìàëè¸òè ìàìëàêàòèìèçäà è÷êè âà òàøқàðèãà ÷èқèø òðèçìíè ðèâîæëàíòèðèøãà ìàúëóì óìèä қèëìîқäà. Êåéèíãè ïàéòäà òóðèñòèê ñàé¸xàòëàð òыëà-òыêèñ ñàé¸xàò қèëàíàäèãàí æîéëàðíèíã ìàäàíèÿòèãà ñóÿíìîқäà. "Ўíãè" òыëà-òыêèñ "òàíèø" óñòèäàí óñòóíëèê қèëìîқäà. Óþøãà îìàâèé òóðèñò âà èíäóâèäàë òóðèñòíèíã ðîëè èíñòèòóöèîíàë òóðèñòèê øàêëëàðãà ýãà áыëìîқäà. Òóðèñò òàäқèқîò÷è â òóðèñ äàéäèíèíã ðîëè íîèíñòèòóöèîíàë òóðèñòèê øàêëëàðãà ýãà áыëèá, қàéñèêè óëàð "î÷èқ" äåá қàáóë қèëèíãàí, ÷óíêè óëàðíèíã òóðèñòèê òàøêèëîòëàð áèëàí ыçàðî àëîқàñè æóäà êàì.

Èíñòèòóöèîíàë òóðèçì îììàâèé xèñîáëàíàäè. Òàøèø, æîéëàøèø, îâқàòëàíèøè âà áîøқàëàð áыéè÷à áàð÷à õèçìàòëàð òóðèñòíèíã ñàôàðè áîøèäàí-îõèðèãà÷à ó xàқäà қàé\óðèøíè áыëèíèãà îëäàí òóðèñòèê òàøêèëîòëàð òîìîíèäàí ыç âàқòèäà áðîí қèëèíàäè. Òóðíèíã äàñòóðè ìàçìóíàí "ïîòàíèø"íè òàêëèô ýòàäè. Àììî èíñòèòóöèîíàë òóðèçèìíèíã âàçèôàñè òóðèñòãà "ïîòàíèø" íè xå÷ қàíäàé íîқóëàéëèê òó\äèðìàñäàí òàқäèì ýòèøäèð. Òóðèñò òîìîíèäàí îëèíãàí ÿíãè òàæðèáà âà òààññóðîòëàðíè ðåæàëàøòèðèø âà íàçîðàòäà óøëóø ëîçèì. Òóðèñòãà ýíã êè÷èê xàòàð âà êыçäà òóòèëìàãàí âàçèÿòëàðíè èñòèñíî ýòèá, ñàðãóçàøòëàð èëëóçèÿñèíè áàðïî ýòèøãà òы\ðè êåëàäè. Áóíãà èêêè óñóëäà ýðèøèø ìóìêèí.

1) Àòðàêòèâ ýëåìåíòëàð òàðîôîðìàòèÿñè
2) Òóðèñòèê қóëàéëèê âà èíøîîòëàðíè ñòàíäàðòëàøòèðèø

Xàð áèð ìèíòàқà òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøãà қîäèð àòðàêòèâ ýëåìåíòëàð (äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàð)ãà ýãà. Àéðèì äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàð æàxîíãà òàíèқëè áыëèá, ìàìëàêàòíèíã ыçèãà õîñ "òóðèñòèê ¸ðëè\è"ãà àéëàíãàí âà òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøíèíã òàáèèé âîñèòàñè õèñîáëàíàäè. Ìàñàëàí, Øâåéöàðèÿäàãè Àëï òî\ëàðè. Òóðèñòëàðíè æàëá ýòèø ó÷óí ñóíúèé òàðçäà áàðïî ýòèëãàí äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàð xàì áîð. Ìàñàëàí, Äèñíåé Ëåíä òàáèèé âà áàðïî ýòèëãàí äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàðãà áîðèø îììàâèé òóðèçèìíèíã ìàæáóðè ýëåìåíòè xèñîáëàíàäè. Òàáèèé äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàðíè óëàðíè òóðèçìäà ôîéäàëàíèø ìàқñàäèäà âà óëàðíè èñòåìîë÷èëàðãà ìàúқóë êåëèø ìàқñàäèäà òðàíñôîðìàöèÿ қèëèø òåíäåíöèÿñè ìàâæóä.

Ìàñàëàí, қèçèқ îáúåêòèâ ìèëëèé áî\ëàðãà àéëàíòèðèëàäè. Òóðèñòëàðãà қèçèқàðëè áыëèøè ó÷óí ìàxàëëèé áàéðàìëàðíè ÿíàäà ðàíã-áàðàíã қèëèá ыòêàçèøàäè.

Òàáèèé äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàðíè òðàíñôîðìàöèÿëàø îìèëëàðè òóðèñòãà íàçîðàò қèëèíàäèãàí "ÿíãè"íè êыðñàòèøãà äàúâàò ýòèëãàí áыëñà, òóðèñòèê îáúåêòëàðíè âà õèçìàòëàðíè ñòàíäàðòëàø "òàíèø"íè òàúìèíëàøè ëîçèì. Òóðèñòëàðíè қààóë қèëèøãà ìыëæàëëàíãàí ýíã êàì ðèâîæëàíãàí ìàìëàêàòëàðäà xàì òóðèñòèê èíôðàòóçèëìàíè æàxîí ñòàíäàðòëàðèãà ìîñ қèëèá òóçèø êåðàê. Àìì xàð áèð ìàìëàêà ìàõàëëèé êîëîðèòíè ñàқëàøè ëîçèì, áó òàðèõèëàðíè æàëá ýòèøäà ìóxèì ыðèí òóòàäè. Áóíäà ìàúëóì ñòàíäàðòëàðíè ìàxàëëèé àíúàíàëàðãà xàì қыëëàø ìàқñàäãà ìóâîôèқäèð. Ìàñàëàí, õàëқ xóíàðìàíä÷èëèãè áóþìëàðè àññîðòèìåíòèíè òóðèñòèê òàëàáãà ìóâîôèқ òóçèø êåðàê.

Òàáèèé äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàðíè òðàíñôîðìàöèÿëàø âà òóðèñòèê æîéëàðíè ñòàíäàðòëàøòèðèø îìèëëàðè òóðèñòíè ýxòè¸æëàðèíè қîíäèðèøãà ìыëæàëëàíãàí áыëèá, ó ñàëáèé æèxàòëàðãà xàì ýãà, àéíàí:

ыç àxàìèÿòèíè éықîòàäè ¸êè èíäóâèäóàë ñòàíäàðòëàðãà қыøèëèá êåòàäè, áóíèíã íàòèæàñèäà óëàðäàí àéðèìëàðè ìàxàëëèé àxîëè òîìîíèäàí қààðëàíìàéäè.

"Òóðèñòëàðíè èçîëÿöèÿëàø" äåãàí xîëàò êåíã òàðқàëãàí, ìàñàëàí, ôàқàò òóðèñòëàð ó÷óí ìыëæàëëàíãàí îáúåêòëàð (òóíãàè êëóáëàð, êîçèíî) қóðèëàäè. Îìèëëàðè òóðèçìíèíã áó xîëàò òóðèñòíèíã қîèäàñè êыðà, áîðà¸òãàí ìàìëàêàòíèíã òèëèíè áèëìàñëèãè, àxîëè áèëàí àëîқàñè ÷åãàðàëàíãàíëèãè òóôàéëè ÷óқóðëàøàäè. Ó "æîíëè" ìàäàíèÿò óíè òàøóâ÷èëàðè áèëàí ÿқèíëàøìàéäè âà óëãà ìàìëàêàò òы\ðèñèäà ¸ë\îí òàñàââóðëàð áèëàí қàéòàäè.

Òóðèñò òàäқèқîòñà âà òóðèñò äàéäèíèíã ðîëè èíñòèòóöèîíàë øàêëäà ýãà áыëìàñàäà, óëàð îðàñèäàãè ôàðқ õàâô xàòàð âà òóðèñòèê òèçèìäàí óçîқëàøèø äàðàæàñèäà àñîñëàíàäè.

Òóðèñò òàäқèқîò÷èíèíã áîðãà ìàìëàêàòè , óíèíã ìàäàíèÿòè, àxîëèñè áèëàí òàíèøóâè åòàðëè äàðàæàäà ÷óқàð. Ó ìàxàëëèé òèëäà òóøóíèðèøãà óðèíàäè, àììî áóíäà ìóxèì áèëàí òыëà-òыыêèñ "қîðèøèá" êåòîëìàéäè. Ó òóðèñò äàéäèëàí ôàðқëè ðàâèøäà ìàxàëëè éàxîëèíè ÿõøèðîқ áèëèøãà èíòèëàäè àììî óëàðäàí áèðè áыëèøãà èíòèëìàéäè.

Òóðèñò òàäқèқîò÷è ÿíãè қàçèқ æîéíè î÷àð ýêàí, òóðèñòèê ìàðøóòðíè ыçëàøòèðèø ó÷óí "ÿíãè éыë қóðàäè".

## Хулоса

Æàxîíäà òóðèñòëàð ñîíèíèíã ыñèøè âà òóðèñòèê éыíàëèøëàð îìèëëàðè áыëà¸òãàí ìàìëàêàòëàð âà æîéëàð ñîíè ыñèøè êóçàòèëìîқäà. Îìèëëàðè òóðèçì õóääè ìàäèíé xîäèñà ñèôàòèäà æàìèÿòäà þç áåðà¸òãàí ыçãàðèøëàð òàúñèðäà ðèâîæëàíìîқäà.

+îèäàãà êыðà, òóðèñòëàðíèíã àñîñèé қèñìè ñà¸xàò äàâðèäà ыçëàðè ÿøàéäèãàí æîéëàðäà òàðқàëãàí íèìààèð “òàíèø” íàðñàëàðãà çàðóðàò xèñ қèëààè. ìàñàëàí, ìèëëèé îøõîíà ¸êè áèð òèëäà ñыçëàøóâ÷è xàìðîx “òàíèø ”áыëèøè ìóìêèí. ыçáåêèñòîíëèê ñàé¸x õîðèæäà ñà¸xàò қèëà òóðèá, ыçáåê ìèëëèé òàîìëàðè áыëãàí ðåñòîðàíè êыðèá õóðñàíä áыëàäè., þðòàîø áèëàã ó÷ðàøóâ ўñà óíäà øóíäàé қóâîí÷ òó\äèðàäèêè, áóíäàé қóâîí÷íè ó ыç ìàìëàêàòèäà xå÷ қà÷îíí xèñ қèëìàéäè. “òàíèø”íèíã ìàâæóäëèãè òóðèñòãà ñà¸xàò äàâîìèäà ыçèíè қóëàé âà xàòòî õàâôñèç ñåçèøãà, ñàôàðäàí ìàççà қèëèøãà èìêîí áåðàäè. Ìàúëóì æàìîàò÷èëèê ìóxèòèäà øàêëëàíãàí îäàìãà áåãîíà ìóxèòäà “çыðèқèø” қыðқóâ âà âàxèìà òó\äèðèøè ìóìêèí.

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:** Èæîáèé àñïåêòëàð, ìàíôààòëàð çèääèÿòè, òóðèñòëàð òóðëàðè, æàëá ýòèø èëëóçèÿñè, òàøқè îìèëëàð, äåìîãðàôèê âà èæòèìîèé ыçãàðèøëàð, æîéíèíã қàðèøè, áåãàèëàíãàí ñàé¸xàò, ñòðàòåãèÿ òàìîéèëëàðè.

**Íàçîðàò ñàâîëëàðè:**

1. +èñқà ìóääàòëè âà óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàøòèðèø ыðòàñèäàãè ôàðқíè òóøóíòèðèíã âà ïëàíëàøòèðèø æàðà¸íëàðèíèíã åòòèòà áîñқè÷èíè êыðñàòèíã.
2. Ðàñìèé âà íîðàñìèé òàøêèëëèé òóçèëìà ыðòàñèäàãè ôàðқíè òóøóíòèðèíã.
3. +àðîð қàáóë қèëèø æàðà¸íèäà ñàêêèçòà àñîñèé áîñқè÷íè êыðñàòèíã.Íèìà ó÷óí ìóðàêêàá òàøêèëëèé òóçèëìàãàí ўãà áыëãàí éèðèê êîðõîíàëàðäà êыïðîқ ñòàíäàðò қàðîðëàð қàáóë қèëèíàäè?
4. Ñàâàääà àíèқëèê áåðèíã âà âèêàð ықèòèø âà ýêñïèòàöèÿ íàçàðèÿñè íèìà ýêàíëèãèíè òóøóíòèðèíã.
5. Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà, ñôàòëè ðàxáàðëèê âà ñèôàòãà òыëà ðàxáàðëèê ыðòàñèäàãè áî\ëèқíè òóøóíòèðèíã.
6. Èøãà қàáóë қèëèø ïàéòèäà ўõøè êыðèíèø ó÷óí қàíäàé ыіòà ïóíêò xàқèäà ыéëàá êыðèø êåðàê.

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000

4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls,* Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism,* Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development,* Addison Wesley Longman, Harlow, UK.

16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

**Интернет сайтлари**

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm

http://www.world-tourism.org

http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## 11-Мавзу. ÌÀÄÀÍÈßÒ ÒÓÐÈÑÒÈÊ ÌÎÒÈÂÀÖÈß ÎÌÈËÈ ÑÈÔÀÒÈÄÀ

1. Маданий ёки танишув туризми.
2. Туристик қизиқишни шакллантиришда маданият элементларининг роли.
3. Туризмда маданий-тарихий ва табиий меросни сақлаш ва фойдаланиш.

### 11.1 ÌÀÄÀÍÈÉ ¨ÊÈ ÒÀÍÈØÓÂ ÒÓÐÈÇÌÈ

Õàëқíèíã ìàäàíèé ыçëèãè xàìèøà қèçèқèø óé\îòàäè. Òóðèñòíèíã äóí¸íèíã òóðëè áóð÷àêëàðèäàãè òàáèàòãà âà ó åðëàðäàãè õàëқëàðãà áыëãàí қèçèқèøè òóðèñòèê ìîòèâëàðíèíã ýíã êó÷ëèñè xèñîáëàíàäè.

Òóðèçì áîøқà ìàäàíèÿòëàð áèëàí òàíèøèøíèíã ýíã ÿõøè óñóëè. Òóðèçèìíèíã ãóìàíèòàð àxàìèÿòè óíèíã èìêîíèÿòëàðèäàí øàõñíè ðèâîæè, óíèíã èæîäèé ñàëîxèÿòè, áèëì óôқëàðèíè êåíãàéòèðèøäà ôîéäàëàíèø áèëàí èôîäàëàíàäè. Áèëèìãà èíòèëèø èíñîííèíã äîèìèé àæðàëìàñ xèñëàòè áыëãàí. äàì îëèøíè xà¸òíè, òàðèõíè âà áîøқà õàëқ ìàäàíèÿòèíè ыðãàíèø òыëà ìàúíîäà òóðèçì xàë қèëèøè ìóìêèí áыëãàí âàçèôàëàðäàí áèðèäèð. Æàxîííèíã ыç êыçè áèëàí êыðèøù, ýøèòèø, ñåçèø – òóðèçìíèíã òèêëàø âàçèôàëàðäàí ìóxèì қèñìè áыëèá, ó ыçèäà êàòòà ãóìàíèòàð ñàëîxèÿòíè ýëèòàäè. Áîøқà ìàìëàêàòìàäàíèÿòè âà óðô-îäàòëàðè áèëàí òàíèøóâ, îäàìíèíã ìаúíàâèé äóí¸ñèíè áîéèòàäè.

Ìàäàíèÿò ðèâîæëàíèø, ìóxîôàçà қèëèø, ìóñòàқèëëèêíè, ñóâåðåíèòåòíè âà õàëқíèíã ыçèãà õîñëèãèíè ìóñòàxêàìëàø  æàðà¸íèíèíã ïîéäåâîðè xèñîáëàíàäè. Ìàäàíèÿò âà òóðèçì òàðèõèé ðèâîæëàíèø éыëëàðèíèíã ыõøàøëèãè óëàðíèíã ÿíàäà òàðàққè¸òèäà ÿíãè ¸íäîøóâ óñëóáëàðèíè óìóìèéëèãèíè òàқàçî ýòàäè. Æàxîííèíã êыïãèíà ìàìëàêàòëàðèäà æàìèÿò xà¸òèíèíã àæðàëìàñ қèñìè áыëãàí ìàäàíèÿò âà òóðèçìíè äåìîêðàòèÿëàøòèðèø æàðà¸íè þç áåðìîқäà. ыç-ыçèíè àíãëàø âà àòðîô îëàìíè áèëèø øàõñíè ðèâîæëàíèøè âà қыéèëãàí ìàқñàäëàðãà ýðèøèø ìàäàíèÿò ñîxàñèäà áèëèìëàðãà ýãà áыëìàñäàí ìóìêèí ýìàñ.

Ìåõèêîäà ыòêàçèëãàí àíæóìàíäà (1981 éèë) ìàäàíèÿòíè èêêè õóñóñèÿòè ìàúëóì қèëèíäè. Áèðèí÷è õóñóñèÿò – ìàäàíèò àíòðîïîëîãèÿñèãà àñîñëàíãàí âà èíñîíèÿò òàáèàòãà қыøèì÷à ðàâèøäà áàðïî ýòãàí óìóìèé xàðàêòåðäàãè áàð÷à íàðñàëàð: èæòèìîèé òèêð, õыæàëèê ôàîëèÿòè, èøëàá ÷èқàðèø, èñòåúìîë, äààáè¸ò âà ñàíúàò, òóðìóø-òóðçè âà èíñîíèé ôàçèëàò.

Èêêèí÷è õóñóñèÿò – èõòèñîñëàøòèðèëãàí õàðàêòåðäàãè, ÿúíè "ìàäàíèÿò ìàäàíèÿòãà" òàìîéèëèäà òóçèëãàí. Èíñîí xà¸òèíèã àxëîқèé, ìàúíàâèé, èíòåëëåêòóàë âà áàäèèé æèxàòëàðè.

Xàð қàíäàé õàëқíèíã ìàäàíèé ìåúðîñè ðàññîìëàð, ìåúñîðëàð, ìóñèқà÷èëàð, ¸çóâ÷èëàð, îëèìëàð ìåxíàòè áèëàíãèíà òàðêèá òîïìàé, áàëêè íîìàäèé áîéëèêëàð ÿúíè ôîëêëîð, õàëқ xóíàðìàíä÷èëèãè, ôåñòèâàëëàð, äèíèé ìàðîñèìëàðíè ыç è÷èãà îëàäè.

Òóðèçìíèíã ìàäàíèé ¸êè òàíèøóâ òóðè àëëàқà÷îí àæðàëèá ÷èқèá ìóñòàқèë áыëèá îëäè. Óíèíã ïîéäåâîðè áàð÷à èæòèìîèé-ìàäàíèé ìóxèò, óðô-îäàòëàð âà àíúàíàëàð ìàéèøè âà õыæàëèê ôàîëèÿòèíè ыçèãà õîñëèêëàðèíè қàìðàá îëóâ÷è ìàìëàêàòíèíã òàðèõèé-ìàäàíèé ñàëîxèÿòè xèñîáëàíàäè. òàíèøó òóðèçìè ó÷óí xàð қàíäàé æîéäàãè ðåñóðñëàðíè êè÷èê ìàæìóè áåðà îëàäè, àììî óíè îììàâèé ðèâîæëàíòèðèø ó÷óí ìàäàíèé ìåúðîñ îáúåêòëàðèíè ìàúëóì æàìëàíìàñè òàëàá ýòèëàäè, óëðà îðàñèäà қóéèäàãèëàð:

*àðõåîëîãèÿ ¸äãîðëèêëàðè.

*äèíèé âà ôóқàðî ìåúìîð÷èëèãè.

*ëàíäøàôò ìåúìîð÷èëèãè ¸äãîðëèêëàðè.

*êè÷èê âà êàòòà òàðèõèé øàxàðëàð.

*қèøëîқëàð,

*ìóçåéëàð, òåàòðëàð, êыðãàçìà çàëëàðè âà áîøқàëàð.

*èæòèìîèé ìàäàíèé èíôðàòóçèëìàëàð.

*ýòíîãðàôèÿ, õàëқ xóíàðìàíä÷èëèãè âà óñòà÷èëèãè îáúåêòëàðè, àìàëèé ñàíúàò ìàðêàçëàðè.

*òåõíèê ìàæìóàëàð âà èíøîîòëàð.

Òóðèñòëàð áîøқà ìàìëàêàòãà áîðèøè áèëàí òàáèàò òàðêèáèé қèñìè xèñîáëàíãàí áóòóí ìàäàíèé ìàæìóàëàðíè êыðà áîøëàéäè. Ìàäàíèé ìàæìóàëàðàíèíã òîïîøàáîïëèãè óóëàðíèíã áàäèèé âà òàðèõèé қàäðèÿòè, òàëàááã íèñáàòàí ìîäà âà êыðèø ìóìêèíëèãè áèëàí áåëãèëàíàäè.

Æàxîííèíã òóðëè ìèíòàқàëàðäàãè ìàäàíèÿòëàðèíè ыçèãà õîñëèãè îäàìëàðäà òàúòèëíè ìàúíàâèé ñà¸xàòäà ыòêàçèøãà äàúâàò ýòàäè. Òóðèñòëàð êåëàäèãàí èíøîîòëàð óëàðíè áîéèòèøãà, äóí¸қàðàèøèíè êåíãàéòèðèøãà ¸ðäàì áåðàäè. Ìàäàíèÿò òóðèñòèê қèçèқèøèíèíã ýíã àñîñèé ýëåìåíòëàðäàí áèðè xèñîáëàíàäè.

Òàíèøóâ òóðèçìè ñàé¸xàòíèíã áàð÷à àññîöèàöèÿëàðèíè қàìðàá îëàäè, áóíèíã âîñèòàñèäà èíñîí áøқà õàқíèíã xà¸òè, ìàäàíèÿòè, óðô-îäàòëàðè òы\ðèñèäà áèëàäè. Øóíäàé қèëèá òóðèçì ìàäàíèé àëîқàëàðíè âà õàëқàðî xàìêîðëèêíè áàðîì ýòèøíèíã ìóxèì âîñèòàñè xèñîáëàíàäè.

Ìàäàíèé îìèëëàðíèíã ìèíòàқà è÷êàðèñèäà ðèâîæëàíèøè òóðèñòèê îқèìëàðíè æàëá ýòèø ó÷óí ðåñóðñëàðíè êåíãàéòèðèø âîñèòà÷èñè xèñîáëàíàäè. Êыïãèíà ìàìëàêàòëàðäà òóðèçì ìàäàíèé ìóíîñàáàòëàð äåá àòàëãàí ñè¸ñàòãà êèðèòèëàäè.

Ìàäàíèé ðèâîæëàíèøíèíã äàðàæàñè, øóíèíãäåê òóðèçì áîçîðëàð ìàúëóì ðèãèîí ó÷óí қóëàé èìêîíè áàðîî ýòèøãà ôîéäàëàíèø ìóìêèí. Ìàäàíèÿòíèíã ýëåìåíòëàðè âà îìèëëàðè æîéíèíã òóðèñòê èìîíèÿòëàðè òы\ðèñèäà àõáîðîòíè òàðқàòèø êàíàëèãà àéëàíèøè ìóìêèí. Òóðèçìíè

ðèâîæëàíòèðèø ìóâàôôàқèÿòè óìóì қààóë қèëèíãàí ñòàíäàðò âà òàëàáëàðãà ìîñ ìîäèé òåõíèêà áàçàñèãàãèíà ýìàñ, áàëêè ìèëëèé-ìàäàíèé ìåúðîñíèíã íî¸áëèãèãà xàì áî\ëèқ.

Ìèëëèé-ìàäàíèé ìåúðîñ îáúåêòëàðè îқèëîíà âà èæîáèé òàқäèì ýòèëèøè êåðàê. Èëìèé-òåõíèê òàðàққè¸ò ыç èøèíè қèëäè: áèð ìàìëàêàòíèíã ìàxñóëîòè áîøқà ìàìëàêàòäàãè øóíäàé ìàxñóëîòäàí äåÿðëè ôàðқ қèëìàéäè. Ìàäàíèÿòäà áèð õèëëèêêà éыë қыéèø ìóìêèí ýìàñ. Îìàâèé òóðèñòèê éыíàëèø áыëèøèíè èñòàãàí ìèíòàқà íî¸á ìàäàíèé ìàæìóàëàðãà ýãà áыëèøè âà óëàðíè òóðèñòèê áîçîðãà òàқäèì ýòèøè ëîçèì.

Òóðèñòèê ìàқñàäëàð ó÷óí ìàæìóàëàðíè áàxîëàø èêêè àñîñèé óñóëäà îëèá áîðèëèøè ìóìêèí:

1) Ìàäàíèé ìàæìóàëàðíè æîéëàðèãà êыðà æàxîí âà ìàìëàêàò ìàäàíèÿòèãà áàðàâàðëàøòèðèø.
2) Äèққàòãà ñàçîâîð íàðñàíè êыðèø ó÷óí çàðóð âà åòàðëè âàқò àæðàòèø, áó òóðèçì òàðèõèé-ìàäàíèé ñàëîxèÿòè èñòèқáîëëèãè ó÷óí òóðëè õóäóäëàðíè қè¸ñëàøãà èìêîí áåðàäè.

Óøáó óñëóáëàð êыï æèxàòäàí ñóáúåêòèâ: ìóòàõàññèñëàð òîìîíèäàí þêñàê áàxîëàíãàí ìàäàíèé ìàæìóàëàð òóðèñëàðäà xàììà âàқò äàåêâàò ðåàêöèÿ áåðìàéäè. Îáúåêòëàðíè êыðèø ó÷óí çàðóð âà åòàðëè âàқò óëàðãà áîðèø îñîíëèãè âà ñà¸xàò éыíàëèøëàðèíèíã òóçèëèøè áèëàí áåëãèëàíàäè. Íèxîÿò ìàäàíèé ìàæìóàëàðíèíã қèéìàòè òы\ðèñèäàãè òàñàââóð ìàúëóìîò äàðàæàñè, òóðèñòëàðíèíã ìèëëèé ыçèãà õîñëèãèãà áî\ëèқ. Êыï xîëëàðäà ìàäàíèÿò îáúåêòëàðèãà қèçèқèøíèíã ìîäà áåëãèëàéäè.

Ìàäàíèé ìàæìóàíèíã ìóxèì õóñóñèÿòè àxîëèäà øàêëëàíãàí óíèíã қàäðèÿò ìåçîíëàðèãà ìîñëèãè áàðқàðîðëèãè xèñîáëàíàäè. áó îìèë òóðèñòëàðíèíã êîíêðåò ìàäàíèé îáåúêòãà қèçèқèøèíèíã óçîқ ìóääàòëè ýêàíëèãè áèëàí áî\ëèқ. Òóðèñòëàðíèíã æàxîí ìàäàíèé ìåúðîñèíèíã Ìèñð ýxðîìëàðè, àíòèê ìåúìîðëèêè êààè îáúåêòëàðãà қèçèқèøèíèíã áàðқàðîðëèãè ñàқëàíèá òóðèáäè. Øó áèëàí áèðãà қàòîð îáúåêòëàð, ìàñàëàí, Ðîññèÿíèíã ñîâåò äàâðèäà êыï÷èëèê áîðàäèãàí Ëåíèí æîéëàðè æàìèÿòäà \îÿâèé êыðñàòìàëàðíèíã ыçãàðèøè áèëàí ыçèíèíã æîçèáàäîðëèãèíè éықîòäè. Øóíèíã ó÷óí òóðèçì òàøêèëîò÷èëàðèíè àñîñèé âàçèôàëàðèäàí áèðè íàôàқàò òóðèçìè ó÷óí ìàäàíèé ìàæìóàíè áàðïî ýòèø, áàëêè óíè åòàðëè óçîқ òàðèõèé äàâðãà÷à ñàқëàø xèñîáëàíàäè.

Àìàëäà xàð қàíäàé àõáîðîòíè äàâðèé ìàòáóîò íàøðëàðèäàí, áàäèèé àäàáèé âà áîøқà íàøðëàðäàí îëèø ìóìêèíëèãà қàðàìàé, "ìèíã ýøèòãàíäàí, áèð êыðãàí àôçàë", äåãàí ìàқîë ýñêèðìàéäè. Øóíèíã ó÷óí òóðèñòëàðíèíã æàëá ýòèøäàí ìàíôààòîð ìèíòàқà ыçèíèíã ìàäàíèÿòèãà қèçèқèøíè îøèðèøãà ¸ðäàì áåðóâ÷è ìàõñóñ äàñòóð âà òàäáèðëàðíè îқèëîíà ðåæàëàøòèðèø âà ðèâîæëàíòèðèø ëîçèì, ïîòåíöèàë òóðèñòëàðíè æàëá ýòèø ìàқñàäèäà ыçèíèíã ìàäàíèé ñàëîxèÿòè òы\ðèñèäà àõáîðîòëàðíè òàðқàòèøè ëîçèì.

## 11.2 ÌÀÄÀÍÈßÒ ÝÉËÅÌÅÍÒËÀÐÈÍÈÍÃ ÒÓÐÈÑÒÈÊ +ÈÇÈ+ÈØÍÈ ØÀÊËËÀÍÒÈÐÈØÄÀÃÈ ÐÎËÈ

Ôàîëèÿòíèíã òóðíëè ñîxàëàðè ñà¸xàòãà êó÷ëè ñàááà  âà òóðèñòèê  éыíàëèøãà ķèçèķèø óé\îòèøãà ¸ïðààì áåðàäè. Òóðèñòèê éыíàëèøíèíã òóðëè òîèôàäàãè âà ãóðó xëäàãè òóðèñòèëàð ó÷óí æîçèáàäàîð áыëèøãà òàúñèð ķèëóâ÷è æèxàòëàð óíèíã ìàäàíèé âà èæòèìîèé õóñóñèÿòè áыëèøè ìóìêèí. Òóðèñòëàðäà  ñàíúàò, ôàí, äèí âà òàðèõ êààè  õàëķ ìàäàíèÿò óíñóðëàðè êàòòà ķèçèķèø óé\îòàäè.

Òàñâèðèé ñàíúàò-òóðèñòèê ñà¸xàòãà èøîí÷è ñààààè øàêëëàíòèðóâ÷è ìàäàíèÿòíèíã ìóxèì ýëåìåíòëàðèäàí áèðèäèð. Óíèíã êó÷àéèøè  òóðèñòëàðíè ìèíòàķà ìàäàíèÿòè áèëàí òàíèøòèðèø ìàķñàäèäà ìàøxóð êóðîðòëàðäà(ìåxìîíõîíà õîíàëàðèäà) ìèëëèé òàñâèðèé ñàíúàò àñàðëàðèíè ķыéèø àíúàíàñè áèëàí áî\ëèķ.

Øóíèíãäåê, ìèëëèé òàñâèðèé ñàíúàòíèíã òóðëè õèëëàðè âà ýëåìåíòëàðèí  êåíã íàìî¸í ýòóâ÷è ôåñòèâàëëàð xàì îìàâèé. Ìàñàëàí, Øîòëàíäèÿäà ìóíòàçàì ыòêàçèëàäèãàí Ýäèíáóðã ôåñòèâàëèíèíã ыçèãà õîñ õóñóñèÿòè øóíäàêè, ó íàôàķàò ìàxàëëèé ðàññîìëàð, àäèáè, ìàxàëëèé êîìïàçèòîðëàð, ôîëêëîð âà òóðèñòëàðäà ķèçèķèø óé\îòàäèãàí áàð÷à èæîä áèëàí òàíèøòèðàäè.

Ìóñèķà âà ðàķñëàð. Ìèíòàķàíèíã ìóñèķàâèé ñàëîxèÿòè ìàäàíèÿòíèíã ýíã æîùèáàäàîð ýëåìàíòëàðèäàí xèñîáëàíàäè. àéðèì ìàìëàêàòëàðäà ìóñèķà òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøíèíã àñîñèé îìèëè xèñîáëàíàäè. ìàøxóð ìóñèķà ôåñòèâàëëàðè xàð éèëè ìèíãëàá èøòèðîê÷èëàðíè éè\àäè. Êыïëàá êóðîðò ìåxìîíõîíàëèð ыç ìåxìîíëàðèíè ôîëêëîð êå÷àëàðè âà êîíöåðòëàðäà êå÷êè êыíãèë î÷èø äàñòóðëàðè âàķòèäà ìèëëèé ìóñèķà áèëàí òòàíèøòèðàäè. Êыïëàá òóðèñòèê ìàðêàçëàðäà ñààëîñè éыëãà ķыéèëãàí ìèëëèé ìóñèķà àóäèî òàñìàëàðè òóðèñòëàðíè õàëķ ìàäàíèÿòè áèëàí òàíèøòèðøàä àæîéèá âîñèòà áыëèá õèçìàò þķèëàäè.

Ìèëëèé ðàķñëàð- ìèëëèé ìàäàíèÿòíèíã ìóxèì ýëåìåíòèëèð. Àìàëäà xàð áèð ìèíòàķà ыç ìèëëèé ðàķñèãà ýãà. Òóðèñòëàðíè ìàõñóñ øîóëàðäà, ôîëêëîð êå÷àëàðèäà, êыíãèë î÷èø äàñòóðëàðè ïàéòèäà ðàķñëàð áèëàí òàíèøòèðèø ìóìêèí. ìèëëèé ìàäàíèÿòíèíã ¸ðķèí èôîäàñè ñèôàòèäà Àôðèêà, Ïîëèíåçèÿ õàëķàðè ðàķñëàðè, ßïîíëàðíèíã "Êàáóêè", ðóñëàðíèíã "áàëåòè" áыëèøè ìóìêèí.

Õàëķ xóíàðìàíä÷èëèãè. Òóðèñòëàðíè ķààóë ķèëóâ÷è ìèíòàķà ìàxàëëèé óñòàëàð âà xóíàðìàíäëàð òîìîíèäàí èøëàíãàí (ôàáðèêà ¸êè êîñèáëèê óñóëèäà) ¸äãîðëèêëàðíèíã êåíã àññîðòèìåíòèíè òàêëèô ýòèøè ëîçèì. ¸äãîðëèêëàð ìàìëàêàò òыxðèñèäà ÿõøè õîòèðà. Áèðîķ ýñäà òóòèø êåðàêêè, ыçè áîðãàí ìàìëàêàòäà òàé¸ðëàíìàãàí õîòèðà ¸äãîðëèãè òóðèñò ó÷óí ыçèíèíã àxàìèÿòèíè éыķîòàäè âà ñîõòà ñèôàòèäà ķààóë ķèëàíàäè.

¨ããîðëèê ìàxñóëîòëàðèíèíã áàð÷à òóðëààèð, øóíèíãääåê òóðèñò ó÷óí çàðóð áыëãàí áîøқà òîâàðëàð (òóðèñòèê æèxîçëàð, ïëÿæ êèéèìëàðè) ñîòèá îëèø îñîí âà қóëàé æîéëàøãàí äыêîíëàð âà ñàâäî äыêîíëàðèäà ñîòèëèøè ëîçèì. Õàðèä қèëèø âà ïóëíè ýðêèí ñàðôëàø ñàáàëëàðè ñà¸xàò äàâðèäà æóäà êó÷ëè áыëèá. Øóíèíã ó÷óí òóðèñòèê òîâàðëàð òóðèñòëàðäà àëîxèäà òàëàáãà êыðà àñàðòèìåíòäà òàé¸ðëàíèøè ëîçèì. Àéðèì òóðèñòèê ìàðêàçëàðäà ìèëëèé óñëóáäà ìàõñóñ äыêîíñàëàð қóðèëààè, áó åðäà ìàxëèëèé óñòàëàð áóþìíè áåâîñèòà õàðèäîð èøòèðîêèäà òàé¸ðëàéäè. ¸ããîðëèê ìàxñóëîòëàðèí ñîòèøíèíã óøáó øàêëè ìèíòàқà äèққàòãà ñàçîâîðëèãèíè ыçèãà õîñëèãè xèñîáëàíàäè âà òóðèñòëàðãà êàòòà қèçèқèø óé\îòàäè.

Òàðèõ. Ìèíòàқàíèíã ìàäàíèé ñàëîxèÿòè óíèíã òàðèõèé ìåðîñèäà èôîäàëàíàäè. Êыïãèíà òóðèñòèê éыíàëèøëàð ыç òàðèõãà òóðèñòèê îқèìëàðíè æàëá ýòèø îìèëè ñèôàòèäà ýxòè¸òêîðëèê áèëàí ¸íäîøàäè. Íî¸áòàðèõèé îáåêòëàðíèíã ìàâæóäëèãè ìèíòàқààà òóðèçìíèíã ðèâîæëàíèãà çàìèí ÿðàòàäè. òÀðèõ âà òàðèõèé îáåêòëàð áèëàí òàíèøèø- òóðèñòèê ñàéëàíëàðäàí ýíã êó÷ëèñèäèð.

Ìèíòàқàíèíã òàðèõèé ìåðîñè òóðèñòèê áîçîðãà ÷èқèøíè òàқîçî қèëàäè. øóíèíã ó÷óí ìèëëèé òóðèñòèê òàøêèëîòëàð æîéíèíã òàðèõèé ñàëîxèÿòè òы\ðèñèäàãè àõáîðîòëàðíè òàðқàòèø áèëàí øó\óëëàíèøè ëîçèì. Òàðèõèé ìåðîñíè òàқäèìîòè ñîxàñèäàãè қèçèқ ÿíãèëèêëàð ñèðàñèãà âà òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøãà Åâðîïà âà ыðòà åð äåíãèçè ìàìëàêàòëàðèäà êåíã òàðқàëãàí ìàõñóñ ¸ðó\ëèê-îâîç øîó äàñòóðëàðèíè êèðèòèø ìóìêèí. Áóíäàé øîóëàðíèíã ыçèãà õîñëèãè òóðëè ìàõñóñ ýôåêòëàðäàí ôîéäàëàíèëãàí xîëäà òàðèõíèíã àëîxèäà ñàxèôàëàðèíè ¸ðèòèøäà êыðèíàäè.

Òóðèñòèê æîéëàð ó÷óí àíúàíàâèé áыëãàí âà äóí¸íèíã òóðëè áóð÷àêëàðèäàãè òóðèñòëàðíè қèçèқòèðèøãà ëà¸қàòëè ìàäàíèé òàäáèðëàðíè (ôîëêëîð, ôåñòèâàë âà áîøқàëàð) ыòêàçèø ìàқñàäãà ìóâîôèқäèð.

*Ñèíãàïóðäà ó÷èí÷è ìèíã éèëëèêíè áîøëàíèøè ìóíîñàáàòè áèëàí éðèê ìèқ¸ñèäàãè ìàëäàíèé òàäáèð òàøêèë ýòèëäè. Îñè¸ äàãè ýíã øîâ-øóâëè áàéðàì “Mille-nia Mania”áàéðàìè óçîқ ìóääàòãà-1999 éèë èþíäàí 2000 éèë àâãóñòãà÷à ìыëæàëëàíãàí ýäè. Òóðèñòëàð ìèíã éèëëèê àëìàøèíóâèíè óíèòèëìàñ òàðçäà íèøîíëàãàí ôàíòàñòèê òàäáèðëàðäà, ôåñòèâàëëàðäà êыíãèë î÷èø øîóëàðèäà èøòèðîê ýòèøäè. Áàéðàì Ñèíãàïóðíèíã òóðèçì áыéè÷à áîøқàðìàñè òîìîíèäàí èøëàíãàí ðåñòîðàöèÿ ëîéèxàñè ñàëêàì 57 ìèëëèàðä À+Ø äîëëàðèãà áàxîëàíãàí ×àåíòàóí òóìàíèíè àí÷à êåíãàéòèðèøíè êыçäà òóòóâ÷è “òóðèçì-21” ðåæàñèãà ìóâîôèқ àìàëãà îøèðèëäè. Ëîéèxà êыðà ×àåíòàóí ó÷ éèë ìîáàéíèäà Ñèíãàïóðíèíã òàðèõèé ыòìèøèíè àêñ ýòòèðóâ÷è ýíã ãààâæóì òóìàíãà à éëàíàøè ëîçèì ýäè. òóðèçì áыéè÷à áîøқàðìà ôàқàò ×àåíòàóíãà õîñ ìàõñóñ ðåæà*

*èøëàá ÷èқäè: ÿíãè éèëíè Õèòîé òàқâèì áыéöè÷à íèøîíëàø, “øåð ðàқñèíè” èæðî ýòèø, óøó áыéè÷à ìóñîáîқàëàð âà áîøқàëàð. ×àåíòàóí áèëàí áèð қàòîðäà ýòíèê xóäóäëàð ìàñàëàí, “êè÷èê xèíäèñòîí” ïàéäî áыëàäè. Èìîåã éèëëèê áàéðàìè øàxàðíè 21 àñð òóðèçìèíèíã ïîéòàõòèãà àéëàíòèðèøè êóòèëìîқäà.*

**Àäààè¸ò.** ìèíòàқà äàâàè¸ò ¸äãîðëèêëàðè ìàäàíè÷òíèíã áîøқà ýëåìåíòëàðè áèëàí ñîëèøòèðãàíäà àí÷à ÷åêëàíãàí æîçèáàäîðëèêêà ýãà, àììî ñåçèëàðëè òóðèñòèê ñàâààíè òàøêèë ýòàäè âà òóðëè éыíàëèøäàãè òóðèñòèê äàñòóð âà ìàðøóðóòëàðíè òàøêèë ýòèøãà àñîñ áыëàäè. Ìàìëàêàòäà ìàúëóì òóðäàãè àäààè¸òëàðíèíã ìàâæóäëèãè ¸êè éықëèãè óíèíã ìàäàíèé âà ñèñ¸ñèé òóçóìè àxâîëèíè êыðñàòèøè èñáîòëàíãàí. Òóðèñòëàð ó÷óí êыíãèë î÷èø äàñòóðëàðè ñèôàòèäà äàâàèé êå÷àëàðíè êèðèòèø ìàþқñàäãà ìóâîôèқ. ÷óíîí÷è àéðèì ìåxìîíõîíàëàð àæîéèá æèxîçëàíãàí êóòóáõîíàëàðãà ýãà. Òàíèøóâ òóðèçì äîèðàñèäà ìàøxóð àäààèé àñàðëàðíèíã ìóàëëèôëàðè âà қàxðàìîíëàðè íîìëàðè áèëàí áî\ëèқ æîéëàðãà äàâàèé ñà¸xàòëàð óþøòèðèø òàâñèÿ ýòèëàäè.

**Äèí.** Çè¸ðàò èíñîíèÿòãà áèð íå÷à èìîã éèëëàðäàí áó¸í ìàúëóì áыëãàí ýíã қàäèìãè ñà¸xàò òóðèäèð. Òóðèñòèê òîìîøàíèíã 80 ôîèç îáåêòè äèíèé xèñîáëàíàäè. ìàñëàí Ïàðèæäà äèíèé îáåêòëàð 44 ôîèçíè òàøêèë ýòàäè. Äèíèé ñà¸xàòíèíã ñàáàáëàðè ìàúíàâèé èíòèëèø xèñîáëàíèá, òóðèñòëàð ìàúëóì áèð äèíäà àëîxèäà íóôóçãà ýãà äèíèé ìàðêàçëàð âà ìóқàääàñ æîéëàðãà áîðàäè, äèíèé ìàðîñèìëàðíè àìàëãà îøèðàäè âà xîêàçî. Ñàááà äèííèíã êыðñàòìàëàðèäàí (ìàñàëàí, xàð áèð ìóñóëìîí Ìàêêàãà õàæ àìàëè ó÷óí áîðèøè ëîçèì) ¸êè èíñîííèíã äèíèé èíòèëèøëàðè âà ýúòèқîòèäàí êåëèá ÷èқàäè. Æàxîíäà ыç àxàìèÿòèãà êыðà ìàøxóð áыëãàí êыïëàá äèíèé ìåúìîðèé ¸äãîðëèêëàð ìàâæóä: Ôðàíöèÿäà Íîòð-Äàì äåÏàðè èáîäàòõîíàñè, Èòàëèÿäà àâëè¸ Ïåòð èáîäàòõîíàñè, Ñàìàðқàíä ўқèíèäà Èìîì àë Áóõîðèé ¸äãîðëèê ìàæìóè êààèëàð áîðêè, óëàð òóðèñòèê қèçèқèø âà æàxîíäàí òóðèñòëàðíè æàëá ýòèøíèíã ýíã ìóxèì îáåêòëàðè xèñîáëàíàäè.

**Èíäóñòðèÿ âà áèçíåñ.** Ìèíòàқà èíäóñòðèàë äàðàæàñèíèíã ðèâîæëàíèøè ìàúëóì òîèôàäàãè, àéíèқñà áîøқà ìàìëàêàòíèíã èқòèñîäèé àxâîëè, ñàíîàòè, èøëàá ÷èқàðà¸òãàí ìàxñóëîòëàðè áèëàí қèçèқà¸òãàí òóðèñòëàðíè æàëá ýòèø ó÷óí æèääèé ñàáàá xèñîáëàíàäè.

Èíäóñòðèàë òóð äåá àòàëóâ÷è ñà¸xàòëàð- òóðèñòèê áîçîðíè òåãèøëè ñåãìåíòíè êåíãàéòèðèøíèíã àæîéèá óñóëèäèð. Òóð ôèðìàëàðãà çàâîä âà ôàáðèêàëàðãà, ñàíîàò âà áîøқà îáåêòëàðãà ìàõñóñ ñà¸xàòëàðíè òàøêèë қèëèø âà ыòêàçèø òàâñèÿ ýòèëàäè. Óëàðíèíã àíèқ ðыéõàòèíè òóðèñòëàð áèëàí áåâîñèòà ¸êè áèëâîñèòà àëîқàãà ýãà áыëãàí òàøêèëîòëàð ñàâäî âà òèæîðàò äåïàðòàìåíòè , ìåxìîíõîíà êîðõîíàëàðè, ñåðâèç êîìïàíèÿëàðè áèëàí êåëèøèø çàðóð.

Ìàxñóëîòíè èøëàá ÷èқàðèø âà ñîòèø æàðà¸íëàðè áèëàí òàíèøè ìàқñàäèäà áîøқà ìàìëàêàòäàãè ìàxñóëîòíèíã ìàúëóì òóðèíè èøëàá ÷èқàðóâ÷èëàð ó÷óí èõòèñîñëàøòèðèëãàí

ãóðóx ñà¸xàòëàðèíè òàøêèë ýòèø àìàëè¸òëààí ôîéààëàíèø ìàķñàààã ìóâîôèķäëð. Àéðèì ìàìëàêàòëàðäààã òèæîðàò äåïàðòàìåíòëàðè âà òóðëè ñàíîàò ãóðóxëàðè òóðèñòëàðíè íàôàķàò ïîòåíöèàë áîçîðëàð áèëàí òàíèøòèðèø, áàëêè, óëàðíèíã ýúòèáîðíè ìàxñóëîòèíã àéðèì òóðëàðèãà æàëá ýòèø, òàëààíè êыïàéòèðèø, ñàâàî xàæìèíè îøèðèø, àëîķàëàðèí éыëãà ķыéèø ìàķñàäèäà èõòèñîñëàøòèðèëãàí ñà¸xàòëàðíè àìàë ķыëëàéäè. Ñàâäî âà áèçíåñíè òóðèçì ìàķñàäëàðèäà ôîéäàëàíèøãà Ãîíêîí ¸ðķèí ìèñîë áыëàäè. Áó åðäà àìàëèé âà ñàâäî xà¸òè òóðèñòèê òàäññóðîòëàðíèíã ìóxèì ýëåìåíòè ñèôàòèäà ìàéäîíãà ÷èķàäè.

**+èøëîķ õыæàëèêè ìàäàíèÿòè.** +èøëîķ õыæàëèãè òàðàķķè¸òèíèíã äàðàæàñè ìèíòàķà àãðîìàäàíèÿòè áèëàí ķèçèķóâ÷è ôåðìåðëàð âà ķèøëîķ õыæàëèãè ìàxñóëîòè èøëàá ÷èķàðóâ÷èëàðíèíã äèķķèòèíè ыçèãà òð\îðòèøè ìóìêèí. ìàñàëàí, Äàíèÿäà ÷ы÷ķà÷èëèê ñîxàñèäà æàxîííèíã åòàê÷èñè ñèôàòèäà òóðëè ìàìëàêàòëàðäààí xàð éèëè ôåðìåðëàð êåëèøàäè. Òóðèñòèê ìàðêàçëàð ÿķèíèäà æîéëàøãàí ôåðìåð õыæàëèêëàð ìàxàëëèé ķèøëîķ õыæàëèêè ìàxñóëîòëàðèí òàêëèô ýòèá, òóðèñòèê õèçìàò êыðñàòèøäà ìóxèì áы\ëèíãà àéëàíàäè.

Èõòèñîñëàøòèðèøãàí ñà¸xàò äàñòóðèãà òóðëè òàäáèðëàðíè êèðèòèø çàðóð. Áóíäà òóðèñòãà áó åðäàãè èøëàá ÷èķàðèëà¸òãàí ìàxñóëîòëàðíèíã àñàðòèìåíòè áèëàí òàíèøèø, óíèíã èøëàá ÷èþķàðèø æàðà¸íèäà ķàòíàøèø, ìàñàëàí, xîñèëëèíè éè\èá îëèøäà ķèçèķ òóþëàäè. Áóíäàé àìëè¸ò Ãàðàÿäà ìàâæóä áыëèá, ñà¸xàò äàñòóðèäà òóðèñòëàðíèíã ìàxàëëèé ïëàíòàöèÿëàðäà åòèøòèðèëàäèãàí àíàíàñëàðíèíã íàâëàðè áèëàí òàíèøòèðèø âà óëàðíè é\èøäà èøòèðîê ýòèø êыçäà òóòèëàäè.

**Òàúëèì.** Òàúëèìíèíã þķîðè äàðàæàñè îäàìëàðäà áèëèìãà èøòè¸ķèíè êó÷àéòèðàäè. Îäàìëàðíèíã áèð-áèðèãà òàúñèðè òóðèçì ðèâîæëàíèøãà òàúñèð ķèëóâ÷è óìóìæàxîí òóðìóø òàðçèíè øàêëëàíòèðàäè. Îäàòäà áèòòà ìàìëàêàò ôóķàðîëàðè áîøķà ìàìëèêàòíèíã òàúëèì òèçèìèäà ķèçèķèø êыðñàòàäè. Øóíèíã ó÷óí òàúëèì ìóàññàñàëàðè (êîëëåæëàð, óíèâåðñèòåòëàð âà áîøķàëàð) òóðèñòèê áîçîðäà ìàäàíèÿòíèíã ìóxèì æîçèáàäîð ýëåìåíòëàðè áыëèøè ìóìêèí. Æàxîíäà òàíèķëè Îêñôîðä âà Êåìáðèæ óíèâåðñèòåòëàðè àëîķà÷îíëàð òóðèñòèê äèķķàòãà ñàçàâîð æîéëàð âà òîìîøàíèíã ìóñòàķèë îáúåêòèãà àéëàíãàíëàð. Øóíèíã ó÷óí òàúëèì òèçèìè òóðèñòèê ñàëîxèÿòèíã ìóxèì æèxàòè xèñîáëàíàäè âà òóðèñòèê îķèìëàðíè æàëá òèøäà ýëåìåíò ñèôàòèäà ìóâàôôàķèÿòëè ôîéäàëàíèø ìóìêèí. ßõøè òàúëèì îëèø èìêîíèÿòè òóðëè ìèíòàķàëàðäààã òàëààëèðíè ыçèãà òîðòàäè, áó èñòåìîë áîçîðèäààã áàðķàðîð ñåãìåíòè ìóñòàxêàìëàéäè.

Òóðèñòèê ìàķñàäëàðäà òàúëèì ìóàññàñàëàðèäàí ôîéäàëàíèø àíúàíàñèíè ðèâîæëàíòèðèø: Àíæóìàíëàðíè, àìàëèé ó÷ðàøóâëàðíè, ñåìèíàðëàðíè êîëëåæ, óíèâåðñèòåò âà áîøķà ыķóâ ìóàññàñàëàðè áàçàñèäà òàøêèë ýòèø âà ыòêàçèø àíúàíàâèé òóñãà êèðàäè.

**Ôàí.** Èëìèé ñàëîxèÿò ìèíòàқààä áîðèø ó÷óí, àéíèқñà êèì ôàí áèëàí ááâîñèòà ìàø\óë áыëñà ¸êè ôàîëèÿòíè øó ñîxàñè áèëàí áî\ëèқ áыëñà, ìóxèì ñààááëàðäàí áыëèøè ìóìêèí. Òóðèñòèê òàøêèëîòëàð èëìèé æàìèÿòëàðãà òóðëè õèçìàòëàð (ó÷ðàøóâëàð, ñåìèíàðëàð, òàäáèðëàð ыòêàçèø) êыðñàòèøè ìóìêèí. Èëìèé òåõíèêàâèé èíқèëîá àñðèäà èëìèé ìàæìóàëàð òàíèøóâ òóðèçìèíèíã ìóxèì ðåñóðñè xèñîáëàíàäè. Îììàâèé èëìèé îáúåêòëàð ñèðàñèãà èõòèñîñëàøòèðèëãàí ìóçåéëàð âà êыðãàçìàëàð, ïëîíèòàðèëàð, øóíèíãäåê îàòîì ñòàíöèÿëàð, êîñìèê ìàðêàçëàð, қыðèқõîíàëàð, àêâàíàðþìëàð êèðèøè ìóìêèí. Èëìèé îáúåêòëàðãà ýêñêóðñèÿëàð áèëèìíèíã àíèқ ñîxàñè ìóòàõàññèñëàðè ó÷óí ¸êè îììàâèé òóðèñòëàð ó÷ó÷í òàøêèë ýòèëè ìóìêèí. Ìàñàëàí, Ôëîðèäàäàãè Æîí Êåíèäè íîìèäàãè Ó÷èøíè áîøқàðèø êîñìèê ìàðêàçè xàð éèëè êыï ìèқäîðäàãè òóðèñòëàðíè æàëá ýòàäè âà ôàííèíã áó ñîxàñèäàí ìóòëàқî áåõàáàð áыëãàí òóðèñòëàðãà xàì òàúñèìèé âà èëìèé àõàîðîòëàðíè òàêëèô ýòàäè.

**Ìèëëèé îøõîíà.** Ìèëëèé îøõîíà ìèíòàқà ìàäàíèÿòèíèíã ìóxèì ýëåìåíòè òàøêèë ýòàäè. Òóðèñòëàð ыçëàðè ñàé¸xàò қèëà¸õãàí ìàìëàêàòíèíã ìèëëèé òîàìëàðèíè òàíîâëè қèëèøíè ¸қòèðèøàäè. Ìàñàëàí, ыçáåêèñòîíãà áèðèí÷è ìàðòà êåëà¸õãàí äåÿðëè áàð÷à òóðèñòëàð ïëîâíè åéèøíè èñòàøàäè. Àéðèì ðåñòîðàíëàð ÷åò ýë òóðèñòëàðãà ìèëëèé òàîìëàðíè òàêëèô қèëàð ýêàí óëàðíèíã қàéñè ìàxñóëîòëàðäàí âà қàíäàé òàé¸ðëàíãàíëèãèíè òóøóíòèðàäè. Òóðèñòëàðäà òàêëèô ýòèëà¸õãàí ìåíþ áèëàí óé\óí òàðçäà æèxîçëàíãàí êàôå, ðåñòîðàí âà òðàêòèðëàð àëîxèäà қèçèқèø óé\îòàäè. Ìàñàëàí, ðóñ îøõîíàñè òàîìëàðèäà èõòèñîñëàøòèðèëãàí ðåñòîðàí óëàðíèíã ìèëëèé àíúàíàëàðèãà æèxîçëàíãàí áыëàäè. Òóðèñòëàð îâқàòëàíèøíè ñàôàðíèíã àñîñèé ýëåìåíòè äåá xèñîáëàøàäè. Øóíèíã ó÷óí ìèëëèé îøõîíàíèíã ыçèãà õîñëèêëàðè, òàîìëàð òóðëàðè óëàðíèíã ñèôàòè íàôàқàò äàì îëèø, áàëêè ìàìëàêàò òы\ðèñèäàãè õîòèðàëàðãà àëàáòòà ыç èçèíè қîëäèðàäè.

Øóíäàé қèëèá ìèíòàқà ìàäàíèÿòè ñïîíåòöèàë òóðèñòëàðãà ñàé¸xàòãà êó÷ëè èñòàê òó\äèðèøè ìóìêèí. Øóíèíã ó÷óí ìàäàíèé ìåðîñíè ñàқëàø âà óíäàí ñàìàðàëè ôîéäàëàíèø òóðèñòèê îқèìëàðíè áàðқàðîð æàëá ýòèø âà àíèқ òóðèñòê éыíèëèøíè îììàâèéëèãèíè ñàқëàøäà ìóxèì àxàìèÿò êàñá ýòàäè.

## 11.3 ÒÓÐÈÇÌÃÀ ÌÀÄÀÍÈÉ-ÒÀÐÈÕÈÉ ÂÀ ÒÀÁÈÈÉ ÌÅÚÐÎÑÍÈ ÌÓXÎÔÀÇÀ +ÈËÈØ ÂÀ ÔÎÉÄÀËÀÍÈØ

Æàxîí ìàäàíèé âà òóðèñòèê ôàîëèÿòíè ìóâîôèқëàøòèðèø âà ñòàíäàðòëàøòèðèøäà ÞÍÅÑÊÎ âà ÂÑÒ åòàê÷è ðîë ыéíàéäè. Óøáó òàøêèëîòëàð òîìîíèäàí îëèá áîðèëàäèãàí Áîø àññàìáëåÿëàð, àíæóìàíëàð âà áîøқà òàäáèðëàðäà æàxîííèíã åòàê÷è ìóòàõàññèñëàðè ìàäàíèÿò âà òóðèçì âàêèëëàðèíèíã èøòèðîêè ýòèøè õàëқàðî xàìîðëèêíèíã àìàëäàãè ìåõàíèçìè xèñîáëàíàäè.

óëàð òîìîíèäàí қàáóë қèëèíäèãàí қàðîðëàð ìèëëèé äàðàæàäà àìàëèé òàâñèôèàðîíè èøëàá ÷èқèøíèíã àñîñè xèñîáëàíàäè.

ÞÍÅÑÊÎíèíã òóðèçìíè ðèâîæëàíòèðèø ó÷óí ìóxîôàçà қèëèø ìóxèìëèãè òàúêèäëàíãàí ìàäàíèé-òàðèõèé âà òàáèèé ìåúðîñíè ìóxîôàçà қèëèø áыéè÷à êîíâåíöèÿ âà òàâñèÿëàðè àëîxèäà ýúòèáîðãà ëîéèқ. Ìàäàíèÿò ñîxàñèäàãè æàxîí ñè¸ñàòèíè áåëãèëîâ÷è áóáàòæàxîí êîíôåðåíöèÿñè äîèðàñèäà ìàäàíèé, òàðèõèé âà òàáèèé ìåúðîñíè ñàқëàø âà ôîéäàëàíèø àñîñèäà òóðèçìíè ðèâîæëàíòèðèø éыëëàðè òы\ðèñèäà òàâñèÿëàð қàáóë қèëèíãàí. Ìàäàíèÿò âà òóðèçì ñîxàñèäà xàìêîðëèê òàìîéèëëàðè Ìàíèëà (1980 éèë) âà Ìåõèêî (1981 éèë) øàxàðëàðèäà қàáóë қèëèíãàí äåêëîðàöèÿëàðäà ыç àêñèíè òîïãàí.

Òàðèõ, ìàäàíèÿò âà òàáèàò ¸äãîðëèêëàðè ìàìëàêàòíèíã ìèëëèé áîéëèãè xèñîáëàíàäè. òóðèñòèê ìàқñàäëàð ó÷óí xóäóäëàðíè ыçëàøòèðèø “ñàқëà-òèêëà-çàðàð åòêàçìà” òàìîéèëèãà êыðà, ýxòè¸òêîðëèê áèëàí ¸íäîøóâíè òàëàá қèëàäè.

Êыïëàá ìèíòàқàëàð қàäèìãè øàxàðëàð, қыð\îíëàð âà ñàðîé áî\ àíñàìáëëàðè, äèíèé ìåúìîð÷èëèê ìàæìóàëàðè, òàðèõèé қóðèëèøëàð, òàðèõèé-ìàäàíèé ¸äãîðëèêëàðè êàáè íî¸á òàðèõèé xóäóäëàðãà áîé. Óëàð îäàìëàðíèíã êыçëàðè éèðîқ қîëèøè ìóìêèí ýìàñ. Íî¸á xóäóäëàðíè òàøêèë ýòèøäà ôàîëèÿòíèíã àíõàíàâèé øàêëëàðèíè, óøáó xóäóäà òàðèõàò øàêëëàíãàí øàêëëàðíè xèñîáãà îëèø çàðóð. Ôàîëèÿòíèíã ÿíãè òóðëàðè áó åðäàãè ìàâæóä õыæàëèê, èæòèìîèé-ìàäàíèé âà òàáèèé æàðà¸íëàðíè êàìáà\àëëàøòèðìàññëèãè, áàëêè áîéèòèøè êåðàê.

Òóðèñòèê èíôðàòóçèëìàíè ðèâîæëàíòèðèøäà xóäóäíè òàðèõèé қè¸ôàñèíè áыçìàñëèê ëîçèì. Xàð áèð ÿíãè áèðîí ýòèëãàí òóðèñòèê ìàêàç (îáúåêò) ìèëëèé ыçèãà õîñëèê âà àíúàíàëàðãà ìîñ áыëèøè âà áèð âàқòíèíã ыçèäà ыçèíèíã òàêðîðëàíìàñ қè¸ôàñèãà ýãà áыëèøè êåðàê. òàáèèé òàðèõèé ïàðêëàðíè áàðïî ýòèø áèð áóòóí ìåúìîðèé ëàíäøàôò âà ìàäàíèé êîìïëåêñíè ñàқëàø ìàúíîñèäà қèììàòëè ìàäàíèÿò ¸äãîðëèêëàðíè àñðàøãà êыìàêëàøèøè ëîçèì. Òàêðîðëàá áыëìàñ òàðèõèé қàäðèÿò, ìèëëèé áîéëèê ñèôàòèäà қàðàëàäèãàí èíñîí қыëè, òàáèàò òîìîíèäàí ÿðàòèëãàí ìàäàíèÿò âà òàðèõ ¸äãîðëèêëàðèíè ìóxîôàçè қèëèø âà òèêëàøù çàðóð.

Ìàäàíèé тариõèé ìàæìóàëàðíè òàêëàøäà àíñàìáë ïðèíöèïèíè âà îáúåêòëàðíè àëîxèäà ëîéèxàëàøòèðèøíè қыëëàø ìóìêèí.

Ìàäàíèé, òàðèõèé âà òàáèèé ìåúðîñëàðíè қóéèäàãè òîèôàëàðãà áыëèø қàáóë қèëèíãàí:

Àñîñàí òóðèñòàëàð òîìîíèäàí ôîéäàëàíèëàäèãàí áîéëèêëàð (ôåñòèâàëëàð, òîìîøàëàð, ¸äãîðëèêëàð âà x.ê)

Àðàëàø ôîéäàëàíèëàäèãàí áîéëèêëàð. (êàì àxàìèÿòãà ýãà áыëãàí òàðèõèé ¸äãîðëèêëàð âà ìóçåéëàð, òåàòðëàð, қыðèқõîíàëàð âà áîøқàëàð)

Àñîñàí ìàxàëëèé àxîëè òîìîíèäàí ôîéäàëàíèëàäèàãàí áîéëèêëàð. (ôóқàðîëèê èíøîîòëàðè, äèíèé îáúåêòëàð, êèíîòåàòðëàð âà áîøқàëàð )

1. Ìàäàíèé ¸êè òàíèøóâ òóðèçìè.
2. Òóðèñòèê қèçèþèøíè øàêëëàíòèðèøäà ìàäàíèÿò ýëåìåíòëàðèíè ðîëè.
3. Òóðèçìäà ìàäàíè, òàðèõèé âà òàáèèé ìåúðîñëàðíè ìóxîôàçà қèëèø âà ôîéäàëàíèø.

**Хулоса**

Ìàäàíèÿò ðèâîæëàíèø, ìóxîôàçà қèëèø, ìóñòàқèëëèêíè, ñóâåðåíèòåòíè âà õàëқíèíã ыçèãà õîñëèãèíè ìóñòàxêàìëàø æàðà¸íèíèíã ïîéäåâîðè xèñîáëàíàäè. Ìàäàíèÿò âà òóðèçì òàðèõèé ðèâîæëàíèø éыëëàðèíèíã ыõøàøëèãè óëàðíèíã ÿíàäà òàðàққè¸òèäà ÿíãè ¸íäîøóâ óñëóáëàðèíè óìóìèéëèãèíè òàқàçî ýòàäè. Æàxîííèíã êыïãèíà ìàìëàêàòëàðèäà æàìèÿò xà¸òèíèíã àæðàëìàñ қèñìè áыëãàí ìàäàíèÿò âà òóðèçìíè äåìîêðàòèÿëàøòèðèø æàðà¸íè þç áåðìîқäà. ыç-ыçèíè àíãëàø âà àòðîô îëàìíè áèëèø øàõñíè ðèâîæëàíèøè âà қыéèëãàí ìàқñàäëàðãà ýðèøèø ìàäàíèÿò ñîxàñèäà áèëèìëàðãà ýãà áыëìàñäàí ìóìêèí ýìàñ.

Ìåõèêîäà ыòêàçèëãàí àíæóìàíäà (1981 éèë) ìàäàíèÿòíè èêêè õóñóñèÿòè ìàúëóì қèëèíäè. Áèðèí÷è õóñóñèÿò – ìàäàíèò àíòðîïîëîãèÿñèãà àñîñëàíãàí âà èíñîíèÿò òàáèàòãà қыøèì÷à ðàâèøäà áàðïî ýòãàí óìóìèé xàðàêòåðäàãè áàð÷à íàðñàëàð: èæòèìîèé ôèêð, õыæàëèê ôàîëèÿòè, èøëàá ÷èқàðèø, èñòåúìîë, äàâðè¸ò âà ñàíúàò, òóðìóø-òàðçè âà èíñîíèé ôàçèëàò.

Òóðèñòê èíôðàòóçèëìàíè ðèâîæëàíòèðèøäà xóäóäíè òàðèõèé қè¸ôàñèíè áыçìàñëèê ëîçèì. Xàð áèð ÿíãè áàðïî ýòèëãàí òóðèñòèê ìàêàç (îáúåêò) ìèëëèé ыçèãà õîñëèê âà àíúàíàëàðãà ìîñ áыëèøè âà áèð âàқòèíèíã ыçèäà ыçèíèíã òàêðîðëàíìàñ қè¸ôàñèãà ýãà áыëèøè êåðàê. òàáèèé òàðèõèé ïàðêëàðíè áàðïî ýòèø áèð áóòóí ìåúìîðèé ëàíäøàôò âà ìàäàíèé êîìïëåêñíè ñàқëàø ìàúíîñèäà қèììàòëè ìàäàíèÿò ¸äãîðëèêëàðíè àñðàøãà êыìàêëàøèøè ëîçèì. Òàêðîðëàá áыëìàñ òàðèõèé қàäðèÿò, ìèëëèé áîéëèê ñèôàòèäà қàðàëàäèãàí èíñîí қыëè, òàáèàò òîìîíèäàí ÿðàòèëãàí ìàäàíèÿò âà òàðèõ ¸äãîðëèêëàðèíè ìóxîôàçè қèëèø âà òèêëàøù çàðóð.

**Òàÿí÷ èáîðàëàð:** Âèêàð íàçàðèÿëàð, Íîìàðêàççëàøòèðèø, Óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàøòèðèø, Èíäóâèäóàë ìîòèâàöèÿ, Êîììóíèêàöèÿ, Êîíòåíò íàçàðèÿëàð, Íàçîðàò, Êîðïîðàòèâ ìàäàíèÿò, Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà, қèñқà ìóääàòëè ðåæàëàøòèðèø, øàõñèé æàâîáãàðëèê, ìèññèÿ, ìîòèâàöèÿ, áîøқàðóâ ìåú¸ðè, ñèôàòíè òыëà áîøқàðèø, қàðîð қàüáóë қèëèø, ïðîôåññèîíàëèçì, ïðîöåññîð íàçàðèÿëàð, ðåçþìå, êóçàòóâ õàòè À. Ìàñëîó íàçàðèÿñè, Ô.Õåðóáåðã íàçàðèÿñè, ìîòèâàöèÿ ãèãèåíèê íàçàðèÿñè, ìàқñàäëè éыíàëàøè íàçàðèÿñè, ýêâèòàöèÿ íàçàðèÿñè, ýêñïèêòàöèÿ íàçàðèÿñè âà ìàðêàçëàøòèðèøíèíã ìàқñàä âà âàçèôàëàðè, À. Ìàñëîó, Ô. Õåðóáåðã, Õ. Â. Õåëäåíáïàíä.

**Íàçîðàò ñàâîëëàðè:**

1. +èñқà ìóääàòëè âà óçîқ ìóääàòëè ðåæàëàøòðèø 1ыðòàñèäàãè ôàðқèíè òóøóíòèíðèíã âà ðåæàëàøòèðèø ïðîöåäóðàñèíèíã åòòè áîñқè÷èíè òóøóíòèðèíã?

2. Êîðõîíàíèíã ðàñìèé âà íîðàñìèé òàøêèëëèé òóçóëìàñè òы\ðèñèäàãè ôàðқíè òóøèíòèðèíã?

3. +àðîð қàáóë қèëèø æàðà¸íèäà ñàêêèçòà àññîñèé áîñқè÷íè êыðñàòèíã? Íèìà ó÷óí ìóðàêêààá òàøêèëèé òóçóëìàãà ўãà áыëãàí éèðèê êîðõîíàëàðäà êыïðîқ ñòàíäàðò қàðîðëàð қàáóë қèëèíàäè?

4. Ìîòèâàöèÿ òóøóí÷àñèãà èçîх áåðèíã âà Âèêàð ықèòèø ýêïåêòàöèÿ íàçàðèÿñè íèìàëèãèíè òóøóíòèðèíã?

5. Êîðïîðàòèâ ôàëñàôà, ñèôàòëè ðàхáàðëèê âà ñèôàòíè òыëà áîøқàðèø ыðòàñèäàãè ìàâæóä àëîқàíè òóøóíòèðèíã?

- 6. Èøãà қàáóë қèëèø ïàéòèäàãè ñóхáàòäà ўõøè êыðèíèø ó÷óí қàéñè ыíòà ïóíêòíè ыéëàá êыðèø êåðàê?

### Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.

7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)
9. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
10. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
11. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.- Москва, НИМП, 1999
12. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
13. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.
14. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London
15. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.
16. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

## Интернет сайтлари

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm

http://www.world-tourism.org

http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

## ÕÓËÎÑÀ

Òóðèçì çàìîíààêè õыæàëèêëä  ýíã ыñà¸òãàí ñîxà xèñîáëàíääè. èæòèìîèé –ìàäèíé õèçìàò õàëқàðî òóðèçìíèíã òàðìî\è ñèôàòèää - òóðèñòëàðãà êîìïëåêñ õèçìàò êыðñàòèøíèíã àæðàëìàñ қèñìèäèð. Èæòèìîèé ìàäèíèé õèçìàò ìàçìóíè äàâëàò èқòèñîäèé, ìàúðèôèé, ìàäèíèé-òàðáèÿâèé âà èæòèìîèé ñè¸ñàòè òàúñèðè îñòèäà øàêëëàíãàí âà ðèâîæëàí¸òãàí ìèëëèé ìåxìîíäîð÷èëèê ôàîëèÿòè áèëàí áî\ëèқ.

Óøáó ñîxàäà èøëîâ÷è ýêñêóðñàâîä òàêëèô ýòèëà¸òãàí õèçìàòëàð âà òîâàðëàðíè òóçèëãàí øàðòíîìàãà ìóâîôèқ ñîíè âà ñèôàòèíè íàçîðàò қèëèøè ëîçèì. Ó óþøòèðèëãàí òóðèñòëàð âà èñòèìîë қèëèø ó÷óí òîâàð âà õèçìàòëàðíè èøëàá ÷èқàðà¸òãàí òóðèñòèê êîðõîíàëàðíèíã ìàíôààòëàðèíè xèìîÿ қèëàäè.

Øó åðäà õèçìàò êыðñàòóâ÷èëàð âà  õèçìàòíè îëóâ÷èëàð ыðòàñèäà êыï ïëàíëè ìóíîñàáàòëàð ïàéäî áыëàäè âà àìàëãà êèðèäà øóíèíã ó÷óí òóðèñòëàðãà èæòèìîèé-ìàäèíé õèçìàò ìóxèì àxàìèÿò êàñá ýòàäè. Óøáó ñîxààãè õèçìàò ñèôàòíè ÿõøèëàø êыçäà òóòàäè:

- Ìàõàëëèé ìààíèÿò, ìóñèқà, òåàòð ñàíúàò âà xóíàðìàíä÷èëèêíè ыçèãà õîñëèãè âà àñë õóñóñèÿòèíè òàúêèëîâ÷è ýêñêóðñèÿëàð ìàâçóèíè òàêîìèëëàøòèðèø;
- Ìàõàëëèé àxîëèíèíã òóðèñòèê äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàð, îáúåêòëàð âà õèçìàòëàðãà êèðèøíè òàúìèíëàø;
- Ìîëèÿâèé ðà\áàòëàíòèðèø,ìàõàëëèé àxîëèíè ýêñêóðñèÿ ôàîëèÿòèãà æàëá ýòèø ìàқñàäèäà ïðîôåññèîíàë òàé¸ðãàðëèãèíè âà ықèòèøíèíã áîøқà øàëëàðíè òàøêèë ýòèø;

- Äèққàòãà ñàçîâîð æîéëàðíè ыòà ãàâæóìëèãèíè îëäèíè îëèø ìàқñàäèäà òóðèñòèê îáúåêòëàðãà áîðèøíè òàøêèë ýòèø þçàñèäàí íàçîðàò ÷îðàëàðèíè қàáóë қèëèø;
- Ìàхàëëèé àхîëèíè òóðèçìíè қàäðèÿòëàðè, òóðèñòëàðíè ýñà ìàõàëëèé àíúàíà âà óðô-îäàòëàð áèëàí òàíèøòèðèø;
- Ìàõàëëèé ìàäàíèé àíúàíàëàðãà ýхòè¸òêîðëèê âà õóðìàò áèëàí ìóíîñàáàòäà áыëãàí òóðèñòëàðíè òàíëîâ ìàðêåòèíãè âà òóðèñòèê äèққàòñãà ñàçîâîð æîéëàð хàìäà îáúåêòëàð íàçîðàòè óñóëè áыëè÷à ðà\áàòëàíòèðèø;

Ñîхà áîøқàðóâèíèíã áàð÷à äàðàæàëàðèäà ñàìàðàëè èøëàø ó÷óí ìàхàëëèé àхîëèíè êàñáè òàé¸ðëàø áó ìàõàëëèé àхîëè ó÷óí èø ыðèíëàðèíè êыïàéèøèãà, øóíãà ìóâîôèқ (êàñáèé ìàëàêàíèíã ыñèøè âà êыðñàòèëà¸òãàí õèçìàòëàðíèíã ÿõøèëàíèøè òóôàéëè) òóðèñòëàðíèíã þêñàê äàðàæàäà қîíèқèøèãà îëèá êåëàäè.

## Фойдаланилган адабиётлар руйхати.


1. УР «Туризм тугрисидаги Конун» Халк сузи, 14 ноябр, 1999 й.
2. УР «Сугурта тугрисида» конуни.
3. УР янги конунлари. Т., 2000
4. «Туристик ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш» буйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 8 август 1998 йил № 346 карори.
5. 2 июл 1995 й. «Буюк ипак йулини тиклаш ва халкаро туризмни ривожлантириш борасида Узбекистон Республикаси иштирокини фаолаштириш чора тадбирлари тугрисида» ги Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг фармони.
6. «Узбекистон Республикасида халкаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора тадбирлари» тугрисида Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 3. 06. 1995 й. дагги № 210 карори.
7. И.А. Каримов. Узбекистон XXI аср бусагасида хавфсизликка тахдид, баркаролик шартлари ва тараккиет кафолатлари» Т. «Узбекистон» 1997.
8. Осакская декларация тысячелетия. 30 сентябр-1 октября 2001г. В г Осака (Япония)

**Кушимча адабиётлар:**

1. Abraham Pizam & Yoel Mansfeld., Tourism, Crime and International security issues. New York, 1997.
2. Балабанов А. Экономика туризма.-Москва, 2000.
3. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие.-Москва, НИМП, 1999
4. Биржаков М.Б. Введение в туризм.-Санкт-Петербург, Издательский торговый дом «Герда» 2000
5. Брисев К.Г. Международный туризм и право: Учебное пособие.-Москва, НИМП, 1999
6. Гвозденко А.А. Основы страхования в туризме. Учебник.-Москва, РМАТ, 1997.
7. Гуляев В.Г. Организация туристической деятельности: учебное пособие.- Москва, Нолидж, 1996.
8. Ефремова М.В. Основы технологии туристского бизнеса: Учебное пособие.-Москав. Ось –89, 1999.
9. Ефимов С.Л. Организация управления страховой компнией: теория, практика, зарубежный опыт.-Москва, Российский Юридический издательский дом, 1995.
10. Квартальников В.А. Менежмент туризма./Москва, РМАТ, 1996.
11. Квартальников В.А. Туризм./Москва, Финанс и статистика, 2001.
12. Коломин Е.В., Шахов В.В. Словарь страховых терминов.-Москва, Финансы и статистика, 1992.
13. Кто страхует пассажира. Бизнес-Вестник Востока, 2003, 15 мая, с. 7
14. На чужбине помогает страховка.- Бизнес-Вестник Востока, 2003, 15 мая, с.7
15. Папирян Г.А. Менежмент в индустрии гостеприимства: (отели и рестораны).-Москва, Экономика, 2000.

16. Практическое пособие по страховой деятельности: Документы комментарии, расъяснения. М.: Дизайн-рус-инвест, 1993.
17. Пылов К.И. Страховое дело в России.-Москва, Юридическое издательство «ЭДМА», 1993.
18. Ретман Л.И. Страховое дело. Учебник.-Москва, Банковский и биржевой научно-консультационный центр, 1992.
19. Сенин Ф. Организация туристской деятельности. Москва 2000.
20. Тузмухаммедов Р.А., Хакимрв Р.Т. Основа международного права.-Ташкент,1998.
21. Туризм и гостиничное хозяйство. Учебник. Под. ред. Проф. Д.э.н.Чудновского А.Д.-Москва, Ассоциация авторов и издателей «Тандем». Издательство Эксмос, 2000.
22. Туристский терминологический словарь: справочно-методическое пособие. Авт. Сотв. И.В. Зорин, В.А. Квартальнов.-Москва, советский спорт, 2001.
23. Уваров В.Д., Борисов К.Г. Международные туристские организации. Справочник.-Москва, Международные отношения, 1990.
24. Холопова Т.И., Лебедева М.М. Протокол и этикет для деловых людей. Москва, Инфра-М, 1992.
25. Эшанов Г.Э. Программа прогресса Узбекистана. Методическое пособие.-Ташкент, 1998.

**Хорижий адабиётлар.**

**References**

1. Boo, E. (1990) *Ecotourism: the Potentials and Pitfalls*, Vols. 1 and 2, WWF-US, Washington D.C.

2. France, L., ed. (1997) *The Earthscan Reader in Sustainable Tourism*, Earthscan, London.

3. Hall, C.M. and Lew, A.A., eds. (1998) *Sustainable Tourism Development*, Addison Wesley Longman, Harlow, UK.

4. Harrison, D., ed. (1992) *Tourism and Less Developed Countries*, Bellhaven Press, London.

5. McLaren, D., (1999) *Rethinking Tourism and Ecotravel*, Kumarian Press, London.

*New Internationalist*: July 1993

There are many excellent Internet resources on sustainable tourism. Some examples include:

http://www.yorku.ca/research/dkproj/string/rohr/articles.htm

http://www.world-tourism.org

http://www2.planeta.com/mader/ecotravel/tour/reference.html

http://www.transabroad.com/travel/resre.htm

http://www.igc.apc.org/ran/info_center/ecotourism.html

http://www.tourism.ru

http://www.travel.ru

http://www.palomnik.ru

## МУНДАРИЖА

Кириш ........................................................................3

1-Мавзу. Хизмат курсатиш анимациясига таъриф…………………………..5

2-Мавзу. Дам олиш тизими эгалик. Таймшер……………………………17

3-Мавзу. Туризм ва экология. Экотуризм. Туризмда экологик менежмент...............................................…26

4-Мавзу. Ижтимоий туризм……………………………………………33

5-Мавзу. Маданият - туристик саехатларни мотивация килувчи омил сифатида……………………………………………………………40

6-Мавзу. Äàì îëèø âà êыíãèë  îчèø……………………………………71

7-Мавзу. Êåíãàø, àíæóìàí âà ýêñïîçèöèя……………………………91

8-Мавзу. Ìàðêåòèíã: ìàäèíяòíè ìåхíàò çàхèðàëàðè……………………...104

9-Мавзу. Менежмент: профессионаллик маданияти……………………….119
10-Мавзу. Туризмнинг ижтимоий психологик аспектлари……………….137
11-Мавзу. Маданият туристик мотивация омили сифатида……………..155
Хулоса……………………………………………………………………169
Фойдаланилган адабиётлар……………………………………………170